

Нодиржон АБДУЛАҲАТОВ, Саиджамолхон АБРОРОВ,
Алишербек ТОШҚУЛОВ

САРМОЗОР ЗИЁРАТГОҲИ



ТОШКЕНТ – 2014

УЎК: 008 (09) (575.121)

КБК 63.3(5Ў)

A-15

Абдулахатов, Нодиржон.

Сармозор зиёратгоҳи / Н. Абдулахатов, С. Аброров, А.Тошқулов. – Тошкент: ВАҲОЗ, 2014. 192 б.

“Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармаси Фарғона вилоят бошқармаси ҳамкорлигида чоп этилган.

Масъул муҳаррирлар:

Турсун Тоҳир ҳожи Эрбўтаев – Ўзбекистон Муслмонлар идорасининг Фарғона вилоятидаги вакили, вилоят бош имом хатиби,
Икромиддин Останақулов – тарих фанлари доктори.

Такризчилар:

Гулишан Мадраҳимова – тарих фанлари номзоди.

Ўткир Юсунов – фалсафа фанлари номзоди.

Китоб Фарғона вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти илмий кенгашининг 2014 йил 30 мартдаги 4-сонли йиғилишида муҳокама этилган ва чоп этиш учун тавсия қилинган.

Мазкур китоб Марғилон депарасидаги машҳур зиёратгоҳлардан бири Сармозор билан боғлиқ халқона қарашлар, ривоятлар ҳамда зиёратгоҳ ва у жойлашган манзил, авлод-аждодлар тарихи ҳақида ҳикоя қилади. Мазкур асарда Туркистон халқлари тарихи, шу жумладан, Қўқон хонлиги тарихига доир қимматли маълумотларнинг келтирилиши ҳам тарихимиз мухлисларига муносиб тухфадир. Китоб “Водий қадамжойлари” рукнида чоп этилиб, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

УЎК: 008 (09) (575.121)

КБК 63.3(5Ў)

ISBN 978-9943-4357-6-6

© “ВАҲОЗ” нашриёти, 2014

© Н. Абдулахатов, С. Аброров, А. Тошқулов, 2014.

МУҚАДДИМА

ёхуд мазкур китоб нима учун ёзилганлиги ҳақида

XXI аср арафаларидан ўзбек халқи улуғ тарихий воқеаларни бошидан кечирмоқда. Зеро, жонажон Ватанимиз Ўзбекистон етмиш йилдан зиёд давом этиб келган сиёсий мутеълик ва асоратдан қутулиб, мустақил давлат сифатида жаҳонга юз тутди. Истиклол туфайли юртимизда ҳар бир нарса ўз номи билан аталадиган бўлиб, иймон-эътиқод, миллат, Ватан каби муқаддас ва мўътабар тушунчалар ўзининг асл моҳияти ва мазмуни билан уйғунлашди. Муҳтарам Президентимиз Ислоҳ Каримов айтганларидек, “Биз учун мустақиллик – энг аввало, ўз тақдиримизни қўлимизга олиш, ўзлигимизни англаш, миллий қадриятларни, урф-одатларимизни тиклаш, ҳаммамиз учун мўътабар шу заминда, ҳар бир хонадонда тинчлик-осойишталик, барқарорлик сақлашдир. Азиз Ватанимизда адолат, инсоф, дину диёнат, меҳру оқибатни қарор топтиришдир”.

Энг қувонарли жойи шундаки, халқимизнинг ўтмишига бўлган муносабат буткул ўзгарди. Ўзбек халқига миллий қадриятлар ва маънавий-маданий мерослардан баҳраманд бўлиш бахти насиб этди.

Муҳтарам ўқувчи, сизга тақдим этилаётган ушбу китобда шу кунларга қадар тилга олинмай келинган Сармозор зиёратгоҳи мавзусида сўз юритилиб, унинг тарихи билан боғлиқ воқеалар имкон қадар баён этилган. Китоб муаллифлари Сармозор тарихини ўрганиш чоғида тарихий манбалар билан чекланиб қолмай, унинг ўтмишидан хабардор бўлган кўп кишилар билан учрашдилар ва уларнинг суҳбатлари маҳсули сифатида айрим жумбоқларга ойдинлик киритишга муяссар ҳам бўлишди.

Ҳар бир оила ўз ота-боболаридан қолган буюмларни муқаддас, деб билади. Зеро, ана шу буюмларнинг муқаддаслиги уларнинг аждодлардан авлодларига ўтиб, йиллар, асрлар мобайнида йўқолмай, бизнинг даврларга қадар етиб келишга сабаб бўлган. Неча-неча авлодлар фоний дунёдан боқий дунёга рихлат этиб кетган бўлса-да, уларнинг азиз қадриятлари ҳамон бизнинг буюк маданий меросимизни намоён этувчи восита сифатида хизмат қилмоқда. Агар бундай ашёлар диний ёки тарихий аҳамиятга молик бўлса, у нафақат маълум бир оила, балки умумхалқ томонидан ҳам қадрланади. Чунинчи, мазкур китобда ҳазрат Мир Абдурахимхожа, яъни Сармозор ҳазратларидан қолган табаррук ашёлар тўғрисида қизиқарли маълумотлар ҳам кўрсатилган.

Қўлингиздаги китобнинг ёзилишига яна бир муҳим сабаб бор. Муаллифлардан бири Саиджамол Саидкамолхон ўғли (Аброров) мазкур асарни тайёрлаш жараёнида бевосита иштирок эта олишмади. Чунки... улар ҳозирда боқий олам аҳиллари сафидалар (Яратган Эгам ўз раҳматига олган бўлсин). Аммо, улар ёзиб қолдирган “Аброрнома” кўлёзма рисола матни ушбу китоб учун мисоли пойдевор вазифасини ўтади. Кўлёзма муқаддимасида, жумладан куйидагилар ёзилган:

“Аллоҳнинг инояти билан мен бир ақли ожиз камтарин фаҳм саййидзода Саиджамол Саидкамолхон ўғли кўп хатолар билан авлоду-аждодларим шажарасини қайта тузишга ва бу шажарани келажак авлодларимизга етказишга ҳаракат қилдим.

Асосий мақсадим, шажарани авлодда зикр этиб ўтилган улуғ боболаримиз, момоларимиз ҳаёти, ота-боболаримиз тарихи ҳамда Сармозор буваимиз Хожа Мир Абдурахим эшон ва Сармозор қишлоғи тарихи ҳақида эшитганларим ва суриштириб билганларимни оққа тушириб, ёш авлодларга етказишдан иборат.

Менинг бундай нозик ишга кўл уришимга туртки бўлган яна бир нарса, 1999 йили саййидзода Мир Абдурахим эшон (Сармозор бува) авлодлариға тегишли мухр ва шажаранинг сирли равишда йўқолиши, собиқ шўролар даври тузуми таъсирида ҳамда 1969 йили Тошхон отин буви вафот қилганларида, шажарамиздаги барча аждодларимиз тарихи ёзилган китоб йўқолиб, унинг шу кунгача топилмаганлигидир.

Шунингдек, ҳозирги давр талаби ёшларимиз ўз тарихларини, яъни ўз юрти тарихини, шаҳри ва қишлоғи тарихини, ўз ота-боболари ҳамда ўтган улуғларимиз тарихини яхши билсинлар. Улуғларимиз айтганидек, мустақилликнинг энг олий неъматини халқининг иззатини жойига қўйиш билан камолга етади, ҳар бир инсон фарзанди ўзининг етти пуштини, яъни етти аждодларини билиши шарт”.

Ҳаммуаллифлар кўлёзма нусхадан кўплаб маълумотларни олиб, уларни тўлдириб, янги манбааларни қўшиб, алалоқибат шундай хулосага келдикки, “Аброрнома” шунчаки “хамиртуриш” мисоли дастлабки тадқиқотгина эмас, балки ёзилаётган китобнинг маёғи каби бизларни олдинга ундаб, йўлларимизни, гўёки, ёритиб келди. Саиджамол Аброров эса ғойибона биз билан бирга қалам тебратди, ёнимизда гўёки маслаҳатгўй бўлди. Шу сабабдан ҳам уларнинг руҳини шод этиш илинжида ҳаммуаллифлар сафига қўшдик.

Бу С. Аброровнинг муаллиф сифатидаги биринчи эътироф этилиши бўлгани учун алар ҳақида китобхонларга мухтасар маълумот бериш учун фарзандлари Жавохир Аброровнинг қуйидаги сўзларини келтиришни лозим топдик:

“Отам Саиджамол 1957 йилда таваллуд топганлар. Ўзлари ора-ора эслаб қолиб, сўзлаб беришларича,

ёшликлари бошқа тенгдошлари каби доимий ўйин кулги-ю, хурсандчилик билан банд бўлмаган. Отам, мактаб ёшиданок, оиланинг катталиги сабабли, оила рўзғорига бакор бўлиш учун оталари, яъни менинг опоқим бўлмиш Саидкамолхоннинг ёнларига кирганлар. Мактаб ёшиданок, новвойхонада ишлаган. Шунга қарамай отам мактаб таълимини ҳам яхши ўзлаштириб борганлар. Ҳаётларида мактабдаги ўқитувчиларини кўп эслашарди. Оилани тебратиш билан бирга Ўзбекистон Давлат Миллий университетининг тарих факультетида ўқиганлар. Отам ўша вақтдаги тенгдошларидан фарқли равишда, ўқишдан ташқари, қурилишда ишлаб, оилага моддий ёрдам бериб турганлар. Ўқишни тамомлаганларидан сўнг, ички ишлар органларига ишга кириб, заҳматли касбда фидойилик билан турли лавозимларда хизмат қилиб, нафақага чиққанлар.

Дадам умриларининг охиригача яқинларига, оилага, қариндошу уруғларга, дўст-биродарларга, умуман барча одамларга ўз ёрдамларини аямаганлар. Ёрдамни катта ёки майдасини фарқига бормаганлар. Ҳушмуомалали, хушхулқли, дили пок инсон бўлганлар. Қариндош-уруғлар, кўни-қўшнилари, куда-андалар билан доим яхши муносабатда бўлганлар. Оилаларига меҳрибон ва ғамхўр ота эдилар, тўрт ўғил ва бир қизнинг тарбиясида бўлганлар. Ҳозирда барчалари олий маълумотли бўлиб, турли касбларда халқ ва Ватан хизматида. Боланинг бегонасини ажратмас эдилар. Ички ишлар идорасида ишлаб, ёшлари катта одам бўлсалар ҳам, бизга “Мен ёшлигимда болалар боғчасида ишлашни хоҳлаганман”, деб кулиб гапириб берар эдилар”.

Аслида, оддий бир тақдир баёнига ўхшасада, бу инсон атворидаги самимийликка, олийжанобликка эътибор бердингизми? Биз китоб тадқиқоти давомида мана шу самимийликни, оддийликни дастуриламал

қилиб олишга ҳаракат қилдик, холос. Қолгани барчаси мўмин биродаримизнинг илҳоми, демак унинг бисоти сифатида бунёдга келди.

Китобда манбаларда келган Мир Абдурахимхожа эшон яшаган давр муҳити, унинг атрофидаги одамлар билан боғлиқ ёзма ва оғзаки маълумотлар, ибратли ҳикоялар жамланиб, умумлаштирилган. Шунинг учун у, назаримизда, тарихни ўрганишда, ёшларни юксак маънавий фазилатларга эга қилиб тарбиялашда ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Бинобарин, бугунги мустақил давлатчилигимизда маънавий мероснинг ўрни нақадар юксак эканлиги қайта-қайта таъкидланаётган бир вақтда, ушбу китобнинг муҳтарам китобхонларимиз томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинишига умид қиламиз.

Мазкур асар Сармозор азизлар зиёратгоҳи муқаддас кадамжойи тарихига қизиққанлар учун ўзига хос манба вазифасини бажаради, деган умиддамиз.

САРМОЗОР ЗИЁРАТГОҲЛАРИ

Фарғона водийсининг Қўқон, Андижон, Наманган, Марғилон, Ўш, Шаҳрихон сингари шаҳарларида Сармозор, яъни, “Катта мозор”, “Бош мозор” деб аталувчи зиёратгоҳлар ва жой номлари мавжуд. Бу ҳақда шоир Салоҳиддин Соқиб¹ Хувайдо девонининг хотимасида қуйидаги мисраларни битган эди:

Бул китоби Худо, Хувайдони
Ўғлидур Ўш шаҳри эшони.

Турбати халққа зиёратгоҳ,
Сармозор они дер Ибодуллоҳ.

Холмуҳаммад халифа қутби замон,
Онинг ўғли Сирожиддин эшон.

Ба лақаби шеърида Сирожийдур,
Шуароларнинг шеъри тожидур.

¹ Салоҳиддин Соқиб 1838 йилда туғилган. У 1863 йили Қошғарга бориб, бир йил Хўтанда, тўққиз йил Ёркентда истиқомат қилган. Шундан сўнг ватанига қайтиб, 1910 йил 13 ноябр пайшанба куни Ўшда вафот этган. Уни Сармозордаги аждодлар хилхонасига дафн этишган. Бу ҳақда “Тазкираи Қаюмий”да қуйидагилар баён этилган: “Соқиб –бу киши Ўш шаҳридан бўлуб, номи Ҳожи Салоҳиддиндур. Мавлавий Сирожиддиннинг ўғлидур. Хувайдойи Чимёний набирасининг ўғлидур. Хижрий ила 1326нчи йилда Хувайдойи Чимёнийнинг девонини Тошкентда босдирмишдур... шеърда тахаллуси Соқибдур. Соқиб аввал Ўшда, сўнг Қўқон мадрасаларида илм олиб, адабий давраларда катнашиб, етук ва истеъдодли шоир бўлиб етишади Унинг “Маълумоти Соқибий” (Соқибийнинг жорий қилинган амаллари) рисоласи нақшбандия сулуки соликлари учун қўлланма сифатида ёзилган. Салоҳиддин ҳазратлари муридларига вазифа берар экан, ўз фикрининг исботи учун Хувайдо ғазалларига ҳам кўп ўринларда мурожаат этган. Рус зобити В. А. Парфентьевнинг таъкидлашича, Салоҳиддин эшоннинг обрўси шу қадар баланд бўлганки, ўша вақтларда аксарият Водил аҳли ўзларини Салоҳиддин Соқиб ҳазратларига мурид деб билишган.

Соқибби хастадил Салоҳиддин,
Валади Мавлавий Сироҷиддин¹.

Ушбу мисраларда айтилган фикрлардан англашиладики, шоир Хожаназар Хувайдо авлодларининг бош зиёратгоҳларидан бири Ўшдаги Сармозор зиёратгоҳи ҳисобланган. Шу сабабдан тариқат аҳлларидан бўлган табаррук зотлардан айримлари ўзларини Ўшдаги Сармозорга дафн этилишини васият ҳам қилганлар. Масалан Эшмуҳаммад² (1780-1866) тўғрисида Шаҳрихоннинг Сарой қишлоғида яшовчи меҳнат фахрийси, устоз-мураббий Ғуломжон ҳожи Мирзааҳмедов ўзининг Сарой қишлоғи тарихини ёритувчи рисоласида жумладан шундай ёзади:

“Эшмуҳаммад эшон ушбу қишлоқда яшаб, кўпайиб бу ерларга файз-барака киргизди. Аллоҳ ризолиги учун иш қилишни элимизга ўргатди. Эшонбува умрлари охирида тоблари қочганда “Бизни Ўшга қўйинглар”, дер экан. Қишлоқнинг катталари хусусан Ниёзмат амин “Ўш йўллари нотинч” деб тушунтирганларидан сўнг, “Саройликларнинг бахти бор экан”, деб ройишлик бирдирган эканлар... Сарой мозори, шу ердаги дастлабки саройилар мозоридир. Оталаримиз бу ерни ҳурматлаб мозорбува – боболар мозори дейишарди.

Атрофда бу мозорни улуғлаб “Сармозор” деб аташади. Улуғ кишиларимиз Сарой қабристонини 7 қат бўлди – дейишади. Бу бизнингча бу ерда (Саройда) 7 –

¹ Жалолов Т. Нафосат оламида. – Т.: “Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти”, 1974. 158-б.

² Маълумотларга кўра, бешариқлик Эшмуҳаммад эшон умрларининг охирида Шаҳрихонга келиб яшай бошлайди. Чунки Шаҳрихон аҳли унинг бу ерга келишини кўпдан бери интиқлик билан кутиб яшаганлар. Зеро, ўша вақтларда Шаҳрихонсойда юз бериб турган тошқинларни Эшмуҳаммад эшоннинг дуолари туфайли тўхташига ишонганлар. Дарҳақиқат, Эшмуҳаммад этакларига тупроқ солиб, сойнинг қишлоқ томонига сепибдики, қишлоқ томон пастликда жойлашганига қарамай тошқин юз бермабди. Эшмуҳаммад 1866 йили 86 ёшида бандаликни бажо келтирадилар. Ул зот Сарой қишлоғига дафн этилади.

авлод яшамокда деганидир. Сарой қишлоқда яшаётган одамларнинг шажаралари бунинг исботи бўлади. Барча ўрганилган (танланган) хонадон авлодлари еттинчи авлоддан саккизинчи авлодга ўтганлар. Саккизинчи авлоддан тўққизинчи авлодга ўтганлари ҳам бор.

Айтиш жоизки, Фарғона водийсидаги энг қадимги зиёратгоҳлардан бири Қутайба ибн Муслим¹ мозори ҳам ёзма манбаларда Сармозор Шох Қутайба номи билан аталган². Шунингдек, ёзма манбаларда шайхул ислом Сулаймонхожани Андижон шаҳрида Сармозор қабристонига дафн этилганлиги қайд этилган³.

Қўқон шаҳридаги машҳур Сармозор маҳалласи ва шу ном билан аталувчи қабристонини ўлкашунос Муҳаммад Яҳёхон Дадабоев шундай изоҳлайди:

¹ Абу Ҳафс Қутайба ибн Муслим Боҳилий раҳматуллоҳи алайҳ ҳижрий 49 (милодий 660 йил) туғилган. У киши тобеинлардан бўлиб, Имрон ибн Ҳусайн ва Абу Саид Худрий розийаллоҳу анҳумолардан ҳадис ривоят қилган. Ҳижрий биринчи аср мусулмонларининг машҳур қўмондонларидан бири бўлган. Бешинчи умавий халифа Абдул Малик ибн Марвон даврида Рай шаҳрига, олтинчи халифа Валид ибн Абдул Малик даврида Хуросон ўлкасига волий-ҳоким бўлган.

Умрининг охирида Мовароуннаҳр диёрини фатҳ қилиб, Ислом динини мустаҳкам ўрнатган ва то вафоти (ҳиж. 96 йил – мил. 715 йил)гача Мовароуннаҳр диёрида ўн уч йил волийлик қилган. Қутайба раҳматуллоҳи алайҳнинг қаерда ўлдирилгани ва қабри ҳозир қаерда экани ҳақида икки хил маълумот бор: Биринчиси: Хуросон ўлкасида. Бу ҳақда имом Бухорий “Ат-тарихул кабир” (7/462), “Ат-тарихус сағир” (2/34), Табарий “Тарихул умами вал мулк” (4/34), Заҳабий “Ал-ибар фи хабари ман ғабар” (1/20), Ибн Асир “Ал-комил фит тарих” (18/19), Ибн Жавзий “Ал-мунтазим фит тарих” (7/12), Усфурий “Тариху Халифа ибн Хайёт” (1/243), Абдул Ҳай ибн Аҳмад Димашқий “Шазаротуз заҳаб фи ахбори ман заҳаб” (1/105), Ибн Дурайд “Ал-иштиқок” (1/75) ва Нувайрийлар “Ниҳоятул араб фи фунунил адаб” (6/69) китобларида: “Қутайба ибн Муслим Хуросонда ўлдирилган”, дейишади. Иккинчиси: Фарғона водийида. Бу ҳақда Ибн Асокир “Тариху Димашқ” (21/474), Ибн Халликон “Вафаётул аъён” (4/88), Зириклий “Ал-аълум” (5/190), Сафадий “Ал-вофий фил вафаёт” (5/99), Ибн Қутайба “Ал-маъориф” (1/100), Абу Яъло Халилий “Ал-иршод фи маърифати уламоил ҳадис” (3/201), Аскарый “Ал-авоил” (1/111) ва Аҳмад ибн Марвонлар “Ал-муҷолаساتу ва жавоҳир ул-илм” (4/90) китобларида: “Қутайба ибн Муслим Фарғонада ўлдирилган”, дейишади.

² Бу ҳақда қаранг: Синьцзян ва Фарғонада топилган мазор ҳужжатлари (факсимеле). Тузувчилар: Сугавара Ж, Каваҳара Я. Токио чет тиллари университети, Осиё–Африка тил–маданияти тадқиқоти институти. 2006.

³ Бейсимбеёв Т.К. Кокандская историография: Исследование по источниковедению Средней Азии XVIII–XIX веков. Алматы: ТОО “Print-S”, 2009. С.992.

“Маҳалланинг азалий номи Сармозор. Бу ҳудудда Қўқондаги энг қадимий қабристон бўлмиш Сармозор қабристони жойлашган. Бу қабристон шайбонийлар даврида ҳам бор эди. Бу ном форс тилидан олинган бўлиб, “Сар” – катта, асосий, бош маъноларини билдиради. Қабристон нафақат маҳаллага, балки шаҳарнинг ўн икки дарвозасидан бирига ва тўрт даҳадан бирига ном берган”¹.

Айнан шу қабристонда Боғдор эшон номи билан машҳур бўлган ҳазрат Низомиддинхўжа дафн этилган. Бу ҳақда, жумладан, Пўлотжон Қаюмов қуйидагиларни келтиради:

“Низомий – Бу киши Хўқанд шаҳрини Сармозор номли жойи (шаҳарнинг шимоли-ғарбида) тугулмишдур. Ва Хўқандда нашъу намо этмиш шоир бўлуб, ўз замонининг олим, шухратли кишисидур. Номи Низомиддин хўжа бўлуб, Муҳаммад Аминхўжанинг ўғлидур. Эшон Ҳабибулла Балхий, Сумма Бухорийнинг набирасининг ўғлидур. Халқ орасинда Эшон бобо, Боғдор бобо деб машҳурдир. Қачон тугилгани маълумимиз бўлмади. Эса ҳам Олимхон даврида нашъу намо этгани халқ орасинда турли темаларда сўзлар юрадур. Халифа Сиддиқ Даҳбедийдан зиёратига келгани марвийдур. 1800 нчи йилда ижоди ривожда экани 18 нчи асри мелодийнинг охиридаги шоирлардандур... Сармозор тарафдаги каттароқ боғлардаги ўрикзорлар ҳаммаси Низомийнинг тарбияси орқасинда вужудга келганидан боғдор деб ҳурмат ила “Боғдор бобом” эл аро машҳурдир. Бу кишининг ахлоқга доир “Мажмуат ул-мақсад” номли бир китоби ила тўла бир девони қолмишдур. Набираси Жалолий, қизидан бир набираси “Азим” тахаллуси икки шоирлар бўлуб, булардан ҳам

¹ Дадабоев М. Хўқанди латиф маҳаллалари ва кўчаларининг номланиш тарихи. – Ф.: “Фарғона”, 2007.92-б.

*девонлар бордур. Қабри шул Сармозор Муҳаммад Боқир қабристонидадур. Ўзидан Довудхўжа, Тўрахўжа, Камолиддин хўжа номли ўғиллари қолмишдур*¹.

Изланишлар давомида Боғдор эшоннинг авлодлари Азимхожа эшон ва Жалолийлар тўғрисида ҳам кизиқарли маълумотларга дуч келдик. Маълум бўлишича, 1993 йилда чоп этилган Азимхожа эшон ҳикматларининг муқаддимасида унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумотлар аниқ эмаслиги таъкидланади². Бироқ “Тазкираи Қаюмий”да у ҳақда қуйидаги маълумотлар келтирилади:

“Азимий – Бу киши Хўқандли бўлуб номи Азимхўжадир. Мавлавий Намангоний – Малла хўжа эшоннинг ўғли бўлуб, Низомий Хўқандийнинг қизидан набирадур. Шоир Жалолий билан Бухорода таҳсили илм олиб, бирга қайтиб, Хўқанд шаҳрининг зарбида бўлмиш Кал Дўшон номли қишлоқда шундаги катта масжидда 40 йил имом бўлиб қолмишдур. Жалолий вафот этганда бир марсия сўзламишдур. Ниҳоят ҳижрий 1263 (1846-47) йилда шаҳарда (Кўқонда. – А.Қ.) вафот этмишдур. Қабри Сармозор номли шаҳардаги қабристонда бобоси Низомий Хўқандийнинг мозори ёнидадур.

*Ниҳоят отаишзабон кучли шоир бўлса ҳам, ашъори навҳали бўлуб тасаввуф руҳидадур. Айрим девони бордур. Хожа Аҳмад Яссавийга эргашиб ёзган “Ҳикмати Азимхўжа” китоби ҳам бордур*³.

Ёзма манбаларда Сармозор номи билан аталувчи кўплаб яшаш манзилгоҳлари ва зиёратгоҳлар тўғрисида маълумотлар мавжуд. Масалан, “Бухоро амирлигининг қишлоқлари” номи билан аталувчи рисолада ўндан

¹Пўлотжон Домулла Қайюмов. «Тазкираи Қаюмий»... Нашрга тайёрловчи А.Қаюмов, Тошкент, 1998, 105-106-бетлар.

²Азим Хожа эшон. Ҳикмат / Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи: С. Рафиддинов. Т.: Ўзбекистон, 1993. – Б.3.

³Пўлотжон Домулла Қайюмов. “Тазкираи Қаюмий”... 184-бет.

ортиқ қишлоқ ва мазорлар номи қайд этилган бўлиб, улар қуйидагилардир:

- Сармозор мавзеси Деҳинавнинг Дарикўрғон ҳудудида;
- Сармозор мавзеси Ҳисорнинг Файзиобод ҳудудида;
- Сари мазор мавзеси Сарижўйнинг Шаргун ҳудудида;
- Сармозор кўрғони Қоматнинг Коми қасаба ҳудудида;
- Сармозор кўрғони Қоратегиннинг Обигарм ҳудудида;
- Сармозор қишлоғи Қоратегиннинг Ёҳақ ҳудудида;
- Сармозор қишлоғи Қоратегиннинг Мужаҳарф ҳудудида;
- Сармозор мавзеси Ҳарикони руднинг Дари кўрғон ҳудудида;
- Сармозори Бобо Шодий Яккабоғнинг Бобо Шодий ҳудудида;
- Сармозори Эшон Хожа Сад Сарий зиёратгоҳи Ҳарикони руд ҳудудида;
- Сармозори Султон зиёратгоҳи Балжувоннинг Карнайчи ҳудудида;
- Сармозори Сарварий Самжон ҳудудида¹.

Айтиш керакки, Сармозор номи билан аталувчи зиёратгоҳларга, одатда, юқорида келтириб ўтилганидек, машҳур хонадон вакиллари дафн этилган. Бу ҳақда Сайфулла Турсунов ва Қобил Рашидовлар ўзларининг “Бойсун” номли китобида шундай ёзадилар:

“Бобосоҳиб (Соҳибзода) Сармозор зиёратгоҳи. Сармозор мавзесида. Аниқроғи Сармозор жомеъ масжиди ичида Бобосоҳиб (Соҳиб Зода)нинг қабрлари бор. Сармозор қабристониди дафн этилган Соҳиб Зода Ҳазрат Миён Муҳаммад Алининг амакилари Ҳайдарқул ҳожининг пирлари ҳисобланади. Соҳиб Зода ҳазратнинг ўғиллари Миён Тўра Абдулмажитхон бойсунлик муфти Равшаннинг пирларидир. Миёнов Ҳошим ва Миёнов

¹ Населенные пункты Бухарского эмирата (конец XIX – нач. XX вв.). Материалы к исторической географии Средней Азии. – Т.: «Университет», 2001. С. 115.

Умар Миён Муҳаммад Аминнинг укаларидир... Ҳовандда яшовчи шайх Миён Бўритош ва укалари Миён Муҳаммад омонхоналик хўжаларга пир ҳисобланади. Миён Муҳаммад оталари Миён Зохитиллахон (лақаблари Қора Миён ҳожиси), боболари Қори Соҳиб, ундан Руҳи Пок Соҳиб, ундан Руҳи Пуш Соҳиб, ундан Ҳаким Соҳиб, ундан Бобо Соҳибдир.

*Сармозор мавзесида қарийб икки асрлик тарихга эга хўжалар (эшонлар) ва беклар қабристонни бор. Бу қабристонда азалдан хўжалар ва беклар дафн этилган*¹.

Юқорида келтириб ўтилганидек, Фарғона водийсининг Фарғона, Наманган ва Андижон, Ўш ва Хўжанд вилоятларида ислом дини уламолари ҳамда тасаввуф тариқати намоёндалари билан боғлиқ айрим зиёратгоҳлар аҳоли орасида айнан Сармозор номи билан машҳур бўлган. Бундай зиёратгоҳлар нафақат Фарғона водийсида, балки Марказий Осиёдаги ислом дини тарихини ўрганишда ҳам муҳим тадқиқот мавзуси бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга муқаддас зиёратгоҳлар тўғрисидаги тадқиқотлар ўзбек халқининг анъанавий маданиятининг тарихий асослари, тараққиёт йўллари ҳамда кадриятларини ёритишга ҳам кўмак беради.

Биз биргина 2003-2012 йиллар давомида Марғилон шаҳрида олиб борган тадқиқотларимиз чоғида қирққа яқин муқаддас жойлар номини аниқладик². Албатта, бу

¹ Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун. – Т.: “Академнашр”, 2011. 385-б.

² Бу ҳақда қаранг: Абдулаҳатов Н, Ҳошимов Б. Мўйи муборак. Ф.: Фарғона. 2000; Абдулаҳатов Н. Марғилон зиёратгоҳлари // Марғилон асрлар силсиласида (Республика илмий-амалий семинари материаллари). Фарғона, 2005; Абдулаҳатов Н. Мўйи Муборак // Имом ал-Бухорий сабоқлари. Тошкент, 2005. № 4; Абдулаҳатов Н. Марғилон шаҳридаги Подшоҳ Искандар зиёратгоҳи // Имом ал-Бухорий сабоқлари. Тошкент, 2006. № 1; Абдулаҳатов Н. Муҳаммад ибн ал-Ҳанафийа ҳақидаги ривоятлар // Имом ал-Бухорий сабоқлари. Тошкент, 2006. № 2; 25. Абдулаҳатов Н. Зиёратгоҳлар ва ўзбек ментал тафаккурининг шаклланиши // Фарғона Давлат университети илмий хабарлари. Фарғона, 2006. № 4; Абдулаҳатов Н., Эшонбобоев Н. Кўхна Марғилон зиёратгоҳлари. Фарғона, 2007; Абдулаҳатов Н. Марғилондаги Хожа Порсо зиёратгоҳи

зиёратгоҳларнинг айримлари собиқ мустабид тузум даврида бузиб юборилган бўлсада, кишилар хотирасидан ҳали-ҳануз сақланиб қолган. Уларнинг умумий рўйхати қуйида келтирилади:

1. Подшоҳ Искандар зиёратгоҳи (сақланмаган).
2. Мўйи муборак зиёратгоҳи.
3. Шоҳ Мансур мазори.
4. Носир Шоҳ мазори.
5. Улуғ Ҳазрат Бобо зиёратгоҳи.
6. Киргил мазор зиёратгоҳи.
7. Подшоҳхон тўра зиёратгоҳи.
8. Ғавсул Аъзам авлодларининг зиёратгоҳи.
9. Хожам Подшоҳ (Офокхожа) зиёратгоҳи.
10. Хўжа Маъоз зиёратгоҳи.
11. Хўжа Эгиз мазори.
12. Пур Сиддиқ зиёратгоҳи.
13. Сафилтўда зиёратгоҳи.
14. Жиддий мазор зиёратгоҳи.
15. Хожа Муҳаммад Порсо зиёратгоҳи.
16. Сочли Эшон зиёратгоҳи.
17. Довудхўжа Эшон зиёратгоҳи.
18. Қирғиз Халфа мазори.
19. Кўкмозор зиёратгоҳи.
20. Хожа Ланголанг зиёратгоҳи.
21. Шамсиддин Табризий зиёратгоҳи.
22. Яккатут мазори.
23. Сармозор зиёратгоҳи.
24. Собир Эшон зиёратгоҳи.
25. Азиз мазор зиёратгоҳи.
26. Оқ Эшон Ота мазори.
27. Гўри Аввал зиёратгоҳи.
28. Улуғ ота зиёратгоҳи.
29. Имом Заҳириддин мазори.
30. Якка қабр зиёратгоҳи.
31. Етти оғайни ботирлар зиёратгоҳи.
32. Қирғиз мазор зиёратгоҳи.
33. Шоира Увайсий зиёратгоҳи.
34. Чилдухтарон зиёратгоҳи (сақланмаган).
34. Қизлар мазор зиёратгоҳи.
35. Туғли мазор зиёратгоҳи.

// Мозийдан садо. Тошкент, 2007. 2 (34); Абдулаҳатов Н. Этнограф А.К. Писарчик Марғилон ҳақида // Марғилон шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни. Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий конференция материаллари. Тошкент, 2007; Абдулаҳатов Н., Алишер Бек. Хожам подшоҳ зиёратгоҳи. Ф.: Фарғона, 2009; Abdulahatov N. The Mazars of Women in the Fergana Valley // Islamic Sacred Places in Central Asia: The Fergana Valley and Kashghar Region (Silk roadology, № 28). Токуо, 2007; Синьцзян ва Фарғонада топилган мазор ҳужжатлари (факсимеле) / Тузувчилар: Аширбек Мўминов, Нодирбек Абдулаҳатов, Кавахара Яёи Токио чет тиллари университети, Осиё-Африка тил-маданияти тадқиқот институти. 2007. №3; Abdulahatov N. The Importance of Studying the Mazar Documents of Fergana Region // Studies on Mazar Cultures of the Silkroad. Hinjiang, 2008.

Мазкур зиёратгоҳларнинг баъзилари хусусида XIX аср Марғилон адабий муҳитининг намояндаси шаҳарнинг Машад маҳалласида яшаб ижод қилган Абдурахмон Фаҳмий ўзининг “Юсуф ва Зулайҳо” қиссасининг кириш қисмидаги иловада ўз мулоҳазаларини акс эттирган. Эътиборли жиҳати, унда Марғилонни ҳар тўрт томондан азиз авлиёлар мазорлари ўраб тургани, шаҳар ичида ҳам буюк зотларнинг марқадлари жойлашганига урғу берилганидир. Қуйида маснавийдан айрим парчаларни келтириб ўтамыз:

*Худоё, Марғилонни айла маҳфуз,
Элин қил, қолу ҳол илмига маҳзуз.*

*Ямини жонибида ётмиш ул амир Хизр¹,
Ясоридан ўтар дарёйи сер ҳузр.*

*Ямини кўҳида шери Худодир,
Муоз бинни Жабал ҳам раҳнамодир².*

*Жавониб қиблада кўп мужтаҳидлар,
Саҳоба неча минг олий шаҳидлар.*

¹ Ушбу зиёратгоҳ ҳозирда Фарғона шаҳрининг Ёрмозор маҳалласидаги қабристонда жойлашган. Маълумотларга кўра, бу ерга Амир Темурнинг куёви Абдували Хизр Подшоҳ дафн этилган. Вақфномалардан бирида келтирилишича, 1418 йили Амир Хизр Валий мазори олдидаги масжид ва мадраса таъмир этилган. Вақфномада “Амир Хизр Валийнинг қабри Фоҳираи Марғилонда жойлашган”, дея таъкидланади.

² Марғилон шаҳри Ёйилма маҳалласида жойлашган. Хўжа Маъоз мазорини маҳаллий халқ Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)нинг Маъоз ибн Жабал исмли фақиҳ ва ровий саҳобаларидан бири билан боғлиқ деб қарашади. Зиёратгоҳ халқ орасида Хўжа Мағиз, Ҳасти Маъоз мазори деб ҳам аталади. “Насабномайи Туркий”да Абдуллоҳ ибн Маъоз Жабал Марғилон атрофидаги чўлда шаҳид бўлиб, шу ерга дафн этилганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Демак, Хўжа Маъоз зиёратгоҳи аслида саҳоба Маъоз ибн Жабал билан эмас, балки унинг ўғли Абдуллоҳ ибн Маъоз Жабал номи билан боғлиқ бўлган. Бироқ маҳаллий аҳоли орасидаги саҳобалар тўғрисидаги ривоятлар туфайли зиёратгоҳ номи Маъоз ибн Жабал дея аталиб келинганлиги боис вақтлар ўтиши билан шу ном билан халқ орасида машҳур бўлиб кетган.

*Заҳириддин имоми пешводир¹,
Кўзи кўрмаслара гўё асодир.*

*“Заҳирия” фатово мунда эрмиш,
Масоил ҳал учун олам қидирмиш.*

*Имом ҳал айлаб очмишлар масоил,
“Заҳирия” бўлиб қуллуққа моил.*

*Йилу ой шугл этиб қилди фатово,
Бил охир ушбу туфроқ бўлди маъво.*

*Али туғи бирла ҳазрат Қутайба,
Келиб жанг айлади бешубҳа райба.*

*Саҳобалар азизлар бўлди марқад,
Бу боис бирла бўлди номи “Машҳад”².*

¹ Ал-Ҳасан ибн Али Заҳируддин ал-Кабир ибн Абдулазиз ал-Марғиноний (ваф. XII аср). Фикҳ илмининг Заҳируддин Абу-л-Маҳосин номи билан танилган намояндаси. Бу зот фақиҳ ва муҳаддис бўлиб, шу илмларнинг минтақада равнақ топиши ва тарқалишига катта ҳисса қўшган. “Китоб ал-Ақдия” (Қозилик ҳақидаги китоб), “Китаб аш-Шурут” (Шартлар баёни ҳақидаги китоб), “Китоб ал-Фатово” (Фатволар китоби), “Китоб ал-Фаваид” (Фойдали нарсалар ҳақидаги китоб) ва бошқа асарлар муаллифи бўлган. Алломага Абдулазиз ибн Умар ибн Моза, Шамсу-л-аимма Маҳмуд ал-Ўзгандий, Закийуддин ал-Хатиб Масъуд ибн ал-Ҳасан ал-Кошонийлар устозлик қилган. Шогирдлари қаторида эса Ифтихоруддин Тохир, Заҳируддин Муҳаммад ибн Аҳмад, Фаҳруддин ал-Ҳасан ибн Мансур ал-Ўзгандий каби таниқли фақиҳлар бўлганлар. Алломанинг оила аъзолари ичидан ҳам кўплаб ислом олимлари етишиб чиққан.

² Маҳаллий аҳоли Машҳад номини бу ерда қадимда юз берган жангларида ҳалок бўлган жангчиларга нисбатан берадилар. Дарҳақиқат ислом дунёсида қадимдан “Машҳад” сўзи шахидлар кўмилган ер, азиз инсонлар – Муҳаммад (с.а.в)нинг қариндош уруғлари ва саҳобалари, йирик диний арбоблар, авлиёлар мазорини англатиб келган. Бошқа номлари – қубба, маком, мазор, имомзода. Одатда машҳад – зиёрат қилинадиган жой, бир авлиё учун баъзан бир неча жойдаги қабр кўрсатилади. Машҳад истилоҳи муқаддас қабрлар жойлашган шаҳарлар номларида ҳам қўлланилади, масалан, Машҳад Али (Нажаф), Машҳад ал-Хусайн (Карболо), ёхуд шаҳар номига айланади – Эрондаги Машҳад (Машҳад ар-Ризо). Ўрта асрларда Машҳад сўзи айнан зиёратгоҳ тушунчасини англатиб келган.

*Шаҳар машриқ сари ҳам кўп мазорот,
Узоқ-яқин келиб қилгай зиёрат.*

*“Ҳидоя” дафтари аввални тасниф,
Қилиб “Пури Сиддиқ” да бўлди танзиф¹.*

*Ки чун пайдор бўлиб Ҳўқанди соний,
Қолиб бу бўлди хонлар макони.*

*Ҳама дину мусулмонликда собит,
Намозу рўза эҳсонликда собит.*

*Масожидлар тўлиб вақти намозда,
Қадам аввал қўйур назру ниёзда...*

*Агар жаннат ер устида жаҳонда,
Ки бўлса ушбу шаҳри Марғинонда².*

Абдурахмон Фаҳмий таъриф берган Марғилон зиёратгоҳларининг айримлари тўғрисида биз ҳам 2007 йилда чоп этилган “Кўҳна Марғилон зиёратгоҳлари” номли китобимизда сўз юритган эдик. Бироқ ушбу китобда Сармозорга доир маълумотлар кам бўлганлиги туфайли зиёратгоҳ билан боғлиқ бирмунча мукамал тадқиқотни келгуси китобимизда давом эттириш нияти пайдо бўлган эди. Шу сабабдан юқорида айтиб ўтилган ушбу зиёратгоҳга доир янги маълумотларни “Сармозор зиёратгоҳи” китобимизда келтириб ўтишни жоиз деб билдик.

¹ Пур Сиддиқ зиёратгоҳи Марғилон шаҳрининг Йўрмадўз маҳалласида жойлашган. Мазкур зиёратгоҳда халифа Абу Бакр ас - Сиддиқнинг авлодларидан бўлган Пур Сиддиқ лақаби билан доврўф қозонган Ҳазрат Абу Бакрнинг авлодлари дафн этилган. Бурҳониддин Марғинонийнинг айнан Пур Сиддиқ мадрасасида таълим олиб чиллахонада ҳаёт кечирганлигининг сабаби ҳам унинг Пур Сиддиқдек улуғ аждодига бўлган юксак эҳтиромининг намунаси дир.

² Фаҳмий Марғиноний. Девон. Қўлёзма. В.529.

ФАЙЗЛАР КОНИ – САРМОЗОР

Ёзма манбаларда Сармозор зиёратгоҳи “Маъдани файзи илоҳий” – “Илоҳий файзлар кони”, “Мазҳари жуд карам” – “Жуду эҳсон манбаъи”, “Дор уш-шифо” – “Шифолар уйи”, “Матлаи омон” – “Орзулар ушаладиган ер” каби сифатлар билан таърифланган. Мазкур зиёратгоҳнинг аҳли илм ва дин, аҳоли орасида бу қадар машҳур бўлишининг боиси нима? Нега XIX ва XX аср бошларида яшаб ўтган Марғилоннинг улуғ уламолари ва азиз-авлиёларидан тортиб оддий кишиларига қадар бу муборак масканни зиёрат қилишга интилиб яшаганлар? Ушбу саволларга жавоб топиш учун Сармозорга дафн этилган улуғ зотнинг тарихи билан танишиб чиқиш жуда муҳимдир.

Сармозор азизлари билан боғлиқ мазкур тадқиқотни тайёрлаш жараёнида биз – муаллифлар қизиқ ҳолатларга дуч келдик. Баъзида йўлимиз шундай очилардики, тунлари бедор, аниқланган маълумотларни қоғозга тушириш жараёнида эртаси уйқусизлик умуман безовта қилмасди. Баъзан эса... ёзган нарсаларимизни ўзимиз ҳам тушунмаган пайтлар бўлди. Бундай аҳволотга биз хонободлик Шайх Суярхон тўра дада ҳақидаги китобни қоралаш мобайнида дуч келгандик.

Бу ерга зиёратпаноҳ этиб қўйилган Мир Абдурахим Хожа Эшон бобо ва бошқа табаррук зотлар ҳақида кўплаб ривоятлар, талқинлар, хотиралар бўлса-да, мақсадимиз шунчаки баландпарвоз ва жимжимадор рисола ёзиш иддаосидан тубдан фарқ қиларди.

Яна бир масъулият, эшон бобонинг насаблари, бу ерга қўйилган (ва қўйилиши керак бўлган) авлодлар борасидаги ўзига хос тортишув ва тушунмовчиликлар босими ўз таъсирини ўтказмай қўймаслиги шубҳасиз эди. Қолаверса, азиз авлиёлар ҳақида ёзишнинг ўзига

хос юки бўлади. Агар ёзиш жараёнида хатоликларга йўл қўйсангиз, улар сизга бу ҳолатни турли ишоралар билан ҳам хабар берадиларки, алалоқибат камчиликларни бартараф этишга йўл топа оласиз.

Биз сўз юритмоқчи бўлган Мир Абдурахимхожа эшон ҳазратлари кейинчалик вафотидан сўнг Сармозор азизлари номи билан машҳур бўлиб, ёзма манбаларда уни қайси даврларда яшаб ўтганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Бизнингча, Қўқон хонлари Норбўтахон ва Умархонларнинг устозларидан бири бўлганлиги ҳам эҳтимолдан холи эмас. Чунончи, Ибратнинг “Фарғона тарихи” номли асарида тилга олинган Абдурахимхожа домла Сармозор ота бўлиши ҳам ҳақиқатга яқинроқ:

“Бу хон асрида уламога ривож бериб ҳар ишни уламо фатвоси илан қилур экан. Бир асокири шонаҳу илан ўтуб боруб турур экан, бир ҳаммомдан оби мустаъмал чиқиб, навдан оқиб турган экан. Уламоларга хитоб қилибдурки: “Бул сув ҳукми шарийъатда нимадур?” деб. Уламо айтибдурки: “Тақсир, шарийъатда ҳалоли жорий, аммоки, табиат тортмас!” дегонида: “Шариат ҳукмига қарамаган табиатни ташламоқ лозим!” деб ҳурмати шарийъат деб бир ҳовуч ичган экан.

Бу зот ҳам ўн икки йил хон бўлуб, 1237 ҳижрийда ҳавори раҳматга восил бўлган экан. Бу жаннатмакон асринда ҳамсуҳбат мусоҳиб уламолардан, чунончи, Зокирхўжа эшон, Шайх ул-ислом Намангоний ва Мавлавий Намангоний ва домла Мирзойи Қозикалон ва ҳазрати домла Муъминжон ва ҳазрати домла Абдурахим ва ҳазрати домла Маҳдумзард ва ҳазрати Мавлавий Кобулий ва домла Пискатий ва умаролардан ҳамжулуслари Амир Шоҳмуродхон марҳумнинг ўғли ва амир Ҳайдар подшоҳи Бухоронинг биродари Исҳоқбек

тўра ва Султонхон тўра Аҳрорий ва Маҳмудхон тўра Аҳрорий ва Маъсумхон тўра Аъзамий ва Эшонхон тўра ва Тўрахон тўра ва Жаҳонгирхон тўра ва Саййид Офоқийлар бўлуб, подшоҳликка тааллуқ ҳар иш ва ҳукм бўлса, буларнинг фатволари илан амал экан”¹.

Бундан ташқари, Мажзуб Намангонийнинг “Тазкират ул-авлиё” номли асарида ҳам Мулло Абдурахимхожа номи қайд этилган. Бинобарин, Мажзуб номларини зикр қилган табаррук зот биз сўз юритаётган Мир Абдурахимхожа, яъни Сармозор ҳазратлари бўлса не ажаб:

“Мулло Абдурахимхожа оқибат бахайр бўлиб, пирлари у кишига рухсат бердилар, “Сулук тамом бўлди” деб. Мулло Абдурахимхожа айдики, “Мен бу рухсат билан бориб, толибларга иршод бермасман. Магар анга мени оқибатимдан хабар олиб борсангиз. Оқибатим қандогдур”, деди. Пирлари айдики, “Қирқ чилла чилла ўлтур”. Қирқ чилла чилла ўлтурди. Ўшал кунгача чилла тамом бўлуб эрди. Чиллахонадан ташқарига чиқди. Ҳазрат Эшон ҳам ичкари ҳавлидан чиқиб келдилар. Айдиларки, “Энди борингким, оқибатингиз ҳам бахайр бўлди”. Келур эрди йўлда Ялангоч девона учради. Юзини ўгуруб ўтуб кетар эди. Девона айдики, “Менга қара”. Қарамади. Чунки аъзоси ҳаммаси очуқ эрди. Яна иккинчи бора “Ҳой мулло Абдурахимхожа менга қара”, деди. Яна қарамади. Учинчи мартаба айдики, “Эй Абдурахимхожа, оқибати бахайр бўлгон, менга қара”, деди. Мулло Абдурахимхожа бориб мулоқот қилди. Айтдики, “Эй бузругвор ҳамма аъзоингиз очуқ?!” Девона айдики, “Сен бунинг била ишинг бўлмасун. Вақтики пир тутиб толиб

¹ Исҳоқхон тўра Ибрат. Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчилар, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифлари: У.Долимов., Н.Жабборов. Т.: Маънавият, 2005, 97-98-бетлар.

бўлдинг. Сени оқибатингдан хабардор бўлса, сенга хабар берса, Аллоҳ таоло ва таборак менга ўттуз бор маслаҳат қилди, “Бу сирни билдирайми ё йўқ”, деб. Мо бин Аллоҳ таоло ва мобин минъақд шуд. Шундан сўнг сени пирингга башират бўлди. Шу тўғридан муни лақаблари “Оқибати Бахайр” бўлди. Ҳожи Мулло Абдурахимхожа Оқибат бахайридан мураххас бўлгон ўн олти қаландархонага сафолик берур эрди. Унинг лақаблари Ҳожи Сафо бўлди. Роқимни устози Шайхул ислом айтибдурлар: “Ҳар кимга пирни чеҳрасини тоза қилса, ани дилини покиза рўш қилур”. Мисол, пирларни тарбиятларидек. Ҳожи Сафони кўлида аксар(иксир) муяссар бўлгон эди. Ўшал мамлакатда бир доно киши ҳокимни олдида Ҳожи Сафода иксир бор деб ҳокимга билдириш берди. Ҳоким Ҳожи Сафони олдириб келди. Иксирни сўради. Айтдики, “Ушбу кун дарёга ташладим. Чунки мен бир мард қаландарман. Менга иксирнинг ҳожсати йўқ.

Шайх Шоди ҳазрат Баҳовауддин олдиларига келур эрди. Йўлда тилло учради. Хоҳладики олса. Яна кўнглига келдики, “Мен бир суфий одам бўлсам. Тиллони нима қилурман”. Бу қилгон иш Ҳақ субҳона ва таолога хуш келди. Унинг ҳоли кундан кунга тараққий қилди. Ҳазрат Баҳовауддинни олдиларига келди. Баҳовауддин айдиларки, “Ҳолинг бошқа кўрунди?”. Айтдики, “Сизни суҳбатингизни таъсиридур”, деди. Ҳазрат айдиларки, “Мунга йўлда тилло учраган. У тиллога илтифот қилмаган. Бу тараққий ҳол адамдан мунга илтифот бўлган. Тиллога боқмагани учун. На мени суҳбатим на таъсир эмас”. Шайх Шоди ҳамроҳларига шу мазмунда сўзлади. Ҳазратим айтурларки, “Бу тараққий ҳол мендан эмас. Илтифот қилмадинг тиллога ўшандандур. Мени ҳолим кашф бўлгондур”.

Баъзи азизлар дунёни қўлларига ушламайдилар. Дилларида ҳам яхши кўрмайдилар”¹.

Биз Мажзуб Намангонийнинг ушбу маълумотларини келтиришда айрим мулоҳазаларни баён этмоқни лозим топдик. Бизнингча, ул зот Марғилонга ташриф буюрган кезлари, албатта Сармозор азизларини зиёрат қилган бўлиши керак. Чунки унинг Марғилондаги ҳамфикрларининг барчаси Мир Абдурахимхожани ўзларига ғойибона устоз деб билганлар. Уларнинг баъзи бирлари ҳақида қуйида келтириб ўтамиз.

Маълумки, Мажзуб Намангоний Аҳмад Яссавий, Навоий, Машраб, Ҳувайдо каби халқ қалбидан чуқур жой олган оташин сўз устаси, Аллоҳнинг ошиғи, пири комил инсон эди. Унинг етук шогирдлари ҳам ўз устозлари йўлидан бориб, кишиларни маънавий етуклик сари чорлаб келганлар.

“Маъно дуррининг кони – ошиқ элининг жони” дея таърифланган, Эшон Мажзуб номи билан машҳур бўлган тариқат шайхи Абдулазиз Ҳасанхожа ўғлининг ирфоний мазмундаги кўплаб назмий асарлари мавжуд. Улар солиқлар томонидан сўфийларнинг анжуманларида куйланиб келинган.

“Айтишларича, Ҳазин Марғинонийнинг² бошларида бир оз оғриқ пайдо бўлиб, гоҳида беҳаловат қилар экан. Бир гал Марғилондан Эшон Мажзуб зиёратига борган кишилар бу ҳақда у зотга айтишади. Қайтаётганларида эшон Мажзуб уларга бир кулоҳни бериб, “Мана бу юқориларимиздан келаётган табаррук

¹ Мажзуб Намангоний. Тазкират ул-авлиё. Наманган, 2000. 130-132-б

² Халқ орасида, “Ҳазрат Домла”, “Хонақойи Ҳазрат”, “Муҳаммад Юсуфхон Домла”, “Ҳазрат Домлоий Марғиноний” ва “Домлоий Хонақоҳий” номлари билан машҳур бўлган улуғ аллома (1840-1918). Муҳаммад Юсуфхон Хонақойи Ҳазрат – “Ҳазин” (“Ғамгин”) тахаллуси билан ижод қилганлар.

кулоҳ, Ҳазратга олиб боринглар, кийсинлар, ажаб эмаски шифо топсалар”, – дейдилар.

Марғилонга келгач, Ҳазрат Домла ҳузурига кирадилар ва Эшоннинг саломларини айтиб, кулоҳни берадилар. Ҳазрат бундан хурсанд бўлиб кулоҳни киядилар ва не тонгки, тез фурсатда беморликдан фориг бўладилар. Сўнгра муридларига: “Энди Эшон ҳазратнинг зиёратларига борамиз”, дейдилар ва Наманган сафарига отланадилар. Буларнинг бориши Мажзуб ҳазратга маълум бўлади ва истикболларига пешвоз чиқадилар. Меҳмонларни иззат-икром қилиб кузатадилар.

Айтишларича, Ҳазрат Домла тез-тез бомдод намозни ўқиб бўлгач, Наманган ва Андижон томонларга қараб таъзим билан салом берар ва буни, “У ердаги азизлар билан сўрашяпмиз”, дея ифодалар эканлар”¹.

Айтиш керакки, Эшони Мажзубнинг Марғилонга тез-тез келишлари шу ерлик кўплаб кишиларнинг у зотга мурид ва мухлис бўлишига сабаб бўлган. Шундай кишилардан бири “Тош халифа” номи билан машҳур бўлган Нурмуҳаммад эшон Ортиқ эшон ўғли эди. Беҳуда гап гапиришдан кўрқиб, доим оғзига тош солиб юриши учун шундай аталган эканлар. Бундан у зотни эҳтиёткор ва тақводор экани англашилади. Эшони Мажзуб унинг хонадонига ҳам тез-тез келиб турар ва ҳар гал бормоқчи бўлганларида муридларига, “Тошникига борамиз”, дер эканлар. Бундан халифанинг Мажзуб ҳазрат қалбидан жой олганини билиш мумкин.

Мажзуб ҳазрат бир гал келганларида қўлларидаги асоларини унинг ҳовлисига суқиб кўядилар. Тез фурсатда у кўкариб, писта дарахтига айланади. Узоқ вақт ҳосил бериб турган дарахт қуриганида халифанинг

¹ Қаранг: Файзуллаев Р., Абдулаҳатов Н. Муҳаммад Юсуф Ҳазин (Хонақоҳий Ҳазрат Марғиноний). – Т.: “Sharq”, 2013.

авлодлари марғилонлик Тешахон тўра бошчилигида кесиб юборадилар. Айтишларича, Мажзуб Намангонийнинг муридларидан бири Бегмуҳаммад дастлаб иршод олиш учун Ҳазин Марғиноний ҳузурига келган. Лекин уни Қўқонга Миён ҳазрат ҳузурига юборган. У зот эса Наманганга эшон Мажзуб ҳузурига жўнатган эканлар. У ерга кириб борганида “Ҳай-ҳай” ўт бўлиб қолибсиз-ку, дея, унга иршод берадилар.

Маълумотларга кўра, Мажзуб Намангонийнинг Марғилонга бир галги келиши 1870 йилдан олдин, аниқроғи муридлари Бегмуҳаммад таклифи билан у истиқомат қиладиган Томоша қишлоғига боришлари асносида юз берган¹.

Ўша ташрифнинг шоҳиди бўлган марғилонликларнинг хотираларига кўра, Эшони Мажзубнинг ташрифи учун Марғилонда катта анжуман ташкил қилинади. Кейин у ердан Томоша қишлоғи томон юрадилар. Йўлда Шоҳимардон ва Водилга тушганлари ҳам айтилган. Айтишларича, ўша кезлар Бегмуҳаммаднинг фарзандларидан бири Муҳаммад Умар – Оқ эшон қурдираётган масжид ишлари ниҳоясига етаётган эди. Эшони Мажзубнинг келишларини эшитган Муҳаммад Умар фурсатдан фойдаланиб ҳаракатни кучайтиради. Кечани-кеча, кундузни-кундуз демай меҳнат қилиб, қурилиш ишини охирига етказадилар. Қисқа фурсат ичида маҳаллий аҳоли катта гилам тўқитиб, масжид саҳнига тўшатишга ҳам улгуради. Айтишларича, масжид очилиши маросими пайти Муҳаммад Умар Мажзуб ҳазратларига қўл бериб, унинг шогирларидан бирига айланади.

¹ Қаранг: Абдулаҳатов Н., Зоҳидов Ф. Фарғона тумани тарихи (асотирлар, лавҳалар, изланишлар) – Фарғона: “Фарғона” нашриёти, 2012.

Ҳозирда Марғилоннинг жанубий-ғарбий томонида улкан зиёратгоҳ жойлашган бўлиб, аҳоли уни Сармозор ота зиёратгоҳи деб, атайдилар. Бу серфайз мазор Эшон Абдурахимхожа (қ.с.) ҳазратнинг марқадларидир.

Олинган оғзаки маълумотларга кўра, тахминан XVIII асрнинг иккинчи ярмида Мир Абдурахимхожа эшон Марғилон шаҳри депарасида ўрнашган жойининг атрофини кўрғон қилиб, яшаш учун бошпана ва масжид кургандир. Бу ер кейинчалик “Эшон кўрғон” деб аталган. Ҳозирга келиб бу жой Кўрғонча номи билан юритилади.

Айтишларича, Мир Абдурахимхожа эшон вафотларидан олдин ўз васиятларига кўра, ўзлари яшаб турган Кўрғондан қибла тарафдан бир чақиримлик жойни кўрсатиб, вафот этсалар, мана шу ерга дафн этишни васият қилдилар. Фарзандлари ва муридлари шаҳарга олиб кетишни сўрашганида, ул зот бу таклифларини маъқулламай, “Шу ерга мени кўясизлар” деб таъкидлаганлар ва “Атрофини девор билан ўранглар, токи мени авлодларим ҳам шу ерга кўйилсинлар” дея, келажакда бу жойларни обод бўлишини ҳам каромат қиладилар. Эшон буванинг жаноза кунлари жуда кўплаб жойлардан, ҳатто Шом ва Ироқдан ул зотни билган ва эшитган кўплаб олиму, уламолар, шогирдлар ва мухлислари етиб келганлар. Бу ҳолатдан ажабланган Эшон буванинг яқинлари келган уламолардан Эшон буванинг вафотлари ҳақида қандай хабар топганликлари ва қандай қилиб бир куннинг ўзида етиб келганликларини ҳайратланиб сўрайдилар. Меҳмонлар шундай деб жавоб беришади: “Мир Абдурахимхожа бизга худди шу куни кузатиш маросими бўлади деб хабар берганлар. Биз ул зот билан дилдан гаплашиб турар эдик”, деб жавоб берганлар.

Сармозор отанинг шаҳардан чекка бир жойда дафн қилишлари борасидаги васияти ҳам валий зотларнинг кароматларидандир. Масалан, “Дукчи эшон маноқибӣ”да Султонхон тўранинг (1882 йилда вафот этган) вафоти билан боғлиқ худди шу сингари воқеа тўғрисида сўз юритилади:

“Яна пиримиз (Дукчи эшон) илтифот қилиб айтиларки, сизларга пиримизни вафот қилгон вақтларидаги кароматларини айтиб берай”, дедилар. Қуллуқ қилдуқ.

Айдиларки, бир кун пиримиз мени чақириб айдиларки, “Эй девона бола. Мени уч кунлик умрим қолди. Ҳимматни баланд қил, бўтам. Мен ўлсам ўзинг ювиб, қабрга ҳам ўзинг қўй” дедилар. Ўшал чоғда ўзлари сиҳат эрдилар. У кунни ўтди. Эртаси ҳам ўтди. Учинчи кунни бетоб бўлдилар. Намози аср бор эрди. Мусахон тўра деган ўғилларини, мен фақирни, яна бир саркорни чақирдилар. Кириб зиёрат қилдик. Ҳасти пиримиз илтифот қилиб айдиларки, “Мени забарга солиб, таиқига олиб чиқинглар. Бир шамоллаб келай”, дедилар. Хўб бўлгай деб, замбарга солиб, кўтариб олиб чиқдик. Мусахон тўра деган ўғилларини таиқи меҳмонхоналарини саҳнига кўтариб олиб бордилар. Мусахон тўрага қараб айдилар: “Шул ҳавлингни менга берасанму?” дедилар.

– Хўб бўлгай, бажонидил бердим дедилар. Ҳасти пиримиз муборак ҳассалари билан чизиб кўрсатиб айдиларки, “Мен вафот қилсам шу ерга қўйингизлар” деб илтифот қилдилар. Яна илтифот қилиб: “Кўтаринглар мени” дедилар. Кўтариб ўзларини таиқи иморатларига олиб келдик. Шу ерда бир пас таваққуф қилиб туруб, “Шу ер кўб пок жой экан. Намози жанозамни шу ерда ўқунглар”, деб илтифот қилдилар. У зоти шарифни беш-ўнта яхши отлари ҳам бор эрди.

Боз мирохурларини чақуриб: “Эй мирохурлар, отларни ем-ўт бермай қантариб қўйунглар. Сўфилар таъзияга хабар бергани минурлар”, деб илтифот қилиб ичкарига кириб кетдилар. Ўйланмаган сўфлар нима воқеа экан деб йиғлашдилар. Менга айтқон ваъдалари бўлди. Нима воқеа бўлур экан деб, дарвозани тагида ухламай туруб эрдим. Кечада хизматкор оқчошлари кўза олиб сувга чиқти. Оқчошдин сўрадимки, “Пиримиз қалай, яхшимилар?” дедим. Оқчош “Алҳамдулиллаҳ намози таҳажжуд ўқуб турубдурлар”, деб кириб кетди. Яна бир соатдан кейин оқчош югуруб чиқиб айдикки: “Пирим лоҳасроқ бўлдилар. Сизни йўқлаб, “чақир” дедилар. Тез кириг”. Дарҳол кирдим. Салом бердим. Алик олдилар. Муборак қўлларини ушлаб, зиёрат қилиб кўзумга суртдим. Менга қараб айдиларки, “Боракаллоҳ бўтам. Камол тоб. Сенга ҳассамни ва дасторимни бердим. Бошимни ушлаб тургин” дедилар. “Хўб бўлғай” деб муборак бошларни ушлаб талқин айтиб турдим. У зоти шариф ҳам калимаи шаҳодатни айтиб туруб жон таслим қилдилар... Вафот қилгонларидан кейин пирзодалар ва халифа-сўфилар андин кейин хабар топиб кирдилар. Ҳалиги қантаргон отларни миндириб, хабарга ҳар тарафга юбордилар. Мундоғ кароматлари бор эрди”¹.

Шунингдек, Мамаюсуф эшон зиёратгоҳини олайлик. Мазкур зиёратгоҳ Фарғона Қўқон йўлидаги қабристонда жойлашган бўлиб, айтишларича, Мамаюсуф эшон ҳазратлари вафотидан олдин “Мен дунёдан ўтсам, адирга дафн этинглар” деб васият қилган экан.

¹ Манакиб – Дукчи Ишан (Аноним жития дукчи Ишана – преводаителя Андижанского восстания 1898 года) / Введение, перевод и комментарии: Б.М. Бабаджанов. Издатель: А. Фон Кюгельген. Ташкент-Берн-Алматы, 2004. С. 296-297.

Шогирдлари бу васиятни эшитиб, ҳайрон бўлишиб турган пайт Мамаюсуф эшон ҳазратлари: “Вақти келиб мен ётган жойдан сал нарида катта йўл ўтади. Одамлар қабримни кўриб, доим дуо қилиб ўтадилар” деб, башорат қилган экан. Чиндан ҳам ҳозирда Мамаюсуф эшон ҳазратлари мазори олдидан катта йўл ўтган бўлиб, йўловчилар дуо қилиб ўтадилар¹.

Айтишларича, ҳазрат Мир Абдурахимхожа эшоннинг дафн маросимлари даштнинг ўртасида, ўша ўзлари белги қўйган жойда ўтказилади. Маросимга узоқ-яқиндан бою-камбағал, каттаю-кичик, қарию-ёш, уламою-зодагон барча-барча оқиб келган. Маросим вақтида ўша даврнинг раҳнамолари йиғилганларга қарата шундай дейишган: “Хожа Мир Абдурахимхожа эшон нафақат улуғ зотлар авлодидан, балки бу юртнинг улуғлари ичида, қози-калонлари ичида илм борасида, донолик ва улуғлик борасида ажралиб, сараланиб чиққан зот бўладилар. Шунинг учун бул улуғ зотнинг мозорларини Сараланган эшоннинг мозорлари деб, “Сараланган мозор” деб атаймиз дейишган.

Ҳазрат Мир Абдурахимхожа эшоннинг дафнларидан сўнг ул зотнинг муридлари ва яқинлари мозор атрофини аста-секин обод қила бошлашади. Зиёратга келувчилар ҳам кўлидан келганича ободончиликка қарашишган. Секин-аста мозор атрофига яқинлари, неварачеваралари кўчиб кела бошлашди, улар билан бирга барча муридлар шу ерга келиб ўрнашади. Мозор атрофи кишлоққа айланди ва бу кишлоқ Сармозор кишлоғи деб юритила бошланди.

¹ Абдулахатов Н., Азимов В. Олтиариқ зиёратгоҳлари. – Т.: “Шарк”, 2005. 74-б.

Ул зотнинг туғилган саналари ҳақида халқ орасида Ҳазрат яшаган даврга икки юз йилдан ортиқроқ бўлгани айтилади. Баъзи маълумотларга таққосланса, бу ҳақиқатга яқинроқ экани англашилади. Аммо авлодлари томонидан эсдаликлар ва баъзи хотираларга кўра Сармозор азизлари тахминан XVIII асрнинг бошларида таваллуд топган (ҳозирги авлодлари сўзига кўра, 1730-40 йилларда туғилиб, 1800 йилнинг бошларида вафот этган). Бизнинг бундай тахминни билдиришимизга сабаб, у билан боғлиқ айрим маълумотларни машҳур шарқшунос олим Аҳмад Закий Валидий Тўғоннинг (1890-1970) Фарғона водийсига қилган илмий сафарлари чоғида тўпланган маълумотларидан ҳам кўриш мумкин.

Маълумки, Закий Валидийнинг Туркистонга биринчи илмий сафари 1913-1914 йилларга тўғри келади. Сафар чоғида бўлғуси олим Туркистоннинг йирик шаҳарларида бўлиб, қадимий қўлёзмалар билан танишади, этнографик маълумотлар тўплайди: *“Бу саёҳатим давомида мен Фарғона, Самарқанд Фарғона, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида қўлёзма асарларни, шахсий кишилар қўлларида бўлган манбаларни изладим. Малакат хўжалиги, тарихи, жугрофиясига оид бир талай қиримлар ёзилган ҳужжатларни, мол ҳақларининг ўзгаришини кўрсатувчи маълумотларни ҳам йиғдим. Фарғонада кўчманчи ўзбеклар тўғрисида этнографик маълумотлар тўплادим”*¹.

Закий Валидий Марғилон шаҳридаги олиб борган тадқиқотлари чоғида шаҳарнинг кўҳна зиёратгоҳлари билан боғлиқ вақфномаларга эътиборини қаратади. У тадқиқ этган ҳужжатларнинг бирида 1778 йилда Норбўтабийнинг ўғли Низомиддин Муҳаммад Аминбий

¹ Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Бўлинганни бўри ер: Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураши тарихидан: Хотиралар . – Т.: “Адолат”, 1997. 33-б.

томонидан Марғилондаги Сармозор зиёратгоҳининг мутасаддиларига берилган ёрлик тўғрисида сўз юритади¹. Шундай экан демак, 1778 йилда зиёратгоҳни Сармозор номи билан аталиши мозорга дафн этилган зотни ўша даврларда яшаб ўтганлигидан далолат берса керак. Бироқ, Мир Абдурахимхожа билан боғлиқ айрим воқеаларни XVIII асрнинг охири XIX асрнинг бошларида юз берганлигини назарда тутсак, Заки Валидий қайд этган Сармозор Марғилондаги бошқа мозор бўлиши ҳам мумкин.

У кишининг тўртинчи авлоди Мирзуннун саййид Убайдулло ўғли маълумот бера туриб, эшон дадани Хонақоҳ шайхларидан бўлганини айтар экан, Хонақоҳ масжиднинг ўша даврдаги қурилишида (ҳозиргача Хонақоҳ бир неча марта қурилгани маълум) бош-қош бўлганларини ҳам таъкидлайди.

Масжиднинг ҳозирги биноси эса, ҳижрий 1205, (мелодий 1790) йилда қурилган². Айвон устунлари орасига, сиёҳ билан “сана 1205 (мелодий 1790)” ёзуви туширилган. Кейинроқ эса, ҳижрий 1282 (мелодий 1865) йилда қайта таъмирланган. Бу ҳақда элшунос олима А.К.Писарчик 1939 йили Марғилонга ташриф буюрган чоғи Хонақоҳ масжиди билан танишиб, қуйидагиларни баён этган эди:

“Сўнгги марта Хонақоҳ масжидининг биноси ҳижрий 1282 (мелодий 1865) йилда таъмирланган бўлиб, меҳроб устида уни таъмирлашда иштирок этган усталар номи кўрсатилган: “Амалэ усто Исфандиёр нажжор, амалэ усто Раҳимбобо, амалэ усто Қосим Муҳаммадхўжа, амалэ уста Мирза Раҳим нажжор”.

¹ Валидов З. А. Некоторые данные по истории Ферганы XVIII- столетия// Протоколы заседаний и сообщения членов Туркестанского куружка любителей археологии. Вып 2. Т. 1916. С.72.

² Қаранг: Н.Абдулахатов, Ў. Эшонбобоев. Кўҳна Марғилон зиёратгоҳлари.– Ф.: “Фарғона”, 2007. 27-б.

Сармозор отанинг масжид қурилишига бош бўлганликларини инобатга олинса, ҳазратни XVIII аср охири ва XIX аср бошларида яшаганларини кўрамыз. Чунки, қурилиш айтилганидек, 1790 йилларга тўғри келади. Бу халқ орасида Сармозор отанинг яшаган даври ҳақида берилаётган фикрларга ҳам мувофиқ келади.

Дарҳақиқат, архив маълумотларида ул зот “Хонақоҳий ҳазрат Мир Абдурахимхожа эшон” номи билан қайд этилган¹.

Абдурахимхожа эшон дафн этилган қабристон кўп ўтмай юқорида айтиб ўтганимиздек, Сармозор номи билан машҳур бўлади. Бу эса, Сармозорнинг, шубҳасиз, Марғилоннинг файзли зиёратгоҳларидан бирига айланганлигини кўрсатади. Бунга ҳазратнинг халқ орасидаги обрўлари, мурид-мухлисларининг кўплиги ҳам сабаб бўлган, албатта. Қабр устига қурилган мақбарани Қўқон хони Худоёрхоннинг қайнотаси Мусулмонқул² буйруғи билан унинг куёви барпо этган. Шундан кейин мақбара ҳозиргача бир неча марта таъмирлангани маълум.

Масалан, 1984-1995 йилларда Сармозор қишлоғининг оқосоқоли Абдулла Бобоев уни қайта

¹ ЦГА УЗ, Фонд–19. Оп № 1. Д № 34747, Л. 22.

² Мусулмонқул (тахминан 1794–1852) – Қўқон хонлигидаги қипчоқлар раҳбари. 1844 йилгача Андижонда қўшинлар бошлиғи (ботирбоши). 1847 йилдан мингбоши. Қўқонни Бухоро амири Насруллахон хужумидан мудофаа этиш раҳбарларидан бири (1842). Қўқон хони Шералихонниит солиқ сиёсатиға қарши хонликнинг қатор туманларида қўзғолонлар кўтарилган. 1845 йили Ўшдаги қўзғолонни бостириш учун Мусулмонқул юборилган. Унинг йўқлигидан фойдаланган Муродхон (Олимхоннинг ўғли) Шералихонни ўлдириб, ўзини хон ҳамда Бухоро амирининг ноиби деб эълон қилган. Қўқонликлар бундан норози бўлиб, уни қўллаб-қувватламаганлар. Мусулмонқул бу воқеалардан хабардор бўлиб, кизини Шералихоннинг ўғли Худоёрхонга турмушга беради ва у билан бирга Қўқонга келиб, бир неча кунгина хон бўлган Муродхонни ўлдиради, ёш Худоёр хон деб эълон қилинади. Мусулмонқул эса муваққат ҳоким бўлади. Шу даврдан бошлаб Қўқонда фақат қипчоқлар тўдасининг ҳукмронлиги бошланади. Мусулмонқул хоннинг ёшлигидан фойдаланиб хонликни деярли мустақил равишда ўзи бошқаради. 1852 йили фарғоналик мулкдорлар тошкентликлар ёрдамида қипчоқлар ҳокимиятиға қарши қуролли кураш бошлашган. Билқиллама (Фарғонанинг шарқида) жангида қипчоқлар енгилган. Мусулмонқул эса асир олиниб, қатл этилган.

таъмирлатган. 2007 йилда эса Мирзамухтор ўғли Аъзамхон ва Саидкамол ўғли Шаҳобиддинлар мажмуани қайтадан замонавий қилиб янгитдан қурдилар. Қурилиш ишларида тунука устаси Одилжон Ёқубжон ўғли (Усмонов), ғишт усталари етакчиси Сирожиддин Мадаминжон ўғли (Юнусов), крошка устаси Баҳромжон Имомназар ўғли (Қурбонов) ва бошқа усталар ва ёрдамчилар астойдил саъй-ҳаракат қилдилар. Биз атайлаб усталарнинг отасини исмини ҳам келтирдик. Чунки, ҳақиқатан “Отанга раҳмат” деб алқагудек ишлар қилинди. Айтмоқчи, йўлакларни тайёрлашган Акрамжон Абдураимовни ҳам алоҳида эслатиш жоиз.

Зиёратгоҳ мажмуаси бугунги кунда Марғилон шаҳрига ташриф буюраётган меҳмонлар, жумладан хорижлик туристлар учун кўрсатишга, мақтанишга арзигулик масканга айланди. Узоқ-яқиндан ташриф буюрганлар зиёратгоҳ тарихи билан қизиқадилар, албатта. Уларнинг орасида оддий фуқародан тортиб билимли зиёли, олиму фузалолар бўлиши мумкин.

Фарғона водийсининг машҳур уламолари, айниқса тариқат аҳлларининг Сармозор отага нисбатан муҳаббатлари ўзгача бўлган. Масалан, марғилонлик Муҳаммад Юсуф Ҳазин Хонақоҳийни олайлик. Бинобарин, Муҳаммад Юсуф Ҳазин Сармозор отани ўзларига маънавий устоз деб билганлар. Буни мазкур зиёратгоҳига тез-тез келиб туришларидан ва у ерни ҳурматлаб, “Улуғ мазор” деб аташларидан ҳам билса бўлади. Ул зотнинг Мир Абдурахим эшон ҳазратларининг хонадонларига ҳам ҳурматлари юқори бўлган. Эшон ҳазратнинг набиралари Абзор Эшон эса ўз навбатида Марғилон шаҳри Хонақоҳида илмдан таҳсил олган бўлиб, айнан Муҳаммад Юсуф Ҳазин Хонақоҳий билан ўзаро чуқур ҳурмат доирасидаги муносабатда бўлишган.

Аброр Эшоннинг аёллари бўлган Тошхон отин ўз фарзандларига куйидагиларни айтиб қолдирган: “Муҳаммад Юсуф Ҳазин домла, вафотларидан бир неча йиллардан кейин, бир куни Аброр Эшоннинг тушларига кириб қоладилар. Тушларида Ҳазин домла Сармозор масжидининг эшиги олдида кирмай турган ҳолатда бўладилар. Аброр Эшон у кишига қараб ҳайрон бўлиб, бу ерда нима қилиб турибсиз, ичкарига кирмайсизми, десалар, Ҳазин домла “Мен ўзи шу ерда бўлишим керак эди, бу сизга боғлиқ бўлар экан, мана энди у ёқларда қолиб кетиб, келолмаяпман, йўлда қолиб кетдим”, дебдилар. Аброр Эшон шу заҳоти уйғониб кетибдилар. Шу куни азонлаб отга минибдилар ва Тожиали гўрковни олиб, Марғилон Хонақоҳ масжиди ёнидаги қабристонга борадилар”.

Маълумотларга кўра, маслаҳат билан Хонақойи Ҳазрат домланинг қабрини кўчирмоқчи бўладилар. Ўша вақтда бу ердан йўл ўтадиган бўлиб қолгани учун қабристон бузилаётган эди. Йўл ишлари ниҳоясига етай деб қолган бўлсада, қабристонда фақат Хонақойи Ҳазрат домланинг қабрларигина бузилмай турган эди. Сабаби, бу қабрда ким кўйилганлиги яхши билган йўлсозлар уни бузишга ботина олмаганлар. Қачонки Аброр эшон келиб, ул зотнинг ҳокини кўчиришга киришганда, одамлар улуғ зотнинг хоклари безътибор қолиб кетмаслигидан хурсанд бўлиб кетганлар. Ҳазратнинг хоки шу тарзда Сармозор қабристонига олиб келиниб Ҳазрат Домлани Сармозор азизларнинг ёнларига дафн қилинганлар”.

Шу ўринда Муҳаммад Юсуф Ҳазин домла қабрларининг кўчирилиши тўғрисидаги мазкур хотираларга кўшимча қилиб, айрим маълумотларни келтириб ўтсак. Масалан, бешариқлик авлиё Жўра девона билан ҳам шундай ҳолат юз берган.

Айтишларича, Жўрақул девона ҳаётлигида мени икки жойга кўмишади, дер экан. Дехқонтўда

кишлоғидаги эски қабристонга узоқ йилдан буён маййит қўйилмаган. Эски қабристонни бузиб, ерларни текислаётганларида бир қабр чиқиб қолади. Маййит худди кеча қўйилганидек ҳеч бир ўзгаришсиз, баданига ҳатто бир нарса ўралмаган эди. Уни бошқа жойга дафн қилишади. Суриштирса, бу Жўра девонанинг қабри бўлиб чиқади. Валий зотлар билан боғлиқ бундай ҳайротомуз воқеалар тўғрисида халқимиз орасида қадимдан турли ривоятлар сақланиб қолган. Биз бундай ҳолатлар ҳақида фақат эшитган бўлсак, лекин кимлардир ўз кўзи билан кўриб, бунинг жонли шоҳиди бўлганлар. Келинг, яхшиси, ҳазрати шайх Фаридиддин Атторнинг шу тўғридаги қуйидаги ҳикоятига эътиборимизни қаратайлик:

“Шайх Абу Туроб Нахшабий, қоддасаллоҳу руҳаҳул азиз, валоят бодиясининг (даштининг) саёҳи, замон дарёсининг маллоҳи (қайиқчиси) эди. Хуросон тупроғидаги шайхларнинг улуғларидандир. Ҳар қачон муридларида ёмон иш кўрса, муридига бир нарса демас, ўзи тавба қилиб, истиғфор айтар эди. Айтар эдики, “Ул бечора бу балога мен туфайли йўлиқди”. Дарҳол Ҳақ таоло ўша муридга салоҳ (яхшилик) ато этар, мурид пушаймон бўлиб, тавба қилиб, истиғфор этар эди. Ҳазрати шайхнинг ушбу сўзи нақл этилган: “Бир кун Ҳижоз даштида ёлғиз борар эдим. Бир қора юзли одамни кўрдимки, бўйи минорадан ҳам узун эди. Кўнглим ундан ҳайиқди.

– Девмисан, паримисан? – деб сўрадим. У эса менга:

– Сен мусулмонмисан, кофирмисан? – деди. Агар мусулмон бўлсанг, Аллоҳдан бошқасидан кўрқма! – деди-да зойиб бўлди”.

Шайхнинг ўлими Басра тупроғида содир бўлди. Вафот этган пайтида ёнида ҳеч ким йўқ эди. Бир қанча йилдан кейин кўрдиларки, Абу Туроб шундоқ юзини қиблага қаратган, асосига суянган ҳолда жон берган эди. Бир қўлида косаси ҳам турган экан. Жониворлар

унга сира тегмаган эди. Топган жойларида уни дафн қилдилар. Ҳадиси шарифда марҳамат этиб айтилганки, “Валиларнинг жасади чиримас, жониворлар ундан қочгайлар, улар ўлмагайлар, бир уйдан бошқа уйга кўчгайлар”.

XIX аср охири XX аср бошларида яшаб ўтган Марғилон адабий муҳитининг кўзга кўринган вакиллари ижодида Сармозор мавзуси ҳам ўз ифодасини топган. Масалан, бундай шеърлардан бири Мирҳайдар домла Толийнинг¹ Сармозор шаънида ёзган асари бўлиб, у билан танишиш орқали мазорнинг ўша давр маънавий ҳаётида тутган ўрни ва мазор соҳибининг баъзи фазилатларини билиб оламиз:

¹ Улуғ олим, мударрис, накшбандия тариқатининг йирик шайхи, кўплаб ахлоқий-ирфоний мазмундаги манзумалар муаллифи Мирҳайдар домла 1833 йилда Марғилоннинг Хўжа Форсо маҳалласида бўзчи оиласида туғилган. Бошланғич таълимни Марғилонда олиб, кейинчалик Бухоро мадрасасида таълим олган. Мирҳайдар домла “Толий” таҳаллуси билан ижод қилган. Ахлоқий-ирфоний мазмундаги кўплаб назмий асарлари бизга етиб келган. “Баёз маҳбуб ал-маҳбуб”га Толийнинг бир нечта ғазаллари киритилган. Мирҳайдар домла Бухоро мадрасасидан қайтгач, Марғилондаги Хўжа Муҳаммад Форсо номли мадрасасида мударрислик фаолиятини бошлайдилар ва умрларини охиригача бу ерда хизмат қиладилар. Маълумотларда мазкур мадраса Марғилонда ўз нуфузи билан ажралиб туриши айtilган. Мадраса қошида мактаб бўлиб, унга “илмга чанқоқ, ўзига тўқ кишилар болаларини беришлари” таъкидланган. Ўтган асримиз бошларидаги миллий озодлик ҳаракатининг йирик вакили Муҳаммад Амин Аҳмадбек ўғли – Мадаминбек ҳам ушбу мадраса талабаси бўлган эди. Бу ҳақда Алишер Ибодиновнинг Қўрбоши Мадаминбек номли ҳужжатли қиссасида шундай келтиради: “...Болалигидан зехни ўткир, зийрак Мадаминбек ўқимишли эди. Эски мактабда савод чиқарган, Марғилон шаҳрида Хўжа Муҳаммад Порсо маҳалласида, домла Мирҳайдар қўлида таълим олган. ...Домла Мирҳайдар Марғилондаги илғор усулда дарс берадиган билимдон муаллим сифатида донғи кетган одам бўлган. Илмга чанқоқ, ўзига тўқ кишилар болаларини айни шу мактабга берганлар”. Толий Марғинович 1332 ҳижрий, зулқайда ойининг 22 куни мелодий 1914 йил, 11 октябрда 79 ёшда якшанба куни вафот этганлар. Хўжа Форсо қабристонига дафн қилинган. Бу ҳақда қаранг: Файзуллаев Р., Абдулахатов Н. Муҳаммад Юсуф Ҳазин (Хонақоҳий Ҳазрат Марғинович). – Т.: “Sharq”, 2013.

САРМОЗОР ЗИЁРАТГОҲИ ШАЪНИДА

*Қиблайи арбоби ҳожат, остони Сармозор,
Каъбайи асҳоби ҳиммат, остони Сармозор.*

*Ул Мусулмонқулки бўлди, ҳокими фармонрӯ,
Файзбахш бўлди анга, ул остони Сармозор.*

*Ким Сафо-ю Марвани файзи футуҳин истагай,
Супурсин кеча-кундуз, остони Сармозор.*

*Ким қолур гирдоби гамда, топгуси андин нажот,
Билса малжаъ ул кишилар, остони Сармозор.*

*Ҳар нечук матлублар каффи таманнога келур,
Матлаъи омор билсанг, остони Сармозор.*

*Зумраи беморларни мунда сизлар келтиринг,
Дардга доруш-шифодур, остони Сармозор.*

*Ҳар кишини гарданига тушса ногоҳ гулли дайн,
Бергуси андин халос, остони Сармозор.*

*Мунда кел, файзи илоҳий гар сенга матлубдур,
Маъдани файзи Илоҳий, остони Сармозор.*

*Толиё, бул боргоҳдин кесмагил ҳаргиз умид,
Мазҳари жуду карамдур, остони Сармозор.¹*

Бундан ташқари Аҳрорхон Марғинонийга тегишли бир қўлёзма мавжуд бўлиб, у муаллифнинг назмий асарларидан тузилган баёздир. Унда келтирилишича,

¹ Мирҳайдар домла Толий. – // Р.Файзуллаев кутубхонаси. №2-йиғма жилд.

муаллиф отаси вафот этгандан сўнг бу Сармозорда бир муддат истиқомат қилиб турган.

“Марҳуму мағфур қиблагоҳни вафотлари 1335 йил 11 шавволда эрди. Марҳумни вафотларидан кейин ҳижронни даштида бир мунча вақтлар саросима ва маҳжурликдан бетоқат бўлиб, охири шаҳардан чекка ва ҳоли жой деб, Сармозорга бориб, бир холи ҳужрада мўътакиф (ибодат қилувчи) бўлиб, хурду-хоб билан ишим бўлмай, бағирни ерга бериб, йиглаб, эътикофни тамом қилдим. Ўшал вақтдаги бошимга келган савдолар фақат ўзим билан Парвардигорга маълум. Эътикоф асносида ёзилган мухаммасдур. Лекин ул вақтда ўзимга “Котиб” деб тахаллус қилар эрдим.

Мухаммас

*Аё соҳиби каромат, соҳиби асрор, деб, келдим,
Сиза бу жисми жоним, айлайин нисор, деб, келдим,
Назар ҳолимга айланг, ман зариб афгор, деб, келдим,
Аламдин жисмим ўлди кўп ҳазин бемор, деб, келдим,
Бағирлар чок-чоку ҳар тараф минг тор, деб, келдим.*

*Замон кажравлигидан, дамбадам корим фигон бўлса,
Аламни хасратидин, қат-бақат дилларда қон бўлса,
На қаттиг иш эканким, ҳар киши бемехрибон бўлса,
Менингдек наст иқболу яна бехонумон бўлса,
Ёза олмай шарҳи гамни, дилларим зангор деб келдим.*

*Халойиқлар ичинда барчадин бахти қаросиман,
Заъифу нотавону камтарин, бедастии посиман,
Тамому ранжу кулфат, дарду гамни мубталосиман,
Бихамдиллоҳки, дини мусулмонни болосиман,
Мадад айланг, муродим, айлайин изҳор, деб, келдим.*

*Очиб хуноба ашким, суханларни лолазор айлаб,
Уни беихтиёрим элни кўзгаб, беқарор айлаб,
Юрогим тўхтатолмай, чарх уриб бағри фикор айлаб,
Бошимни зери ҳоки остони Сармозор айлаб,
Тавон ташлаб ўзимни, Ҳазратим гамхор, деб, келдим.*

*Ўзим бир рўсияҳ осий, гарибу муттакосизман,
Ўтиб гафлатда умрим, ўзга келмай раҳнамосизман,
Кўлим ушланг, аё соҳиб каромат пешвосизман,
Мисоли бир итиким, эл аро юрган, эгосизман,
Бу даргоҳ олдида мендек, кучук даркор деб келдим.¹*

Шу ўринда Котиб тўғрисида. Пўлатжон Домулла Қайюмийнинг “Тазкираи Қайюмий” асаида “Котиб” тахаллуси билан икки шоир ижод қилганлиги таъкидланади. Бизнингча, Сармозорда бир муддат эътикофда бўлган Котиб тахаллусли шоирнинг номи Мулло Сиддиқхон бўлса керак. Чунки, “Тазкираи Қайюмий”да биринчи Котибнинг қаердан эканлиги номаълум бўлганлиги ва унинг фақирона турмуш кечирганлиги айтиб ўтилган. Бинобарин, Сармозорга бағишлаб ёзилган мухаммасда Котиб ўзини халойиқлар ичинда барчадин бахти қароси эканлигидан шикоят этади. Шундай экан, “Тазкираи Қайюмий”даги маълумотларга эътиборимизни қаратсак:

“Бу шоир қайдан экани ҳануз бизга маълум бўлмаса ҳами номи Мулло Сиддиқхон экани сўзида кўринур. Шу тахаллусда хўқандли бир котиб ҳам бордур. Шеъридаги қуватиға эътибор бермаганимизда ҳам услуби эътибори билан унга ўхшамаётир. Тутган темаси бўйича шул радифли қофия ила шеър айтган шоирга хусусан ўзбек тилида ёзган шоир жуда оздир. Темаси ила шеъри чуқур

¹ Ахрорхон Марғинович Котиб. 25-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

ўрганулур маъно мафҳум мулоҳаза этилса тавсиф бўлиб чиқадур. Ҳар ҳолда шоир Фарғона водийсидан бўлса керакдур. Фақир киши экани кўринадур”¹.

Бир нарсани таъкидлаш ўринлики, Сармозор қишлоғи аҳли Эшон бувага ихлос ва муҳаббатли кишиларнинг, асосан эса уларнинг бевосита авлодлари бўлганидан мазкур қишлоқ бугун ҳам шаҳарнинг ибратли кишилари истиқомат қиладиган масканига айланган.

Дарвоқеа, Марғилоннинг Эшонгузар маҳалласи ҳам Эшон буванинг муборак пойқадамлари ила ушбу маҳаллани босиб ўтганликлари туфайли ҳам шундай аталганини шу ерлик кекса ёшли кишилар нақл қиладилар. Бундан ерли халқнинг Эшон бувага ададсиз эҳтиромини билиш қийин эмас.

¹Қайюмий П. Тазкираи Қайюмий / Нашрга тайёрловчи: Акад. Қаюмов А. Уч жилдлик –Т.: “ЎзРФА Қўлёмалар институти таҳририй нашриёт бўлими”, III жилд. 1998. 550-551-б.

САРМОЗОР АЗИЗЛАРИ ҲАҚИДА ИБРАТЛИ ҲИКОЯТЛАР

Сармозор отанинг кароматлари ва фазилатларига доир кўплаб воқеа ва ҳикоятлар ҳозиргача халқимиз орасида зикр қилиниб келинади. Жумладан, у зотнинг бир отлари бўлиб, кўпинча йўлда кетаётиб, баъзи ерларни четлаб-айланиб, юрар экан. Ҳазратдан сабабини сўраганларида, “Бу ерда азизларнинг қабри борлигини билиб, уларни босмаслик учун шундай қияпти”, деб жавоб берар эканлар.

Сармозор отанинг ҳовлиларида бир мушуклари бўлиб, мабодо қайси бир муридлариникига бормоқчи бўлсалар, боришларидан аввал у ўша ерга бориб, уларга хабар берар экан. Буни англаган муридлари, Сармозор отанинг истиқболларига пешвоз чиқар эканлар. Бундан кўринадики, ҳазратнинг даргоҳида хизмат қилиб, у зот назарига тушган ҳар бир шахс, ҳатто тилсиз жониворлар ҳам ўз тенгилари орасида мумтоз бўлиб қолар экан.

Шу ўринда Сармозор ота ҳақида келтирилган қуйидаги воқеа ҳам ибратли. Айтишларича, кунларнинг бирида ҳузурларига бир киши келиб, остонада қуллуқ қилганича таъзим қилиб туриб қолади. Бу ҳол уч кун такрор бўлади. Учинчи кун ҳазрат қўлларини очиб, дуо қиладилар. У қуллуқ қилганича кетади.

Муридлари бу ҳақда сўраганларида, “Ҳа, у фалон шаҳарнинг авлиёси эди, бир хато билан мақомидан тушиб қолган экан, яна ўрнига тиклаб қўйдик”, – дейдилар. Шунда ёнларида турган муридлардан бири шошиб: “Эй, аттанг, бизга айтмабдилар-да, зиёрат қилиб олар эдик”, – дейди. Кейин эса, ўйламасдан айтиб юборгани учун бу гапига ўзи хижолат бўлган экан.¹

¹ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон–1999.

“Мақомидан тушиб қолган” кишини қайта тиклаш билан боғлиқ иккинчи бир воқеани ҳам марғилонлик кекса ёшли кишилар Сармозор эшон бувага нисбат берадилар. Унинг тафсилоти шундай бўлган:

Айтишларича, ҳазрат Сармозор (қ.с.)нинг хузурларига ким келса, хизматларида турган набираларига ишорат қилар эканлар. Улар дарҳол меҳмонларга дастурхон ташкил қилишар эканлар.

Бир куни одатдагидек бир меҳмон келади, лекин Ҳазрат бу ҳақда уларга ишора қилмайдилар. У кетгач, набиралари қизиқсиниб, бу ҳақда сўрайди. Ҳазрат келган меҳмоннинг юрагига ҳеч нарса сиғмаслиги, унинг мақсади тамоман бошқа эканини айтадилар. У Мағриб диёрининг валийларидан бири бўлиб, бир хато сабабли мақомидан тушиб қолганини, лекин уни нимадан эканини билмай аниқлаш учун бу ерган келганини айтадилар. Ёш набира яна сўрайди:

- Унга хатосини айтиб бердингизми?
- Йўқ.
- Нега?
- Чунки ундан ҳаё қилдим.
- Ахир билармидингиз, уни нимадан эканини?
- Ҳа.
- Нимадан эди?

– Фалон куни бир водийда кетаётганида, бирдан шаррос ёмғир қуйиб юборади. У зот шаҳарга назар солсалар, шаҳарда ҳеч қандай сув йўқ, гиёҳлар қуриётганини, кишилар бундан қийналаётганларини кўрадилар. Дилларидан шу ёмғир водийга ёғмай шаҳарга ёққанида яхши бўлар эди, дея ўтказадилар. Шу туфайли мақомларидан тушиб қолганлар.

Бола бир оз ўйланиб туриб, шундай дейди:

- У киши қаерда кетяптилар, ҳозир?

Ҳазрат болага у зотни кетаётган ерини ғойибона кўрсатадилар. У саҳрода бошини эгганича кетаётган бўлиб, шамолда кийими хилпираб ўралиб кетаётган эди.

– Рухсат берсангиз, шу гапни мен у кишига айтиб қўйсам, бўладими?

– Майли.

Бола меҳмоннинг орқасидан бир зумда югуриб боради ва салом бериб, ўзини таништиради. Сўнгра, сизни қийнаётган нарсани айтгани келдим, дейди. Меҳмон шодликдан кўзлари қувнаб, нима экан у, дейди. Бола воқеани айтиб беради.

Бу гапларни эшитган меҳмон “дод” дейди-да, дарҳол бошидаги салласини ечиб, бўйнига боғлайди, бир учини болага тутқазиб, мана буни ушла, мени етаклаб, шаҳарга олиб кир, дейди. Бола ҳам ҳайрон бўлиб, уни етаклаб шаҳарга кирадилар. Бўйни боғланган меҳмон тинимсиз, “Эй халойиқ, Аллоҳнинг тақдирини табдил қиламан, деган кишининг аҳволи шундай бўлади”, дея жар солиб юрган экан.¹

Сармозор отанинг кароматларидан яна бирида айтилишича, Шом шаҳрининг ўз вақтидаги амирининг фарзандлари орасида ҳусни олия қизи бўлган. Шом шаҳарларининг бирига қўшни юрт ҳукмдори юриш қилиб, амирнинг қизини унга хотинликка бериши лозимлиги айтади. Агар бермаса, ўша шаҳарни кунпаякун қилишга ваъда беради. Шундан сўнг амир ўз саройининг олим-уламоларини тўплаб мусулмон подшо қизини душманга беришга мажбур бўлиши мумкинлигини айтиб, бу масалани ҳал қилишга чорлайди. Шунда уламолардан бири Марғилондаги Мир Абдурахимхожа эшон билан маслаҳат қилишни ва у ерга етиб бориш ва қайтиш учун 3 ойлик вақт кетишини

¹ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон–2012.

айтишади. Шунда амир ғанимдан 3 ой муддатга муҳлат сўраб, шу вақт мобайнида тўйга тараддуд кўрилажагини маълум қилади. Амир Мир Абдурахимхожа эшонга хат ёзиб, ўз одамларидан чопар тайинлаб, тезлик билан ул зотни олдиға боришни, унга етарли миқдорда маблағ бериб, йўлда ушланмасликни, ҳолдан тойган отни ташлаб, янги от сотиб олиб, йўлда давом эттириб етиб боришни тайинлаган. Амирнинг чопари Эшон буванинг олдиларига келиб, ташриф мақсадини баён этади. Шу вақт Эшон бува хатни ўқиб, “Ўша ерда шунча олимлар бор-ку, шуни ҳал қилиб бермабди-да, ҳа, майли-да,” деб қўлларида ушлаб чиққан кичик бир янги узум хомток новдасини чилт узиб юборган эканлар. Шу вақтнинг ўзида ғаним подшонинг боши танасидан жудо бўлибди. Бу сабабдан Шом амири иккала муаммодан бирданига халос бўлган экан. Вақт ўтиб амирнинг чопари Эшон буванинг олдиларидан хабар билан танишганликлари ҳақидаги жавоб ёзуви билан хатни кайтариб олиб келади. Шунда амир чопардан нималар бўлди, деб сўраганида, чопар бор гапни айтиб борганлиги, Мир Абдурахимхожа эшон узум хомток новдаси билан чиққанликлари, ўша ерда кўп олимлар борлигини, бирор бирлари ҳал қилишмабди-да, деб қўлларидаги узум хомток новдасини узиб юборганликларини айтган. Амир бу ҳолатнинг вақтини чопардан аниқлаб, Эшон буванинг новдани узган вақтлари душманнинг ўлим вақтига тўғри келганлигини билиб, бунинг ҳикматини тушунган экан. Шундан сўнг ўша амир, кўп кимматбаҳо совға-саломлар билан Эшон бувага миннатдорчилик ва ҳурмат билдириш учун олдиларига зиёратга Сармозорга келган. Шу пайт Эшон бува масжидда намоз ўқиб турган эканлар. Амир Эшон бувага ўзини таништириб, зиёрат қилиш учун келганлиги, ҳурмат ва миннатдорчилик эвазига бойлик ва совғаларни таклиф қилади. Эшон

бува ул кишини яхши кутиб олган эканлар-у, бироқ амир келтирган совға-саломларга эътиборсиз бўлганлар. Шунда амир мен олиб келган бойлик ул зотнинг назариға кирмадимикан, деб хафа бўлиб сўраганда, Эшон бува, бойлик ортиқчалик қилади, ҳар бир инсон ўзи меҳнат қилиб, меҳнатига яраша даромад қилгани яхши”, деб фикр билдирган эканлар.

Маълумки, муқаддас мазорларнинг машҳурлиги унга дафн этилган авлиёларнинг кароматлари билан белгиланади. Агар авлиёлар ҳаёти мобайида кўплаб кароматлар кўрсатган бўлса, демак, унинг қабри ҳам шу қадар серфайз бўлади деб қаралган. Ҳазрат Хонақойи Домланинг ҳамда қўқонлик Миён Эшон Сотиболдихонни ҳам Сармозор зиёратгоҳига тез-тез келиб туришларининг сабаби ҳам шунда. Чиндан ҳам Худонинг дўстлари деб аталувчи улуғ зотлар бўлган авлиёлар номини ёдга олиш, уларнинг файзи осори қутлуғ, сербарокот қабрларини зиёрат қилиш қадимдан савобли ишлар жумласидан ҳисобланган. Зеро, Низомиддин Мир Алишер Навоий авлиёлар тазкираларини ўқишнинг фазилатларини сўзлар экан, “умид улки, бу залолат водийсида гумроҳдек маҳрумлар бу ҳидоят олами раҳнамойиларининг оёғи тупроғи бирла тийра бўлғон ботин кўзларин ёрутмоққа баҳраманд бўлғойлар ва хокисор бошин оёқларга туфроқ қилмоқ бирла сарбаланд бўлғойлар”,¹ деб ёзган эди.

Бундан кўринадики, ҳазрат Алишер Навоий авлиёларни “ҳидоят оламини раҳнамойлари”, яъни тўғрилиқ оламининг сарбонлари деб таърифлаган². Чунончи, тасаввуф тариқатининг улуғ намоёнларидан

¹ Алишер Навоий. Асарлар. 14 Том. – Т., 1973. 23-б.

² Икромиддин Останаккул. Фарғоналик валийлар...11-б.

бири ҳазрат Махдуми Аъзам (1463/64-1542) ўзининг “Рисолаи вужудия” асарида валийлар хусусида қуйидаги таърифни келтиради:

“Валийнинг уч белгиси бор, у баъмани, унинг юзини кўрсанг, юрагингни тортади. Иккинчиси, мажлисда у маънили сўзлаганида, ўз борлиги ва сўзлари билан ҳаммани ўзига тортади. Учинчиси шуки, баъманиликда у оламнинг энг хосидир. Унинг бирор узвидан ёмон ҳаракат юзага чиқмайди”¹.

Шу ўринда Хожа Абдухолик Гиждувонийнинг (1103-1179) қуйидаги сўзларига эътибор берайлик: *“Эй одамлар, авлиёларнинг кароматини Ҳақ деб билинг, подшолик боргоҳининг соҳиб валоятлари мақомотларини ҳақиқий деб ҳисобланг, меҳрибонлик назарини ташувчилар деб тушунинг, суҳбатларини офтоб каби қадрланг, уларга ҳимматингизни қаратинг. Шундай қилсангиз, шояд Аллоҳнинг тавфиқи сизга рафиқ бўлиб, азизларнинг ахлоқи тарбиясидан шундай саодатга етсангиз!”².*

Авлиёлар мозорларида дуоларнинг ижобат бўлиши тўғрисида ҳам кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бу ҳақда Фаридиддин Аттор шундай нақл қилади:

“Нечунким, Яҳё ибни Муоз раҳматуллоҳи алайҳ дунёдан ўтганидан кейин уни тушида кўрдилар ва сўрадилар “Аллоҳ таоло сенга не қилди?” деб. Айтдики, “Роббим хитоб этди: “Ё Яҳё! Менинг сен билан қаттиқ жазолов ишларим бор эди, аммо бир кун мени сўзлар эрдинг ва сўзлаб-эслаб таъзим қилар эдинг. Менинг валиларимдан бирови у ердан ўтар экан, сенинг таъзим ила мадҳу сано этишингни эшитиб, вақти хуш бўлди ва

¹ Зоиров Э.Х. Махдуми Аъзамнинг “Рисолаи вужудия” асари хусусида // Академик Убайдулла Каримов номидаги Ёш шарқшунослар илмий конференцияси тезислари. Т., 2006. 68-б.

² Хожа Абдухолик Гиждувоний /Сўзбоши, таржима, луғат ва изоҳлар муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Т.: Ўзбекистон, 2003. 72-б.

сени дуо қилди. Ўшал валининг дуоси баракоти ила сени ҳам дўстларимдан қилдим ва сенга раҳмат айладим!”¹.

Авлиёларнинг мазах қилиш ва улар устидан кулишнинг оқибати нақадар аянчли бўлиши ҳақида ҳам халқимизда кўплаб ривоятларни эшитиш мумкин. Жумладан, Икромиддин Остонақулнинг “Фарғоналик валийлар” асарида шу ҳақда қуйидаги воқеа баён этилган:

“Кунлардан бир кун шум ниятли кишилар Азимхўжа эшон исмли авлиёни мазаммат қилиш учун бир одамни ўлди деб гап тарқатиб, тобутга солиб, жаноза намозига одам йиғишади. Жаноза намозани сиз ўқинг, деб эшондан илтимос қиладилар. Эшон жаноза намозини ўқийди. Шунда шумлар “Бу одам ўлгани йўқ эди, сизни синовдик”, деб кулишади. Шунда Азимхўжа эшон: “Очиб қаранглар, балки ўлгандир”, дейди. Тобут устини очиб қарашса, ҳалиги одам чиндан ҳам ўлиб ётган экан”².

Шу сингари Мажзуб Намангонийнинг “Тазкират ул-авлиё” асарида марғилонлик валийлардан бўлган Зариф Марғинонийга нисбатан ҳурматсизлик қилган кишининг аҳволи қандай кечганлиги билан боғлиқ қуйидаги воқеа ҳикоя қилинади:

“Чун ҳазрат Мусохон Ҳиндустонда эрдилар. Зариф Марғиноний ҳазрат Эшон билан эрдилар. Ҳазрат Эшон айдиларки, “Биз ҳам вилоятга борурмиз. Лекин икки йилдан кейин. Сиз ҳоло Бухорога боринг. Ул ерда бир масжид бор. Ул масжидни “Масжиди Миргон” дейдилар. Ўшал ерга бориб Масжиди Миргонда ўн кун эътикоф ўлтурунг. Ўшал масжидда бир шайх бор. Жаҳр қилади девоналари билан. Сиз аларга қўшулмай,

¹ Фаридиддин Аттор. Тазкират–ул Авлиё. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 1997. 4 -б.

² Икромиддин Остонақул. Фарғоналик валийлар. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2001. 79-б.

бир чеккада хуш бўлиб ўлтурунг. Уч кундан кегин сизни олдингизга бир сўфий келиб сўрайди: “Бу ерда нима қилиб ўлтурубсиз? Сиз айтинг: ”Сизлар нима ишда?” Ул айтадики, “ Бизлар жаҳр қиламиз. Сиз айтингки, ”зикри қалб қайда? Зикри руҳ қайда? Зикри сар ва зикри махфий ва зикри мусулмон қайда?”. Ул билмайди. Сўнгера сиз жой қалбни кўрсатиб таважжух беринг. Жуда таъсирланади. Қолган етти кун ичида Шайх Жаҳрийни девоналарини ҳаммаси сизга юз келтуради.

Зариф Маргиноний Бухорога келдилар. Ҳазрат амрларига мувофиқ масжиди Миргонда эътикоф ўлтурдилар. Уч кундан сўнг ўша толиб келиб, юқорида зикр қилинган гафт шунудлар бўлуб, тўққизинчи кун ишай кўрдиким, хизматида ҳеч ким қолмаган. Сўрадики, толиблар қайга кетди? Айдиларки, “ўшал эътикоф қилиб ўлтурган ҳамма толибларни ўзига қаратуб олди. Шайх Жаҳрийни газаби келиб буюрдиким, “Бу одамни палосларини кўтариб, масжиддан чиқаринглар”, деб. Халифа айдиларки, “мен ўн кунга эътикофдаман. Эртага эътикоф тамом бўлади”.

Шайх айдики, “Андоғ бўлса, қўйунглар. Эртага кетади. Сўфийлар шундоғ қилдилар. Чун кеча ўтди. Эрта билан хабардор бўлсалар, Шайх Жаҳрий оламдан ўтубдурлар. Муридлар айтдиларки, “Эшон Жаҳрийни қилган ишлари жонларига зарар қилиб иймонларига ҳам зарар қилдими?”. Ҳазрат айдилар: “Ҳоло менга каишф бўлгон йўқ. Ҳар вақтки каишф бўлса айтаман”, дедилар. Бир қанча вақт ўтгондан кегин айтдиларки, “Акнун Ҳазрат Расул (с.а.в.) руҳониятларидан каишф бўлди. Сўрадим: “ Ё Расулуллоҳ (с.а.в.), Шайх Жаҳрия бо иймон кетдими ё йўқми?”. Ҳазрат Расул (с.а.в.) айдилар: “Агар палосларини қайтариб, масжидга олмаганида,

беймон кетар эди. Палосларни масжидга қайтарди. Бо иймон кетди” дедилар”¹.

Нақшбандия силсиласининг Махдуми Аъзамдан кейинги йирик вакили Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий (тахм. 1485-1571) тўғрисида маълумотлар берувчи “Мавлоно Лутфуллоҳ маноқиб” асарида авлиёлар хусусида ушбу маълумотлар келтирилган:

“Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ айтдилар: “Марди Худолар (яъни авлиёлар) билан беллашмоқ ва ўзида сезган баъзи ҳолатлар билан мағрурланмоқ лозим эмасдир. Истиғно ва истикбордан шумроқ нарса ва куфр йўқки, охирги ҳоли ва оқибати қийинчилик бўлмай. Аллоҳдан тавфиқ ва кўмак тилаш керакким, то иршод аҳлининг иноятини топсинлар ва Ҳақ таоло тавфиқини азизларнинг инояти ва муҳаббатидан деб билсинлар.

Мардларнинг (авлиёларнинг) иноятисиз ҳеч инсон хатарлардан, хатоликлардан омонликда бўлмайди. Зубдату-л-орифин Ҳазрати Чалабий буюрибдурларки, иноятсиз фойда бермагай. Агар авлиёуллоҳларнинг инояти камолидан ҳар иккисига эга бўлсалар, нур устига нур бўлгусидир”².

Бу ҳақда атоқли шоир, мутафаккир ва мутасаввиф олим ҳазрати шайх Фаридиддин Аттор ундай дейди:

“Яна бир боиси бор: авлиёуллоҳлар турлича бўлади. Баъзиси маърифат аҳли, баъзиси мақомот аҳли ва баъзиси муҳаббат аҳли ва баъзиси тавҳид аҳли ва баъзиси бу мазкур бўлганларнинг барчасини қамраб олган. Ва баъзиси сифати билан, баъзиси сифатсиз бўладилар”³.

Шайх Али Даққоқдан сўрадилар:

¹ Мажзуб Намангоний. Тазкират ул-авлиё. Наманган, 2000. 26-б.

² Мухаммад Муфти Оҳангароний. Мавлоно Лутфуллоҳ Маноқиб. –Т., 2002.121-б.

³ Фаридуддин Аттор. Тазкират ул-авлиё. – Т.: “Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи”, 2013. 13-б.

– Эй Шайх, бу азизларнинг сўзларини эшитишдан бизга манфаат фойда борми?

Шайх деди:

– Ҳа унда икки фойда бор. Биринчи фойда шуки, агар толиб бўлса, ҳиммати кучли бўлгай, талаби ортгай!

Иккинчи фойда шуки, бошида такаббур бўлса, сингай ва дардманд, шикаста ҳол бўлгай. Ва ёмон даъволар бошидан чиқади, яхши ва ёмоннинг фарқига боради. Агар кўр бўлса, ўзи мушоҳада қилгай!

Имом Юсуф Ҳамадонийдан сўрадилар:

– Кунлар ўтиши билан бу тоифанинг сўзлари тупроқ остига киради, унда биз нима қиламиз? Имом деди:

– Ҳар кунда саккиз варақ бу тоифанинг сўзларидан ўқишни вазифа қилиш керак. Ғафлат аҳлига айн фарз шу!”¹

Азиз – авлиёларнинг фазилатлари хусусида XVIII асрда яшаб ўтган Шайх Одина Муҳаммад Хоразмий ўзининг “Мифтоҳ ул асрор” (“Сирлар калити”) номли асарида жумладан шундай ёзади:

“Анбиёларнинг, уларга саломлар бўлсин, фозиллари ва комиллари ва авлиёлар, уларнинг барчасига Аллоҳ таолонинг розилиги бўлсин, бир ойна кабидурларки, Худованди таоло ўзининг ҳукмлари ва сирларини бу ойнада зуҳур қилдиради, уларнинг вужуди ва тилидан бу ҳукм ва сирларни инон ва ихтиёрсиз содир қилади. Тўтига ўхшаган муридлар ва таълим олувчилар ўзларининг суврати ва жисмига ўхшаиш бу зотлардан маъориф ва ҳақойиқларни тинглайдилар, ахлоқ ва одоб ўрганадилар. Уларнинг сўзлари ва ҳаракатларини уларнинг ўзларидан деб ўйлайдилар, уларга тобелик ва

¹ Ўша асар, 16-б.

пайравлик қиладилар, Бу нарсалар бошқа жойда эканини билмайдилар”¹.

Авлиёлар тўғрисида “Ҳазрати Башир маноқибӣ” асарида куйидагича баён этилади:

“Аллоҳ Ҳақ субҳонаҳу ва таоло бундай инсонни ўзининг махфий бўлган сир-асрорларидан хабардор қилиб қўяди. Бу ҳолатда инсон валоят салтанатининг тахтига ўтиради. Бу мартабани топган инсон бу дунёда ўзини йўқ деб ҳисоблайди ва охираат кунда ўзини ҳақиқий инсон деб билади. Авлиёллоҳларда баъзи кароматлар пайдо бўлади. Чунончи, инсонларни ички феъл-атворларидан хабардор бўлган ҳолатда уларни йўлидан адашганлар ва қилган гуноҳлари ва савоб ишларини айнан кўз билан кўргандек ва ё қулоқ билан эшитгандек айтиб берадилар”².

¹ Шайх Одина Муҳаммад Хоразмий. Мифтоҳ ул асрор. –Т.: Ўзбекистон давлат консерваториясининг “Муסיқа” нашриёти, 2006. 84-б.

² Чориев А. Ҳазрати Султон тарихи ва Ҳазрати Башир маноқибӣ... 260-б.

САРМОЗОР ВА МАРҒИЛОН ТАРИХИ

Адиб Насафий айтганларидек: “*Ҳар бир музофотнинг бошқа тасарруфлардан ажралиб турадиган ва қадам ранжида қилганларга мароқ билан айтиб бериладиган ўзига хос нақллари-ю, гаройиб тарихи бўлади. Аслида, бу табиий бир ҳол, чунки инсон ўзи яшаган жойида ўзининг ўзига хос тарихини яратади*”. Сармозор зиёратгоҳи тўғрисида ўша ернинг улуғлари бўлмиш нуроний отахон ва онахонлар билган ва эшитган хотираларини имкон қадар қоғозга туширдик.

Тарихий маълумотларга кўра, Мир Абдурахимхожа эшон (Халфа Эшон, Мир Абдурахмон ҳам дейилади), яъни Сармозор азизлари яшаган даврда Марғилон нафақат Фарғона музофотида, балки, бутун Марказий Осиёда обод ва аҳолиси гавжум шаҳарлардан бири саналиб, ўзида катта миқдорда қўшин сақлай олиш салоҳиятига эга эди. Зотан, XIII асрлардаёқ ушбу шаҳар таърифи мусулмон дунёсига етиб борган. Бу ҳақда XII асрнинг иккинчи ярми XIII аср бошларида яшаган машҳур сайёҳ Ёқут Ҳамавий ўзининг “Муъжам ал-булдон” асарида қуйидагиларни келтиради: “*Марғилон – Мовароуннаҳрдаги шаҳар, Фарғона ниҳоясидаги энг катта шаҳарлардан бири. У ерда бир қанча фозил кишилар етишиб чиққан*”.

Шунингдек, Марғилон шаҳри хонлик маркази бўлмиш Қўқон билан чамбарчас боғлиқ ва муҳим шаҳар сифатида катта аҳамият касб этарди. Шу сабабдан ҳам Қўқон хонлиги тарихида Марғилон аҳли бирон маротаба хонларга қарши чиқишлар қилмаган, аксинча, Марғилон хонлар учун вақти келса, паноҳгоҳ вазифасини ҳам ўтаб келган. Бу фикрларни Марғилонга ташриф буюрган сайёҳ Мир Иззатулло ҳам тасдиқлайди. У 1812 йилда

Ҳиндистондан Қошғар орқали Марғилонга келиб, бу ерлик аҳоли тўғрисида шундай дейди: *“Марғилонликлар эътиқод бобида энг аввалги қаторда турадилар. Шаҳарнинг ўзи жуда ҳушманзара бўлганлиги сабаблими, унинг одамлари ҳам ҳушахлоқ, сертавозедирлар. Уларнинг катта-ю, кичиги шарият аҳкомларига тўла-тўқис амал қиладилар”*.

Марғилон шаҳрининг стратегик аҳамиятини яхши ҳис қилган хонларнинг ўзлари ҳам бу шаҳарга энг ишончли кишиларни тайин этганлар. Жумладан, Норбўтабий Марғилонга ўзининг тўнғич ўғли Муҳаммад Аминбекни ҳоким қилиб қўйди. Айтишларига қараганда, деб ёзади рус тарихчиси В.Наливкин, Норбўтабийнинг Марғилондаги ўғли Муҳаммад Аминбек келишган, ҳушсурат, ўктам бир йигит бўлган. У Марғилон аҳли ўртасида катта обрў-эътибор қозонган. Бироқ, у Норбўтабий ҳаётлик вақтидаёқ оғир хасталикдан вафот этади. Марғилонга янги ҳоким тайинлаб улгурмасданок, Норбўтабийнинг ўзи ҳам вафот этади.

Унинг иккинчи ўғли Олимбек хонлик тахтига келади ва укаси Умарбекни Марғилонга ҳоким этиб тайинлайди. Марғилон аҳли янги ҳокимни ҳам иззат-икром билан кутиб олади. Ўз навбатида Умарбек ҳам ўзига кўрсатилган юксак ҳурматга жавоб тариқасида марғилонликлардан ўз меҳр-мурувватини дариғ тутмаган. Бу эса вақти келиб унга хонликни олиш учун қулай имконият яратган.

Ўша даврларда Сармозор азизларидек улуғ зотларнинг Марғилон шаҳрида умргузаронлик қилишлари тугайли шаҳарнинг доврўғи узоқларга тарқалган ва атрофдан Марғилонга келишни орзу қилганлар оз эмасди. “Равзат ул-ансоб” асарида айтилганидек: *“Аммо ровиёни ахбор ва оқилони осор*

андоғ ривоят қилибдурларким, замони собиқда Фарғона деб (ном олган) бир шаҳри азим бор эрди. Холо Марғинон дерлар. Шаҳарлар ичида кўб хушхаво ва хушбахр ва одамлари хушхўй ва мусофирдўст эрдилар. Хусусан, саййид-содот, фазилатосор ва машойихи кибор ва уламои фасоҳаткирдор ва фузалои фазилатшиор ва ҳунармандони соҳибқиқтидорлар кўб эрдилар. Аларни хосият-шарофатларидин ҳамма аҳли вилоят, мўмин ва мусулмон, мутаққий ва пири ҳунаркор эрдилар ва ҳар шаҳарлардин одамлар бу вилоятни орзу қилиб келур эрдилар ва баҳра олур эдилар”.

Биз қуйида сўз юритмоқчи бўлган ҳазрат Мир Абдурахимхожа эшон, яъни Сармозор ота ҳазратлари ҳам саййид-содот, яъни айнан аҳли байт авлодларидан эканлиги таъкидланади. Бинобарин, ўтмишда ул зотга ва унинг авлодларига нисбатан аҳоли томонидан кўрсатилган эҳтиромлар замирида аввало аҳли байт хонадонига бўлган ҳурмат ётганлиги барчага маълум.

Ёзма манбаларда келтирилишича, Марғилонда истиқомат қилган ушбу авлод вакиллариға ҳурмат эҳтиромининг рамзи сифатида ўз даврида ҳукмдорлар томонидан махсус васиқалар берилган. Масалан, аштархонийлар ҳукмронлиги даврида марғилонлик саййидлар авлодига мансуб Саййид Шоҳ Қосим тўра 1681 йилдан 1688 йилга қадар Бухоро хонлари томонидан пайғамбар авлоди сифатида турли иноятнома ва ёрликлар билан тақдирланган бўлса, унинг ўғли Шоҳ Абу Бакрдан тортиб, Шоҳ Али Аскар, Охунд Шоҳ сингари авлодлари Қўқон ҳукмдорлари томонидан турли ёрликлар олиб келганлар¹. Шу ўринда Саййидлар билан боғлиқ айрим маълумотларни келтириб ўтсак.

¹ Валидов З. А. Некоторые данные по истории Ферганы XVIII- столетия// Протоколы заседаний и сообщения членов Туркестанского куржка любителей археологии. Вып 2. Т. 1916. С. 69-72.

Маълумки, Ҳазрат Али мусулмонлар қавми учун “Аҳли байт” деб, улуғлаб келинган пайғамбар (с.а.в.) авлодлари “Сайидлар”нинг Расули акрамдан кейинги давомчисидир¹.

Ҳазрат Али ва унинг авлодлари билан боғлиқ зиёратгоҳлар мусулмон ўлкаларда кўплаб учрайди. Ҳалифа Алининг Нажжаф (Ироқ), Мозори Шариф (Афғонистон), Фарғона водийсининг Шоҳимардон қишлоқларидаги муқаддас мазорларига Аббосийлар, Темурийлар ва Қўқон хонлари даврларида мақбаралар тикланган ва зиёратгоҳ сифатида азалдан эъзозлаб келинган. Шу сабабдан ҳам тарихий обидаларда Ҳазрат Али номи билан боғлиқ бир қатор маълумотлар учрайди.

Тарихдан маълумки, Ҳазрат Али (к.в.) фарзандлари ичида энг машҳурлари Муҳаммад (с.а.в.) қизлари Фотимадан туғилган Ҳасан ва Ҳусайн ҳамда бану Ҳанифа қабиласидан бўлган хотинидан туғилган Муҳаммад ибн ал-Ҳанафийа ҳисобланади. Мана шу уч фарзанддан тарқалган тармоқдан асосан кўплаб машҳур уламолар ва улуғ зотлар етишиб чиққан...

Тарихчи Т. К. Бейсембиевнинг таъкидлашича, Марғилон саййидларининг Қўқон хонлигида мавқеи баланд бўлган. Шу сабабдан ҳар бир Қўқон хони ўзининг давлат бошқарувида уларнинг кўмагига таянишга интилиб келган². Жумладан, Бухоро Амири Насруллохоннинг ҳужумини қайтариш мақсадида ўз даврининг машҳур хожаларидан бири Азимхожа эшон Марғиноний Қўқон хони Шералихонни (1842-1845) қўллаб-қуватлаб, Қўқон шахрини ҳимоясида катта

¹ Алишер бек. Туркийзабон саййид авлодлари. – Ф.: «Фарғона», 1998. 10-б.

² Бейсембиев Т. К. Духовенство в политической жизни Кокандского ханства в XVIII-XIX веках (по некоторым сочинениям кокандской историографии) // Духовенство и политическая жизнь на Ближнем и Среднем Востоке в период феодализма. – М., 1982, С. 37.

жонбозлик кўрсатган. Бу ҳақда Мирзоолим Мушриф шундай ҳикоя қилади:

“Яна Азимхожа эшонӣ Марғинонийким машҳурлар то Ўш ва Андижонга хат ёзиб, уламо ва фузало ва марди коройиларни азбаройи мадад учун талаб айлаб юбордилар эрса, уларга кўп маъқул тушуб, амин ва оқсоқоллар тараддуд қилиб, неча марди коройиларни жам айлаб Марғинон келдилар. Мунда буларким, ҳазрати эшон ва тўралар бир неча миқдор мерганларни жам этиб, тайёр бўлуб туруб эрдилар. Йўлга равона бўлдилар эрса, суръат билан юруб кечалаб, вақти азон Мазанглик тарафдин ҳужумни лашкар бирла оқ аламлик туз бирла кириб келдилар. Хонга хабар бердиларким: “Ҳазрат эшон икки минг мерган билан бирла Андижон ва Марғинон уламолар азбаройи мадад келибдурлар” – деб. Даъфатан истиқболга амин, оголиқларни буюрдилар. Бориб дастбўслик қилиб, бошлаб Шералихон хизматларига олиб келдилар. Хон бечора неча қадам истиқбол бориб, зиёрат ва мулоқот этти. Юқори ўлтурғузуб, дастурхони олий, таомҳойи гуногун тортиб, бадъаз фароғ сарупойи олий бериб сарафроз қилдилар”¹.

Айнан шу даврларда Марғилонга Муҳаммад (с.а.в)нинг муборак мўйлари олиб келинган. Бу ҳақда XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида яшаб ўтган Қўқон адабий муҳитининг кўзга кўринган вакилларидан бири шоир Маъдан қуйидаги мусаддасни битган эди:

¹ Мирзоолим Мушриф. Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин / Нашрга тайёрловчи: А.Матғозиев., М.Усмонова. –Т.: “Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти”, 1995. 25-26 б.

*Ўлуб Фаргона бирла Марғилонга, шамои парвона,
Нигини офият берди Худо мулки Сулаймона,
Биҳамдуллоки, бормиз уммати Мўйи Муборақдин,
Улус хони Музаффар нусрати Мўйи Муборақдин.
Расулга Ҳақ Таоло ваҳий еткурди, деди Жаброил,
Юбор Мўйи Муборақдин миллатим ўлмасин ботил,
Ўлиб Фаргона бирла Марғилон иқлимига нозил,
Бу Маъдан тарихини “шофий рўзи қиёмат” бил,
Биҳамдуллоки, бормиз уммати Мўйи Муборақдин,
Улус хони Музаффар нусрати Мўйи Муборақдин.*

Мазкур парчадаги “шофий рўзи қиёмат...” жумласи ажад бўйича ҳисоб қилганда, 1186 йил келиб чиқмоқда. Албатта, бу ҳижрий йил ҳисобига тўғри келиб, милодий йил тақвимига кўра 1769-1770 йилларга тўри келади.

Айтиш жоизки, Сармозор азизлари яшаган даврларда Марғилон тўғрисидаги маълумотлар хорижий адабиётларда, жумладан, 1812-1813 йилларда Қўқон хонлигига ташриф буюрган рус зобити Филипп Назаровнинг кундаликларида келтириб ўтилган:

“Марғилон шаҳрининг майдони айланасига 30 верстан иборат бўлиб, шарқдан беш верст узоқликда жойлашган Ёрмазор қалъасидан ташиқари мудофаа истеҳкомига эга эмас. Ёрмазор қалъасида 20 мингга яқин қўшин сақланади. (Марғилон) шаҳридаги уйлар биноси лойдан қурилган бўлиб, кўчалари тордир. Кўплаб қадимий ёдгорликлар мавжуд. Улардан айримлари бутун сақланиб қолинган.

Шаҳар бозори қаторлашиб жойлашган. Ҳафтанинг икки кунда аҳоли эртадан то кеч кўпчилик бўлиб бозорга қатнайдилар. Ҳукумат савдогарларни ўлчов тарозидан уриб қолмасликларини қаттиқ назорат қилади. Шаҳарда турли корхоналар мавжуд. Уларда парча, кимхоб ва турфа Осиё матолари ишлаб

чиқарилиб, Бухоро ва Қошғарга жўнатилади. Улардан эса чой, чинни буюмлар, кумуш, бўёқлар ва энг яхши ранг-баранг Хитой газламалари олинади¹.

Маълумотларга кўра, Мир Абдурахимхожа Марғилон шаҳар ташқарисидан хушманзара бир жой (ҳозирги Сармозор қишлоғининг Қўрғонча маҳалласи) ўрнини кўрсатиб, ҳассаларининг учини ерга суқиб, шу ерда кўним топишларини билдирадилар.

Йиллар ўтгач, ҳақиқатдан ҳам бу жой ўзининг узумзорлари, салқин боғлари, доим тўлиб-тошиб оқиб турувчи ариқлари бўлган сўлим маскан, аҳил, меҳмондўст аҳолиси бор бўлган Сармозорга айланади.

Сармозор аҳли ўзидан кўпайиб, қишлоқ кенгайиб, аҳоли сони ортиши натижасида бир қатор янги маҳаллалар пайдо бўлган. Булардан Қўрғонча маҳалласи, Чинорли боғ, Тегирмон боши, Ариқ бўйи, Қувур боши, Вахм, Янги боғ, Сой бўйи, Пичоқчи, Узумзор, Янги маҳалла ва бошқалардир.

Айтиш керакки, Сармозор атамаси нафақат зиёратгоҳ балки жой номи сифатида ҳам ёзма манбаларда қайд этилган. Масалан, Мустафоқул исмли шахс Аччиқкўл мавзесидаги ерларидан чорва учун ем-хашак тўплашга ижозатнома бериши тўғрисида хонга ёзган хатида ўзини Саримозордан эканлигини маълум қилади².

¹ Записки о некоторых народахъ и земляхъ средней части Азии Филиппа Назарова. С.Петербургъ. 1891. С. 69-70.

² Набиев Р. Из истории Кокандского ханства... С.94.

САРМОЗОР ВАҚФЛАРИ

Сармозор зиёратгоҳи тарихини ўрганиш мақсадида ёзма манбаларга мурожаат қилар эканмиз, албатта, Қўқон хонлиги архивига доир ҳужжатларга, жумладан вақфнома ва иноятномаларга эътиборимизни қаратдик.

Вақф юқори мартабали нуфузли шахслар томонидан таъсис этилган. Булар қаторига хон ва унинг оилалари, йирик ер эгалари, хонга яқин амалдорлар, амирлар, рухонийлар ва ҳоказолар кирар эди. Назарий жиҳатдан эса мусулмон ҳуқуқига кўра, у ёки бу мол-мулкни вақфга айлантириш ҳар бир “ақл-ҳуши жойида бўлган” шахснинг ихтиёрида бўлган.

Иккита вақф тури мавжуд бўлиб, бири асосий, иккинчиси оддий. Вақфнинг асосий турида уни таъсисчи шахс вақфга айлантирилган мол-мулкига бўлган ҳар қандай ҳақ-ҳуқуқдан батамом маҳрум бўлар эди, яъни вақф бу ўринда бутунлай хайр-эҳсон мазмунини касб этарди. Вақфнинг “вақфи авлод” деб аталиши иккинчи – оддий тури эса вақф эгаси, яъни воқифга, унинг вафотидан сўнг ворисларига келадиган даромаднинг маълум, кўп ўринларда каттагина қисмидан фойдаланишга имкон берарди, бошқача айтганда, вақфга айлантирилган мулк фақат расмий жиҳатдангина таъсис этувчининг ихтиёридан чиқар эди. Шундай қилиб, вақфнинг бу турига воқифга ўз мол-мулкни узоқ йиллар давомида дахлсиз ҳолда сақлашга ҳамда ундан келадиган даромаднинг маълум қисмидан фойда кўришга имкон яратар эди. Оддий вақф таъсис этилганда вақфга айлантирилган мулкнинг мутаваллиси қилиб воқифнинг ўзи ёки унинг авлодларидан бири тайинланар эди¹.

Мир Абдурахимхожа эшоннинг Сармозор зиёратгоҳи ва масжиди учун ажратилган вақф

¹ Жўраева Ф. Вақф нима? // Шарқшунослик. –Т.: “Фан”, 1991. № 2. 37-38-б.

мулкларига ҳам мутаваллилик вазифасига унинг авлодлари тайинланган. Бу маълумотлар вақфнома ва иноятномаларда ҳам ўз ифодасини топган. Шундай экан, эътиборимизни мазкур кўлёзма ҳужжатларга қаратсак.

“Сармозор зиёратгоҳи” китоби юзасидан олиб борилган изланишлар мобайнида Қўқон хони амалдорларидан бўлган Минг Шер хазиначидан Мирза Абдурахмон номига 1868 йилда берилган хат бизни қизиқтириб қолди. Мазкур хатнинг ҳажми 8x12 см. бўлиб, унда Сармозордаги Эшон Махдум Калтатойининг ерлари танобона¹ солиғидан озод қилинганлиги таъкидланади². Ушбу ҳужжатни ўрганиш давомида Ўзбекистон Марказий Давлат архивида сақланаётган яна бир ҳужжатлар тўплами бизни Абдурахимхожа, яъни Сармозор ҳазратларига доир маълумотларни топишда худди бир калит вазифасини ўтади. Унда 1894 йили Фарғона Генерал губернатори номига Сармозор мутаваллийси томонидан ёзилган арзнома мавжуд. Қуйида мазкур арзномани илова қиламиз.

Фарғона музофотининг ноибни губернаторларимиз жанобларига Файзиобод вўлўстидан сармозорлик Мулла Муҳаммад Али Мулла Охунд Бобо ўглидан арзнома

Ушбу тариқа илан мен фуқаролар жанобларига аризамни маълум қиламанким, мазкур ҳукмда халифа Абдурахимхожа эшоннинг масжидларини вақфлари бор эрди. Мазкур масжидни вақуфнома ва иноятнома хатларини ўбластнуй маҳкама йўқлов қилган вақтида маҳкамага тобишургон эрдим. Эмдиликда мазкур

¹ Танобона – экинлардан олинадиган солиқ тури. Таноб (арабча) – арқон– чодир ўрнатишда ишлатиладиган пишиқ арқон; сатҳни (узунлик ва кенгликни ўлчашда ишлатилган ўлчов), узунлиги ўртача 60 газ (39,9 м) бўлган ва сатҳи 60 х 60 га, яъни 3600 кв.га тенг бўлган ер майдони. Шундай экан танобона солиғи микдори ер майдонига қараб белгиланган.

² ЦГА УЗ, Фонд–1043. Оп № 1. Д № 1210, Л. 1.

вақфнома ва иноятнома юзасидан кўфия хат олмоқ даркор бўлгани сабабли жанобга илтимос қиламанким, ижозатнома берсалар. Вақфнома ва иноятнома юзасидан кўфия хат олуб, яна ўзларига тобишурсам деб, ариза ёзуб мазкур мутаваллий мулло Муҳаммад Али Мулло Охунд Бобо ўгли қўлум қўйдим 1894 йилда 2 нчи феврал¹.

Ушбу арзномадан маълум бўладики, Абдурахимхожа эшоннинг масжидига Қўқон хонлари замонида бир қанча иноятномалар ва вақфномалар берилган. Демак, ушбу нодир ҳужжатлар ўз даврида Фарғона вилоятининг ер-солиқ маҳкамасига топширилган. Кейинчалик эса мазкур қўлёзма ҳужжатлар давлат архивида сақланган. Шу сабабдан биз ушбу ҳужжатларни излаш давомида таниқли олим Рашид Набиевнинг “Қўқон хонлигининг вақф хўжалиги” номли китобидаги маълумотларга эътиборимизни қаратдик. Чунки Р.Набиев бу борада Абдурахимхожа эшоннинг авлодларига Қўқон хонлари томонидан берилган иноятномалар тўғрисида қимматли маълумотларни келтиради.

1. Қўқон хони Умархон томонидан ҳижрий 1232 йилнинг ражаб ойида (мелодий 1817 йил май-июн) берилган иноятнома.

Ушбу иноятнома “Абулмузаффар Абулмансур Саййид Муҳаммад Умар Баҳодир сўзимиз” деган жумла билан бошланади. Иноятнома Мулла Бобо Охун Махдум номига берилган. Ҳужжатда Хўб қаро деб аталувчи жойга Сўх дарёсидан Абдурахимхожа ниҳоясига етмай қазилмай қолган ариқни Мулла Бобо Охун Махдум ниҳоясига етказганлиги айтилади. Унга кўра мазкур ариқдан йигирма тегирмон суви ҳажмида сув оқиши кўрсатилган ва бу ариқдан суғориладиган ерлар ушбу

¹ ЦГА УЗ, Фонд–19. Оп № 1. Д № 33377, Л. 2.

хонадонга тархон сифатида берилганлиги таъкидланади. Шунингдек мазкур ерлардан солиқ олинмаслиги ҳам кўрсатилган¹. Қуйида мазкур иноятноманинг таржимаси ҳавола этамиз:

Аллоҳ меҳрибон ва кечиргувчидир
Абулмузаффар вал Мансур Саййид Муҳаммад Умар
Баҳодирхон сўзумиз

Барча вилоятларнинг амалдор ва акобирлари ҳамда шарафли маҳалла (кишилари) муқим тургучи раийат аҳллари, ватандошлар, тамоми хизматчилар ва мулкдорлар ва мутлақ ер соҳиблари, дароулсалтанатнинг барча қалам аҳли ва ундан огоҳ ва воқиф топиб билсинларки, бу ёрлиқ дуогўйлиги, хайрихоҳлиги ва насиҳатомузлиги чеҳрасидан ошкор, тақволи ва диёнатли, Мулло Охунд Бобо Махдумнинг бахтли хонадони, салтанатимизда, қуёш янглиг ошкор ва ҳувайдо эди. Чунки, меҳрибонлик ҳиди аҳли мўминни сарафроз қилди. Буюрдик, мазкур Охунд тугалланмаган ариқни Чўнгқорадан кавлаб келтириб, жаноб қутб ул ақтоб иршод берувчи (пири) марҳум ҳазрат эшоннинг топиширини бажо келтирди, (яъни) мазкур йигирма тегирмон тоши ўлчовдаги оқин сувни Сўх дарёсидан келтирди. Вақфномада тасдиқланган ер ободончилик мақсадида подшоҳнинг ва ислом қозисининг муҳрлари билан зийнатланган вақфномага қарши гап сизмайди. Бундан кейин на бир ҳокимлардан бири ва на амалдорлардан бири ва на мутасаддилардан ва на саркорлардан ва на хизматчилардан ва на аминлардан ва на оқсоқоллардан ва на фуқаролардан ва на мазкур дарёдан сув ичувчилардан ва мазкур ариқ сувидан ва

¹ ЦГА УЗ, Фонд–19. Оп № 1. Д № 34747, Л. 1.

нимаики унга тааллуқли бўлган бўлса, ҳеч ким мазкур сувга шикоят қилиб, эгалик қила олмайди. Ҳар йили (мазкур вақфномага ҳеч ким) янгилик кирита олмайди. Токи мазкур Охунд ундан умидвор бўлмасдан тирикчилик ўтказади. Мазкур вақф қилинган ариқдан олинган маҳсулотлар эвазига умримизнинг зиёдалиги ва давлатимизнинг тараққиёти йўлида дуолар қилинсин. Мазкур Охундни хирож ва танобона ва бошқа ҳокимлар ҳамда амалдорлар томонидан олинадиган солиқлар (олинмасин) ва (ундан) бир фулус ҳам талаб ва таъма ҳам қилинмасин. Бу айтилган сўзларга қарши бормасинлар. Мужибни итобнинг ва мустажоби сиёсатга чиқмасинким, юқоридаги айтилганларга қатъий амал қилинсин.

Ражаб ойи 1232 (мелодий 1817) йил.

Муҳр: Амир муслимин Саййид Муҳаммад Умархон.

2. Қўқон хони Муҳаммад Алихон томонидан ҳижрий 1255 йил(мелодий 1839 йил)да берилган иноятнома¹. Ушбу иноятнома “Абулмузаффар Абулмансур Саййид Муҳаммад Али Баҳодирхон Ғози сўзимиз” деган жумла билан бошланади. Иноятномада Мулла Бобо Охун Махдумнинг кўлида аввалги хонлар томонидан берилган ёрликларнинг мавжудлиги ва шу сабабдан мазкур хонадонга тегишли ерлар солиқлардан озод этилганлиги айтилган. Иноятномада Мулла Бобо Охун Махдум Муҳаммад Алихон томонидан хонақоҳ вақфларининг мутаваллийси этиб тайинланганлиги таъкидланади².

3. Қўқон хони Худоёрхон томонидан ҳижрий 1290 йил(мелодий 1873 йил)да берилган иноятнома³. Ушбу

¹ ЦГА УЗ, Фонд–19. Оп № 1. Д № 34747, Л. 2.

² Набиев Р. Вақфное хозяйства Кокандкого ханства. С.355.

³ ЦГА УЗ, Фонд–19. Оп № 1. Д № 34747, Л. 3.

иноятнома “Абулмузаффар Абулмансур Саййид Муҳаммад Худоёрхон сўзимиз” деган жумла билан бошланади. Иноятноманинг ҳажми 20x32 см. иноятномада баён этилишича, марҳум амир муслимин Саййид Муҳаммад Умархон томонидан Мир Абдурахимхожа эшон хонақоси ҳисобига давлатнинг икки ер мулки вақфи хисса тарзида берилган. Маълум бўлишича, Умархон даврида Мир Абдурахимхожа эшон Сўх дарёсидан ариқ қаздирган. Бироқ ариқ охирига қадар қазилмай қолган. Шундан сўнг мазкур ариқни қазिश ишларини ниҳоясига етказиш масаласида Эшоннинг авлодларидан бўлган Мулла Мир Муҳаммад Али Мирзо Қўқон хони Худоёрхонга мурожаат қилган.

4. Қўқон хони Маллахон томонидан ҳижрий 1280 йил (мелодий 1862 йил) да берилган иноятнома¹. Ушбу иноятнома “Абулмузаффар вал Мансур Саййид Муҳаммад Малла Баҳодирхон сўзумиз. Барча вилоятларнинг ҳокимлари ва ислом қозилари, амалдор ва акобирлари ҳамда шарафли маҳалла (кишилари) муқим тургучи раийат аҳллари, ватандошлар, тамоми хизматчилар ва мулкдорлар ва мутлақ ер соҳиблари, ундан огоҳ ва воқиф бўлиб билсинларки, қадимдан дуогўй меросга иршод қилиб қўл берган марҳум ҳазрат эшон Мир Абдуруҳимнинг фарзанди марҳум ва мағфиратли Мулло Охунд Бобо Махдум саййиди олий, хавориқи мутаолий, хавориқи мозийин ва хавориқи яқин” деган жумла билан бошланади. Иноятноманинг ҳажми 26x46 см. иноятномада Мир Абдурахимхожа эшоннинг авлоди Мулла Охунд Бобо Махдум кўлида аввалги хонлар томонидан берилган ёрлик ва ҳужжатлар мавжудлиги таъкидланади. Шунингдек, иноятномада Мулла Охунд Бобо Махдум Мир Абдурахимхожа эшоннинг мозори ва хонақосининг мутаваллийси бўлганлиги учун вақф

¹ ЦГА УЗ, Фонд–19. Оп № 1. Д № 34747, Л. 3.

ерларидан олинадиган даромадларни ғаразли мақсадларда сунъий равишда ўзлаштириб олмаслиги борасида кўрсатмалар берилган.

Рашид Набиевга кўра Мир Абдурахимхожа эшон Хожа Мир Азим ўғлининг хонақоси учун берилган вақфномада Кўқон хонлари Умархон, Муҳаммад Алихон, Маллахон, Худоёрхон ва яна беш кишининг муҳрлари туширилган. Мазкур вақфномага кўра Мир Абдурахим Эшоннинг хонақоси Марғилон шаҳрининг Зардармуш номли маҳалласида жойлашган. Бироқ хонақоҳ хонлар замонидаёқ бузилиб кетган ва унинг ўрнида масжид қурилган.

Хонақоҳнинг вақф ерларининг биринчи ҳудуди Хўқанд вилоятига тобеъ Чўнғара қишлоғининг Бурганлик деган мавзесида жойлашган бўлиб, ғарбдан чегараси Сўх дарёсига туташ, жанубдан тоғлар билан туташган, шарқдан бутунлай Канбут (Катпут бўлса керак – муаллифлар) қишлоғига туташган, шимолдан Риштон қишлоғи ерларига ва қисман Риштонсойга туташган.

Хонақоҳ вақф ерларининг иккинчи ҳудуди Хўқанд вилоятига тобеъ Айланмақум деган мавзесида жойлашган бўлиб, ғарбдан Бадар ерига, қисман “Сариқ сув” деб аталувчи лашкар кушбегининг ариғига, қисман Сетут (Сертут) йўлига туташ, жанубдан бутунлай Еттикент ерларига туташган, шарқдан қисман Болтакўл ерларига, қисман Қоражийда ва Қоракалтак ерларига туташган, шимолдан экин экилмайдиган ерларга туташган. Ушбу маълумотлар мазкур вақфоманинг бошланиш қисмида баён этилган:

“Хўқанд дорулсатанатиға қарашли Бурганлик қишлоғининг Чўнқара (Чўнғара) мавзесидаги чегараси маълум бўлган бир экин ер: чунончи, ғарбдан батамом Сўх дарёсига туташган ва жанубдан батамом юқори тоғларга туташган ва шарқдан батамом Канбут

қишлоғига туташган, шимолдан баъзан Рошидон ерларига ва баъзан Рошидон сойига туташган.

Иккинча қитъа ер Айланмақум қишлоғида жойлашганки, мазкур вилоятга тобеъдир. Ғарбдан баъзан Чобдар ерига туташган ва баъзан Лашкар Қушбеги ариғидаги Сариқсувга туташган ва баъзан Сетут йўлига туташган, жанубдан батамом Еттикент ерига туташган ва шарқдан баъзан Болтакўл ерига туташган ва баъзан Қоражигда ва баъзан Қоракалтак ерига туташган, шимолдан Митанга туташган. Мулкнинг тўла қисми иморатлардан ҳолидир”.

1886 йилда полковник Вонгородский Сармозорнинг кекса мутаваллийси билан бўлган суҳбатда қуйидагиларни аниқлашга муяссар бўлган, яъни Бурганлик ва Айланқум ерларига эшон Абдурахимхожа томонидан Сўх сойидан сув олиб келиш учун қаздирилган ариқ орадан йиллар ўтиб, баҳорда юз берган сел оқибатида бузиб юборилган. Натижада мазкур вақномада кўрсатилган ерлар майдони суғорилмай қолган. Худоёрхон даврида мутаваллий этиб тайинланган Мулла Муҳаммад Али Мулла Бобохон ўғлининг берган маълумотларига кўра, ерлар суғорилмай қолганлиги туфайли қаровсиз аҳволган келиб қолган. Натижада Айланмақумдаги ерлар хон томонидан Олтиариқ қишлоғида истиқомат қилувчи Олимқул орқали сотиб юборилган. Эндиликда ўша ерда Девона қишлоқ жойлашган. Ҳукумат амалдорининг фикрича, мутаваллий ерларни сотилиши вақтида хонга қаршилиқ қилиб бўлмаслигини тушунган.

Чор маъмурлари томонидан Бурганликдаги вақф ерлари майдони ўлчаб чиқилганда, ернинг умумий майдони 3514 гектардан иборат эканлиги аниқланган. Р.Набиевнинг таъкидлашича, XIX асрда эшон Абдурахимхожа авлодларига берилган вақф ерлари

Фарғона водийсидаги энг катта вақфлардан ҳисобланган¹.

Тарихчи олим Р.Набиев Мир Абдурахимхожа авлодларининг Андижоннинг Бўтақора мавзесидаги ерлари билан боғлиқ иноятномалар тўғрисида ҳам қизиқарли маълумотларни беради. Жумладан, ҳажми 27х44 см. иборат бўлган Қўқон хони Шералихон томонидан берилган иноятноманинг русча таржимасини ҳам келтиради. Биз мазкур таржиманинг айрим қисмларини ўзбек тилига ўгириб, ҳавола этмоқдамиз:

Абулмузаффар Абулмансур Шермуҳаммад Алихон баҳодир сўзимиз

Айни замонда уламои акром ва фузалои эҳтиромлар ва олиймақом амирларга,... мубоширлар амлокдорларга, Андижон вилояти ва ундаги тобеъ ҳудуддаги (ишларга) мутасаддиларга маълум бўлсинким, зот ул сифот, мажмуи камолот, иршодпаноҳ, имодат дастгоҳ солики масолик, тариқат раҳнамои, толибон ҳақиқат, қабрлари нурга тўлсин, Мавлоно Мир Абдурахимхожа Андижон аригидан Андижон қишлоқларидан бири Бўтақорага сув олиб келди. У жойда ерни ўзлаштириб, тегирмон бино қилди.

Биз бу хонадон аҳлига садоқат ва ниёзмандчилик жиҳатидан, файзибахш дуоларининг хосиятларидан умидвор бўлганлигимиздан мазкур кўрсатилган ер ва тегирмонни ҳазрат Эшон Махдумнинг (авлодидан) шариат паноҳ, ҳақиқат огоҳ Мир Муҳаммад Амин махдумга мулк сифатида инъом этдик... (Шундан келиб чиқиб) Андижон вилоятнинг ҳоким ва солиқ йиғувчилари Бўтақора қишлоғидаги мазкур ариқ, тегирмон ва ерларни бутунлай тархон сифатида солиқлардан озод этсинлар. Ҳеч қачон мамлакатда олинажаск хирож ва

¹ Набиев Р. С...362.

давлат божлари учун ҳатто на бир дона дон на бир фулс на динор талаб қилинмасин... Шу сабабдан мазкур фармон тасдиқланган деб қабул қилинсин ва ундан оғишига йўл қўйилмасин.

Ражаб ойи 1258/ Мелодий 1842 йил август¹.

Марказий давлат архивидан Мир Абдурахимхожа эшон номи билан боғлиқ яна бир қанча иноятномалар мавжуд бўлиб, улардан бири Худоёрхонга тегишлидир. Маълум бўлишича, Шералихон фармонидан кейин икки йил ўтгач, худди шу мазмунда унинг ўғли Худоёрхон томонидан ҳам 1844 йилда ҳажми 27х44 см.дан иборат бўлган яна бир иноятнома Мир Абдурахимхожа эшоннинг авлодига берилган².

Айтиш жоизки, XIX асрнинг охирида Марғилон уездида Мир Абдурахимхожа мозори ва масжидига тегишли 7 та вақф мулки билан боғлиқ ерлар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат эди:

1. Мир Абдурахимхожа мозорига ажратилган вақф ер мулки. Оқтепа³ қишлоғида. Майдони – 2 десятина⁴.

2. Мир Абдурахимхожа мозорига ажратилган вақф ер мулки. Ариқ бўйи қишлоғида. Майдони – 29 десятина.

3. Мир Абдурахимхожа мозорига ажратилган вақф ер мулки. Оқ ариқ⁵ қишлоғида. Майдони – 9 десятина.

4. Мир Абдурахимхожа масжидига ажратилган вақф ер мулки. Болтакўл⁶ қишлоғида. Майдони – 446 десятина.

¹ ЦГА УЗ, Фонд–19. Оп № 1. Д № 34355, Л. 9,10.

² ЦГА УЗ, Фонд–19. Оп № 1. Д № 34355, Л. 5.

³ Оқтепа Фарғона туманидаги қишлоқ номи.

⁴ Десятина бир гектарга яқин ер ўлчов бирлиги.

⁵ Оқариқ Фарғона шаҳридаги маҳалла номи.

⁶ Болтакўл Қўштепа туманида жойлашган қишлоқ номи. Қўкон хонлиги тарихига доир 1869, 1872 йиллардаги архив ҳужжатларида “Болтакўл” номи билан қайд этилган. Аслида тамғаси болта шаклидаги уруғ болта ёки болтали деб аталган. Бу уруғ кипчоқ қабиласининг бир гуруҳи бўлмиш сарқипчоқларнинг таркибига кирган. Археолог В.Д.Жуковнинг 1939 йилда келтирган маълумотларига кўра, Марғилон шаҳрининг қадимги 12 дарвозасидан бири Болтакўл номи билан аталган.

5. Мир Абдурахимхожа мазорига ажратилган вақф ер мулки. Робот қишлоғида. Майдони – 446 десятина.

6. Мир Абдурахимхожа масжидига ажратилган вақф ер мулки. Сармозор қишлоғида. Майдони – 7 десятина.

7. Сармозордаги Мир Абдурахимхожа мазорига ажратилган вақф ер мулки. Гарбобо¹ қишлоғида. Майдони – 2 десятина².

Мир Абдурахимхожа эшон номи билан боғлиқ Қўқон хонлари томонидан берилган ҳужжатлардан шу нарса маълум бўладики, Сўх дарёсидан сув келтириш учун қазилган ариқ кейинчалик вақф сифатида Мир Абдурахимхожа хонақасига ажратиб берилган³. Мазкур иноятнома ва вақфномалар Қўқон хонларининг Мир Абдурахимхожа эшон ва унинг авлодларига нисбатан ҳурмати юқори бўлганлигидан далолат беради. Мир Абдурахимхожа билан боғлиқ юқорида келтирилган ҳужжатлар архивда сақланганлиги учун бугунги кунимизгача етиб келди. Қолганлари эса ўша талотўп замонларда йўқолиб кетди. Чунки ўша мустабид тузум даврида бу сингари нодир қўлёмалар топилгудек бўлса, хонадон соҳибларини бошига не-не балолар ёғилишини тасаввур қилиб ҳам бўлмас эди.

¹ Гарбобо аслида. Карбобо. Тошлоқ туманидаги қишлоқ номи. Қўқон хонлиги архивига доир ҳужжатларда Карбобо номи билан тилга олинади.

² Материалы для статистического описания Ферганской области. Результаты поземельно-податных работ. Выпуск II. Маргеленский уезд. Составилъ С. А. Геппенеръ. Г. Новый Маргеланъ, 1899. С.21.

³ Набиев Р. Из истории Кокандского ханства. – Т.: «Фан», 1973. С. 101.

САРМОЗОР АЗИЗЛАРИ ВА СУВ КЕЛТИРГАН ВАЛИЙЛАР

Айтишларича, кунларнинг бирида Абдурахимхожа эшон, яъни Сармозор ота муридлари билан Чимён қишлоғига бормоқчи бўлиб йўлга тушадилар. Йўлда ҳозирги Сармозор ҳудудидан ўтиб кетаётганларида, тўсатдан отлари юрмай қолади. Ноилож отдан тушадилар ва муридларига бу ерни обод қилмоқчи эканларини айтадилар. Кейинчалик ўша ерга оилаларини ҳам олиб кетадилар.

Нақл қилишларича, Абдурахимхожа эшонни Ёрмозордаги Пошшо пиримнинг¹ авлодлари билан борди-келдилари жуда яхши бўлган. Бир куни Абдурахимхожа эшон Пошшо пирим хузурларига меҳмонга борадилар ва шу яқин ўртада жойлашганлари ва у ерда сув танқис эканлигини ҳам айтадилар. Шунда Пошшо пирим кулимсираб дедилар: “Эшон, отингизга минингизда, ҳассангиз билан ерни чизиб, ортингизга карамай кетаверинг”, дедилар.

Абдурахимхожа эшон манзилга етиб келганларида, орқаларидан чизиб келинаётган из бўйлаб сув ҳам оқиб

¹ Фарғона шаҳрининг Ёрмозор мавзесида Амир Хизр Валий Пошшойим мозори жойлашган. Маълумотларга кўра, бу ерга Амир Темурнинг куёви Абдували Хизр Пошшо дафн этилган. Нақл қилишларича, Амир Хизр Валий Пошшо пирим аслида ажам юртидан бўлиб – авлод аждодлари саййидлар-пайғамбарзодалардан экан. Падари-бузрукворлари бир юртга подшоҳлик ҳам қилган эканлар. Амир Темур Соҳибқирон ўша юртга қилган юриши чоғида пойтахтни қамал қилиб, қамалдагиларни таслим бўлишга чақиради. Шаҳарни забт этгач, Хизр Валий Пошшопиримнинг ота-оналарини Турон заминга олиб келишади. Шунда Амир Валий жар ёқасидаги дарахтдан камон ясаб, дуоибад қилинган икки ўқни Амир Темурга қарата отади. Биринчи ўқни соҳибқироннинг пирлари кўллари билан ушлаб оладилар. Иккинчи ўқ етиб келмагач, Амир Кўрагоннинг пирлари саййидзода-пошшозодаларни кўчириб келиш тайзиқ остида бўлгани хато ишлигини айтиб, улар билан муносабатни яхшилашга чорлайди. Имон-эътиқодли бўлган Соҳибқирон бу авлоддан узр сўраб, Амир Хизр Валийга ўз қизларини берган экан. Вақфномалардан бирида келтирилишча, ҳижрий 824(1418) йили Амир Хизр Валий мозори олдидаги масжид ва мадраса таъмир этилган. Вақфномада «Амир Хизр Валийнинг қabri Фохираи Марғилонда жойлашган», дея таъкидланади.

келаётганлини кўрадилар. Муридлари ул кишидан сўрадилар: “Тақсирим, сувни қандай олиб келдингиз”. Эшонбува “Шаршарадан олиб келдим”, деб жавоб берадилар ва ўша жой ҳозирда “Шаршара маҳалласи” деб номланади. Абдурахимхожа эшон шу ерда қолиб, боғ-роғ, масжид ва мадраса барпо қилишни ният қиладилар.

Юқоридагилардан маълум бўлмоқдаки, Мир Абдурахимхожанинг саъйи ҳаракатлари туфайли Марғилон депарасида Сармозор қишлоғи барпо этилган. Бунга қадар яқин атрофда на экин ерлари ва на уй-жой мавжуд эмас эди. Бинобарин, ҳозир қишлоқ худудидан оқиб ўтаётган Оқтепа, Болтакўл, Ровот ариқлари ҳам бўлмаган. Ўша кезлари, фақат баъзи-баъзида, яқин атрофдан табиий тарзда, яъни тоғ томондан келувчи сув йўллари, булар Киргили, Сурхтепа, Болтакўл оралиғидаги сув йўли, Қирғизшўра оралиғидан ўтувчи ҳамда Саткак қишлоғидан сувлар оқиб келган. Шулардан Сармозор худудига табиий тарзда Болтакўл сув ариғи келиб турган ва ҳозирга кунда кичик ариқча бўлиб, Оқтепа анҳорига қуйилади.

Демак, куп-қуруқ қизил даштдан иборат бўлган Сармозор қишлоғи ерларига тез орада унинг авлодлари ва мухлислари кўчиб борганлар ва кейинчалик асрлар давомида донғи кетган Сармозорнинг узумзор боғлари айнан ул зоти бобарокотнинг меҳнатлари эвазига пайдо бўлган. Зеро, Сармозор отани бир умр узумчилик билан шуғулланганлиги тўғрисидаги ривоятлар ҳали-ҳануз аҳоли ўртасида сақланиб қолган.

Мазкур ривоятлар билан боғлиқ воқеалар ўз навбатида, буюк имом, фикҳ олими, калом илмининг мотуридийлик оқими асосчиси “Имом ал-Худо”, “Ҳидоят йўли имоми” номлари билан улуғланган Абу Мансур ал-Мотурудий (870—944) ҳазратларининг

боғдорчилик фаолиятларини ёдга солади. Шу ўринда Абу Тоҳирхожанинг “Самария” номли асарига куйидаги маълумотларга эътиборимизни қаратсак:

“Шайхнинг Мотуруд қишлоғида бир боғи бор эканким, кўпинча ёғочларини ва ниҳолларини ўз қўли билан ўтқизар эмиш. “Ҳайрат ул - фуқаҳо” китобида бордирким (бир кун) шайх Абу Мансурнинг хизматчиси кетмон чопар ва шайхнинг ўзи ток ўтқазар эди. Шу чоқда муаззин азон айта қолди. Шайх ишни тўхтатиб масжидга бормоқчи бўлди, лекин ток ўтқазгани ошиқиб боролмади. Бир йилдан кейин подшоҳ бир боққа бир неча (кўза) ичкилик бидъат солиқ солди. Ҳазрат шайх “Ушбу бидъат менинг ток ўтқазшига машгул бўлиб, намоз ишини кейинга қолдириши ишимнинг шумлигидан юзага чиқди”, деб муборак салласини ерга уриб йиғлар эди. Айтадирларким, шайх бир кун боғда эди, Бағдод халифаси томонидан, шайхдан бир масалани сўрагани Самарқандга юборилган элчи келиб, боғ эшигини қоқди. Шайх йиртиқ кийим кийинган ҳолда чиқди. Элчи: “Мавлоно қайдадир?” — деб сўради. Шайх: “Мавлоно тангридир”, деб жавоб берди. Тагин элчи: “Хожа қайдадир?”, деб сўради. Шайх: “Хожа Мустафодир”, деб жавоб қайтарди. Яна элчи: “Абу Мансур қайдадир” деб сўради. Абу Мансур: “Ушбу тиланчи кекса”, деб ўзини кўрсатди. Айтишларича, унинг ёронлари дарс таълим олиш учун (шайхнинг) боғига келар эдилар”¹.

Сармозор отанинг умри давомида деҳқончилик билан шуғулланганлиги, бинобарин доимий ҳалол ризқ йўлида чеккан заҳматлари улуғларнинг машғуллик ила фориғланиш таълимотига ҳамоҳангдир. Бу борада Г.Юнусованинг “машғуллик ила фориғланиш” номли

¹ Абу Тоҳирхожа. Самария. – Т.: “Камалак”, 1991.37-б.

мақоласидаги куйидаги фикрларга эътиборимизни қаратсак:

“Демак, ақл ва илм билан қуролланган уйгоқ инсонгина тафаккур қила олади. Тафаккур билан яхшини ёмондан, эзгуликни ёвузликдан ажрата олади. Яъни, бир соатлик фикр юритиши бир кунлик ибодатдан афзаллиги шундаки, бошқаларни ҳам тўғри йўлга эргаштира олади. Бир кунлик ибодат эса Аллоҳ ризолиги йўлида гуноҳларига тавба қилиши, покланишидир. Ибодат бир киши учун бўлса, фикр юритиши жамоат манфаати йўлидаги амалдир.

Яна Абдулқодир Гилоний шундай ибратли фикр юритади: “Дининг билан эмас, касбинг билан ҳаёт кечир. Касб-ҳунар ўрганиб, уни бошқаларга ҳам ўргат. Мўминларнинг касб қилмоғи сиддиқлик мартабасидир. Фақат фақирлар ва мискинлар фойдаланишни таъминлайдиган, инсонларга нисбатан раҳматни васила қиладиган ва Аллоҳ таолонинг розилигини талаб қиладиган касб-ҳунарлар учунгина насиба бордир”.

Машгуллик ила форизликнинг маъноси:

*– очкўзлик ва худбинликдан буткул йироқ бўлишидир;
– ўзи яратган моддий-маънавий бойликдан ўзгалар ҳам баҳраманд бўлаётганидан севиниб, фахрланиб яшашидир;*

– кўпчилик учун фидойилик ва бунинг эвазига аҳли дунёни хурсанд қилиб, Аллоҳ таолодан ажр-савоб кутишидир;

– кўпга берсин, кўп қаторида менга ҳам берсин, дея дуода бўлиб, меҳнат қилишидир, “ўз нафсининг бахиллигидан сақлана олишидир”;

– тонгла роҳат истаган эҳсонидин айрилмасин, дея ўз виждонига мурожаат қилиб яшашидир.

Бу шиорни ҳазрати Баҳоуддин Нақибанд “Даст ба кору, дил ба ёр”, дея янада ривожлантирганлар.

Шуни айтиши ўринлики, тариқат аҳлининг машҳур вакиллари муайян ҳунар билан машғул бўлганлари сабабли уларнинг лақаблари ҳам касбу корининг номи билан қўшиб айтилган. Жумладан, Абу Саид гарроз маҳсидўзлик, шайхулислом Хожа Абдуллоҳ Ансорий этикдўзлик, Шайх Муҳаммад Саккок пичоқчилик, Шайх Абулфайз Ҳаддод темирчилик, ўз замонининг қутби(замонасининг ягона авлиёси, валийуллоҳ) ва гавси (мададкори) ҳисобланган шайх Абул Аббос Омилий ҳаммоллик, Шах Абулҳасан Нажжор дурадгорлик, Саййид Амир Кулол кулолчилик, Фаридиддин Аттор атторлик, ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд “кимхобга нақш боғлаш” билан шуғулланганлар.

Демак, касб-кор, меҳнат инсон номини юксакликка етказар экан, қалбнинг Аллоҳ, қўлнинг меҳнат билан банд бўлиши лозимлиги бу таълимотнинг асосий мезонидир. “Машғуллик ила фориғлик” шиори асосида яшовчанлигини давом эттриб келаётган қодирия таълимотининг асосий моҳияти ҳам шундадир...

Айтибдурларки, бир киши Ажам диёрида бу амрга саркашлик қилди. Бу ҳақда “Рисола қодирия”да шундай нақл бор: “Ул ҳазрат юқоридан сўзларни айтганларида, Хотибдан овоз келди: “ҳаммангиз гарданларингни паст қилинглар!” Ул маҳалда ҳамма Авлиёи Аллоҳ гарданларини паст қилдилар, ул ҳазратнинг муборак қадамларини ўз гарданларига қўйдирдилар.

Бу илоҳий нидо орифлар султони Абу Язид Бистомий(қ.с.)га етганда, ҳазрати Султон Боязид Ҳақ таоло даргоҳига арз қилди: “Қайси важҳ бирла Шайх Абдулқодирнинг даражасини мендан юқори қўймоққа ҳукм қилурсан?” Нидо келдики: “Саййид Абдулқодирнинг мартабаси икки важҳ бирла сендан баланддир – биринчидан, ҳабибим Муҳаммад Мустафо (с.а.в.)нинг авлодидур, иккинчидан, сен дунёдан фориғ

бўлиб, менинг хизматимга машғулсан, Саййид Абдулқодир эса дунё ишига машғуллик билан дунёдан фориғдир”.

Ҳазрати султон-л-орифин Боязид бу жавобни эшитиши биланоқ гарданларини паст қилиб, итоат этдилар...

Ҳазрат Абдулқодир Гилоний одамларни эзгу амаллар қилишга даъват этган: “Эй қавм! Моддомики ҳаёт ишиги очиқ экан, фурсатни ганимат билиб, ундан фойдаланинг, яқинда бу эшиклар беркилади. Моддомики, яхши амаллари қилишга қодир экансиз, уларни ганимат билинг”.

Дарҳақиқат, ҳар бир дамнинг қадрини юксак билиб, имкон қадар хайрли ишлар қилиши, одамларнинг мушуқулини осон қилиши, оғирини енгиллатиши ҳар мўмин учун фарз каби заруратдир. Зеро, меҳнатнинг қадри баланд тутилган Қодирия тариқати “машғуллик ила фориғлик” тамойилига асосланган. Шундай экан, бунёдкорлик бу таълимотнинг асосий мақсадидир¹”.

Сармозор отанинг боғбончилик маҳорати ҳақида сўз юритар эканмиз, беихтиёр XIX асрда Арсиф қишлоғида яшаб ўтган валий зотлардан бири Ёрмуҳаммад Ёркандий ёдимизга тушадилар. Ул зот XIX асрнинг ўрталарида Арсиф қишлоғига Ёрканддан келиб яшай бошлаган ва тез орада унинг доврўғи теварак атрофга ёйилган. Нақшбандия тариқатининг ўша даврдаги пирларидан бўлган Ёрмуҳаммад Ёркандийни зиёрат қилгани ва у билан суҳбат қургани чор атрофдан одамлар кела бошлаганлар. Айниқса, бефарзанд оилалар Ёрмуҳаммад Ёркандий ҳузурига келиб арз-ҳолларини баён қилганларида, у шундай насихат қилган: “Ҳар бирингиз Арсиф ҳудудига ўн икки донадан дарахт экинглари, қачонки сизнинг дарахтингиз кўкарса, фарзандли бўласиз ва фарзандингиз умри шу дарахт

¹ Юнусова Г. Машғуллик ила фориғлик (Гилонийнинг “Раббонийликни англаш” асари асосида) // Имом ал-Бухорий сабоқлари. 2005 йил. 4-сон. 189-б.

умридек узок бўлади”. Ҳазратнинг ушбу ўғитларига амал қилган оилаларнинг барчаси чиндан ҳам фарзанд кўрганлар. Шу зайлда Арсиф қишлоғида қалин дарахтзор пайдо бўлган экан. Эътибор беринг, азалдан юртимизда яшаб ўтган кўплаб азиз-авлиёлар умри давомида кўчат экиб, боғлар яратганлар. Чунки улар яхшидан боғ қолар, деган нақлга амал қилиб яшаганлар.

Шу ўринда ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асаридан деҳқончилик тўғрисидаги куйидаги ҳикматли сўзларини келтириб ўтсак:

“Дон сочувчи деҳқон — ерни ҳайдаш билан ризқ йўлини очади. Агар у ҳалол ва ишчан бўлса, унинг ҳўкизи Солиҳ туясидек номдор бўлади. Унинг зўр, паҳлавон қўш ҳўкизи ҳар қандай оғир меҳнатга бўйинсуниб, олдида юради. Бу ҳўкизлар иш пайтида деҳқонга ҳамдам ва у билан доим ҳамқадам; деҳқон билан ер ҳайдашда гўёки одам.

Оламнинг ободлиги деҳқонлардан; меҳнат аҳли шодонлиги улардан. Деҳқон ҳар қандай экин экишга қилса ҳаракат — элга ҳам озиқ-овқат етказур, ҳам баракат. Деҳқонки, ҳалол меҳнат билан дон сочади, бир донини етти, юзга етказади. Сочган дони кўкаргунча, уни ўриб, хирмон қилиб, ҳосил кўтаргунча қурт-қушлар ундан баҳраманд; дашт ваҳшийлари унинг билан хурсанд. Чумолилар уйи ундан обод; гур деган ҳайвонларнинг кўнгли ундан шод. Кабутарлар мастлигию, тўрғайларнинг шўх навоси шу донлардан. Ўроқчининг тирикчилиги шунинг орқасидан; бошоқчининг кўзи тўқлиги шунинг орқасидан. Кўшчининг ундан муроди ҳосил, сомончи ундан мақсадга восил. Гадойлар у билан тўқ; хонадон эса маъмур. Мусофирга таом шундан; мужовирга ком ундан. Новвойнинг тандири у билан иссиқ; аллофунфурушнинг бозори у билан қизиқ. Фуқаронинг ризқ-рўзи, гарибларнинг куч-қуввати дон биландир. Уни еган зоҳид зуҳур билан тоат қилади; у билан тўйиб

олган обид қаноатлилиги ҳақида лоф уради. Дон туфайли гадой халтаси бурда нонга тўла. Шоҳ хазинаси эса дон орқасидан инжу ва олтинга бой.

Дехқоннинг бир дон сепганида шунча ҳикмат бор, ўзга ишларини таърифлаш маҳолдир.

Унинг боғи жаннатни эслатади; полизида руҳ озиги кўринади. Дарахтининг ҳар бири кўк осмондек улкан; у дарахтлардаги гул мевалар фалакдаги юлдуз ва юлдузчалардек. Фақирларнинг сирка ва шинниси у мевалардан; боёнларнинг газаги ва аъло шароби шу мевалардан.

Турли-туман мевалар етилгач, боғда гўзаллик ва тартиб сезилади.

Бундай одам — яъни деҳқон, бахилликдан йироқ бўлса яна яхши; зиқналигу ёлгон сўздан ҳазар қилса яна яхши. Шоҳ солигини тўлашдан бош тортмаса, ўз шеригига жафо қилмаса, шунда унинг сочган донаси саодат инжусидан ҳосил беради; сепган уруғи эвазига мева эмас — юлдуз теради. Бундай деҳқон Одам Ато фарзанди, балки ундан ризқ еганлар — шу деҳқоннинг фарзанди-ю, унинг ўзи Одам Атодир”.

Дарҳақиқат, бундай хайрли ишлар учун Аллоҳ таоло инсонга тирик пайтида қандай савоб берса, вафотидан кейин ҳам унга ажр-савобни етказишни ваъда қилган. Ҳадиси шарифлардан бирида Пайғамбаримиз (с.а.в.): “Ким дарахт экиб, уни муҳофаза қилишда сабр қилса, мева бергунича парвариш қилса, у одамга мевасидан келган ҳар бир фойда учун Аллоҳ таоло ҳузурида ажр-савоб бўлғай”, — деганлар. Бошқа бир ҳадисда эса “Мусулмон одам кўчат экса, ундан биров тановул қилса, ўғирласа, кўчатга зарар келтирса ҳам, экувчи учун қиёмат кунигача садақа бўлади”, дейилган.

Шу сабабдан ҳам ҳадиси шарифлардаги шунга ўхшаш баёнлар уламолар учун азалдан: “Дехқончилик касблар ичида энг афзали” дейишга асос бўлган.

Сармозор отанинг кўриқ ерларни ўзлаштириб, қакраб ётган жойларга оби ҳаётни олиб келиб, боғлар яратганлиги тўғрисида сўз юритар эканмиз, деҳқончиликка доир рисоладаги қуйидаги жумлалар эътиборимизни тортди:

“Хусусан, аҳли ислом ва барча мўъминларга ҳайри-саховат андишаси бўлса, ул деҳқонни деҳқони ашраф дерлар. Мартабаси уламо ва фузало, саййидлар бирла баробар бўлғой. Демишларким, тонгла рўзи қиёмат бир жамоа зоҳир бўлур. Юзлари моҳитобондек ва бошларида соябони шоҳи ва жаноб ҳазрат Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи вассаллам йўл бошлағучи ва раҳнамо. Ўнг-сўлларида жаннат мевалари муҳайё ва гуломони жаннатлар аларга роғиб ва хурони фирдавс василларига толиб. Аҳли маҳшар нидо қилғайлар: “Ойо булар Баниуллоҳми ва валийуллоҳдурларму”. Хотифдин нидо келғой: “Огоҳ ва доно бўлунглар, булар Бани ҳам эмас, валий ҳам эмас, балки уммати Муҳаммад алайҳиссаломки, у дунёи фонийда зироат қилиб ушр ва ҳирожини фақир ва бечораларга таом берган. Бу сабабдин бу дунёи боқийда жаннатул-аълоларга муясссар бўлуб, ҳур ва гуломон, толиб ва роғиб бўлгондур. Ул дунёи фонийда олим ва муллаларни дил бирла дўст тутуб, буюрган ишларига жони дил бирла бўйинсунгондурлар”.

Маълумки, Марказий Осиёнинг табиати, иқлими, асосий ерларининг хусусияти ва шарт-шароитлари инсон кўл меҳнати билан яратилган сунъий сув иншоотлари, канал ва ариқлар воситасида деҳқончилик қилишни тақозо этади. Шунинг учун ўлкамиз аҳолисининг аксарияти қадим даврларданок деҳқончилик билан шуғулланиб келишган. Бунини илк ёзма манбалар ва археологик маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Бу эса ушбу ҳудудда қадим даврларданок сунъий суғоришнинг ўзига хос тартиб-қоидалари ва усуллари шакллана бошлаганини

кўрсатади. Ушбу усул ва қоидалар асрлар оша авлоддан-авлодга ўтиб, тажрибаларда синалган ва такомиллашиб борган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Фарғона водийсини ўрганган рус мутахассисларини ерлик дехқонларнинг касб маҳоратлари ҳамда сунъий суғоришнинг асрлар давомида шаклланган ва амалда қўлланилиб келинаётган барча усуллари лол қолдирган. Буни улар ўз маълумотларида очиқ эътироф этишади. Ўша даврда Фарғона водийси ирригацияси билан танишган А. Миддендорф ўз маълумотида шундай деб ёзади: *“Авалло, биз минг йиллар ичида синалган, тажриба ютуқларига бой бўлган ерликларга шогирд тушмоғимиз лозим”*. Фарғона водийсида узоқ яшаган яна бир рус мутахассиси В.И. Кушелевский водий сунъий суғоришини куйидагича таърифлаган эди: *“Техника билими жиҳатидан саводли бўлмаган кишилар тик адирлик жойлардан қандай қилиб ўз далаларига сув олиб бора олганларига таажжубланмай бўлмайди, бу ишларнинг барчаси нивелировка билимсиз, асбобсиз бажарилгани кишини гоятда ҳайратда қолдиради”*.

Халқимизда *“Ариқдан сув узилмаса, саватдан нон аримас”*, *“Сувсиз ер — етим, молсиз эр — етим”*, *“Сувсиз ер — мозор, сувли ер — гулзор”* деган мақоллар бежиз пайдо бўлмаган. Юқорида хориж мутахассисларини юртимизнинг моҳир мироблари борасида берган эътирофлари билан танишиш баробарида юртимизни обод ва гуллаб-яшнашида, айнан ариқ очиб, сув чиқарган улуғ зотлар ҳақидаги ривоятлардан айримларини келтириб ўтдик. Бинобарин, Сармозор отани олис ҳудудларга сув келтириш борасидаги саъйи ҳаракатлари юртимизда яшаб ўтган бошқа валийлар ҳаётида ҳам содир бўлганлигини айтиб ўтмоқчимиз. Инчунун, сув чиқариш билан боғлиқ ривоятларда ҳаёт ҳақиқати билан бир қаторда, орзу-армонларининг қўшилиб келиши табиий ҳолдир. Шу сабабдан ҳар бир

кишлоқдаги қадимий сув иншоотларининг пайдо бўлишини, кўп ҳолларда, аҳоли шу ерда яшаб ўтган азиз-авлиёларнинг кароматлари билан боғлаб келганлар.

Бу ҳақда В. Кушелевский куйидагиларни ҳикоя қилган эди: *“Қадимда ҳозирги Наманган шаҳридан ўн йиғоч нарида ўн нафар дарвишлар истиқомат қилишган бўлиб, улар орасида Лангар бобо ўзининг соҳибкароматлиги билан ажралиб турар эди. Кунларнинг бирида сувсизликдан юзага келган тангликни кўриб ул зотга ҳазрати Хизр ҳассага миниб шимол томонга бориш кераклигини ва албатта унга у ердан сув келтиришига Оллоҳ ёрдам беражagini айтибди ва у ҳассасига миниб Новкет булогига бориб яна ортига қайтибди. Унинг ҳассаси қолдирган издан сув дарвишлар маконига оқиб келибди.*

1819 йили Нориндан Янги ариқ ўтказиш ишлари наманганлик Уста Эсонбой зиммасига юклатилган. Дастлаб ишлар юришмай одамлар Эсонбойни ўлдирмоққача бориб етганларида у туш кўради. Тушида ҳазрати Хизр унга руҳан тушмасликни ва албатта ариқни қандай ўтказишда йўл кўрсатишига ваъда беради. Уста Эсонбой уйғониб, чодирдан чиқиб қараса, маълум бир йўналишда алоҳида тўп-тўп бўлиб ўсган ўтларга кўзи тушади. Бу ўша ҳазрати Хизр кўрсатган ариқ йўли эканлигини тушуниб муваффақитли тарзда ариқ қазишни ниҳоясига етказади”¹.

Айтишларича, қаршилик Мир Саййид Фарҳулло ўша ерларга сув келтириш учун икки сўфисини кўлига ўз ҳассасини тутқизиб, “Боринглар, бу ҳассанинг бир учини Қашқадарёга ботириб, орқаларингга қарамай, то бу ерга етгунча судраб келинглар”, деб юборибди... Улар пирлари айтган янглиғ Қашқадарё лабига бориб,

¹ Кушелевский В.И. Материалы для медицинской географии и санитарного описания Ферганской области. Том. I. г. Новый Маргелань, 1890. С.80.

пирнинг ҳассасини сувга ботириб, изларига қайтиб судраб кела бошлабдилар. Пир қўнган манзилга яқин қолганда, сўфиларнинг бирини, кўнглида шайтон кутқуси ғолиб бўлиб, қайрилиб изига қарабди. Кўрадики, ҳасса судралиб келган ер ёрилиб, бир ариқ сув оқмоқда экан. Сўфилар орқага қараган жойда сув таққа тўхтаб қолибди. Улар ҳассани қайта бошдан судраганлари билан каромат содир бўлмабди. Манзилга хомуш қайтган сўфиларни кўрган пир, “Зарари йўқ, энди бу ёғини қазиб сув олиб келамиз”, деган экан¹.

Хивага яқин қишлоқ одамлари Полвон ота (Паҳлавон Маҳмуд²)га сувдан қисилганликларини айтдилар ва Жайхундан ҳасса уриб сув чиқариб беришни сўрайдилар. Полвон ота Жайхун бўйига бориб ҳасса билан дарё қирғоғини бир урганда, ҳасса ўрnidан сув оқа бошлабди. Дехқонлар бу сув кам эканлигини айтибдилар. Полвон ота: “Сабр таги сара олтин деганлар, сабр қилинглар, шу жилдираган ариқ суви сизларга етиб ортади”, дебди. Ҳасса ўрnidан оқаётган сув аста-секин кўпайиб, охири катта ариққа айланибди. Қишлоқ аҳли полвон отанинг саховати туфайли сувга сероб бўлибди³.

¹ Равшанов П., Ўроқов Р. Аждодларимиз қадри.— Т.: “Шарқ”, 1999. 24-б.

² Паҳлавон Маҳмуд (1247–1326) елкаси ерга тегмаган паҳлавон сифатида бутун Шарқ мамлакатларида кенг танилган. Хоразмнинг Кўхна Урганч шаҳрига ёндош қишлоқлардан бирида 1247 йили таваллуд топди ва 1326 йилда Хивада вафот этди. У халқ орасида “Пурёйвалий”, “Полвон пир” номи билан машҳур бўлган. Паҳлавон Маҳмуд форс тилида ижод қилган. Пўстиндўзлик ва телпадўзлик билан шуғулланган. Форс ва туркий халқлар адабиётида Умар Хайёмдан сўнг фақат рубоий ёзган шоир Паҳлавон Маҳмуддир. Унинг ҳаёти ва пурмаъно ҳикматлари катта тарбиявий аҳамиятга эгадир.

³ Имомов К. Ўзбек халқ насри поэтикаси. – Т.: “Фан”, 2002. 62-б.

Ривоят қилишларича, Сўфи Оллоёр¹ Вахшиморга келиб илонларни Говургонга ҳайдаб “Вахшимор”ни “Вахшивор” дарасига айлантирган ва Катта Вахшивор қишлоғини ташкил этиш учун жой танлаган, сўнг халифаларидан бирига ҳассасини бериб, Вахшивор сойининг ўнг қирғоғидан нам жойга суқиб, орқасига карамай қишлоққа судраб келишини тайинлайди. Халифаси устози айтгандай ҳассасини суқиб кела бошлайди, қишлоққа келишига бир оз жой қолганда, шайтоннинг васвасига берилиб, устозининг айтганини унутиб, орқасига қарайди. Не кўз билан кўрсинки, орқасидан-ҳасса изидан бир тегирмон ариқ суви оқиб келаётган экан.

Халфа орқасига қараши билан сув пастга – жарга қараб қочиб кета бошлайди.

Устознинг сўзини икки қилган халифа одобсизлиги, қулоқсизлиги туфайли хатога йўл қўйганини тан олиб, афсусланиб ўтириб қолади. Анча вақт ўтириб, охири ўрнидан туриб, устозимдан гап эшитаман-да, деб қишлоққа бориб, устозга кўриниш беради. Устоз Сўфи Оллоёр бу ҳолатни сезиб турган экан, халифани уришиш

¹ Сўфи Оллоёр (1644-1724) ўзбек мумтоз адабиётида тасаввуф адабиёти анъаналарини изчил давом эттириб, ўзига хос мактаб яратган адиб, шоир ва мутафаккирдир. Шоир 1644 йилда Каттақўрғон беклигига қарашли Минглар қишлоғида Оллоқули хонадонидан дунёга келган. Сўфи Оллоёр дастлаб Шайхлар қишлоғидаги масжид қошидаги мактабда, сўнг Бухородаги мадрасаларда таълим олган. Мадрасани тугатгандан кейин Жўйбор шайхлари қўлида таҳсил кўрган. Сўнг Сўфи Оллоёр маълум бир муддат Бухорода Абдулазизхон саройида солиқ йиғувчи бўлиб ишлаган. Лекин табиатан раҳмдил, кўнгилчан Сўфи Оллоёр бу ишда кўп ишламади. Бойлик орттирмади. Илм олишга, тасаввуфни чуқур ўрганишга, бадиий ижодга қаттиқ киришиб кетади. Тинмай ижод этади. Бунга ҳам қаноат қилмай ўзидан бир поғона юқори турган машҳур мутасаввиф шайх Ҳабибуллоҳга шогирд тушади. Ўн йилдан кейин шайхлик мартабасига кўтарилади. Мутасаввиф шоир бу давр ичида “Маслак ул-муттақийн”, “Сабот ул-ожизин”, “Мурод ул-орифин”, “Сирож ул-ожизин”, “Махзан ул-мутиъин”, “Нажот ул-толибин” каби асарлар ёзди. Сўфи Оллоёрнинг бу асарларида Қуръони карим оятлари, Ҳадиси шариф ҳикматлари ва тасаввуф ғоялари ажиб бир тарзда узвий боғланиб кетган. Сўфи Оллоёр ўзбек адабиёти тарихида тасаввуф таълимотини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган шоирдир. У ўз шеърларида сўфийликнинг ахлоқий масалаларини кенг тарғиб қилди. Одам фақат шу йўл билан ҳақиқат ва комилликка эришади, деган фалсафани олға сурди. Сўфи Оллоёр асарларини форс, араб тилларини пухта билгани ҳолда содда ўзбек тилида ёзди. Шунинг учун шоир асарлари халқ оммаси орасида кенг тарқалгандир.

ўрнига кўнглини кўтариб, “Хафа бўлма, бўлган иш бўлди, энди қолганини ариқ қазиб, чим босиб, қишлоққа олиб келасизлар”, дейди. Бу далда сўзни эшитган халифа ҳамроҳларини, қишлоқ аҳолисини тўплаб ўша ерга бориб, сувни жиловлаб қишлоққа олиб келади¹.

Нақл қилишларича Ёйилма қишлоқ аҳолиси сувсизликдан қийналиб, экинлар қурий бошлагач, Кўшки Туркон азизларидан муаммони баратараф² этишни сўрайдилар. Ул зот биродари Ғози Ғиждоннинг² хузурига бориб, сувсизликдан қутулиш чорасини топишда маслаҳат олибди. Ғози Ғиждонинг маслаҳатига кўра, Кўшки Туркон азизлари Сарикўрғонга бориб, у ердан тўғри Ёйилма қишлоғи томон ҳассасини судраб келиши лозим экан. Акасининг айтганини қилиб у ҳассани судраб кела бошлабди. Қишлоққа етай деганда ортига қайрилиб қараса, катта бир кўк кўчқор шохи билан ариқ очиб келаётган эмиш. Кўшки Туркон азизлари бу ҳолатга кўзи тушган заҳоти кўчқор ғойиб бўлибди³.

¹ Мирзаев Р. Сўфи Оллоёрга замон боқажак.– Т.: “Фан”, 2007. 42-б.

² Хўжа Ғиждон зиёратгоҳи Учкўприк туманидаги шу ном билан аталувчи қишлоқда жойлашган. Ёзма манбаларга кўра бу зиёратгоҳга Шоҳ Али Муқаддам исмли зот дафн этилган.

³ Кўшки Туркон зиёратгоҳи Учкўприк тумани Ёйилма қишлоғида жойлашган. Мазкур зиёратгоҳ “Ҳазрат Куч Турон”, “Машҳад Азизлар” номи билан ҳам машҳур бўлган.

Афсоналарга кўра, Пошшо Пиримнинг¹ яқинларидан бири сувсизликдан қийналаётган аҳолини кўриб сув олиб келмоқчи бўлади. Шунда Пошшо пирим “Сиз ҳассангизни ерга чизиб келаверинг. Фақат белгиланган манзилга қадар орқага қараманг”, дебди. Ўша азиз Пошшо Пиримнинг айтгани бўйича ҳассасини ерга чизиб кетаверибди. Ҳозирги Сукмозор ўрнига келганда бардоши етмай ортига қараса, ортида катта бир кўчқор шохи билан ерни ағдариб келаётган эмиш. Бу ҳолатга кўзи тушган ўша азиз ”Во дариғ берган ваъдамга вафо қилмадим”, дея шу жойда ғойиб бўлибди². Ўша-ўша одамлар азизлар ғойиб бўлган жойни зиёратгоҳга айлантирибдилар ва зиёратгоҳ “Сук мозор” номи билан машҳур бўлибди.

Қадимда Пошшо Пирим яқинларидан бирига Сарикўрғон томондан Бачқирга сув очиб келишини буюрар экан: “Сиз ҳассангизни ерга чизиб келаверинг. Фақат белгиланган манзилга қадар орқага қараманг”, дебди. Хожам Пошшо Пиримнинг айтгани бўйича ҳассасини ерга чизиб кетаверибди. Ҳозирги Қоратепага келганда бардоши етмай ортига қараса ортида икки кўчқор шохи билан ерни ағдариб келаётган эмиш. Уларнинг ортидан эса ариқ тўла сув келаётган эмиш. У ортига қараган замон кўчқорлар ғойиб бўлибди. Сув эса шу ерга келганда тўхтабди.

¹ Пошшо Пирим зиёратгоҳи Бувайда тумани, Бачқир қишлоғида жойлашган. Пошшо Пирим (Ҳазрати Шох, Подшоҳ Пирим ҳам дейилади) – Шох Жарир (Шох Жалил) мақбараси ҳам қадимда худди Биби Убайда зиёратгоҳи сингари ўзининг салобати ва кўриниши билан ажралиб турган. Шу сабабдан Қўқон хонлиги тарихига доир ёзма манбаларда ушбу зиёратгоҳ тўғрисида кўплаб маълумотлар учрайди. Подшоҳ Пирим мазорига берилган бундай таърифлар ҳар қандай зиёратчида шубҳасиз катта бир таассурот қолдиради. Шу сабабдан ҳам Қўқон хонлиги даврига доир ёзма манбаларда мазкур мазорни хон ва унинг аҳли аёнлари томонидан ҳар доим зиёрат қилиб турилганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд.

² Дала тадқиқотлари. 2012 йил. Бувайда тумани, Толқишлоқда яшовчи (1959 йилда туғилган) Эсонали Акбаровдан ёзиб олинди.

Бу ҳолатга кўзи тушган Хожам Пошшо Пиримнинг хафа қилиб қўйишдан чўчиб, кўздан ғойиб бўлибди. Уни қанча изламасинлар топиша олмабди. Ўшандан бери Хожам Пошшо ғойиб бўлган жойни одамлар зиёратгоҳга айлантирган эканлар”¹.

Нақл қилишларича, Саййид Бурҳон эшон² ҳозирги Белтус қишлоғига келаётганидан хабар топган қишлоқ аҳли унга пешвоз чиқишиб, йил бўйи сувсизликдан қийналаётганликларини айтадилар. Шунда Саййид Бурҳон эшон ўз ҳассасини ерга чизган маҳал бир ариқ сув пайдо бўлиб оққан экан.

¹ Дала тадқиқотлари. 2012 йил. Бувайда тумани, Қоратепа қишлоғи, Тепа маҳаллада яшовчи (1929 йилда туғилган) Сотволди Усмоновдан ёзиб олинди.

² Саййид Бурҳон эшон зиёратгоҳи Тошлоқ тумани Арабмозор қишлоғида жойлашган. Нақл қилишларича, Саййид Бурҳон эшоннинг аждодлари дастлаб Арабистонда сўнгра Туркманистоннинг Чоржўй вилоятига келиб ўрнашганлар. Бу ерда улар кўпайишиб катта бир оилани ташкил этганлар. Сўнгра мазкур хонадон вакилларида, жумладан Назар эшон Бухорога келадилар. Назар эшон Бухоро тумани, Кўл Юрин қишлоғида яшаб ўтган ва шу ерда дафн этилган. Назар эшоннинг ўғиллари Саййид Бурҳон Эшон Бухорода эканлиги чоғида тушида Марғилонга боришлиги тўғрисида азизлардан ва падари бузрукворидан башорат топади. Тушларида оталари «Сизни Марғилонда беш ўғил ва икки қиз кутиб турибди» деб башорат берадилар ва «тезлик билан Марғилонга жўнанг» дейдилар. Ўшанда эндигина тахминан ўн етти ёшга қадам қўйган Саййид Бурҳон ҳеч иккиланмай Бухородан Марғилонга қараб сафарга отланади. У кишига Кўқонлик Пирмат (Пирмуҳаммад) ҳамроҳлик қилган.

Айтишларича, Ҳазиний¹ ҳозирги Бағдод тумани худудига қарашли Қоровултепа чўлини дўст-ёр, қўни-қўшнилар билан ўзлаштириб, ер очишиб, боғ барпо этишган. Кейинчалик шу ернинг ўзида масжид ҳам бино қилиниб, унинг олдида катта ҳовуз ҳам қурилган. Ҳазиний ҳар йили баҳор, ёз фаслларини, баъзан эса куз ва қиш ойларида ҳам аксарият вақтини шу ерда ўтказар экан. Ҳовуз яқинида катта қум бархани бўлиб, Ҳазиний уни “Регистон” деб атаган дейишади. Чунончи шоирнинг

“Мисли ул Вайс ул-қаран чўлларида тутмишсан ватан,

Истаса ҳар ким Ҳазинийни регистондин топар.”
байтидаги “Регистон” сўзи ўша қум барханига ишорадир.

Нақл қилишларича, Ҳазиний эшон ўттиз ёшига киргунига қадар тарки дунё қилиб, Бағдод тумани Қоровултепа қишлоғига чиқиб кетадилар. Қўлларидаги асони ўзларига ҳамроҳ билиб, гиёҳ унмаган қумлоқ чўлга кириб келадилар. Қўлларидаги асо йўл бошидан ер чизиб боради. Чизик устидан эса йўл бошидаги ариқдан оқаётган сув йўналишини ўзгартириб оқиб бораверади. Эшон бува тўхтаб, асони ерга суққан чоғида, келаётган

¹ Шоир ва созанда Зиёвуддин Каттахожа ўғли Ҳазиний (1867-1923) Қўқон шаҳрига яқин Катта Кенагас қишлоғида 1867 йилда таваллуд топди. Ҳазинийнинг халқ тили ва дилига яқин, равон, мутаассир шеърлари инқилобдан олдин кўп ҳофизлар томонидан халқ сайилларида, тўйларда, турли маъракаларда айтилган. Бинобарин, XX асрнинг дастлабки ўн йилликларида шеърят ихлосмандлари орасида Зиёвуддин Ҳазиний қадар зўр шуҳрат қозонган бошқа бирор ўзбек шоирини тасаввур қилиш мушкул. Масалан, “Баёзи Ҳазиний” 1910—13 йиллар орасида Ғулом Ҳасан Орифжоновнинг Тошкентдаги матбаасида янги-янги асарлар ҳисобига тўлдирилган ҳолда етти марта чоп этилганлиги бу тенгсиз қалам соҳибининг китоби ўша давр маданий ҳаётида қанчалар катта воқеа бўлганлигини кўрсатиб турибди. Биргина баёз атиги уч йиллик қисқа муддатда етти бор чоп этилиб, кўз очиб юмгунча тарқаб кетганлиги аввало халқнинг ўз шоирига меҳри бениҳоя эканлиги билан изоҳланар эди. Зиёвуддин Ҳазиний 1923 йили вафот этган ва Катта Кенагас қабристонига аждодлари хилхонасига дафн этилган.

сув айнан шу жойда тўхтаб қолади. Ул зот бундай ҳолатни кўриб, бу қумликка келишида бир ҳикмат борлигини англаб, ўзларига ўша ерда макон қуришга аҳд қилади. Алал оқибат ўра қазилган жой ўрнига сув тўлиб, ҳовуз пайдо бўлади. Ҳовузни тўрт томонидан ирмоқ очиб, экин экадилар. Қумликни маълум би қисмини турли касалликлар учун шифо бўладиган жойга айлантиради.

Марғилон, Сармозор, Эшонгузар, кейинчалик Олтиариқ ҳудудларида анъанавий узумчиликнинг оммалашинини, одатда кўпчилик Сармозор Эшон бобо номлари билан боғлаб келишади. Ҳақиқатдан ҳам ҳозирда бу жойларда етиштирилаётган узум навларининг довруғи жуда узоқ жойларгача бориб етди.

САРМОЗОР ВА МИРПЎСТИН ОТА

Маълумотларга кўра, ҳозирда Марғилон шаҳрининг Гўри аввал деб юритиб келинаётган зиёратгоҳи, аслида, Мирпўстин ота мазори номи билан машҳур бўлган. Айтишларича, Мирпўстин ота косибларнинг пири бўлганлиги боис косибчилик билан шуғулланувчи ҳунармандлар Мирпўстин ота мазорини зиёрат қилиб келганлар. Бироқ, маълумки, Мирпўстин отанинг қабри бугунги кунда Андижон шаҳрида бўлиб, ул зотга оид шажаралар ҳам буни тақдиқлайди (бу ҳақда куйида сўз юритамиз). Шундай экан нима учун Марғилонда ҳам унинг номи билан боғлиқ зиёратгоҳ мавжуд бўлган? Мазкур саволга Сармозор ота авлодлари куйидагича жавоб беришмоқда.

Мирпўстин ота гарчанд Марғилонда вафот этишган бўлишса-да, кейинчалик унинг жасади, ўз васиятига кўра, Андижонга олиб кетилган экан. Шу сабабдан унинг Марғилондаги дастлабки қабри Гўри аввал зиёратгоҳи сифатида эъзозлаб келинган.

Умуман олганда, улуғларнинг қабрини мухлислари томонидан олиб кетилиши ва бошқа жойларда шу тарзда зиёратгоҳлар пайдо бўлганлиги тўғрисида кўплаб ривоятлар мавжуд. Масалан, Андижон вилояти, Балиқчи тумани, Гўравон қишлоғидаги Охун бува мазори билан боғлиқ воқеани Мулло Қурбон Ҳайдарали ўғли ўзининг “Балиқчи тарихидан ҳикоя ва ривоятлар” номли китобида ҳикоя қилади. Демак, дастлаб қишлоқ номини келиб чиқиши тўғрисида китобда келтирилган фикрларга эътиборимизни қаратсак:

“Бизнинг ёнгинамизда Балиқчи юртига туташ бўлган Гўравон қишлоғи мавжуд. Ривоятларга қараганда, ўтган аждодлар ва бобокалонларимизнинг

тахминий фикрларига қараганда, Гўравон қишлоғи ташиқил бўлмасдан илгари ҳозирги Гўравоннинг қабристонни мавжуд бўлган. Бунинг сабаби қабристон ўрни баландликдан иборат бўлиб, Балиқчи халқи ўтганларнинг жасадларини шу ерга олиб келиб дафн этишиган... Қўқон хонлиги даврига келиб, маҳалла кескин ривожланган. Бу ерга ҳам атрофдан одамлар келиб яшай бошлаган. Натижада, катта қишлоқ барпо бўлиб, кўпчилик халқ истиқомат қилишиган. Марғилон шаҳрида каромат кўрсатувчи пир бўлиб, мўмин-мусулмонлардан эътиқод қилгувчиларнинг қўлини олувчи бўлган. Эшон, ўз муридларини йўқлаб Балиқчи қишлоғига келганида, муридларидан бири Балиқчи қабристонни атрофида истиқомат қилувчилардан бўлган. Муриди билан атрофни томоша қилиб, қабристонни ҳам кўриб, пир ўз муридига: “Бу ерда қишлоқларидан гўри обод экан”, деган эканлар. Эшоннинг айтган сўзлари эътиборли бўлиб, бу маҳаллани номини “Гўри обод” – номи билан аташиган эканлар. Давр ўтиши билан “Гўри обод” номи “Гўравон”га айланган экан. Мана кўриб турибсизки, ўтган асрлар давомида ҳозирга қадар бу қишлоқнинг номи “Гўравон” номи билан аталади”¹.

Гўравон тўғрисидаги юқорида келтирилган маълумотлар билан танишиш баробарида биз бу жойни ёзма манбаларда қандай ном билан юритилганлигига қизиқдик ва ажойиб маълумотга дуч келдик. 1909 йили Фарғона шаҳрида (ўша вақтда Скобелев номи билан юритилган – муаллифлар) чоп этилган “Фарғона вилоятининг аҳоли яшайдиган жойлар рўйхати” номли китобидаги маълумотларга кўра Балиқчидаги Гўравон қишлоғи аслида Гўри аввал номи билан қайд этилган

¹ Мулло Қурбон Ҳайдарали ўғли. Балиқчи тарихидан ҳикоя ва ривоятлар. – Т.: “Фан”, 2008. 24-25-б.

бўлиб, ўша вақтларда 1499 нафар аҳоли истиқомат қилган¹. Бундан чиқди мазкур қишлоқ Гўри аввал номи билан юритилган ва бу эҳтимол Марғилоннинг Гўри аввал маҳалласидан келиб ўрнашганлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ёки Гўри аввал зиёратгоҳини машҳур бўлганлигидан бу ерга келиб ўрнашган марғилонликлар Гўри аввал зиёратгоҳи номи билан қабристон барпо қилишган деган тахмин ҳам мавжуд. Бу фикрларни айтишимиздан мақсад шуки, Мирпўстин ота авлодидан бўлган Мир Абдурахимхожа эшон Балиқчига келган чоғида бобосининг мозори билан боғлиқ Гўри аввал кадамжосини барпо қилмадимикин?!

¹ Список населенных местъ Ферганской области. Скобелев, 1909. С. 23.

САРМОЗОР АЗИЗЛАРИНИНГ ШАЖАРА ВА СИЛСИЛАСИ МАСАЛАСИ

VIII асрда яшаб ўтган Билга хоқон Култегин ёдномаларининг муаллифи донишманд Йўллуқ тегин “Авлодларнинг биринчи бурчи – ўз аجدодларини унутилишидан сақлаб қолишидир. Ўшанда шафқатсиз ва қудратли вақт улар устидан ҳукм юрита олмайди”, дея тарихни билиш бизнинг аجدодларимиз олдидаги бурчимиз эканлигини уқтириб ўтган эди. Чиндан ҳам, кишининг ўтмишига бўлган муносабати унинг келгуси тақдирини белгилашда муҳим аҳамиятга эгадир. Бу борада айтиш жоизки, оилада аجدодлар шажараси билан таништириш, ўз навбатида, маънавий жиҳатдан муҳим аҳамият кашф этиши шубҳасиз. Зеро, аجدодлар шажараси ёшларни ўз оиласи, уларнинг аجدодлари, оилада узоқ йиллар давомида сақланиб, қадрият сифатида эъзозлаб келинаётган асори атиқалар, фотосуратлар, турли ҳужжатларни яқиндан танишиб чиқишларига яқиндан ёрдам беради. Аجدодлар шажарасини таништиришдан мақсад шуки, у ёшларда ўз оиласи учун фахр ва ифтихор туйғусини уйғотишда ҳамда оила тарихини тиклашда, ибрат олишда ўзига хос маънавий-тарбиявий аҳамиятга эга¹.

Бу ҳақда муҳтарам Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф куйидагиларни баён этади:

“Насабларни ўрганиш, қариндош-уруғларни аниқлаш, она тарафидан, ота тарафидан қариндошлик қаергача бориб етади, бир-бирига қандай уланади – буларни пухта билиб олиш туфайли силаи раҳм қилиш жуда осон ҳолга келади.

¹ Абдулахатов Н. Ўқувчилар онгида миллий ғурурни шакллантиришда “Оила шажараси” технологиясидан фойдаланиш // Таълим технологиялари. Т., 2011. № 5. 39-б.

Жуйбар ибн Мутъимдан ривоят қилинади: “Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу минбарда туриб:

“Насабларингизни ўрганинг, сўнгра насабларингизга қараб қариндошлар билан силаи раҳм қилинг. Аллоҳга қасамки, бир одам билан иккинчи одам ўртасида турли муносабатлар бўлади. Агар улар насабларини билишганида, уни беҳурмат қилишдан сақланган бўлишарди”, – деди.

Шарҳ: Яъни, бир одам бошқа бир одамга қариндош эканини билмай туриб, бирор ёмонлик қилиб қўйиши мумкин. Лекин “қариндош” деган тушунча бўлса, қариндошим экан деб, ёмонлик қилмайди. Шунинг учун, қариндошларни аниқлаб, билиб олиш керак.

Исломда, аслида, ҳеч кимга ёмонлик қилишига тарғиб йўқ. Лекин банданинг одати шу – қариндошига бошқачароқ, илиқроқ муносабатда бўлади. Шунинг учун насаби қаерга бориб тақалади, ким қандай қариндош бўлади – буларни аниқ билиб олса, жуда яхши бўларди. Бу нарса ҳатто оддий инсоний муносабатларга – юмшоқ гапириш, юмшоқ муомалага ҳам таъсир қилар экан.

Ҳар бир киши ўз насабини ва у орқали қавм-қариндошини яхшилаб ўрганиб бориши яхши иш ҳисобланади. Кўпгина мусулмон халқлар айнан қариндошларини яхши таниб, уларга сила раҳм қилиш ниятида авлодлар тарихини ўрганиб келганлар. Уларнинг бу борада авлоддан авлодга ўтиб келаётган силсилалари ҳам бор. Бошқалар ҳам бу ишга аҳамият берсалар, ушбу ривоятда кўтарилган масалага амал қилинган бўлади.

Абдуллоҳ ибн Аббосдан ривоят қилинади: “Насабларингизни ёдлаб олинг, шунда қариндошларингизга силаи раҳм қилишига ўтасизлар. Раҳм (қариндошлик) яқин бўлса, узоқлик йўқ. Агар у узоқ

бўлса ҳам. Раҳм узоқ бўлса, яқинлик йўқ. Агар у яқин бўлса ҳам. Қиёмат куни ҳар бир раҳм ўз соҳиби олдига келади. Агар у силаи раҳм қилган бўлса ҳам гувоҳлик беради. Агар у силаи раҳмни кесган бўлса ҳам гувоҳлик беради”.

Шарҳ: Бир одам иккинчи одамга узоқроқ қариндош бўлса ҳам, насаб маълум бўлса, шу нарса уларни яқинлаштиради. Аксинча, қариндошлик бўлмаса ҳам, одамлар бир-бирига жуда яқин бўлиб кетган бўлса, бунинг силаи раҳмга даҳли йўқ бўлади.

Ҳар бир раҳм қиёмат куни ўз эгасининг олдига келади. Агар банда силаи раҳм қилиб юрган бўлса, Аллоҳ таолонинг ҳузурида “Бу банданг силаи раҳм қилган” деб унинг фойдасига гувоҳлик беради. Агар банда қариндошлик алоқалари узиб юборган бўлса, раҳм Аллоҳ таолонинг ҳузурида “Бу банданг қариндошлик алоқаларини узган, силаи раҳм қилмаган” деб, унинг зарарига гувоҳлик беради.

Шунинг учун, ҳар бир киши ўз қариндошларини яхшилаб билиб олиши, билмаса отларидан, катталардан сўраб-аниқлаб, алоқаларни яхши йўлга қўйиб олиши керак”.

Мамлакатимиз мустақиллика эришганидан сўнг ўн йиллар мобайнида яшириб сақланиб келинган нодир ҳужжатларни мустақиллик туфайли кенг жамотчиликка ҳавола этишнинг имконияти туғилди. Натижада Фарғона водийсининг ўзида кўплаб насабномалар ва маноқиблар билан боғлиқ мақола ва китоблар нашр этила бошланди¹.

¹ Бу ҳақда қаранг: Кавахара Я. Офоқ хожанинг ўғли Хожа Ҳасан шажараси ҳақида // Шарқшунослик, № 12. Т., 2004.–Б.89–103; Mazar documents from Hinjayg and Fergana (fakcsimile). Edited bu Sugawara Jun Kawahara Yayoi. Tokyo University of Foreign Studies 2006; Kawahara Y. Tadhkira of Khwaja Hasan Sahibqiran: Study on Private Manuscript in Ferghana Valley // Journal of Asian and African Studies. No. 71. 2006. P. 205–257; Kawahara Y. The Mazar of Qutayba ibn Muslim: A Studu of the Oral Tradition and

Бу аввало халқимизнинг миллий маданий меросларига бўлган эътиборида яққол кўзга ташланади. Шу пайтга қадар йўқолган деб қаралган насабнома ва шажараларни нафақат кўриш, балки улардан фойдаланиш учун ҳам шарт-шароитлар вужудга келди¹. Шажара, сулола ва насабномалар тарзида битилган асарлар тарихнинг ўрганилмаган саҳифаларини тадқиқ қилишда муҳим ўрин тутса-да, афсуски ҳозирги кунгача махсус тадқиқ қилинмаган. Марказий Осиё ва унга қўшни минтақаларнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти, географик муҳит ва у ёки бу мамлакат халқининг урф-одатлари бўйича қимматли маълумотлар берувчи бу сингари ёзма манбалар (шажара, вақфнома, васиқа, маноқиблар)нинг Марғилон шаҳрининг ўзида ҳам ўнлаб аниқлаши фикримизнинг яққол далилидир. Уларнинг ёзилиш услуби ва турлари борасида тарих фанлари номзоди Наргиза Хидирова қуйидаги фикрларни беради: Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар бўлимида турли даврларга тегишли минглаб қўлёзма асарлар сақланади. Ушбу асарлар тарихий, диний (тасаввуф, Қуръон, тафсир), аниқ фан (астрономия, геометрия, география) соҳаларига бағишланган бўлиб, улар орасида шажара, сулола ва насабномалар тарзида битилган асарлар ҳам салмоқли ўринни эгаллайди.

1) тасаввуф тариқати вакиллари номи билан боғлиқ шажаралар;

2) мазорлар номи билан боғлиқ шажаралар;

Historical Documents // Islamic Sacred Places in Central Asia: The Fergana Valley and Kashghar Region. Silk roadology 28. Tokyo University of Foreign Studies 2007. P. 79–103.

¹ Abdulahatov N. The Importance of Studying the Mazar Documents of Fergana Region // Studies on Mazar Cultures of the Silkroad. Hinjiang, p. 14.

3) аждодлар номи билан боғлиқ шажаралар (бундай шажараларнинг маълум қисми аҳоли кўлида ҳам сақланади);

4) шайх ва уламолар номи билан боғлиқ шажаралар. Ўз келиб чиқишларини Муҳаммад (с. а. в.) ёки тўрт халифалардан бирига боғлашни ва бу шажарани махсус қози муҳри билан тасдиқлашни шажара тузишга хос умумий хусусиятлар сифатида эътироф этиш мумкин. Ушбу шажаралар ўз титул (саййид, хожа, эшон, шайх, тўра) номланишларига кўра турлича бўлиб, тариқат вакиллари шажарасида асосан хожа ёки саййид титулига, машойих ва уламолар шажарасида эшон титулига, Қўқон уламолари шажарасида эса кўпроқ тўра титулига урғу берилади¹.

Аждодлар шажараси бизнинг халқимиздек тубли, оиласи кўп сонли, уруғ-аймоғи мўл эл учун ибрат ва тарбия дарслиги бўлиб келган. Шажара бутун авлоднинг босиб ўтган йўлини ойнадек акс эттириб, кимдан ўрнак олиш, кимга танқидий ёндашиш учун хулосалар чиқаришда дастуруламал вазифасини ўтаган. Инсон ақлини танибдики, энг олдин, ўз яқинларига ҳавас боғлайди, отасига, онасига, ака-опаларига тақлид қилади, қариндошларидан ўрганади ва бошқа тарбия масканлари қатори ибрат мактабидан ҳам таҳсил олиб, охир-оқибат ўз йўлини тўғри топиб кетади. Хайрли ишлар қилган, маҳалласига, қишлоғига, туманига, вилоятига, Ватанига хизмати сингган ота-боболаридан фахрланмаган ўғил-қиз топиладими? Бу бир томони. Миллатимизнинг улуғ фарзандлари, озодлик учун жон

¹ Хидирова Н.Ў. Қўқонда фаолият юритган шайх ва уламолар шажараси (XIX аср охири XX аср бошлари) // «Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда» мавзуидаги Республика илмий анжуман материаллари. Фарғона, 2009. 309-310.б.

фидо қилган буюк алломаларимиздан ифтихор ва ибрат туйғусини туймаслик мумкинми?

Дарҳақиқат, бошимизга бир мушкул иш тушиб, охири бахайр тугаганда, шукроналар айтиб, ота-бобомиз арвоҳи қўллади-да, деб мамнун бўлиб қўямиз. Ота-боболарда хислат кўп, файзу борақат кўп. Ўтмишда шажаралар ибратли, шону шавкатли, тубли-жойли хонадонлар учун тузилган¹.

Марғилон шаҳридан топилган XIX асрга оид ушбу насабномалар ёзилиш тартиби жиҳатдан дарахт шаклида шохлатиб баён қилиш усули ва оддий баён қилиш усулидан иборат икки хил шаклга эга. Шажаралар асосан ўрама шаклда бўлиб, баъзиларининг узунлиги 10 метрдан ошади. Айрим шажараларда Марғилонда дафн этилган буюк сиймолар ҳаёти билан боғлиқ юз берган воқеаларнинг тафсилотлари ҳам ўз ифодасини топган. Масалан, Довудхожа Марғиноний, Хожа Марғиноний, Иброҳим Хўжандий, Абдуллоҳ Маданийлар номи билан боғлиқ шажаралар Марғилон шаҳрида фаолият юритган улуғ зотлар ҳақида маълумот берибгина қолмай, XVI-XIX асрга оид Марғилон тарихини ёритишда ҳам муҳим манба вазифасини ўтайди.

Бу хилдаги шажаралардан ҳозирги даврда умр кечираётган авлодларнинг аجدодлари ва уларнинг қариндош-уруғларини юртимизнинг қайси ҳудудларида истиқомат қилганликларини билибгина қолмай, шажараларда акс этган воқеалар билан боғлиқ унутилаётган хотираларни ҳам тиклашлари мумкин. Жумладан, Сармозор эшон шажараси ҳам ана шундай ноёб ва нодир тарихий манбалардан биридир. Мазкур

¹ Равшанов П., Ўроков Р. Аждодларимиз қадри...97-б.

шажарага тўхташдан олдин саййидлар шажарасига доир айрим маълумотларни келтириб ўтсак.

Маълумки, юртимизда аниқланган кўпгина шажаралар араб, форс ва туркий тилларда саййид авлодлари билан боғлиқ ҳадислар, ривоятлар, ўз замонасидаги машҳур дин уламоларининг фикр-мулоҳазалари, турли манбалардан мухтасар кўчирмалар берилади.

Баъзи бир шажаралар ва қўлёзма манбаларда бу хонадон тизими, ҳаттоки Одам Атогача бориб уланиши кўрсатиб берилган. Инсонларни Аллоҳ таолонинг ҳақ йўлига етаклаган расулимиз Муҳаммад мустафо саллаллоҳу алайҳи васалламнинг оталари Абдуллоҳ, оналари Омина эдилар. Абдуллоҳ Абдул Мутталибнинг энг суюкли ўғли, онаси Фотима махзум жамоасига мансуб Умарнинг қизи эди. Абдул Мутталибнинг отаси Ҳошим, боболари тартиб билан Абдуманноф, Қусайй, Қилоб (Ҳаким), Мурра, Қаъб, Луай, Ғолиб, Фихр (Қурайш), Малик, Надр, Қинона, Ҳузайма, Мудрика, Илёс, Низор, Маъд, Аднон, Озар, Ясаъ, Ҳумайсаъ, Ағраб, Жаҳл, Сулаймон (а.с.), Қайдар, Собит, Исмоил (а.с.), Иброҳим (а.с.), Озар, Ёруғ, Соруғ, Арғун, Қолеъ, Омир, Мард, Худ (а.с.), Шоих, Садод, Арфахшад, Сом, Нух (а.с.), Ломак, Матушалх, Идрис (а.с.), Бард, Мехлоил, Қайнон, Ануш, Шис (а.с.) Ҳазрат Одам (а.с.) эди.

Шажараларда дастлаб келтирган маълумотларда Расули акрам (с. а. в.), **Хадича бинти Ҳувайлид, Али ибн Абу Толиб, Биби Фотимаи Захро, Имоми Ҳасан ва Имоми Ҳусайн** разияллоҳу таоло анҳум ажмаъин мусулмонлар қавми учун “Аҳли байт” қутлуғ хонадон бўлиб, улардан тарқалган авлодлар саййидлар (саййид

арабча “жаноб”) сифатида улуғланиб келинганликлари айтилади.

Имом Ҳасан (р.а.) хижратнинг саккизинчи йили рамазон ойида Мадинада дунёга келган эдилар. Муҳтарам оталари шаҳодатидан кейин халифалик мансабида етти ой ўлтиргач, мусулмонларнинг қонини тўкмаслик мақсадида Муовия бин Аби Суфён билан жанг қилмасдан халифаликдан воз кечдилар. 46 ёшларида душманлари томонидан ўлдирилдилар, қабрлари Мадинада “Жаннат ул-бақий”да.

Имом Ҳусайн (626-680) Муҳаммад (с.а.в.)нинг сеvimли набираларидан бўлганлиги боис Расули акрам: “Ҳусайн мендадир, мен Ҳусайндаман. Аллоҳ Ҳусайнни яхши кўрганни яхши кўради” деган эдилар¹. Маълумотларга кўра Имом Ҳусайн (р.а.) 680 йил 10 октябр куни Карбало даштида 70 нафар жангчиси билан халифа Язиднинг 4000 кишилик кўшинига қарши бўлган тенгсиз жангда ҳалок бўлган. Шундан сўнг Имом Ҳусайн(р.а.) тарих саҳифаларида “Саййид аш-шухадо”, яъни “Шаҳидлар саййиди” номи билан машҳур бўлган.

Нақл қилишларича, Карбалода юз берган машъум воқеа куни бир неча саҳобаи киромлар ва Расулуллоҳнинг хотинларидан бири Абу Умайянинг кизи Умму Салама (598-682) тушларида Муҳаммад (с.а.в.)ни ўта ғамгин ҳолатда кўрган эканлар².

Айтиб ўтиш жоизки, ҳар даврда муаррихлар Карбало фожиаси машъум ва ўта маҳзун мавзу бўлиб келганлиги учун, бу ҳақда сўз юритишиш нақадар оғир эканлигини таъкидлаб келганлар. Ҳозир ҳам мусулмон

¹ Ўша асар. 442-б.

² Раҳман Х.У. Хронология исламской истории: 570–1000 гг от Р.Х. Нижний 197. Новгород, 2000.С. 51.

олимлари ўз асарларида бу мавзудан сўз очар эканлар, айнан шу ҳолатни бошидан кечирганликларини айтадилар. Муҳтарам Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф “Ҳаёт ва ҳадис” китобида жумладан шундай ёзади:

“Имом Ҳусайн розияллоху анхунинг ва у зотнинг яқинларининг ваҳшиёна ўлдирилишлари бутун Ислом оламини даҳшатга солди. Бани Умайяликлардан нафрат қилиш, ироқликларни сўкиш оддий бир ҳолга айланиб қолди. Ҳатто раҳбарлар ўзларини оқлаш учун гумашталарини жазолашга ҳам ўтдилар. Мусулмон оламининг Имом Ҳусайн розияллоху анхуга нисбатан бўлган чексиз муҳаббати уларни хавф-хатар остида қолдирган эди.

Бу улкан жиноят содир бўлганда, дунё мусулмонларнинг кўзига бошқача кўриниб қолди. Бу ҳақда ҳар хил ривоятлар жуда ҳам кўп. Айниқса, Имом Ҳусайн розияллоху анхунинг ўлдирилишлари тафсилоти кишининг юрагини қон қилмай кўймайди.

Эҳтимол, шунинг учундир, буюк аллома Жалолиддин Суютий “Тарихи Хулафо” номли китобларида: “Унинг (Имом Ҳусайн розияллоху анхунинг) қатл этилиши узоқдир. Уни зикр қилишни қалб кўтара олмайди», деб ёзганлар.

Камина ходимингизнинг қалби ҳам бу мусибатни кўтара олмади. Ислом оламининг бу улкан мусибатини иложи борича юмшатиб ёзишга уринди. Шу билан бирга, ҳазрати Усмон розияллоху анхуга қарши фитнадан бошлаб, ушбу фожияни ёзиб бўлгунича соч-соқолидаги оқларни сезиларли кўпайганини мулоҳаза қилди.

Машихур тарихчиларимиздан бирлари таъкидлаганларидек, бу мусибатларга Ислом умматидан бошқа уммат дуч келганида, титилиб кетган бўлар эди. Аммо Аллоҳ таолонинг инояти бу умматни сақлаб қолди”¹.

Айтишларича, имомзодаларнинг ўлдирилиш тарихи анча узоққа бориб тақалар экан. Яъни, Расул алайҳиссаломнинг тўртинчи оталари Абдул Манофнинг ҳам эгиз ўғлилари бўлган, аммо иккаласининг ҳам орқалари бир-бирларига ёпишган ҳолда дунёга келган. “Буни нима қиламиз?” деб кенгаш ўтказганларида, бир одам: “Биттасини ўлдириб ажратинглар, биттаси тирик қолсин”, деб маслаҳат берса, яна биров: “Бирини ерга кўмайлик, ерда чириб ажралиб тушади, иккинчиси тирик қолади”, дебди. Аммо ота - Абдул Маноф бошқача, дадил йўл тутади: Қўлига ўткир қилич олиб, икки эгизакнинг орасини ёради, натижада ҳар иккала ўғли ҳам тирик қолади. Бу ҳақда “Ҳазрат Али жангномаси” асарида қуйидагича баён этилган.

“Абдул Манофнинг икки ўғли бўлди. Орқалари бир-бирига ёпушқон эрди. Арабларнинг халқи кўруб таажжубга қолдилар ва айтдилар. Муни айримоқ керак. Барчалари қийин кўрдилар. Алқисса, Абдул Маноф айтдилар, айиргил деб. Абдул Маноф ўртасига қилич бирла чоптилар. Бир-биридан жудо қилдилар”².

Эгизакларнинг бирини Ҳошим деб атайдилар, ундан Абдул Муталлиб деган ўғил туғилади, Абдул Муталлибдан эса, маълумки, Муҳаммад алайҳиссаломнинг оталари Абдуллоҳ ва Абу Толиб

¹ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳаёт ва ҳадис. Жаннат башорат берилганлар ва аҳли байт. 23 жуз. – Т.: «Шарқ», 2008. 298-б.

² Ҳазрат Али жангномаси... 14-варақ.

туғилади. Абу Толибдан эса Али туғилади. Иккинчи эгиз ўғилни Уммия деб номлашади, унинг ўғли Ҳарс, Ҳарсинг ўғли Суфён, Суфённинг ўғли Муовия ва унинг ўғли Язид туғилади.

Кўриниб турибдики, уларнинг илдизи бир, бир ота-онадан, ҳатто эгиз ака-укадан тарқалган фарзандлардир. Аммо, ўртага тушган қилич икки жоннинг тирик ва алоҳида бўлиб яшашига сабаб бўлса-да, бу икки авлод ўртасида қилич кўтариш, адоватга сабаб бўлди. Ҳошимийлар авлодлари тўғрисидаги бундай қайғули ҳикоятлар шу билан ўз ниҳоясига етмайди¹. Аксинча, у янада фожеалар гирдобига ғарқ бўлади. Бинобарин, бир шажаранинг икки шохи доим бир-бири билан келишмай келди ва охири Язиднинг Ҳошим авлодидан бўлган Алининг ўғиллари – пайғамбар(сав)нинг набиралари Ҳасан билан Ҳусайнни ўлдириши билан яқунланди. Ҳасанни Язиднинг қутқуси билан хотини захар бериб ўлдиради, Ҳусайн ва унинг ёш фарзандлари эса Карбало даштида бўлган даҳшатли жангда ўлдирилади. Боболар даврида ўртага солинган қилич шундай қонли оқибатга олиб келади².

Ўша жоҳиллик қатли омида ҳазрат Имом Ҳусайннинг балоғатга етмаган фарзанди **Зайн ал-Обиддин** оғир бетоб бўлиб, қотиллар буни ўлдирмасак ҳам ўзи мурдалар орасида нобуд бўлади, деб ўйлашиб қолдиришади. Ҳозирги Ҳусайний саййидлар ул зоти муборакнинг зурриётларидандир. Шу ўринда таъкид жоизки, саййидлар икки тоифа бўлишиб, бири — “Ҳасаний саййидлар”, иккинчиси — “Ҳусайний саййидлар” деб номланадилар. Ҳасаний саййидлардан

¹ Сетон Ллойд. Реки – Близнецы. – М.: «Наука», 1972. С. 152.

² Худойкулов М. Ривоятлар ва ҳикоялар. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. 156-б.

ҳазрати Ғавсул Аъзам Муҳйиддин Саййид Абдулқодир Жийлоний раҳматуллоҳи алайҳ авлодлари Қўқон, Марғилон шаҳарларида ва яна бир қанча Марказий Осиёнинг шаҳар-қишлоқларида яшаб келаётган бўлсалар-да, туркийзабон минтақаларда, асосан, Ҳусайний саййидлар муқим бўлмишлар (махфий қолмасинким, ҳазрати Ғавсул Аъзам ҳам она тарафиндан Ҳусайний саййидлардан ҳисобланадилар).

Бизнинг китобимизда келтирилаётган шажара Ҳусайний саййидлар аجدодлари шажарасидир.

“Ал-амр би-л-маъруф ва наҳий ани-л-мункар” (яхшилик йўлига етакловчи, ёмонликдан қайтарувчи) расулимиз алайҳис салом авлодларига туркий ҳоконлар, олиму фузалолар, Турон замин аҳли чуқур эҳтиром ила муридлик қилганлар. Мавлоно Ҳисомиддин Сиғноқийнинг “Насабнома” рисоласида келтирилишича, ўн икки имомдан (Имом Маҳдидан ташқари) 130 нафардан зиёд ўғилу қиз дунёга келганлар. Бинобарин, саййид авлодларининг барчаси ҳақида китобнинг бир кичик бобида маълумот бермоқликнинг имкони йўқлигидан, қуйида, асосан, Ҳусайний саййидларнинг Мир Абдурахимхожа аجدодлари билан боғлиқ қисмига тўхталамиз.

Изланишлар давомида Андижон вилояти, Андижон шаҳридаги Мирпўстин ота маҳалласида яшовчи 1948 йилда туғилган Иномжон Жумабоев хонадонида сақланаётган икки насабнома билан танишиб чиқишга муяссар бўлдик.

Биринчи насабноманинг ҳажми 32,5x140 см. бўлиб, 10 та муҳр босилган. Насабнома қуйидаги тарзда баён этилган:

Хожа Шариф ибн Хожа Тоҳир ибн Хожа Фиёсиддин ибн Хожа Нурмуҳаммад ибн Мавлоно Муҳаммад Поянда ибн Мавлоно Мусо ибн Мавлоно Хожа Мирбоқий ибн Мавлоно Мир Абдурашид ибн Мавлоно Хожа Абдурахмон ибн Мавлоно Хожа Мир Султон ибн Мавлоно Мирнўстин дар Андугон осуданд ибн Мир Саййид Муҳаммад ибн Мирсаййид Абдуллоҳ ибн Мир Саййид Камолиддин ибн Мир Саййид Яҳё Мир Саййид Қосим Мир Саййид Муҳаммад ибн Мир Саййид Исмоил ибн Имом Жаъфар Содиқ ибн Имом Муҳаммад Боқир ибн Имом Зайн ал-Обиддин ибн Имом Хусайн ибн Ҳазрат Али каррамуллоҳу ваҷеҳаҳу.

Иккинчи шажаранинг ҳажми 30x300см. бўлиб, 11 та муҳр босилган. Насабнома қуйидаги тарзда баён этилган:

Жаноб мустатоб, пешвои харамайин, муқтадои сақлайин ҳазрат Имом Хусайн (р.а.) ва унинг ўгли ҳазрат Имом Зайн ал-Обиддин (р.а.) ва унинг ўгли умдатул ақобир ва зубдатул соғар ҳазрат Имом Муҳаммад Боқир (р.а.) унинг ўгли орифлар эшони ва раҳномойи мувофиқ ҳазрат Имом Жаъфар Содиқ (р.а.) ва унинг ўгли Мир Саййид Исмоил ва унинг ўгли Мир Саййид Муҳаммад ва унинг ўгли Мир Саййид Хотам ва унинг ўгли Мир Саййид Яҳё ва унинг ўгли Мир Саййид Камолиддин ва унинг ўгли Мир Саййид Абдуллоҳ ва унинг ўгли Мир Саййид Муҳаммад ва унинг ўгли Мирнўстин лақабли Мир Саййид Ҳисомиддинки Андугон вилоятида осуда топган ва унинг ўгли Хожа Мир Султон ва унинг ўгли Хожа Абдурахмон ва унинг ўгли Хожа Абдурашид ва унинг ўгли Мавлоно Мир Боқи ва унинг ўгли Мавлоно Мусо ва унинг ўгли Мавлоно Муҳаммад Поянда ва унинг

ўгли Хожя Нурмухаммад ва унинг ўгли Хожя Фиёсиддин ва унинг ўгли Хожя Тоҳир ва унинг ўгли Хожя Шариф.

Мазкур иккинчи насабномада Имом Хусайн авлодларидан ташқари яна бир насабнома баён этилган бўлиб “Ушбу саййидларнинг саҳиҳ насабномаси Форукия насабномасидир” деб ёзилган. Демак, мазкур насабнома Умар ибн Хаттоб авлодларни билан боғлиқдир. Бинобарин насабномада айнан унинг авлодлари номи қайд этилган.

“...Ҳазрат амир ал муминин Умар ибн Хаттоб (р.а.) ва унинг ўгли ҳазрат Абу Аббос ва унинг ўгли Абу Ҳишом ва унинг ўгли Абу Омир ва унинг ўгли ҳазрат Амир Арқам ва унинг ўгли ҳазрат Мирмаст Вали ва унинг ўгли Мавлоно Мақсум ва унинг ўгли ҳазрат Саййид Жалолиддин ва унинг ўгли ва унинг ўгли Мир Кошиф Вали ва унинг ўгли Мир Ҳомид ва унинг ўгли ҳазрат Саййид Мирзо Ашраф ва унинг ўгли ҳазрат Саййид Мирзо Жунун ва унинг ўгли Саййид Мирзо Комил ва унинг ўгли Саййид Мирзо Ҳайдар ва унинг ўгли Саййид Мирзо Воиз ва унинг ўгли Саййид Мирзо Калонки Ўзганд вилоятида ётибди ва унинг ўгли ҳазрат Саййид Ҳисомиддин Андугон вилоятининг Хокон мавзесида осудадир ва унинг ўгли ҳазрат Саййид Мир Козим ва унинг ўгли Саййид Мирзо Асфар ва унинг ўгли Саййид Мирзо Қаюм ва унинг ўгли Саййид Мирзо Нусрат ва унинг ўгли Саййид Мирзо Шариф ва унинг ўгли Саййид Мирзо Нур ва унинг ўгли Саййид Мирзо Боқи ва унинг ўгли Саййид Мир Қурбон ва унинг ўгли Саййид Мир Ҳожя ва унинг ўғиллари Саййид Мир Маҳмуд ва Мир Саййид Аҳмад ва Саййид Мир Ҳомид ва мазкур Мир Маҳмуднинг ўгли Усмонхўжа”.

Мазкур насабномага кўра ҳижрий 1324 йилнинг муҳаррам ойида Мир Усмонхўжа қўлидаги 816 йилга оид қадимий мўътабар шажарани ўша даврнинг уламо фузалолари ҳамда фақиҳларига таништиради. Шажара билан танишиш давомида унинг эскириб кетганлиги жиҳатидан қайта таҳрир ва янгилиш лозимлиги маълум бўлади. Шу сабабдан 1333 йилда қайта янгитдан кўчирилган.

Шу ўрнида зарурий бир изохни бериб ўтишни лозим топдик. Иккинчи шажара форуғий хўжалардан бўлмиш Усмонхўжа томонидан янгитдан кўчиртирилиб, тасдиқланган бўлиб, унда ҳурмат юзасидан, жумладан Ҳусайний саййидларнинг ҳам шажараси рамзий тарзда келтириб ўтилган. Бироқ, асосий саййидлар шажарасидан фарқли ўлароқ авлод ва аجدодлар боладан отага эмас, ўзлариники каби отадан болага томон тартиб берилган.

Ҳозирда бизга маълум бўлишича, юқоридаги биринчи шажара ҳам худди иккинчи шажара каби кейинчалик тўлдирилиб тасдиқланган ҳолда янги шажара тузилган. Бу тўлдирилган шажарани Мир Абдурахимхожа эшон авлодлари 12 йил олдин борганларида кўриб, гувоҳи бўлишган ҳам. Аммо ушбу китоб муаллифлари Эшон бобо авлодлари ҳамроҳлигида кейинги боришимизда, ўша тўлдирилган шажара сирли ғойиб бўлганлигининг шоҳиди бўлдик. Аввало, эслатиш жоизки, саййид авлодлари шажараси баёнида жумладан шундай таъкидлар келтирилади: ***“...бу авлод ичига бенасаб киргучиларни, бесабаб чиқгучиларни Аллоҳ лаънатласин!”***, ***“Бузруклар айтадиларки, саййидлик даъвосида ростлик шартдир, исбот шарт эмас.***

Кимники етти пушти хожса ўтган бўлса, бошқаларга иззат ва ҳурмат вожибдир”.

Хуллас, бу шубҳали амал нима ниятда қилинган бўлмасин, алалоқибат бизнинг ҳам бу аждод ва авлодни боғловчи маълум бўғинларни ҳозирча топа олмаслигимизга сабаб бўлди. Аммо чуқур изланишлардан сўнг юқоридаги биринчи шажара ва иккинчи шажаранинг дастлабки қисми айнан шу авлодга тааллуқли эканлигини қуйида бир қанча мисоллар билан исботлай оламиз деб ўйлаймиз. Ишонамизки, келгуси тадқиқотларда орадаги бўғинлар албатта топилажак.

Ўрни келганида, яна бир муҳим масалага эътиборингизни қаратсак. Авлод-аждодлар шажарасини излаш, тиклаш, давом эттириш асло мақтаниш, кибр учун эмас, балки ибрат орқали фахрланиш тамойилида бўлмоғи даркор. Гўзал одоб-ахлоқлардан иборат хислатлар ҳусни хулқ дейилади. Расулulloҳ алайҳис салом бундай хислатларнинг тимсоли эдилар. Аллоҳ таоло “Нур” сурасининг 4-оятда он ҳазратни мақтаб: ***“Сен чиндан ҳам юксак ахлоқ эгасисан”, деган. Ҳазрати Ойша розияллоҳу анҳу: “Пайғамбар алайҳис саломнинг хулқи Қуръон эди. У Қуръон мамнун бўлган нарсадан мамнун бўлар, газабланганидан газабланардилар”***, дейдилар. Пайғамбаримиз алайҳис салом ўта вазмин, хушахлоқ, кўпинча юкинган кўйи сукут сақлардилар, фақат лозим бўлгандагина гапирардилар. Ул зоти муборакнинг гаплари айни пайтда айтилиб, юракка эм бўларди. Қуръон оятлари нозил бўлаётган ёки ўзлари ваъз айтаётганларида кўнгиллари яйраб, табассум билан чехралари очилиб юрардилар.

Ҳазрати Али: *“Мен расулуллоҳдан суннатларини сўраганимда, “Маърифат–ҳамёним, ақл динимнинг асоси, Аллоҳни дўст тутиш–таянч нуқтам, Аллоҳга бўлган иштиёқим–уловим, Аллоҳнинг зикри–улфатим, Аллоҳга бўлган ишончим–ҳазинам, зам–қайғу–ҳамроҳим, илм–қуролим, сабр–чопоним, Аллоҳнинг қисматига рози бўлиш–ганиматим, ожизлик–фаҳрим, таъмасизлик–ҳунарим, имон–қувватим, ростгўйлик–шафоатим, тоат–ибодат–қаноатим, намоз–қувончим, Аллоҳнинг зикри–қалбимнинг меваси, ташвишим умматимдан, иштиёқим роббимга”, деб жавоб берганлар”,* дея таърифлайдилар.

Пайғамбар алайҳис саломдан сўрадилар: “Авлодингизнинг тамғаси (белгиси, хусусияти) борми?” Саййиди сарвари олам жавоб бердилар: *“Менинг авлодимнинг тамғаси аларнинг ҳусни хулқларидир”*.

Изланишлар давомида биз Абдурахимхожа эшонни тасаввуф тариқатидаги пиру устозлари ким бўлганлигини ҳам аниқлашга ҳаракат қилдик.

Ҳожи Саййид Абдухалилхожанинг “Аз Насабнома Саййидзодагони Мовароуннаҳр” (Мовороуннаҳр саййидларининг насабномаси) номли китобида бир нечта силсилалар ҳам келтириб ўтилган. Шу силсилалардан бирида Абдурахимхожа эшон номи ҳам зикр этилган. Эҳтимол бу бошқа Абдурахимхожа исмли тариқат пирининг номи бўлиши ҳам мумкин. Шундай бўлсада ҳар эҳтимолга қарши мазкур силсилани

маълумот учун келтириб ўтмоқчимиз. Қуйида мазкур силсилани ҳукмингизга ҳавола этамиз:

Бисмилоҳир роҳманир роҳийм

(Худонинг) марҳамати ва саломлари одамларнинг сараси, пайғамбарларнинг сўнггиси Муҳаммад (мустафога), Худо унга ва асҳобларига раҳмат ва саломини йўлласин.

Ушбу шарафли насаб Муҳаммад мустафо салаллоҳу алайҳи васалламдан Абу Бакр Сиддиқ разиаллоҳу анҳуга етди ва ундан Салмони Форсий разиаллоҳу анҳуга етди ва ундан ҳазрат Қосим разиаллоҳу анҳуга етди ва ундан ҳазрат Имом Жаъфар Содик разиаллоҳу анҳуга етди ва ундан ҳазрат Султон Боязид Бистомий(р.а.)га етди ва ундан ҳазрат Абулҳасан Ҳарқоний (р.а.)га етди ва ундан ҳазрат Абулқосим Гургоний (р.а.)га етди ва ундан ҳазрат Абу Али Фармудий (р.а.)га етди ва ундан ҳазрат Абу Юсуф Ҳамадоний (р.а.)га етди ва ундан ҳазрат Абдухолиқ Фиждувоний (р.а.)га етди ва ундан ҳазрат Ориф Ревгарий (р.а.)га етди ва ундан ҳазрат Маҳмуд Анжир Фағнавий (р.а.)га етди ва ундан ҳазрат Азизон Рометоний (р.а.)га етди ва ундан ҳазрат Муҳаммад Бобо Самосий (р.а.)га етди ва ундан ҳазрат Амир Кулол (р.а.)га етди ва ундан ҳазрат хожа Баҳоуддин Нақшбанд(р.а.)га етди ва ундан ҳазрат Яъқуб Чархий (р.а.)га етди ва ундан ҳазрати Хожа Аҳрор (р.а.)га етди ва ундан ҳазрат хожа Муҳаммад Зоҳид (р.а.)га етди ва ундан ҳазрат хожа Муҳаммад Дарвиш (р.а.)га етди ва ундан ҳазрат хожа Амкачоний (р.а.)га етди ва ундан ҳазрат хожа Муҳаммад Боқибиллоҳ (р.а.)га етди ва

ундан ҳазрат имом Раббоний муҷадид алиф соний (р.а.)га етди ва ундан ҳазрат хожа Муҳаммад Саййид (р.а.)га етди ва ундан ҳазрат хожа Абдулаҳад(р.а.)га етди ...ва ундан ҳазрат Шайх Обид маҳдум(р.а.)га етди ва ундан ҳазрат Мусохон Даҳбедий(р.а.)га етди ва ундан эшон халифа Ҳусайн(р.а.)га етди ва ундан ҳазрат Абдусаттор Маҳдум, ундан Домулло Солеҳ ва ундан Домулло Худойберди ва ундан Домулло Абдурахим(р.а.)га етди¹.

Изланишлардан маълум бўлмоқдаки, Мир Абдурахим эшон Пайғамбар (с.а.в.) хонадонига мансуб саййидлар авлодидан бўлганлиги учун унинг исмига Мир сўзи қўшиб айтилган.

Бу ҳақда Мажзуб Намангоний ўзининг “Тазкират ул-авлиё” асарида шундай ёзади: “Домла Мир Ҳасан мазкур хатирига келдики, “Ота-бобомни мир-мир деб айтурлар”. Бизни саёдатимиз нечук қайси хилдаки одамлардан бўлса” деб бир неча мувоқабба истихора қилди. Воқеъда Ҳазрат Расул (с.а.в.)ни кўрдум. Айдилар, “Сен мени фарзандим бўлурсан”. Бад аз он саёдатларики, эътиқодлари мустаҳкам бўлди”².

¹ Ҳожи Сайид Абдухалилхожанинг “Аз Насабнома Сайидзодагони Мовароуннаҳр”. Душанбе. 77-б

² Мажзуб Намангоний. Тазкират ул-авлиё. Наманган, 2000. 158-б.

САРМОЗОРНИНГ НОЁБ ЁДГОРЛИКЛАРИ

Улуғлардан қолган табаррук ашёларга, яъни ноёб ёдгорлик буюмларига бўлган қизиқиш кўҳна ўтмишга нисбатан шунчаки ҳавас эмас, балки бу ҳар биримиздаги оддий инсоний туйғу – Ватанга, унинг тарихи ва халқимиз қадриятларига меҳр туйғуси билан изоҳланади. Биз қадимий осори атиқаларни, биринчи навбатда, инсон даҳоси, халқ тафаккури қудратининг намунаси сифатида қабул қиламиз. Олис асрлар қаъридан бизгача етиб келган ҳар бир мўъжиза – хоҳ меъморчилик, хоҳ мусиқа, хоҳ адабиёт асори атиқаси бўлсин, барчасини инсон ўз қалб кўри ва меҳнаткаш кўли билан яратган. Шу сабабдан ҳам улар халқ ҳаёти ва ижодининг кўздан яширин ботиний қатламларини очиб берувчи тарихий шаҳодатномалардир.

“Ёдгорлик” сўзининг ўзаги “ёд”, яъни “хотира” сўзидан иборат. Шундай экан, ҳар бир қадимий ёдгорликни халқимиз тарихи, унинг хотираси тарзида қабул қилишимиз ва баҳолашимиз керак.

Халқимиз аجدодлардан қолган ҳар бир буюмга нисбатан табаррук тушунчаси сақланиб қолган. Мир Абдурахимхожа эшон – Сармозор (қ.с.) ҳазратнинг қулоқчинлари, кўйлаклари ҳам ҳозирда авлодлари кўлида сақланиб келинмоқда. Мазкур кийим юзасидан изланишлар шуни кўрсатмоқдаки, бу оддий кийим бўлмай, балки тариқатда мерос бўлиб ўтиб келган табаррук хирқадир.

Маълумки, хирқа одатда сўфийликда пирдан шогирдга ўтган, узок вақт кийилгани сабабли у кўпинча эскирган, қуроқ ва ямоқ бўлган. Хирқа ўзбеклар орасида жанда деб ҳам аталган. Истилоҳда эса, шайх билан мурид орасида алоқа ўрнатиш, “Муриднинг нафс билан

ўзи орасида шайхнинг ҳукмронлигини қабул айлаши”дир.

“Тасаввуф арбобларига кўра, хирқа кийиш одати Иброҳим (алайҳиссалом)га бориб боғланади. Иброҳим Халилуллоҳ оловга ташланган замон Аллоҳ ҳукми билан Жаброил жаннатдан бир кўйлак келтириб, унга кийдирган ва шу кўйлак шарофатидан ул зот оловда ёниб кул бўлишдан қутулган. Бу кўйлак дастлаб ҳазрати Исҳоққа, сўнгра Ёқуб пайғамбарга мерос ўтган. Ҳазрат Ёқуб эса, уни маҳсус қутига солиб, ўғли Юсуф (алайҳиссалом)нинг бўйнига осиб кўйган. Юсуф пайғамбар яланғоч ҳолда қудуққа ташланганида, Жаброил етиб келиб, қутини очиб, унга кўйлакни кийдирган экан... Сўфийлар хирқада худди ана ўша кўйлакнинг сирини кўриб, унга маънавий маънолар берганлар.

Сухравардий хирқанинг икки турга – муридлик хирқаси ва табаррукка ажратилишини айтиб, яна бундай деган: “Шайхларнинг муридларига кийдиришни истаганлари асл хирқа – муридлик хирқасидир. Хирқаи табаррук эса, муридлик хирқасига ўхшаш хирқадир. Муридлик хирқасини ҳақиқий муридлар, кейингисини эса мурид бўлмаган, аммо уларга ўхшашга ҳаракат қилувчи муташаббих муридлар кийорлар”¹.

Сармозор азизлари хирқасининг олди томонида чап ва ўнг томонларда айлана муҳр шаклида ўн икки имом ва ислом тарихидаги машҳур ўн бир Аҳмад исмлари туширилган. Маълумки, ижодкорлар томонидан ўн бир Аҳмад номи билан боғлиқ шеърлар битилган ва муҳрлар туширилган. Наманган туманида “Ўн бир Аҳмад” деб аталувчи зиёратгоҳлар ҳам мавжуд.

¹ Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами: 10 жилдлик. – Т.: “Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи”, 2011. 661-б.

Шарқ халқларида Аҳмад исмли ўн бир буюк инсон ҳақида зикр этилади. Форсларда улар “Ёздаҳ Аҳмад” дейилади. Уларнинг ҳаёти билан танишган киши барчаси тасаввуф алломалари бўлганлигини англаб етади. Туркий “Фавз ун-нажот” (Нажот топиш йўли) китобида “Дар баёни ёздаҳ Аҳмад” сарлавҳали манзума бор. Унинг матнини ҳозирги алифбода илк бор келтириб ўтамыз:

Дар баёни ёздаҳ Аҳмад

*Эй биродар, ўн бир Аҳмад отли мард,
Ҳар бири аҳли муҳаббат, аҳли дард.
Ҳар бириси офтоби дин эди,
Пешвои аҳли шаръи амин эди.*

*Айтайин сенга муборак отларин,
Тут дуода ёд этиб иззатларин.
Бири анинг Аҳмади Мурсал эрур,
Ул бириси Аҳмади Ҳанбал эрур.*

*Бирисидур Аҳмади Хайр ун-Нассоҷ,
Бири Арқам эрди ул соҳиб ривож.
Бири Аҳмади Ҳизравия, сен эшит,
Бири Аҳмади Раванда, эй йигит.*

*Бири анинг Аҳмад Мухтордур,
Аҳмади Жомий аларга ёрдур.
Бирисидур Хожса Аҳмад Яссавий,
Зоҳиру ботинда ул эрди қавий.*

*Бирини Аҳмади Сигория атар,
Беваи бечорани илкин тутар.
Сурадур Қуръон ичра мўътабар,
Ўқигил ўн бир ракатдин, эй писар.*

*Айтайун отин – муборакдур, эшит,
Гар ўқур бўлсанг муборакдур, эшит.
Сўнг "Таборақ" сурасидин ўқи,
Ўқи бу тасбеҳни етмиш йўли...*

*Чоршанба кун муборакдур бу хизм,
Ким кетурса шак анга қил зарбу ситм.
Ҳар на бўлса мақсадинг ҳосил бўлур,
На тиласанг ул сенга восил бўлур.*

*Ёзмаса ёғмур, қуруқлиг келса йил,
Анга зомин Аҳмади Мурсал бил.
Подшоҳлик ҳар киши қилса талаб,
Ҳизравия бу иша бўлди сабаб.*

*Ҳар киши фарзандталаб бўлса агар,
Ул кабирогога сизинсин, эй писар.
Ҳар кишини зойиби бўлса, эшит,
Хожа Аҳмадга юкинсин, эй йигит.*

*Ҳар киши мулки зироат қасд этар,
Ё тижорат, ё иморат қасд этар.
Бил Сигория эмиш зомин анга,
Истионат истасанг боққай санга.*

*Моли йитса кишини, ё қочса қул,
Топилур анда дуога очса қўл.
Зомин анга Аҳмади Хайр ун-Нассож,
Йитгану қочганга ул қилгай илож.*

*Ҳар киши қилса талаб илми шариф,
Ул на қилсин, англа, эй марди зариф.
Ҳизравия руҳини шод айласин,
Бил дуои хайрда ёд айласин.*

*Кимки бўлса хастаю зору забун,
Бўлса анинг дарди кундан кун фузун.
Юз кетурсин Аҳмади Жомийга ул,
Хомий улдур - йиғласун хомийга ул.*

*Кимки бўлса толиби дунёи дун,
Арқам улдур бандага, ул раҳнамун.
Ўқисун бу сурани ўн бир йўли.
Яна бу тасбиҳни ётмиш йўли...*

*Албатта ихлос бирла ўқисун,
Ул азизлар арвоҳига бағишласун.
Ўн бир Аҳмадни, деди эй муттаҳид,
Ҳар бири бир ишга бўлди мустаҳид.
Ҳар муҳимменинг бир Аҳмад - зомини,
Ушбу ишлар пухта айлар хомини.*

Шеърдан маълум бўладики, ўн бир “Аҳмад”ларнинг биринчиси Муҳаммад пайғамбардир. Аллоҳга ҳамд айтувчи деган маънони билдирувчи бу исм “Инжил” китобида келтирилган. Аҳмад пайғамбар алайҳиссаломнинг иккинчи исми сифатида зикр этилади. Кўпгина шеърларда Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) номи “Аҳмад” кўринишида келтирилади.

Мирмахмуд Қорийнинг бир наът-шеърида Пайғамбарнинг (с.а.в.) меърожга чиққандаги ҳолати шундай тасвирланади:

***Наъти набийга тил очиб,
Қулликни мен изҳор этай.
Ул Мустафони ёд этиб,
Ғамгин кўнгилни шод этай.***

*Хусни анинг зебандадур,
Юсуф эшикда бандадур.
Лаъли табассум хандадур,
Бир шамъаи изҳор этай.*

*Тур ўлди анга ломакон,
Роз айди ул ерда ниҳон:
“Бергил менга хатти омон
Умматларимни шод этай”.*

*Ҳақ айтди: “Аҳмад, йиғлама,
Умматни кўп ёд айлама.
Дилсўхта, кўп дод айлама,
Раҳмат билан имдод этай”.*

Инсоният тарихида ҳаёти ҳақида энг кўп асар ёзилган сиймо Муҳаммад алайҳиссаломдир. Дунё халқлари тилларида пайғамбар сийрати ва фаолияти бўйича юзлаб китоблар мавжуд. Ўзбек тилида 39 жилддан иборат “Ҳадис ва ҳаёт” китоби нашр этилган.

Аҳмад Ҳанбал IX асрда Бағдодда яшаган авлиёлардан бўлиб, суннийликдаги Ҳанбалия мазҳаби асосчиси саналади. У пайғамбар аҳли байтига мансуб оилада Бағдод шаҳрида туғилган Аҳмад Ҳанбал муҳаддис ва шариат билимдони, ўз тақводорлиги билан машҳур зот бўлган.

“Тазкират ул авлиё”да келтирилишича, Аҳмаднинг ўғли бир шаҳарга қози эди. Ўғли отасига бир қопда ун юборади. Ходимлар ундан нон тайёрлаб, Аҳмадга ҳам олиб келадилар. Аҳмад бу нон қаердан келтирилганини сўрайди. Ходимлар нон ўзининг қози ўғли юборган ундан қилинганлигини айтишади. Аҳмад нонни емайди.

Нон бир неча кун токчада туриб, моғорлаб қолади. Аҳмад нонни дарёга ташлаб юборишни буюради. Сўнг одамлардан балиқ неча йил умр кўришини сўрайди. Улар балиқ етти йил яшашини айтишади. Аҳмад етти йилгача балиқ гўшти емайди.

Аҳмад Ҳизравия Боязид Бистомийнинг замондоши эди. У Балхда яшаган ва Балх ҳокимининг Фотима исмли такводор қизига уйланган. “Тазкират ул авлиё”да шундай зикр этилади: “Нақл қилибдурларким, Шайх Аҳмаднинг уйига бир куни ўғри тушди. Ҳарчанд айланиб, дунёликдан ҳеч нарса топа олмади. Аҳмад четда уни кузатиб турган эди. Ўғри ноумид бўлиб чиқиб кетмоқчи бўлди. Шунда Аҳмад деди:

- Ибриқни (Сувкўза) олгин-да, сув олиб кел, таҳорат қилиб намозга машғул бўл, бу орада кўлимга бир нимарса келиб тушса, сенга бергумдир, то менинг уйимдан қуруқ чиқиб кетмагайсан.

Ўғри йигит шайхнинг айтганини қилди - намоз ўқиб чиқди. Тонг отди. Бир хожа шайхнинг кўлига юз эллик динор назр келтириб берди. Шайх ўғрига қараб:

- Бу динорларни ол, улар сенинг бир кечалик намозинг ҳақи, – деди.

Йигитнинг ҳолати ўзгариб, йиғлаб юборди. Ўзининг хато йўлда юрганлигини англаб, тавба қилди. Олтинларни олмади, кейин Аҳмаднинг муридларидан бўлди.

Улуғ мутасаввиф шоир ва олим Аҳмад Жандапил Жомий 1049 йили Жомдан унча узоқ бўлмаган Номиқ қишлоғида туғилди. У ёшлик чоғларини беҳуда ўтказганига ўқиниб, 22 ёшидан бошлаб бир неча йил

танҳоликда яшайди. Кўпгина шаҳарларга сафар қилиб, улуғ машойихлар билан ҳамсухбат бўлади. 1141 йили ўз қишлоғида вафот этади. Шайхнинг хоки Турбат деган маҳаллада бўлиб, одамлар уни зиёрат қилишади. Аҳмад Зиндапил уч юз олтмиш минг муридни ўз йўлига эргаштира олган авлиё эди. Абдулқодир Гилоний Ғавсул Аъзамнинг (1079-1166) замондоши, дўсти бўлган. Жуда кўп шеърлар ёзган, “Анисул тобеин”, “Муҳаббатнома”, “Футуҳ ул руҳ” каби китоблар тасниф қилган.

(Алишер Навоий “Ҳамса”да Абдурахмон Жомий мадҳида фикр юритганда ўз устози Жомийни Аҳмад Жандапил Жомийдан ҳам юқори қўяди).

Шайхнинг бир рубоийсида инсон теша ёки ранда эмас, балки арра каби бўлиши кераклиги айтилади. Унингча теша ёғочни чопганда, пайраҳаси ўзининг олдига тушади, ранда эса пайраҳани олдига отиб юборади. Арра эса ҳар икки томонга тенг тўпон ташлайди. Шайх бу рубоийсида инсон тешадек худбин, рандадек ўз ҳақини танимайдиган гўл бўлиши дуруст эмас, балки ўзига ҳам, бошқаларга ҳам фойдаси тегадиган бўлиши лозим деган фалсафани тамсил этган. Донишманд ҳар бир ишнинг ўртачасини қилиш яхшидир деб таълим беради.

Тарикат султони, йирик мутасаввиф, шайх ул машойих, “Туркистон аҳлининг қиблаи дуоси” (Алишер Навоий сўзи) Аҳмад Яссавий (1166 йили вафот этган) ўз “Ҳикматлар”и билан туркий халқлар орасида кенг танилган. Унинг мақбараси Қозоғистоннинг Туркистон шаҳрида жойлашган бўлиб, уни Соҳибқирон Амир Темур бунёд этган.

Аҳмад Яссавий Ҳазрат Алининг Муҳаммад Ҳанафия исмли ўғлининг авлоди бўлиб, Бухорода Юсуф Ҳамадонийдан тасаввуф таълимини олиб, муршид сифатида Туркистонга келади. Ўзбек, қозоқ, қипчоқ ва бошқа туркий элларни ислом динига даъват қилади. Уларнинг пирига айланади.

Аҳмад Яссавий диний бағрикенгликни, меҳроқибатни мусулмончиликнинг асоси деб тушунтиради:

*“Суннат эрмиш – кофир бўлса берма озор,
Кўнгли қаттиқ халойиқдан Худо безор”.*

Улуғ шоир яна:

*Қайда кўрсанг кўнгли синуқ марҳам бўлгал,
Андоғ мазлум йўлда бўлса ҳамдам бўлгил,
Уммат бўлсанг зарибларга маҳрам бўлгил,
Ҳақдин эшитиб бу сўзларни айдим мано”.*
деб пайғамбар ҳадисини шеърий тарзда баён этади.

Аҳмади Хайр ун-Нассож “Тазкират ул авлиё”да зикр этилган авлиёлардан бири бўлиб, Бағдодда яшар эди. Кунлардан бир кун у ўз шаҳридан бошқа бир жойга бориб қолади. Бир бадавлат киши уни хожасидан қочган қул деб ўйлаб: “Ҳой қул, хожангдан қочдингми?” деб сўрайди. У Худони назарда тутиб, “Ҳа, Хожамдан қочдим” (Яъни, унга таваккул қилишдан қочиб, бошим оққан томонга юриб ризқ излаяпман) дейди. Бадавлат киши уни уйига қул қилиб олиб кетади. Мато тўқишга мажбур қилади. Бадавлат киши унинг исмини сўраса, “Худо билади” деб жавоб беради. Ундай бўлса сени Хайр деб атаймиз, дейди у. Аҳмад астойдил мато тўқишга киришади. Хожаси ундан хурсанд бўлади.

Аҳмад тунлари ибодат қилиб, хожасига инсоф ва имон сўраб дуо қилади. Бир куни тунда унинг дуосини хожаси эшитиб қолади. Аҳмаднинг қул эмас, илмли ва тақводор, озода киши эканлигини англаб етади. У билан суҳбатлашиб, Аҳмад номли шайх эканлигини билади. Имонга мушарраф бўлиб, мусулмон бўлади. Аҳмадни Бағдодга олиб боради. Унга мурид бўлиб, хизмат қилади. Шундай қилиб Аҳмад Хайр Нассож деган лақаб билан танилади.

Намангандаги “Ўн бир Аҳмад” зиёратгоҳи Аҳмад исмли ўн бир кишини яхши билган, улар ҳақида китоб битган олим билан боғлиқ бўлиши мумкин. Яъни, одамлар бу китоб муаллифини “Ўн бир Аҳмад”нинг мухлиси, фидойиси деб кейинчалик бу ибора унга исм бўлиб кетган бўлиши ҳам мумкин.

Бундан ташқари бу даргоҳда ўн бир Аҳмад шарафига хотира анжуманлари ўтказилган бўлиши мумкин. Айни кунларда ҳам бу зиёратгоҳдан одамлар қадами узулмайди (Ўн бир Аҳмад исмини кийимларга ёзиб табаррук қилиб юриш ҳозирги машҳур кишиларнинг исми ва расмини кийимларга тушириб кийиб юришнинг ўтмишдаги ҳолати бўлса керак).

Умуман олганда, бу сингари табаррук буюмлар Марказий Осиё, жумладан Фарғона водийси халқлари томонидан қадимдан эъзозлаб келинган. Масалан, Офок хожага тегишли буюмлар Фарғона аҳли томонидан эъзозланиб, муқаддас ашёлар сифатида сақланган¹. Офок хожа хузурида жиловдор (отларга қаровчи хизматкорлар етакчиси) бўлиб хизмат қилган Наврўз Охунднинг авлоди бўлмиш Али Охунднинг мақбараси Ёзёвон шаҳарчасининг марказида жойлашган бўлиб,

¹Офокхожага тегишли бўлган табаррук буюмлардан калиш ва сандал ҳозирги кунда Учкўприк тумани, Кенагас қишлоғида яшовчи Исмоилхон Маҳмудов хонадонидан сақланмоқда.

мақбара ёнидаги ҳовлида яшовчи Валихон Маърупов тасарруфида Офоқ хошамдан ёдгорлик бўлиб қолган табаррук яктак бор¹. Ажабланарлиси, тарихи уч асрдан зиёд бўлган бу мўътабар осори атиқани тикиш вақтида нина-ип ишлатилмаган кўринади, чунки чоки йўқ. Яктакнинг олд қисмига Қуръони каримнинг “Фатҳ” сураси доира шаклида битилган. Орқа қисмида унинг тарихидан шоҳидлик берувчи муҳр бор.

Шу ўринда мазкур “Фатҳ” сураси тўғрисида: “Маълумки, “Фатҳ” сўзининг маъноси ғалаба. У қайси жангдаги ғалаба экани хусусида турли ривоятлар мавжуд. Масалан, Макка аҳлининг тинчлик йўли билан Исломга кириши, Худайбия жанги, Рум фатҳи ёки Хайбар жангидаги ғалабалардан бири эканига далолат қилувчи ривоятлар бор.

Сурада мунофиқлик қилувчи, кўпчилик билан бирга ёвга қарши чиқиш ўрнига, ундан турли баҳоналар билан бош тортувчилар қораланади”².

Халқимизда “Фатҳ” сурасини тумор сифатида олиб юриш ёки уни кийимга битиш кийим соҳибини жанглarda омон қолишига ёрдам бериши тўғрисидаги ишонч қадимдан мавжуд бўлган. Нақл қилишларича, Офоқ хоша жанглarga боришдан олдин шу яктакни кийишга одатланган экан. Қачонки, Офоқхоша вафотидан сўнг унинг буюмлари шогирдларига бўлиб берилиши вақтида ушбу яктак Офоқхошага умр бўйи садоқат билан хизмат қилган жиловдор Наврўз Охундга тақдим этилган.

Ҳар йили Наврўз айёми вақтида Офоқхоша яктаги сақланаётган хонадон эгаси қариндош-уруғлари билан тўпланган ҳолда Офоқхошага атаб Али Охунд мақбарасида хатми Қуръон маросимини ўтказганлар.

¹ Алишер Бек. Мозий-ул-Ёзиёбон. – Ф.: “Фарғона”, 2002. 34-35-б.

² Қуръони карим. Таржима ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур. Т., 511-б.

Маросим даврида яктак мазкур хонадоннинг ёши улуг кишиси томонидан кийилиб, даври ичида бир неча бор айланиб чиқилган. Бундай пайтда Офоқхожа яктагини табаррук деб билган маросим иштирокчилари яктакнинг этагини кўзларига суртганлар. Улар учун яктакни тавоф этиш туфайли касалликдан халос бўлиш мумкин деб қаралган¹. Маҳаллий аҳоли тасаввурига кўра, Офоқхожанинг фазилатлари ҳеч қачон йўқолмайди. Вақт ўтиши билан бу хислатлар ул зотга хос буюмларида ҳам сақланиб қолади.

¹Дала тадқиқотлари. 2003 йил. Фарғона вилояти, Ёзёвон тумани, Ёзёвон шаҳарчаси.

САРМОЗОР АЗИЗЛАРИНИНГ АВЛОДЛАРИ

Эшон Хожа Абдурахмоннинг еттинчи авлоди бўлган Хожа Тоҳир ва унинг ўғли Хожа Шариф, шу силсиланинг давомчиси Хожа Мир Азим асли марғилонлик бўлишиб, шаҳардаги қадимий Зардармуш маҳалласида яшашган (бу маҳалланинг номи кейинчалик ўзгариб кетган). Хожа Мир Азимнинг зурриёди бўлмиш Мир Абдурахим эшон даврида бу авлод вакиллари истиқомат қилаётган хонадон ва ҳовли яқинида шаҳарнинг бош масжиди Хонақоҳ қурилиши режалаштирилди. Мир Абдурахим эшон ўзи яшаб турган ҳовли уй-жойини Хонақоҳга ҳадя қилиш баробарида ўзи ҳам бу масжиднинг қурилишида бошқош бўлди.

Сармозор азизлар аجدодларининг шажарасини Андижон шаҳрига бориб қолиши Эшон Хожа Мир Абдурахмоннинг бобоси, яъни Эшон Хожа Султоннинг отаси Мир Саййид Ҳисомиддин (Мир Пўстин) Эшон қабри ва шажарасини Марғилон Гўри Аввалидан Андижонга олиб кетилиши билан боғлиқ. Зеро, Андижондаги машҳур мақбара жойлашган маҳаллада ҳам, умуман эса Андижон тарихи билан боғлиқ маълум манбаларда ҳам мазкур авлод вакиллари ҳақида маълумотлар учрамайди.

Мир Нажмиддин эшон

Айтиш керакки, баъзи манбаларда Мир Абдурахим Эшон исмининг Абдурахмон бўлиб қайд этилишининг бошқа бир сабаби бор. Биз олдинги бобларда келтирган шажарада Эшон Мир Абдурахмон Эшон Хожа Султоннинг ўғли сифатида қайд этилиб, Мир Абдурахмоннинг фарзанди сифатида Эшон Мавлоно

Мир Абдурашид келади. Мир Абдурашидни эса бу авлод вакиллари Мир Нажмиддин сифатида нотўғри талқин этиб келишган.

Аслида Мир Нажмиддин Эшон Мир Абдурахим Эшоннинг ёлғиз ўғли бўлиб, эшоннинг яна бир Робияхон (ёки Рокияхон, ёки Солияхон) исмли қизлари бўлиб, ҳозирги Қўрғонча маҳалласи аҳли ўзларини шу қизнинг авлодлари деб ҳисоблашади.

Мир Нажмиддин Эшоннинг исми бирор бир васиқа, иноятнома ёки вақфномаларда худди шу тарика келмайди. Бир манбада Мулло Охунд Бобо, иккинчисида Мулла Бобо Охунд Махдум, учинчи манбада эса Мулла Бобохон ва ҳоказо. Эътиборлиси, булар эшоннинг асл исми эмас, балки унинг ўзига хос таърифларидир. “Эшон” сўзининг ўзи ҳам, юқорида таъкидланганидек, форс тилида “улар” деган маънони бериб, бу ерда кўплик маъносида эмас, балки ҳурматлаш ва сизлаш мазмунини беради. Бинобарин, одатда бирор бир эшон ҳазратларини ҳеч қачон ўз исми-шарифи билан чақирмаганлар. Юқоридаги “мулла” сўзи арабчада ўқимишли, тақводор одам мазмунини бериб, Ўрта Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатларида мадрасада таҳсил олганлар тушунилади. Энди, “охунд” сўзига изоҳ бериб ўтсак: Охун(д) – руҳонийлар пешвоси, мулло, устоз. 1. Ўқимишли, илмли киши; мулла, домла. 2. Ўқимишли илмли кишилар исмига қўшиб айтиладиган сўз...¹. “Бобо” эса кексаларга нисбатан ҳурмат, болаларга ишлатилганда эркалаш маъносида келади. “Махдум” арабчадан хизмат қилинувчи, жаноб, хўжайин сифатида ўгирилади.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Учинчи жилд. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2007. 161-б.

Кўриниб турибдики, хонлик даври хужжатларида келган мазкур авлод вакилининг исми-шарифи асло бундай бўлмаган. Қолаверса, тарихдан мозийда учрайдиган бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Масалан, Алишер Навоийнинг қулоғига азон ва такбир айтилган исмлари Низомиддин ёки Мирзо Улуғбекники Муҳаммад Тарағай бўлмаганми, ахир?!

Хўш, унда нега бу кишини айнан Мир Нажмиддин шахсига боғламоқдасизлар, деган ўринли савол туғилиши табиий. Қўқон хонлигига доир хужжатларнинг Сармозорга боғлиқ намуналарида Мулла Бобохон ёки Мулло Охунд Бобо ёки Мулла Бобо Охун Махдумнинг ўғли сифатида Мулла Мир Муҳаммад Али Махдум, баъзан Мулла Муҳаммад Али Мирзо Махдум келадигани, бу—Эшон Мир Нажмиддиннинг ўғли, кейинчалик қисқартирилган ҳолатда исми-шарифи келган, Мир Нажмиддиннинг олти ўғлидан бири Мадали Махсумдир. Юқорида таъкидлаганимиздек, Муҳаммад Али “Мадали” шаклида, Махдум “Махсум” шаклида ўзгариб кетган бўлса, кўп ҳолатларда “махдум” сўзининг “махсим”, “махсум”, “махзум” тариқасида ўзгартирилиб ёзилганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Мулла Охунд Бобо Махдум –Мирнажмиддин ҳам, унинг ўғилларидан бири Мулла Муҳаммад Али Махдум –Мадали Махсум ҳам Сармозор масжидига мутавалли бўлганлар.

Мир Абдурахимхожа эшоннинг ўғиллари Мир Нажмиддин эшон тахминан XVIII асрнинг иккинчи ярмида Марғилон шаҳрида таваллуд топганлар. Ёшликлариданоқ оталари каби илм олишга киришиб кетганлар. Оталари кўпроқ сафарларда бўлганликлари учун сабоқни, асосан, оталарининг шогирдларидан, ёш қори болалардан олардилар. Қори болалардан билим олиш билан бирга бошқа ҳунарларни ҳам ўргандилар,

чунки қори болаларнинг кўпчилиги ҳар хил ҳунар билан шуғулланувчи ҳунармандлар эди. Шунинг учун Мир Нажмиддин оталари каби мурид овлаб, яъни исломни тарғиб қилиб, одамларга исломдан сабоқ бериш учун сафарларга чиқмадилар. Олти ўғилнинг отаси бўлдилар ва асосан умрларини фарзандларни катта қилиш ва уларга илм беришга сарфладилар.

Мир Нажмиддин эшон узоқ умр кўриб, тахминан 1870 йилларда вафот этдилар ва Сармозорда оталарининг ёнларига дафн этилдилар.

Айтиб ўтилганидек, Сармозор буванинг фарзанди Мир Нажмиддиннинг олти нафар ўғиллари бўлган. Улар Мирҳамид, Мирсайид Ориф¹, Мирсайид Мавлоно¹,

¹ Мирсайид Ориф эшоннинг Мирсайид Аъзамхон ва Нўмон Махсум исмли икки нафар ўғиллари бўлган. Катта ўғил Мирсайид Аъзамхоннинг Мирсулаймон, Яхёхон Махсум, Мирсайид Турсун(1888-1973), Сайдалихон (1889-1990) ва Мирсиддиқ (1905-1943) исмли беш нафар ўғиллари ҳамда Фотимахон, Ойшахон, Баҳринсо исмли уч қизлари бўлган.

Қуйида Мирсиддиқ хусусида айрим маълумотларни келтириб ўтамиз. Мирсиддиқ қори ўз даврининг етук зиёли кишиларидан бўлиб, ўн ёшидаёқ Қуръони каримни ёд олган. Марғилон мадрасаларида сабоқ олган. 1941 йилда фронтга кетиб, 1943 йилда Курск остоналарида бўлиб жангларнинг бирида ҳалок бўлган. Яхёхон Махсумда эса, Абдурахим ва Мирсайидидаҳмад исмли икки ўғил ва Солихабону ҳамда Зухрабону исмли икки қиз бўлган. Мирсайид Аҳмад(Аҳмад Яхё)да фарзанд бўлмаган. Абдурахим Абдусами ва Тўхтаҳон исмли бир ўғил ва бир қиз кўрган. Абдурахимнинг ўғли Абдусамининг Улуғбек, Саййидақрамхон, Саййидикромхон ва Мирбаҳодир исмли тўрт ўғли бўлиб, ҳозирда уларнинг ҳаммаси Сармозор қишлоғида ўз оилалари билан яшаб келишмоқда. Абдусами яхши маълумот олиб, узоқ йиллар ёшларга билим бериб ўтдилар. Сармозор бува авлодлари шажарасини қайта тиклашда кўп хизматлар қилдилар.

Мирсайид Турсун ҳожининг Мирмусохон, Миразизхон, Мирэсо (Мирзоҳид)хон исмли ўғиллари ва Муқаддасхон исмли бир қизлари бор. Мирмусохоннинг Баҳодиржон, Толибжон, Муҳаммаджон исмли ўғил фарзандлар ҳамда Раънохон, Майрамхон исмли икки қиз фарзанд кўрган. Миразиз Авазхон, Яхёхон исмли ўғил фарзандлар ва Нодирахон, Одинахон исмли қиз фарзандлар кўрган. Мирэсо бўлса Зикриёхон, Музаффархон, Саййидақбар, Ҳожиакбар, Элёр исмли ўғил фарзандлар ҳамда Муяссархон, Насибахон исмли қиз фарзандлар кўрган.

Уларнинг барчаси Сармозор қишлоғида туғилиб, шу ерда яшаб келишмоқда. Сайдалихоннинг Сайиднабихон исмли ўғиллари ва Марямхон, Маликахон, Зулфияхон исмли қизлари бўлган.

Мирсайид Мақсуднинг 3 нафар ўғиллари бўлган. Улар Сайидхон, Мирсайид Мамат ва Сайид Убайдулло. Мирсайид Маматнинг Мирсайид Баҳодир, Шаҳобиддин исмли ўғиллари ва Фазилат исмли қизлари бўлишган. Сайид Убайдуллонинг тўрт

Халфаи Сафо², Мадали Махсум¹ ва Мирсайид Сафоаҳмадлардир².

нафар ўғиллари бўлишган. Улар Мирзунун, Нуриддин, Абдувосит ва Мирсайид Бокилардир.

Мирсаид Ориф эшоннинг кичик ўғиллари Номон махсумнинг Мирзунун, Мирмўмин ва Мирсаид Бурхон исмли ўғиллари ва Соткиной исмли бир қизлари бўлган. Улардан фақатгина Мирсаид Бурхонда Мирсаид Мухторхон ва Фахринсо исмли бир ўғил ва бир қиз бўлган. Мирсаидмухторхон МирсаидАзамхон исмли ўғил ва Раҳбарнисо, Хуринисо ва Тожинисо исмли фарзандлар кўрган.

¹ Мирсаид Мавлоно (Фор эшон)ни (1820-1990) икки нафар Миртожиддин (1860-1935) ва Аброр эшон (1865-1930) исмли фарзандлари бўлган. Миртожиддинни Абдуқаҳҳор, Бузрукхон ва Мирсаидсаттор исмли уч нафар фарзандлари бўлган. Бузрукхонни Ҳамидхон ва Мирзоҳид исмли фарзандлари бўлган. Мирсаидсатторни Максудхон (1929) Мирсаидсоиб (1935) ва Саидхон (1940) исмли ўғиллари бўлиб, улардан Махсудхондан Сайдуллохон (1958), Абдуллахон (1960), Сайдалихон (1965), Ҳайруллохон (1974), Дилфузахон ва Ферузахон исмли фарзандлар кўрган. Мирсаидсоибхонни Миртолиб (1961), Ҳасанбой ва Хусанбойлар (1963), Райимхон (1972), Саидолимхон (1974) ва Гулчехрахон исмли фарзандлари бор. Саидхонни Ҳожиакбар, Усмонхон, Бибихожа, Дилафруз, Одинахон исмли фарзандлари бор. Аброр эшонни Хўжамирвали (Қашқадарё, Китоб шаҳри), Маъруф кори, Жалолхон (1912-82), Саидкамол (1926-89), Саодатхон, Солияхон, Салимахон исмли фарзандлари бўлган. Жалолхон Тўхтасин, Маҳмудхон исмли икки ўғил ва Ҳафизахон, Азизахон, Маликахон, Каримахон, Шарифахон исмли беш қиз фарзанд кўрган. Хўжамирвалининг Сайдаматхон, Акрамхон, Ўктамхон, Маҳбубахон (1927-2012), Ҳамрохон (1940), Мўътабархон (1962) исмли фарзандлари бор. Маъруф корининг Салоҳиддин (1928-93), Одилхон (1929-2006), Анвархон (1932-98), Минавархон (1943) исмли фарзандлар бўлиб, Салоҳиддиннинг Шухратхон (1959), Шавкатхон, Соҳибахон (1955), Шоирахон (1958), Шоҳистахон ва Машҳурахон исмли фарзандлари бор. Одилхонни Иброҳимхон (1958), Мирсиддик, Юсуфхон, Юнусхон, Дилоромхон, Дилафрузхон, Одинахон исмли фарзандлари бор. Анвархонни Саидахмад (Абдусаломхожи), Зулфия, Қория, Манзура, Робия исмли фарзандлар кўрган. Абдусаломни беш қиз ва бир ўғил Гулбахор, Гуллола, Ўғлой, Одинахон, Солияхон, Ҳожиакбар.

Саидкамолхонни Комилахон (1954), Мирсаиджамол 1957 йилда таваллуд топганлар, мазкур китобни ёзиб тугатиш якунига етмай 2012 йилда вафот этганлар. Мирзиёиддин (1960), Шаҳобиддин (1965), Зайлобиддин (1968), Мухаррамхон (1962), Маҳфиратхон (1963), Мухтарамхон (1972) исмли фарзандлари бор. Мирсаиджамолхон Жаҳонгир, Жавоҳир, Аброршер, Машхур исмли тўрт ўғил ва Мафтуна исмли қиз фарзанд кўрган. Шаҳобиддиннинг икки ўғил ва уч қизи бор Нуриддин, Комолиддин, (Мадинахон), Нафисахон, Нозимахон фарзандлари бор.

² Халфаи Сафо эшоннинг ягона ўғиллари Мирсайид Бурхон бўлиб, ул зотнинг тўрт нафар ўғил фарзандлари бўлган. Улар Насимхон тўра, Акрамхон тўра, Тожихон тўра ва Ҳасанхон туралардир. Насимхон тўранинг Абдуллахон тўра исмли, Акрамхон тўранинг Сайфуллохон тўра исмли ва Тожихон тўранинг Маҳмудхон тўра (1909-1981) исмли ўғиллари ва Ойшахон исмли қиз фарзанди бўлгани ҳақида маълумот бор. Улардан Маҳмудхон тўрамнинг Мирҳафиз (1943 й.т.), Мақсудахон (1946 й.т.), Маҳбубахон (1949 й.т.), Мунаввархон (1959 й.т.), Муяссархон (1962 й.т.), Муҳаммадаммин (1965 й.т.), Муҳаммадалихон 1968 й.т. ва Муқаддамхон исмли ўғил-қизлари бор. Халфаи Сафо эшоннинг барча авлодлари Қўқон шаҳри яқинида яшаб келишади ва ўша ерда уларнинг алоҳида мазорлари бор. Улар яшаб келаётган жойлар бир вақтлар Сармозор эшон бувага Қўқон хонлиги томонидан тортиқ қилинган. Эшон

бува учун бу ерда боғ-роғ яратилган. Кейинчалик бу ерлар ул зотнинг набиралари Халфай Сафога теккан. Халфай Сафо эшон Сармозор эшон буванинг бошқа набиралари каби илмга чанқок, сўзамол, нафаслари кучли қори бўлганлар.

¹ Мадали махсум 5 ўғилни тарбиялаганлар. Улар Саййид Аҳрор хожи, Саййид Муҳаммад Авлиё (Мамажон авлиё), Мирфайзхолик, Мирсаййид Абдурахмон ва Домлабува (Бобо)лар. Мадали Махсумнинг хақиқий кучли илм соҳиби, авлиё инсон бўлиб етишган ўғиллари Саййид Аҳрор хожи ва Саййид Муҳаммад Авлиёларнинг фарзандлари бўлмаган. Мирфайзхоликнинг эса, Адолатхон, Халимахон (1895-1983) исмли қизлари ва Мирсаййид Умар исмли ўғиллари бўлган. Ул зот узоқ йиллар Сармозор бува мазорлари ҳудудини тозалиги, ободончилигини назорат қилиб, шу ерда хизмат қилдилар. Мирсаййид Умарнинг Мирсаййид Маҳаммад, Мирсаййид Эркин, Тўлқинжон (Маҳмуджон) (1952 й.т.) исмли ўғиллари ва Муниҳон (1938-95), Пўлатхон (1954 й.т.) исмли қизлари бўлган.

Мирсаййид Маҳаммад Алижон, Валижон, Ғанижон, Набижон, Ҳамдамжон, Аҳмаджон, Раҳматжон, Аҳаджон ва Ойдинхон, Маъмурахон исмли фарзандлар кўрган. Эркинжон Анваржон исмли ўғил кўрган. Эркинжон Анвар ва Ҳаётхон исмли фарзандлар кўрган. Тўлқин(Маҳмуд)жоннинг Маъмур ва Шоҳистахон, Шоирахон, Халимахон исмли фарзандлар кўрган.

Мирсаййид Абдурахмоннинг Мирубайдулло ва Мирфайзулло(1911-86) исмли ўғиллари ва Турғуннисо (1908-1982) исмли қизлари бўлган. Мирубайдулло Абдор эшоннинг қизлари Саодатхонга уйланган ва уларнинг Шарофатхон (1932-58), Зебохон 1935 й.т. исмли қизлари ҳамда Саййидмухтор, Ҳабибулло (1937 й.т.), Набибулло (1940 й.т.) исмли ўғиллари бор. Саййидмухторда оила бўлмаган. Ҳабибулло тўрт ўғил ва уч қиз фарзанд кўрган. Набибуллода Ҳамидулло, Зикрилло, Шукурулло, Нурилло, Хайрулло ва Марҳабохон исмли ўғил-қизлар бор.

Мирубайдулло Саодатхондан ташқари Шарофатхон исмли аёлга ҳам уйланиб, умрининг сўнгги давларини шу аёл билан ўтказганлар. Лекин бу аёл билан фарзандлари бўлмаган. Мирсаййид Абдурахмоннинг кичик ўғли Мирфайзуллонинг Мирсалим 1950 й.т., Миршоир 1956 й.т., Мирсаййид 1959 й.т. ва Миркомил 1965 й.т. исмли ўғиллари ҳамда Манзурахон, Маҳфузахон исмли қизлари бор. Мирфайзулло узоқ йиллар темир йўлда ишладилар, уруш йиллари урушга бориб жанг қилдилар ва яраланиб келдилар, лекин шундай бўлсада, олти фарзандни тарбиялаб вояга етказдилар. Домлабуванинг Саййидакрам ва Саййид Абдулло исмли ўғиллари бўлган. Саййид Абдуллонинг Аъзамхон, Набиҳон, Мухторхон, Муқимжон, Зокиржон исмли ўғил фарзандлар ва Ўқтамхон исмли қиз фарзанд кўрган.

² Мирсаййид Сафоаҳмаднинг Саййидакрам эшон, Саййидаҳам, Абдулҳаким ва Мирфайзкарим исмли ўғиллари бўлган. Саййидакрам эшоннинг Саломатбону (1889-1973), Ҳидоятбону (1904-1976), Обидабону, Зоҳидабону, Ойшабону исмли қизлари ҳамда Мирсаййиджамол, Мирсаййидобид (1890-1964), Муҳаммадрасул (1893-1967) ва Маҳаммадсодиқ (1901-1974) исмли ўғиллари бўлган. Мирсаййиджамолнинг фарзандлари бўлмаган. Мирсаййид Обиднинг Саодатхон (1938 й.т.), Марҳабатхон 1950 й.т., Салимахон 1951 й.т. исмли қизлари ва Муҳаммадамин 1956 й.т., Саййидмурод 1958 й.т. ҳамда Саййидаҳмад исмли ўғиллари бор. Муҳаммадрасулнинг Мирсаййидваҳоб (1922-98), Абдубанноб (1928 й.т.), Малоҳатхон (1933 й.т.) ва Маҳфузахон (1937 й.т.) исмли фарзандлари бўлган. Мирсаййидваҳобнинг Ҳасан-Ҳусан (1968 й.т.), Акрамхон исмли ўғиллари ва Иқболхон, Осиёхон, Шаҳноза ҳамда Шоҳида исмли қизлари бор. Сингиллари Малоҳатхон Маъруф қорининг ўғли Салоҳиддинга турмушга чиққан ва олти фарзанд кўришган. Саййидакрам эшоннинг кенжа ўғиллари Мамасодиқ ҳам олти нафар фарзанд кўришган. Улар Раҳимахон (1936 й.т.), Ўлмасхон (1946 й.т.), Кўшаквой (1948 й.т.), Солижон (1951й.т.), Собиржон (Шамсиддин) (1954 й.т.) ва Раънохонлардир. Барча ўғиллари Сармозор қишлоғида ўз оилалари билан яшаб

Бироқ бу исмлар ичида яна аниқлик киритилиши лозим бўлган номлар ҳам мавжуд. Масалан, Мирсайид Сафоаҳмадни Эшон Калтатойи номи билан ҳам машҳур бўлганликларини таъкидлайдилар. Бироқ Эшон Калтатойининг исми Зокирхўжа бўлганлиги тўғрисида ҳам айрим манбаларда маълумотлар учрайди. Қолаверса, Мирнажмиддининг Сафо исмли ўғли Қўқон хонлиги тарихига доир ёзма манбаларда қайд этилган Сафохонтўранинг айнан ўзими ёки фақат уларда исмларнинг бир хиллиги туфайли улар тўғрисидаги маълумотлар чалкаштириб юборилганми бу бизга қоронғу. Шу сабабдан маълумотларни келтириш чоғида айрим хатоликларга йўл қўйган бўлишимиз ҳам мумкин. Бунинг учун аввалдан узр сўраймиз. Чунки эътиборингизга ҳавола этилаётган маълумотларнинг айримлари ахборотчиларнинг оғзаки сўзлари асосида тайёрланганлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз ва қуйида Сафохон тўра ва Калтатойи хусусидаги ёзма манбаларда қайд этилган маълумотларни келтириб ўтмоқчимиз.

Сафохон тўра

Қўқон хонлиги тарихига доир “Таснифи Ғариб”, “Тарихи Муҳйи Хўқандий”, “Тухфат ат-таворих-и хони”, “Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин”

келишади, қизлар турмуш куриб кетишган. Саййидаҳам қорининг Солияхон (1900-1989) ва Нишонхон (1913-1988) исмли қизлари бўлган. Катта қизлари Солияхон Аброр эшоннинг иккинчи ўғли бўлмиш Маъруф қорига турмушга чиққанлар ва тўрт ўғил кўриб, вояга етказишган. Нишонхон эса, фарзанд кўрмай ўтдилар. Мирфайзкаримда ҳам биргина фарзанд Роқияхон 1921 й.т. исмли қиз бўлган. Роқияхон Сармозор қишлоғида яшаб, шу маҳалла ишларида, аёллар ўртасида фаол ташкилотчи бўлиб, тўй-ҳашамларда аёлларга бош бўлиб хизмат қилдилар.

Абдулҳаким қорининг Фуломиддин исмли ўғлилари бўлиб, ул зотнинг Иномжон (1937 й.т.) Саййидусмон (1939-1969), Қундузхон (1943 й.т.) ва Матлубахон (1946 й.т.) исмли фарзандлари бор. Саййидусмон фарзандсиз ўтган. Иномжон Мамасиддик, Абдулаҳад, Абдулатиф, Шавкатжон, Иброҳимжон исмли ўғил фарзандлар ҳамда Мавжудахон, Муқимахон исмли қиз фарзандлар кўрган.

сингари ёзма манбаларда Сафохон билан боғлиқ маълумотлар баён этилган. Қуйида тарих фанлари доктори Икромиддин Остонақуловнинг ўша манбалар асосида тайёрланган “Сафохон тўра” мақоласидан айрим парчаларни келтириб ўтамиз:

“1907 йили Тошкентда В.М.Ильин матбасида чоп этилган Салоҳиддин Соқибийнинг “Маъмулоти Соқибий” рисоласида шундай сатрларни ўқиймиз: “Ҳар вилоятнинг аҳли ўз қутби билан иши бўлмаса, хотирламаса ул вилоятга Худои таолонинг итоби бор ва лекин махфий. Ҳар вилоятдаки, Худои таолонинг дўстларига (валий –дўст демакдир) озор берибдурлар, ўша вилоятга Худои таолонинг газаби бордур. Мажидуддин Бағдодийни Хоразмийлар ўлдирдилар, Хулоку келиб қатли ом қилди. Халифа Сафони қипчоқлар тоифаси ўлдирди – ўзларини қони ариқ бўлиб оқди”.

Мажидуддин Бағдодий Шайх Нажмиддин Кубронинг муриди бўлиб, тафсир ёзган аллома, соҳибфазл, валиллоҳ зот эдилар. Хоразмшоҳ бу юсуфталъат инсонни онасига раиқ қилиб, ноҳақ ўлдириб юборган эди. Бу воқеа тарих китобларида кўп ёзилган. Аммо Сафо ким бўлди? У қайси даврда яшаган.

Тарихий маълумотларга кўра, Сафо XIX асрда Қўқонда яшаб ўтган тўразодалардан бўлиб, унинг исми Саид Муҳаммад бўлган. Халқ орасида “халифа Сафо”, ёки “Сафохонтўра” лақаблари билан танилган тариқат муриши эди. У киши Хусайн мактабига мансуб бўлиб, Муҳаммад Алихон даврида катта обрўга эга эшон, пири калон сифатида шуҳрат қозонган. Водийнинг Наманган, Андижон вилоятлари шаҳар ва қишлоқларида унинг муридлари бисёр бўлган. Қўқонда Сафохонтўранинг катта масжиди ва ҳаммоми бўлиб, ҳаммом суви бир дона шам ёқиб истилган деган ривоятлар бор (Ҳаммом

ҳозир ҳам сақланиб турган турган бўлса-да, фойдаланишига яроқсиздир).

Тариқат пешвоси дунё фитнасининг беғуноҳ қурбони бўлган. Бунинг қисқа тарихи қуйидагича:

1842 йили Қўқон хони Муҳаммад Алихон Бухоро амири Насруллахон томонидан қатл этилади. Насрулло томонидан қўйиб кетилган ҳоким тезда Қўқонни тарк этади, аммо тоғжу-тахт учун кураш кучайиб кетади. Мингбошилар ўртасида ўз одамини хон қилиб кўтариш учун пинҳон, ошкора жанг бўлади. Жумладан, Мусулмонқул мингбоши Шералихонни хон қилиб кўтаради. Орадан кўп ўтмай, Муродхон хон бўлиб Шералихон ўлдирилади.

У Муҳаммадиёр додхоҳ сингари қипчоқ катталари томонидан қўйилган хон эди. Мусулмонқул мингбошилик лавозимида тургани учун Муродхон мустақил иш юритиш имкониятидан маҳрум эди. Муҳаммадиёр додхоҳ Муродхонга инон-ихтиёрни олиб бериш учун Мусулмонқулни мингбошиликдан бўшатиб, Чустдаги қўшинга саркарда қилиб юборади. Ўзи мингбоши бўлади. Муродхон бир неча вақт ҳукуматни бошқаради. Ўратена ҳокими Оллошукурбек Қўқонга бўйсунмаслик тўғрисида муҳолифат изҳор этгани учун қўшин тортиб Ўратенага юриш қилади. Абдулғаффорбек деган ўз одамини янги ҳоким қилиб, ўзи ортга қайтади. Мусулмонқул фитна қўзғаб, Чустдан Қўқонга қўшин тортиб келади. Давлат аркони уни Андижонга ҳоким қилиб юбориб, вазиятни юмшатишига муваффақ бўлади. У Андижонга жўнаб кетгач, аркони давлат хотиржам бўлиб, ўрда ичида қимизхўрлик қилиб роса дам олишади. Сухбатлари тамом бўлиб, ҳамма уй-уйига тарқалади.

Муҳаммадиёр ўз ҳовлисига қайтаётиб, пири Сафохонтўранинг уйига бемаҳалда кириб ўтади. Кеч

бўлишига қарамай, дастурхон ёзилиб, турли ноз-неъматлар тортилади.

Сафо мингбошига бир неча панд-насиҳатлар қилиб, бироз қаттиқ гапларни ҳам айтади. Сўнг муносиб кийим-кечак ҳадея қилиб, кузатиб қўядилар. Мингбоши уйига келиб, тоби қочиб, қайд қилади. Бир мулозим шаҳарнинг энг машҳур табиби бўлган Мавлавий Жабалийни¹ олиб келади. Табиб “Заҳар берилган” деб таъхис қўйиб, даволашга киришади. Бу аснода мингбоши дарғазаб бўлиб, бир неча қипчоқларни чақириб, жаллодларни шайлаб, Сафони ўлдиришга ҳукм қилади. “Қўқонда эмас, Ўш тоғига олиб бориб, ўлдиришлар” деб кўрсатма беради. Қипчоқ жаллодлари Сафони аравага солиб, кеча-кундуз йўл босиб, Ўшга етиб, сўнгра тоғ орасида қатл этадилар. Халифанинг бир неча муридлари жасадини топиб, Ҳазрати Осаф ибн Барҳиё қабристонига дафн этадилар (баъзи ривоятга кўра унинг боши Қўқонга – мингбоши ҳузурига олиб келинган). “Ансоб ус-салотин ва таворих ул хавоқин” китобининг муаллифи Мирзоолим Мушрифнинг келтиришича, Сафонинг ўлдирилиши, машҳур қипчоқ қирғинининг бошланишига сабаб бўлади².

Ҳазрати эшоннинг қипчоқлардан ҳам мурид ва мухлислари кўп эди. Бу фожиадан хафа бўлишиб, Мусулмонқулга махфий хат юборадилар. Хатда қипчоқ катталари “бизларни ҳам душман тутиб, касофати бизларга ҳам тегади, тезда етиб келинг, мингбошини жазоланг” деб ёзилган эди.

Қаҳр отига минган Мусулмонқул Қўқонга етиб келиб, хон билан суҳбатлашади. Шу аснода

¹ Қўқон хонлари Маллахон ва Худорёхон саройида хизмат қилган Мирзоолим Мушрифнинг “Ансоб ус-салотин ва таворих ул хавоқин” (“Султонлар насаблари ва хоқонлар тарихи”) номли асарида келтирилган маълумотларга кўра, қоратегинлик машҳур эшон Мавлавий Жабалийнинг асл исми Хожа Абдуллатиф бўлган.

² Мирза Олим Мушрифга кўра, Сафонинг ўлими 1848 йилда содир бўлган.

Муҳаммадиёр додхоҳ ўз яқинлари билан ўрдага бостириб киради. Муслмонқул ёмон ниятда келмаганлигинини айтиб, узр сўраб тавалло қилади. Улар газабдан тушиб, суҳбатлашиб туришади. Шу пайтда Муслмонқулнинг махсус тайёрланган галаботирлари ҳужум қилиб, барини ушлаб, бир хилватга олиб бориб, ўлдириб ташлайди.

Муслмонқулнинг бу иши қипчоқлар ўртасида яна адоватни кучайтириб юборди. Охири қипчоқлар қирғини содир бўлиб, Муслмонқул ҳам қатл этилади”¹.

Бу ҳақда Қўқонлик маърифатпарвар, олим Ашурали Зоҳирӣ (1885-1938) ўзининг “Худоёрхон” мақоласида қуйидагиларни келтириб ўтади:

“Воқеан Шералихон тахтга ўлтурсон кундан бошлаб ҳижрийнинг 1273 йилларигача яқин 15 йил орасида Фарғона ҳукумати тамом қипчоқлар қўлида бўлуб келган. Ҳар шаҳарнинг волий ва ҳокимлари қипчоқдан бўлгон. Чунончи, Нормуҳаммад додхоҳ, Жумабой додхоҳ, Мирзот додхоҳ, Ҳолмуҳаммад додхоҳ, Ўтанбой парвоначи ва шунга ўхшаш кишилар Тошкент, Наманган, Андижон, Шаҳрихон ва Марғилон сингари ҳар бири бир неча юз қишлоқли шаҳарларни сўраб шундоқ жабр ва жафо кўрсатган эдиларким, озгина баҳона билан қанча кишиларни қўйдек сўйуб юборар эдилар. Ўша даврни “Қипчоқ замони” дер эдилар”².

Таъкид жоизки, Худоёрхоннинг қипчоқларга қарши курашига бағишлаб ўз даврида қатор “Жангномаи Худоёрхон”, “Зафарномаи Худоёрхон” сингари асарлар ҳам битилган. Масалан, Шавқий тахаллуси билан ижод қилган Мулла Шавқий (XIX аср) ўзининг “Жангномаи

¹ Остонақулов И. Авлиёлар султони. Туронлик валийлар. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2004. 210-211-б.

² Ашурали Зоҳирӣ. Худоёрхон // Адабиёт парчалари. – Т.: “Ўзбекистон давлат нашриёти”, 1926. 180-182 б. Ғафур Ғулом номидаги Қўқон адабиёт музейи. КП № 1256. РУ – 103.

Худоёрхон” асарида қипчоқларнинг зулми хусусида таърифлар келтиради. Унинг асаридан баъзи бир намуналари таниқли олим Рашид Набиевнинг (1912-1985) “Қўқон хонлиги тарихидан” асарида келтириб ўтилган. Қуйида ана шу асардаги айрим мисраларни ўқувчилар эътиборига ҳавола қиламиз:

*Оқсоқол маҳалла, хоҳ арбоб,
Ушлаб ўлдирдилар қилиб хароб.*

*Бўлдилар аждарҳои одамиранг,
Солдилар хон ҳукуматиға чанг.*

*Масжид мадраса, мазор ўлса,
Гар булар вақф барқарор ўлса.*

*Тавлиятликларин¹ олиб ул ҳол,
Вақфини қилур эдилар лол.*

*Кимни боғида бош кўтарса терак,
Дер эди кес, йиқит бу бизга керак.*

*Элга минг жафони эттилар,
Сувни деҳқон элиға соттилар.*

*Халқ саҳрода қилса гашиқор,
Анга ҳам еткурур эди озор².*

Ушбу мисралардан маълум бўладики, қипчоқ амалдорларининг хонлик ҳудудида бедодликлари борган сари ортиб борган. Бу эса ўз навбатида охир-оқибат Худоёрхоннинг қипчоқларга нисбатан чоралар кўришга

¹ Тавлият – вақф ерларни бошқариш, мутаваллилик.

² Набиев Р. Из истории Кокандского ханства...С. 285.

мажбур этган. Натижада 1852 йили Қўқон хонлигида қипчоқларга қарши кураш бошланган. Жумладан, Марғилон ва унинг атрофларида қипчоқлар билан боғлиқ юз берган бу мудҳиш воқеалар тўғрисида Ашурали Зоҳирий қуйидагиларни баён этади:

“Қипчоқ урди-сурдисига аралашиб юрган бир киши кўрганларини мана мундоқ ҳикоя қилади:

Биз Марғилонда эдик. Пешин вақт. Масжиднинг саҳнида бир неча киши салқинлаб ўлтуруиб эдик. Масжиднинг суфийси кўчада баланд овоз билан: “Ҳой мусулмонлар! Қипчоқларни қира беринглар, ўлдира беринглар!”, деб қайта-қайта қичқуриб келар эди.

Ҳаммамиз югуриб чиқиб:

– Эй, сизга нима бўлди сўфи? Девона бўлдингизми? Бу гапларингизни одамлар эшитиб, ҳокимга етказсалар нима қиласиз? дедик.

Сўфи бизга қараб:

– Эй, сизнинг ўзингизга нима бўлди? – Шу чоққача ҳеч гапдан хабарингиз йўқми? деди.

Сўнгга биз:

– Ҳа, нима гап? Қани айтиб берингчи! – деганимизда у битта-битта гапирмакка бошлади.

– Қўқонда катта ҳодисалар рўй берибдир. Қипчоқларни қириш ва ўлдириш бошланибдур. Шаҳардаги қипчоқларнинг ҳаммасини шаҳардан ҳайдабдурлар. Фалон оқсоқолга хондан чопар билан хат келди. Фуқаро фармончини ўлдиргани олиб кетдилар!

Ҳаммамиз югуриб бордик. Ҳокимни кўрдик. Ноибни ва ёрдамчиларини ушлаб олибдирлар. Бирини кўзин ўйиб олиб, бирини ҳодага ўтқазиб, баъзиларини қўл-оёғини кесиб, баъзи бирларини бурнидан ип ўтқазиб олганлар. Шу ваҳшат билан бечораларни кўчама-кўча еталаб юриб: “Ҳой золим, фалончи нима ёмонлиқ қилиб эдиким, ўлдирдинг? Фалончи нима гуноҳ қилиб эдиким, терисини

сидирдинг? Болаларини етим қолдирдинг? – деган сўзлар билан аччиғ-аччиғ таъна қилдилар. Ана шу хил таъналар ва минг турли газаблар билан охирда ҳаммасини ўлдиртириб юбордилар”¹.

Бу воқеалар тафсилоти нафақат ўша давр муаррихларининг ёзма асарларида балки севимли адибимиз Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”, қирғиз ёзувчиси Тўлаган Қосимбековнинг “Синган қилич”, Алишер Ибодиновнинг “Сўнгги Темурий” романларида ҳам турли муносабатларда акс эттирилган. Аммо уларда устоз Икромиддин Остонақулов тўғри таъкидлаб ўтганидек, Сафохонтўра тақдири бош мавзу қилиб олинмаган, албатта².

Сафохонтўра ўлимининг сабаби ва қипчоқ қирғини ҳақидаги маълумотларга хотима ясар эканмиз, Сафохонтўра авлодлари ҳақида мухтасар маълумотлар билан “Халифа Сафохонтўра” мақоласи орқали танишиб ўтсак:

“Сафохонтўранинг ҳовлиси Қўқон шаҳрининг Ёғбозор маҳалласида ҳозир ҳам бор, авлодлари истиқомат қилади. Ўттизинчи йилларида бу ҳовли ҳукумат томонидан мусодара қилиниб, турли ташкилотларга қўналга бўлиб хизмат қилди.

Мустақиллик шарофати билан, хусусийлаштириш бошлангач, халифа Сафо ҳовлиси унинг фарзандларига қайтариб берилди. Халифа Сафонинг ўғли Абдулазизхонтўра Чор Россияси Ўрта Осиёни бошлаб олган даврида яшаган. Унинг ўғли Саид Аҳмадхон тўра 1934 йили уй-жойи мусодара қилингач, Поп, Мингбулоқ атрофларида яшаб, 1939 йили Данғара туманидаги Оқтепа қишлоғида вафот этган. Унинг ўғли Саъд Ваққосхон (Яҳёев, 1946 йилда туғилган) узоқ йиллар

¹ Ашурали Зоҳирий. Худоёрхон...180-б.

² Остонақулов И. Авлиёлар султони. Туронлик валийлар...211-б.

Дангара тумани ички ишлар бўлимида ишлаб, истеъфога чиққан. Айни кунларда у Қўқонда юқорида қайд этилган Халифа Сафо ҳовлисида истиқомат қилади. Ҳозир Қўқон шаҳридаги собиқ Марат кўчаси Сафохонтўра номи билан аталади. Саъд Ваққосхонтўранинг ҳикоя қилишича, падари бузруквори Яҳёхон тўра Қўқон шаҳридаги Тахтаҳовуз маҳалласида яшаб ўтган Улуғхонтўранинг ўгли Мўйдинхонтўранинг қизига уйланган.

Мўйдинхонтўранинг бошқа қизи эса Бувайда туманидаги туманидаги Оққўрғон қишлоғида яшаган Саид Абдуллахонтўрага турмушга чиққан. Орадан йиллар ўтиб опа-сингил қуда бўлиб, Саид Абдуллахонтўранинг катта ўгли Саид Валихон Саид Яҳёхонтўранинг қизига уйланган”¹. Абдуллахонтўранинг Валихон ва Рашидхон деган ўғиллари бўлган. Уларнинг фарзандлари Оққўрғон қишлоғида яхши ҳаёт кечириб келмоқдалар.

¹ Остонақулов И. Авлиёлар султони... 211-212-б.

Эшон Калтатойи

Учкўприк тумани Эшон қишлоғида Эшон Калтатойи авлодлари яшайди. Эшон Калтатойи тўғрисида унинг авлодлари шундай ҳикоя қиладилар. Уларга кўра, Эшон Калтатойининг исми Мирсаид Сафо Аҳмад. Чунки Калтатойи мақбарани тепасига бурунги вақтларда “Халифа Мустафо” деб ёзилган. Бироқ бу ёзувлар, кейинчалик, ярим аср олдин ўчиб кетган экан. Айнан ушбу номни Калтатойининг асли исми деган тахминлар ҳам айтилади. Бироқ, бу ҳақда қуйида тўхталиб ўтамиз. Ахборотчиларнинг сўзларига қараганда, зиёратгоҳ мажмуаси уч қисмдан иборат бўлган:

1. Зиёратхона; 2. Чиллахона; 3. Хилхона.

Айтишларича, зиёратхона тепасида муаззин учун минора ҳам бўлган. Зиёратгоҳ яқинида Калтатойи мадрасаси ва шу ном билан аталувчи масжид бўлган. Бироқ бу мажмуалар собиқ иттифоқ тузуми даврида вайрон этилган. Мадрасадан эса ном-нишон ҳам қолмаган.

Эшон Калтатойи қабрини зиёрат қилиш давомида зиёратхонани кўздан кечирдик. Зиёратхонага киргандан сўнг чап томондаги девордаги айрим ёзувлар билан танишдик. Уларда “Ҳомидхўжа истиқомат кардан”, “Саййид Аҳмадхўжа”, “Мулла Абдулғани қори Қуръон тиловат кардан” деган ёзувлар мавжуд. Зиёратхонага киришда ўнг томонда деворда “Сана 1294” деган ёзув мавжуд. Агар мазкур сана зиёратхонанинг қурилиш даври билан боғлиқ бўлса, демак мазкур бино 1877 йилда бино этилган.

Нақл қилишларича, Калтатой эшон 25 йил Бухорода таҳсил олгач, Намангандаги тариқат пирларининг бирини хизматида бўлади. Айни қишнинг чилла вақтида

хар куни устози таҳажжудга туришларидан олдин таҳорат сувларини бағриларга босиб иситиб қўйганликлари учун устозининг меҳри унга зиёда бўлиб, пирлик хирқасини кийишга мушарраф бўлган экан. Фурсат етиб у устозидан иршодни олгач, ўз қишлоғига қайтади. Бироқ бир муддат устоз берган вазифани адо этиш учун ғорда яшай бошлайди. Ўша атрофларда шикорда юрган Қўқон хони Умархон қамишлар орасида хўрознинг қичқирганини эшитадилар. Хон ўша хўроз овози келган томонга юрсаки, ғорга дуч келади. Хўрознинг ғорга кириб кетганлигини кўриб, ғорда дўсти Худолардан бири борлигини англайди. Хон мулозимларидан бири такаллуф билан: “Ичкаридаги муҳтарам зот ташқарига чиқсангиз”, дея бир неча бор овоз бергач, ичкаридан “Чиқа олмайман оёғим оғрийди”, деб жавоб беради. Шундан сўнг хон мулозимлари уни гиламга солиб, Қўқонга олиб келади”.

Эшоннинг бир оёғи калта бўлганлиги учун “Калта оёқли” деб ном олган, кейинчалик Калтатой деб аталган деган тахминлар ҳам мавжуд. Яна бир ривоятга кўра, унинг тойчоғи бўлганлиги боис Калтатой номини олганлиги нақл қилинади. Айтишларича, Эшоннинг тойчоғи назр-ниёзни йиғиб келганлиги учун шу ном билан аталган экан.

Хуллас, бир куни Қўқон хони эшонларни синамоқчи бўлибди. Бошқа эшонларни отлари бедапояда ўтлашса, Калтатой эшоннинг оти қиблага қараб тураверар, яъни хожасини рухсатсиз ўтламас экан. Шу сабабдан Калтойи Эшон хонга тойчоғи номидан қуйидаги мисраларни ёзиб юборган эмиш:

*Умримда емадим кўк бедони,
Хожамдан берухсат емадим сомонни.
Хожамдан берухсат чиқмадим кўчога,
Аслим билсанг Калтатой қарчигайингман.*

Хон бу тўртликни ўқиб, ундаги мисралардаги сўзларда ўзгача ҳикмат борлигини англайди. Яъни, Эшон Калтойининг нақадар тақводор бўлганлиги, ул зот умри давомида бирон бир шубҳали таом тановул қилмаганлиги ва ножойиз ерларда бўлмаганлигини тушуниб, унга катта миқдорда олтин ҳадя этади. Ўша маблағни бир тангасини ҳам ўзига олмай Калтатой эшон қишлоғига мадраса, масжид қурдирган экан. Кейинчалик Эшон Калтатойни шогирди Гулханий ҳам умри поёнига етган дамда, ўзини устозининг пойига дафн этишларини васият қилади.

Калтатой эшоннинг олти ўғил фарзанди бўлганлиги нақл қилинади. Калтатойи эшон авлодларидан бири бўлган Насимхон собиқ иттифоқ даврида қулоқ қилинган. Айтишларича, Калтатойи Эшоннинг яна бир авлоди бўлган Акрамхон Бўтақорада мударрислик қилган. Акрамхон ўтган асрнинг 30-йилларида рўй берган катағонлик сиёсати даврида Афғонистонга кетишга мажбур бўлган экан¹.

Биз ушбу оғзаки маълумотларни ёзиб олиш давомида Эшон Калтатойига доир архив ҳужжатларига эътиборимизни қаратдик. Зеро, бирор тарихий шахс ҳаёти ва фаолиятини, адабий – илмий меросини ўрганишда, айрим кишилардан тўпланган ёзма, оғзаки маълумотлар ҳам муҳим рол ўйнайди.

Бу ҳақда адиб Ҳабибулла Қодирий “Ҳаёт ва адабиёт ҳақиқати” номли мақоласида қуйидагиларни келтиради:

“...бу икки манба ҳам шу шахс ҳақидаги маълумотларни тўлдиради, кенгайтиради, қизиқувчиларга, хусусан илмий ходимларга катта ёрдам беради. Иккинчи жиҳатдан, умуман машҳур кишилар

¹ Дала тадқиқотлари. 2014 йил. Фарғона вилояти Учкўприк тумани Эшон қишлоғида яшовчи Мирҳафиз Маҳмудовдан (1942 йилда туғилган) ёзиб олинди.

ҳақида кўрган — билганларни ҳикоя қилиш ҳам, тинглаш ҳам қизиқ, мароқли...

Бироқ, бу икки тур (ёзма ва оғзаки) маълумотларни тўплаганда, масъулиятли шартлар: маълумот ҳаққоний, эътироздан холи, мантиқан асосланган бўлмоғи керак. Акс ҳолда, қилинган хизмат қош қўйиш ўрнига кўз чиқариш қабилда бўлиб, ўрганилувчи шахс тўғрисидаги тасаввурни чалкаштириб, қоронгилаштириб қўяди”¹.

Биз ҳам Калтатойи тўғрисида маълумотларни архив хужжатлари ҳамда ёзма ва оғзаки маълумотларни қиёслаган ҳолда ўрганишга киришар эканмиз, тўпланган материалларга имкон қадар, таҳлилий ва танқидий аснода, холисона ёндашишга ҳаракат қилдик.

Маълум бўлишича, Қўқон хонлиги даврида Калтатойи қишлоғида шу ном билан аталувчи мадраса ҳам бўлган. Мазкур иноятномаларга кўра, Бўтақорадаги вақф ерлари Калтатой қишлоғидаги Эшон Калтатой мадрасасига тегишли бўлган. Р.Набиевга кўра, ушбу Эшон Калтатой мадрасасига иккита вақфнома ва икки иноятнома ҳамда икки ёрлик берилган. Вақфномаларда кўрсатилган ер мулклари Андижон уездининг Ёрбоши волостининг Бўтақора қишлоғида, Қўқон уездининг Биби Убайда, Қипчоқ волостларида жойлашган. Чор маъмурларининг ҳисоб-китобларидан маълум бўладики, юқоридаги Эшон Калтатойи мадрасаси билан боғлиқ вақф ерларининг умумий майдони 1868 десятина(1951 гектар)ни ташкил этган².

Шу ўринда қўқонлик маърифатпарвар муаллим, адабиётшунос ва ўлкашунос олим Пўлотжон Домулла Қайюмовнинг (1885-1964) фикрларига ҳам

¹ Ҳабибулла Қодирий. Ҳаёт ва адабиёт ҳақиқати // Адабиёт – бадиият адабиёт. Хотиралар, бадиалар, мақолалар / Нашрга тайёрловчи: Хондамир Қодирий. – Т.: «Янги аср авлоди», 2004. 109-б.

² Набиев Р... С.487.

эйтиборимизни қаратсак. Чунки, унинг келтирган маълумотларига таянадиган бўлсак, Эшон Калтатойи номининг келиб чиқишига Қўқон хони Амир Умархон билан кечган суҳбати сабаб бўлган:

“Калтатойи – Бу кишининг номи Зокирхўжа бўлуб, асли Андижонга тобеъ Избоскан номли жойдандур. Хўқанд шаҳарининг шарқида, шаҳардан беш километр жойда Эшон қишлоқ номли жойда истиқомат этиб турмиш ва нашъу намо этмишдур. Айтувларича, имом ва мударрислик ила машғул бўлуб кўрунишича, кичик гавдали, қоп-қора баданли, бужмак, кичик юзли кўрумсиз киши бўлганидан эл орасида “Чинқорча эшон” деб маъруф экан. Умархоннинг аркида (ҳозирги Фурқат номли шаҳар богининг ўрнида) бир маросим ижро этилиб, ҳар томондан фозиллар, адиб ва шоирлар тўпланиб, Маликуш шуоро Султон хўжа Эшон Адонинг тахти раёсатида адабий мажлис бўлуб, шоирлар ўз шеърятларини ўқуб, таҳсинга лойиқ бўлганлар мукофотланганлар. Мартабасига қараб либослар кийгизилган. Зиёфатдан сўнгра кечроқ қайтганлардан баъзилари қишлоқ кўчасидан ўтаркан, масжид эшигида ўлтурган шоир билан саломлашгач, ўзлари ифтихор мақомида мақтаниб воқеани баён ва берилган тўнни кўрсатганлар. Илм ва файзда булардан кам бўлмаган, фақат фақирлик, кўрумсизлик натижасида қаторда бўлмагани туфайли маъюслиқга дуч келиб, эртаси куни Хон номига тубандаги ашъори пур маънойи дилпазирини ёзиб, бир киши орқали юборган. Бу ашъори пур мазмунини ўқуб кўруб хурсанд бўлган (хон) чақиртириб, навозишлар этиб, хурсанд этган. Ва ҳар қачон шундай шеърлар мажлисда ҳозир этодургон бўлган. Хон унга “Айи Калта тойим” деб навозиш этадурган бўлган. Шунга биноан шул қишлоқнинг номи “Калта той” деб аталиб, тахаллус ҳам шул бўлган. Шул ном ҳануз давом

*этадур. Ёв жамоасига тобеъ Калта той қишлоқ.
Шунда шоирнинг мозори ҳам бордур. Асли Избоскан
номли ноҳиядандур.*

*Манам бир гўшаи ишқингда ёнган рўдапойингман,
Эшикдан урсангу қувсангда кетмас бир гадойингман.
Ёмонлардан ёмону бадномлардан баднамойингман
Аё, эй шўх бепарвойи ошуби жаҳон, дил санг.
Мунингдек сассиз ўлмоқ табакай кўзларга олма танг,
Агарчи ошиқнинг беҳад вале инсоф агар қилсанг
Баридин ҳам валекин хастаю хору адойингман,
Нетай бўлмай рақибу рўсияҳлардин паришон ҳол.
Куюб раиқ ўтига хокистар айлаб қилдилар помол,
Кўнгилда гап кўп айтурга кўрунганда бўлуб гунг-лол.
Лаванду ландаҳуру соддау ношуд анойингман,
Самони кўрмадим, умримда кўк беда егоним йўқ.
Ўзим ҳаддим билиб эгамга ем бергин дегоним йўқ,
Аёқимда агарчи тақа, бўйнимда жугоним йўқ.
Узуб нухтамни ҳаргиз ҳар томонга ирғигоним йўқ,
Демасман аргумоқу тўпжоқу бодпойингман.
Баҳар нолойиқи бир беқуюиқон калта тойингман,
Халойиқ билмайин чинқорча дер, чин қарчигойингман.^{1»}*

Мирсайид Мавлоно

Сармозор эшон буванинг набираларидан бири бўлмиш Мирсайид Мавлоно тахминан 1820 йилларда Марғилон шаҳрида таваллуд топганлар. Ул зот ёшликлариданок алоҳида эътиборга лойиқ бўлганлар. Чунки ҳамма ака-укаларига ҳам бир хилда билим берилиши ва бир хил талаб бўлишига қарамай, Мирсайид Мавлоно бошқалардан билимни тез эгаллаб

¹ Пулотжон Домулла Қайюмов. «Тазкираи Қайюмий». Биринчи китоб. Т., 1998. 144-145-б..

олиши, равон нутқ ва ўзларида бўлган сирли назарлари билан ажралиб турганликлари боис тез орада доврўғлари бутун водийга тарқалади.

Айтишларича, 1860 йилларга келиб, Қўқон хонлигининг Жалолобод, Ўш, Ўзган, Новкат, Хонобод ва Аравон ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳоли солиқларнинг ҳаддан зиёд ортиб кетганликларидан норози бўлиб, тез-тез бош кўтаршиб, бир неча бор хон тайинлаган ҳокиму-ўлпончиларни ўлдириб юборишади. Шунда хон водийнинг бу қисмидаги аҳолини қандай тинчлантириш мумкинлиги тўғрисида атрофидаги уламолариға маслаҳат солади. Бунга жавобан хоннинг лашкарбошиси Сармозор эшон бувага мурид бўлганлигини айтиш баробарида, бул зотнинг авлодларига меҳри баландлигини ва бул зотнинг кучли илм соҳиби, донишманд, сўзга чечан ва ўта камтарин набиралари борлигини ва хон розилик берса, шул зотни Ўшга юбориш зарурлигини маълум қилади.

Хон Мирсайид Мавлонони Қўқонга чақиртириб, Ўш тарафлардаги аҳолини тинчлантириш ва у ерда осойишталикни таъминлаш борасида ёрдам сўрайди. Шу тарзда Мирсайид Мавлоно Ўшга жўнайди. Бироқ хон томонидан ажратилган уйда эмас, балки Сулаймон тоғидаги ғорда яшай бошлайди. Шу сабабдан ул зотни аҳоли “Ғор эшон”, “Ғор дада” деб атаган эдилар. Маҳаллий аҳоли билан яхши муносабатда бўладилар. Тез-тез ҳар хил шаҳар ва қишлоқларда маърузалар олиб борадилар. Ҳазрат Мирсайид Мавлоно шу ерда уйланиб, икки нафар ўғилли бўлдилар. Каттаси ўғил Миртожиддин тахминан 1860 йилларда туғилганлар, кичик ўғиллари, Аброр эшон (тўлиқ номлари Сайид ал-Аброри Ғорий танаш Ўший падараш Марғиноний) тахминан 1865 йилларда ўша ерда туғилганлар.

Кейинчалик Миртожиддин Мирсаййид Мавлонога ажратилган Хонободдаги ерларда уй-жой қилиб қолганлар. Аброр эшон эса, асли ота жойлариға, оталаридан мерос қолган Сармозордаги ерларга қайтиб келганлар.

Ҳазрат Мирсаййид Мавлоно тахминан 1890 йилларда вафот этганлар ва ул зотга алоҳида мақбара бунёд этилган.

Миртожиддин эшон

Аброр эшоннинг акаси Миртожиддин эшон юқорида ёзиб ўтилганидек, бир умр Хонобод қишлоғида яшаб ўтганлар. Вояга етгач, уйланиб уч ўғиллик бўлганлар. Улар Абдуқаҳҳор, Бузрукхон ва Мирсаййид Сатторлардир¹. Абдуқаҳҳордан фарзандлар қолмаган. Бузрукхон эшон яхшигина илм соҳиби бўлганлар, ул зотдан икки ўғил Ҳамидхон ва Мирзоҳидлар қолишган бўлиб, уларнинг фарзандлари ҳақида тўлиқ маълумот йўқ. Баъзи маълумотларга қараганда, улар ҳозирда Андижон шаҳрида яшаб келмоқдалар.

¹ Мирсаййидсаттор ҳам амакиси Аброр эшон каби бобосининг юртига қайтади ва Сармозорда уйланиб, яшаб ўтади. Мирсаййидсатторнинг Максудхон (1929 й.т.), Мирсаййидсойиб (1935 й.т.) ва Саййидхон (1940 й.т.) исмли уч ўғли бўлган. Максудхон шу ерда яшад, уйланиб, тўрт ўғил - Сайдуллохон (1958 й.т.), Абдуллохон(Асадулло) (1960 й.т.), Сайдалихон (1965 й.т.), Хайруллохон (1974 й.т.), Дилфузахон (1968 й.т.) ва Ферузахон (1971 й.т.) исмли икки нафар ўғил ҳамда икки қиз фарзанд кўрган. Мирсаййидсойиб ҳам олти ўғил (Миртолиб 1961 й.т.), Ҳасанбой (1963 й.т.), Ҳусанбой (1963 й.т.), Ҳусанбой (1970 й.т.), Райимхон (1972 й.т.), Саййидолимхон (1974 й.т.) ва Гулчеҳрахон исмли бир қиз кўрдилар. Саййидхон 1940 йилда туғилган Унинг Ҳожиакбар, Усмонхон исмли ўғиллар ва Бибиҳожа, Дилафруз ва Одинахон исмли қизлари бор.

Саййид Аброр эшон

Саййид Аброр эшон Сармозор эшон бува мозорларининг атрофларини боғ-роғлар қилишда, қўшимча экин ерлар очишда кўплаб ишларни амалга оширган. Шу ерда уйланиб, уч ўғил ва икки қизли бўлдилар. Аброр эшон ободончилик ишлари билан бир вақтда ёшларга илм бериш, эл-юрт орасида маърузалар ўтказиб туриш билан банд бўлганлар. Илм бобида замонасининг тенги йўқ қорилардан бўлганлар, тез орада худди оталари каби ул зотни ҳам бутун водий таниди. Аброр эшоннинг турмуш ўртоқлари ҳаётдан эрта кўз юмиб, беш фарзанди эрта етим қолади. Бу вақтда бой Мадумар Амин никоҳида бўлиб, фарзанд кўрмаган асли бўстонлиқ Тошхон отин Долим қизи эрдан ажраб, қайтиб келган эди. Тошхон отиннинг опасингиллари ва яқин қариндошлари Сармозор буванинг чеваралари Аброр эшоннинг хотинлари оламдан ўтиб, беш нафар ёш болалари етим қолганини айтиб, шу етимларнинг бошини силаса, эшон дадага ҳалол хизматини қилса, Аллоҳ унга фарзанд бериши, бенасиб қўймаслигини айтишади ва шу йўл билан Тошхон отинни Аброр эшон никоҳига беришади.

Аброр эшоннинг уч ўғли Хўжамирвали, Маъруфхон, Жалолхон ва икки қизлари Саодатхон ва Солияхонларга ўгай она бўлиб келган Тошхон отин уларга ўз онасининг ўрнини босиш, болаларни ювиб-тараб, ҳақиқий онасидай бўлишга ҳаракат қилиб, Худонинг йўлида астойдил ҳалол хизмат қилади. Бир неча йилгача Аллоҳдан умидларини узмайди ва фарзанд сўраб, кеча-кундуз илтижо қилади. Қилган илтижолари, етимларга меҳрибончиликлари туфайли Тошхон отинга орадан кўп ўтмай Аллоҳ ўз инъомини беради, яъни бир қизли бўлдилар, исмини Салимахон қўйишади. Орадан

яна 2-3 йил ўтмай туриб, Аллоҳ яна неъматини аямайди ва бу сафар ўғил беради. Унинг исмини Саййидкамолхон қўйишади.

Мирсаид Маъруф қори

Мирсаййид Аброр эшоннинг ўғли Мирсаид Маъруф қори (ўғли Минаввар эшонни сўзларидан) 1894 йилда Сармозор қишлоғида таваллуд топганлар. Ёшлик чоғларида Сармозор қишлоғида яшаганлар ва ўша даврнинг олиму-уламоларидан бўлган Солижон хожидададан дастлабки илм сабоқларини олганлар. Кейинчалик устозлари Солижон хожидаданинг тавсиялари билан Маъруф қори илм олишни Марғилоннинг Хонақоҳида давом эттирганлар. Мирсаид Маъруф қори 12 ёшлик чоғларида, яъни 1906 йилда, оталари Аброр эшоннинг Сармозор масжидида имомлик пайтларида Қуръонни ёд олганлар ва оммага хатмига ўтганлар. Аброр эшон вафотларидан сўнг (1928 йили) Қўқон мадрасасини тамомлаб келган Мирсаид Сафо Аҳмад ўғли Мирфайз Карим эшон, сўнг 1929 йилдан Мирсаид Маъруф қори масжидда имомлик қилиб, шу билан умриларини охиригача 43 йил давомида имомликни давом эттирганлар. Мирсаид Маъруф қори ўз даврида жуда кўплаб шогирдлар тарбиялаганлар.

Муҳаммаджон (Мамажон) авлиё

Мир Абдурахимхожа Эшон – Сармозор хазратларининг авлодларидан бўлган Бузрук эшон яъни, Муҳаммаджон (Мамажон) авлиё ҳам шу ерга дафн этилган. Муҳаммаджон авлиё 90 ёшида 1938 йилда вафот этганлар. Маълумотларга кўра, ул зот Марғилондаги

тандир бозорида яшаганлар. Муҳаммаджон (Мамажон) авлиё ҳаётликларида тарки дунё қилиб уйланмаганлар.

Маълумотларга кўра, Муҳаммаджон авлиё ҳам Хонақоҳнинг доимий “аъзо”ларидан бири бўлган. У зотнинг бу ерга келиб-кетиб туриши ва Хонақойи Ҳазрат билан мулоқотларига доир турфа воқеалар ҳозиргача аҳоли орасида сақланиб қолган.

Айтишларича, авлиё бир куни Хонақоҳга келиб, Ҳазрат Домладан истиқомат учун жой беришларини сўрайди. Ҳазрат хужраларини кўрсатиб, уларнинг қайси бирини хоҳласалар туришлари мумкинлигини айтадилар. “Йў-ўк”, – дейдилар авлиё, “Менга ана бу таҳоратхона ёнидаги бўш жойни берсангиз бас”, – дейдилар ва Ҳазрат кўнмасалар ҳам ўша ерга жойлашадилар ва бир неча кун истиқомат қиладилар.

Авлиёнинг бу ердаги истиқомати ҳақида гапирган Ҳазрат Домла кейинчалик шундай деган эдилар: “Кечаси авлиёни бирор марта ҳам ухлаганини кўрмадим, қачон қарасам, ибодатда бўлар эди”.

Бир куни авлиё мадрасага йиртиқ лозим билан кириб келадилар. Буни кўриб Ҳазрат Домла тегишиб, “Сизни уйлаб қўйсак, нима дейсиз?”, – дейдилар. У киши “Мени уйқучи қилиб нима қиласиз, шу юришимнинг ўзи минг марта яхши”, – дея рад этадилар.

Айтишларича, авлиё бир куни Хожа Маоз зиёратгоҳи ёнидаги анҳорда таҳорат олиб турсалар, одамлар шаҳардаги бир бозорқўмни дўкондорларга зулм қилаётгани, неча марта огоҳлантирилса ҳам натижа бўлмаганидан шикоят қилишади. У зот шундайми, дейдилар-да, сув устида оқиб келаётган сомон чўпини олиб, иккига бўлиб ташлаб юборадилар ва бораверинглар, ишларинг битди, дейдилар. Келишса бозорқўм худди ўша пайтда жон берган экан.

Айтиш ўринлики, бу тоифа кишиларининг феъли-атвори ҳам сўз ва ҳаракатлари ҳам ўзларига хос бўлган. Уларда оддийлик, ортиқча тақаллуфлардан холилиқ бўлган. Улардан содир бўлган сўз ва фикрларнинг тез таъсир қилиш сабаби ҳам шунда.

Муҳаммаджон авлиё ёшлари тўқсонга борганларида, бетоб бўлиб қоладилар ва кенжа укалари сизни уйимга олиб кетаман деб, уни холи жонига қўймайди. Мамажон авлиё укасига “Сабр қилгин, бир йўла жума куни кетаман”, дея таклифига рози бўлмайди. Ҳарчанд уринмасин Мамажон авлиёни уйига олиб кетолмаган укаси жума куни олиб кетишга рози бўлиб, ортга қайтади. Ниҳоят жума куни келгач, Мамажон авлиёни Марғилон аҳли дод фарёд билан кўтаришиб, укасининг уйига эмас, балки, Сармозорга олиб борадилар. Буни қарангки, Мамажон авлиё пайшанба куни кечаси вафот этадилар ва жума куни Сармозор ҳазратлари мазорининг ёнларига дафн қилинади.

Муҳаммаджон (Мамажон) авлиё ҳаётлик чоғларида ҳозирги ўрис қабристоннинг ёнига ҳовуз қурдира бошлайди. Ҳовуз битар битмас Мамажон авлиё бу ерга келиб “Агар ҳовуз битса, бу ерда сариқ сочлилар чўмилади, агар битмаса сариқ сочлилар кўмилади”, дейдилар. Ўша вақтда унинг бу сўзларига тушунмаганлар, орадан йиллар ўтиб Мамажон авлиёнинг каромат қилганликларини англаб этадилар. Чунончи, ҳовуз ўрнидаги ерни кейинчалик ҳукумат руслар қабристонига айлантирган эди.¹

Муҳаммаджон ўз даврининг уламолари орасида илми ва тафаккури билан алоҳида ажралиб туриши сабабли “Пешқадам” деб ном олган Аҳмад эшоннинг яқинларидан бўлган. Ривоятлардан айтилишича, улар

¹ Дала тадқиқотлари. 2006 йил. Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, Сармозор маҳалласи.

иккилари баҳор ойида Қорасув дарёсидан ўтмоқчи бўладилар. Аммо сув кўп ва баланд келганлиги туфайли ёғочдан ясалган кўприкни оқизиб кетган экан. Дарёни нариги соҳилига кечиб ўтишга битта от бўлганлиги сабабли Муҳаммаджон авлиё Аҳмад Пешқадамга отни устига чиқиб олишларини, ўзлари эса отнинг думини ушлаб олишларини айтиб, отни эса оқимга нисбатан тўғри ёки кўндаланг қилмасдан балки қия қилиб ушлаган ҳолда ўтиб боришларини, акс ҳолда сув отни ҳам оёғидан тойдириб оқизиб кетишини тайинлайди. Ўзлари эса оёқларидаги махсиларини ечиб, бир-бирига туғиб, елкаларига ташлаб, иштонларини оёқлари тўпиғининг ёнидан бироз шимариб таклаб олади. Аҳмад Пешқадам дарёдан кечиб ўтгунга қадар кўп машаққат тортади ва отни устида бўлсаларда, елкаларигача устбошлари хўл бўлиб, саллаларини ўзи қуруқ қолган экан. Соҳилнинг нариги тарафига ўтганларидан кейин сув ваҳимасидан қутулиб ўзларига келиб “Ахир ортимда Муҳаммаджон авлиё бор эди-ку?!” деб ул зотни йўқлигини пайқаб, теварак атрофни ахтариб, ортлариға қарасалар, Бузрук эшон отнинг думини бармоқлари билан ушлаб турган экан. Буни кўриб, отнинг устидан тушиб кўрсаки, Муҳаммаджон авлиёнинг устлари қуруқ, фақат иштонларининг пастки тахлаб олган жойлари бироз нам бўлган экан. Буни кўрган Аҳмад Пешқадам Муҳаммаджон авлиёнинг оёқлариға йиқилиб, “Мен сизни авлиё даражасига етиб қолганингизни билмай қолган эканман”, дея ўз ҳурматларини билдирган эканлар.

Мухаммад Али (Мадали) махсум

Сармозор ҳазратнинг набиралари Мухаммад Али (Мадали) махсум ҳам ҳақиқий кучли илм соҳиби бўлиб етишганликлари ҳақида маълумотлар етиб келган. Қўқон хонлигига доир архив ҳужжатларида узоқ йиллар Сармозор жоме масжидида мутавалли бўлганликлари эътироф этилган. Ул зотнинг Мирсайид Умар исмли набиралари узоқ йиллар Сармозор ота мазорлари ҳудудини тозалиги, ободончилигига ўз ҳиссаларини қўшиб хизмат қилиб келганлар.

Мадали махсим эшоннинг яна бир авлоди Сайид Абдулло Сармозор қишлоғида бош бўлиб хизмат қилди ва ана шу вақтда Сармозорнинг ободончилиги, мазор, масжиднинг ободончилигига катта ҳисса қўшган.

Мирҳамид эшоннинг Мирсаид Охун ва Мирсаидмаксуд исмли ўғиллари бўлишган. Уларнинг авлодлари барчаси Марғилон шаҳрида, ота-боболардан мерос қолган жойларда яшаб келишмоқда.

Ушбу авлодлар тез-тез келиб, Сармозор отанинг мазорларини зиёрат қилиб турганлар. Айниқса, улардан Мирзунун қори ота серқатнов бўлиб, улуғ ҳазратга бўлган ҳурматларининг юқорилигини ҳис этиб, зиёратлардан маънавий озуқа олиб қайтганларини ҳар доим таъкидлар эдилар.

Собиқ шўролар даврида Сармозор азизлари авлодлари ва бошқа машҳур уламоларнинг фаолияти қанчалик оғир кечганлиги уларнинг замондошлари ва яқинлари томонидан кўп бор таъкидлаб ўтишган. Бундан ҳатто уларнинг яқинлари билан куда-анадачилик тутинган бошқа уламоларнинг ҳам турмуши нақадар

кечганлигини ҳукумат томонидан уюштириган тухмат-бўхтонлардан ҳам кўриш мумкин. Жумладан, Мирсайид Маъруф қори хонадони билан қуандачилик тутунган ёзёвонлик уламо Баҳодир қорига нисбатан ҳам уюштирилган эди. Масалан, “Коммуна” газетасининг 1963 йилнинг 22 сентябрь кунги сониди С.Узоқов имзоси остида “Қорининг кирдикорлари” номи билан мақола ҳам чоп этилган.

Биз мазкур мақоланинг сабабчиси, яъни Баҳодир қори дада тўғрисида аниқликлар киритиш учун унинг тўнғич набираси, таниқли шифокор Ҳабибулло Раҳматовга муурожаат қилганимизда, у “Марказий Фарғона” газетасининг 2009 йил 29 октябр сониди чоп этилган “Мустақиллик шукронаси” номли мақоласини бизга олиб келди ва ушбу мақоладан айрим лавҳаларни ўқувчиларимиз эътиборига ҳавола қилишни лозим топдик:

“Қорининг кирдикорлари» мақоласи ҳақида. Мазкур мақолада тилга олинган Баҳодир қори мени бобом – Ботир қори бўладилар. У кишини Баҳодир қори дейишган, ҳужжатларида Ботир қори эди. «Ўғилларидан бири Раҳматжон “Охунбобоев ишлаб чиқариш бошқармаси газета редакциясининг шофери”, деб ёзилган киши мени дадам бўладилар.

Ҳақиқатан ҳам ўша даврларда ёзёвонликлар ҳайит намозини бизнинг уйимизда ўқиганлари эсимда. Ўша кунларни ҳозирги ҳур замонамизга солиштириб, ўйга толдим.

У пайтларда катта туман марказида масжид йўқ эди. Оппоқдадам ўз уйида, ўз маблағи ҳисобига масжид

қурганлигини, ўзи унинг иймон-эътиқодли инсон бўлганлигининг исботи.

Бобом жуда нурли, билимли, диний илмни пухта эгаллаган инсон эди. Ўғилларини, ёлғиз қизини ҳам ҳалол-пок, билимли, эл корига ярайдиган инсонлар қилиб тарбиялаган. Одамларнинг маъракаларида, бошига мусибат тушганларнинг таъзияларида қатнашган, ҳатми Қуръон қилганлиги рост. Лекин мақолада бўрттириб ёзилганидек, одамлар ҳақиқага хиёнат қилмаган.

Мана энди давлатимиз мустақил бўлганидан буён муҳтарам Президентимиз И.А. Каримов томонидан дини-диёнат учун жуда кенг шароитлар яратиб берилди. Қишлоқларда масжидлар қурилди, диний таълим олишни хоҳловчилар учун олий ўқув юртлари ва мадрасалар очилди. Республикамиздаги кўплаб зиёратгоҳлар таъмирланди. Динимиз алломаларининг қабрлари ободонлаштирилди.

Қани энди оппоқдадам ҳаёт бўлсалару шу дориламон кунларни кўрганларида, бошлари осмонга етарди, Аллоҳга шукроналар айтган бўлар эди. Ҳаммамиз шу кунларга етганимиз учун Яратганга шукроналар айтиб чарчамаслигимиз керак деб ўйлайман.

“Қорининг кирдикорлари” мақоласи газетада чиққач, оппоқдадамни райкомга чақиришиб кўп дағдагалар қилишган, кўп тазйиқлар ўтказишганини дадам раҳматлик айтиб берган эдилар. Ушбу ёзганларимни оппоқдадамни таниган, билганлар ўқишиб, ҳақиқага дуо қилишса, раҳматликнинг руҳлари шод бўлар деган умидим бор.

Инсон умри давомида мол-дунёдан ҳам кўра яхши ном қолдиргани афзал. Мол-дунё йўқолади, яхши ном абадий қолади. Мана, бобомиз бир вақтлар қораланган, бадном қилинган бўлса, ҳозир уни яхши номи биз, авлодларнинг мероси бўлиб қолди. Бунинг учун яна бир бор мустақилликка шукроналар келтирамиз”¹.

Ўтган асрнинг 20-йилларидан бошлаб нафақат Фарғона вилоятида, балки бутун Ўзбекистондаги даврий матбуот саҳифаларида дин мавзусига танқидий жиҳатдан қараб келинган. Бундан мақсад эса халқнинг онги ва қалбидан азалий диний қадриятларни чиқариб ташлаб, диний маросимларни бутунлай йўқ қилиш, барча инсонларга даҳрийлик ғоясини сингдиришдан иборат эди.

Бу ҳақда шарқшунос олим, тарих фанлари номзоди Бахтиёр Бобожонов ўзининг “Марказий Осиёда ислом” номли мақоласида жумладан қуйидагиларни келтириб ўтади:

“...30-йилларнинг бошларидаёқ исломнинг сиёсий ёки ҳуқуқий мавқеи ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Кўп сонли мусулмон олимлар отиб ташландилар, Сибирь ёки собиқ Иттифоқнинг бошқа минтақаларига сургун қилинди.

Яқин ўтмишга назар ташлаб шуни айтиш мумкинки, бундай ўйламасдан, зўравонлик билан олиб борилган дунёвийлаштириш (кейинроқ тўлиқ “атеистлаштириш”) 70-80 йил ўтиб, давлат арбоблари ва диндорларнинг қатор муаммоларга дуч келишига олиб келди. Айни шу ўтган асрнинг 30-йилларида диний муассасаларнинг

¹ Раҳматов Ҳ. Мустақиллик шукронаси. «Марказий Фарғона» газетаси. 2009 йил, 29 октябр.

(мадраса, мактаб ва масжидлар) вақфлари тамомила тугатилди, уларнинг ўзлари эса деярли тамомила ёпиб қўйилди. Бинолари эса турар жойлар, омборхоналар, ремонт устахоналари ва ҳоказоларга айлантирилди. Қолаверса, зўрлик билан дунёвийлаштириш жангари атеизм билан биргаликда ҳам кўпчилик маҳаллий аҳолининг диний руҳиятини узил-кесил маҳв эта олмади. Анъанавий оилаларда кекса авлод ўз зурриётларини диний эътиқод асослари, шариат аҳкомлари ва ислом одоб-ахлоқи билан таништиришга ҳаракат қилди. Қамоқ ва қувғинлардан қутулиб қола олган айрим уламолар жонларини хатарга қўйиб бўлса-да, диний илмларни ўрганиш истагида бўлганларни яширинча ўқитишда давом этдилар”¹.

¹ Бобожонов Б. Марказий Осиёда ислом // Ислам ва ҳозирги замон. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010. 32-33-б.

САРМОЗОР ВА КИРГИЛ АЗИЗЛАРИ

Ёзма манбаларда Қўқон хони Олимхон даврида тариқат ва дин пешволари турли синовлардан ўтказилганлиги тўғрисида маълумотлар учрайди. “Мунатахаб ат-таворих”да айтилганидек: *“Ўзларини шайх ва авлиё ясаб, ёлгондан кароматгўйлик қилиб, шу тариқа мусулмонларни шайтон йўлига бошлаб юрганларнинг ҳаммасини бир ерга йиғиб, синовдан ўтказди. Иши шариятга тўғри келувчиларни тўла иззат билан яна шайхлик мансабга тиклади, иши шариятга хилоф топилганларини уятдан бир замбил қилгач, тавба қилдириб, ўз йўлига кетишига рухсат берди”*¹.

Ибратнинг “Фарғона тарихи” асарида бу ҳақда қуйидагилар келтирилган:

“Муни замонда эшон исми йўқ бўлуб, қайда сулукдан сўз очган киши бўлса, дарҳол тутуб, ҳавзи чуқурни тепасига арқон тортиб, эшон, сиротдан муридларни ўтқарсанг, аввал бул арқондан ўтгил деб, эшонларни ҳавзига пишуб ва баъзиларини зиёфат қилиб, мишиқни пишируб, ошга қўюб, қуён гўшти, ов қилганда сайдимизга қуён тушиди деб, билмаганлар, эшонлар еб, балога қолиб ва баъзилари баилми каромат билиб, эй жонивор, сен махлулот эмассан деб, емай, халос бўлган эканлар”.²

Сармозор ота тўғрисидаги ривоятларда ҳам айнан мазкур воқеа ҳикоя қилинади: Бу ҳақда унинг авлодлари шундай ҳикоя қиладилар:

¹ Муҳаммадҳакимхон Тўра. Мунатахаб ат-таворих / Форс тилидан таржимон, муқаддима, изоҳлар муаллифи: Шодмон Воҳидов. - Т.: “Янги аср авлоди”, 2010. 305-б.

² Ибрат. Фарғона тарихи.- Т.: “Камалак”, 1991, 288-б.

“Мир Абдурахимхожа кўпчилик назарига тушиб қолган эдилар. Шунинг учун ўша даврнинг амалдорлари Эшон ва ул зот каби қатор дин пешволарининг билим даражаларини яширинча синаб кўрмоқчи бўлишади. Бу синовда Эшон каромат кўрсатадилар ва бунинг натижасида ул зотга бўлган ҳурмат-эътибор янада ортиб кетади...

Айтишларича, синов ўтказиш мақсадида шундай зиёфат ташкил қилиниб, у ерга узоқ-яқиндаги номи чиққан илм аҳлини таклиф этишган. Зиёфат чоғида ўзаро келишиб олишиб, яширин равишда меҳмонларга алоҳида-алоҳида тортилаётган таомлар устига ҳар хил паррандаю-даррандаларнинг гўштидан бир бўлакдан кўйиб киритишган ва меҳмонларни кузатиб туришган.

Меҳмонлар ҳеч нарса сезмай таомни тановул қила бошлашган. Эшон бува эса таомга термулиб турардилар, чунки ул зотнинг таомлари устидаги гўшт бўлаги мушукники эди, ул зот буни сезган эдилар. Эшон бува таомни емай, унга термулиб нималарнидир ўқиётганларини кўрган меҳмону-мезбонлар ул зотни сездирмаган ҳолда кузатиб туришарди. Шу пайтда таомга қараб дам солиб турган Эшон бува овоз чиқариб, “Эҳ жонивор сенга кўп жабр қилибдилар”, дея таомга мушук гўшти кўйилганлигини барчага маълум қилади. Ўша ташқарида кузатиб турган бою-амалдорлар ҳам бу ҳолатда изза бўлганликларидан ўзларини Эшон буванинг оёқлари остига ташлаб, минг бор узр сўрашган”.

Ушбу ривоятни Сармозор отанинг замондоши бўлган Саййид Убайдуллохон (Киргил азизлар)га ҳам нисбат берадилар. Бу ҳақда Муҳаммадсаййидхон

Абдазов ўзининг “Аждодларга эҳтиром” номли китобида куйидагича келтиради:

“Дастурхонлар ёзилиб, ош тортилади, аммо Олимхон подшо алоҳида шубҳа билан қараган Сармозор ота ва Убайдуллохон ошга қўл урмай ўтирадилар. Бундан тоқати тоқ бўлган подшо: “Тақсирлар, ошга қарасинлар, алоҳида сизлар учун дамлатдим”, дея уч маротаба таклиф қилади. Шунда Саййид Убайдуллахон ёнларида ўтирган Сармозор отага қараб: “Сиз башиорат қилинг” дейдилар. Сармозор ота эса “Тақсир, ўзларига илтифот бўляпти,” дейдилар. Шунда Убайдуллахон кескин ҳаракат қилиб, енгиларидан қўлларининг учини чиқариб, қўллари билан ишора қилиб: “Пишт жонивор, сени увол қилишибди-да”, деганларида, товоқдаги ош устида мушук тирилиб, силкиниб-силкиниб настга тушиб кетган экан. Шунда у киши: “Олим-ей, золим-ей” дея, подшодан ранжиб чиқиб кетган эканлар”.

Табиийки, Сармозор ота ва Саййид Убайдуллахон билан боғлиқ юқорида келтирилган ривоят чуқур илмий тадқиқотни талаб қилади. Аслида улуғ зотлар билан боғлиқ айрим ҳикоятлар баъзан ривоятга айланишига гувоҳ бўласиз. Чунончи, авлиёларга доир баъзи ҳикояларнинг мазмуни халқ оғзаки ижоди асарига айланганлиги ўқувчиларни таажжубга солмаслиги керак. Шу ўринда юқорида келтирилган ҳикояда ҳам балким қисман муболаға бордир. Бу борада халқимизнинг авлиёлар ҳақидаги ҳар бир ҳикоятни ўз ақл элагидан ўтказишига шубҳа қилмаймиз. Бироқ, ҳикоянинг мазмунидан келиб чиқадиган бўлсак, халқимизни авлиёларга нақадар иззат-икромли

бўлганлигини яна бир бор англаб етишимизга ёрдам беради.

Изланишлар шуни кўрсатмоқдаки, авлиёларнинг синаш билан боғлиқ мазкур воқеа Фарғона водийсида яшаб ўтган бошқа бир қанча улуғларга ҳам нисбат берилади. Масалан, Султон Воиз ҳақидаги афсонани олайлик.

Айтишларича, бир куни казо-казолар Султон Воизнинг авлиёлигини синаб кўрмоқчи бўлишибди. Улар ош дамлаб, устига макруҳ ҳисобланган мушук гўшти босиб, унинг олдига қўйибдилар. Воиз ошга ҳайвон гўшти босилганини билиб:

– Эй жонивор пишт! – деб, ош устини силаган экан, гўшт мушук ҳолига келиб, миёвлаганча уйдан чиқиб кетган экан. Эл эса Воизнинг авлиёлигига тан берибди¹.

Изланишлар давомида айнан шундай воқеа Шайх Зайниддин Кўй Орифони Тошкандийнинг (1164-1259) шогирди Этемас Эшон билан ҳам содир бўлганлиги тўғрисидаги ривоятга дуч келдик.

“Шайх Зайниддин бобо ўзлари комил инсон бўлиб, пиру муршидлик қилиб, кўп шогирдлар, яъни муридларни камолга етказган эканлар. Шулардан Этемас Эшондир. Нақл қилишларича, бир куни кўнгилда ҳасади бор бир неча киши Этемас Эшонни меҳмонга чақиришибди. Унинг гўшт емаслигини билишиб устидан

¹ Ипак йўли афсоналари / тузувчи, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи М.Жўраев. – Т.: “Фан”, 1993. 73-74-б.

кулмоқчи бўлишиб, мушук гўштидан ош пишириб узатибдилар. Палов дастурхонга тортилибди ва ҳурмат юзасидан Этемас Эшонга сиз бошланг дейишибди. Шунда Этемас Эшон лагандаги катта гўштга қараб: “Сенга кўп азоб беришибди-ку, эй Худонинг махлуқи”, деб дуо ўқиб, қўллари билан ишора қилган эканлар лагандаги гўшт мушукка айланиб, ерга сакраб тушиб кетибди. Ўз қилмишидан афсусланган кишилар Этемас Эшондан узр сўраб, мулзам бўлиб, кароматларидан лол қолишибди”¹.

Убайдуллохоннинг авлодидан бўлган Анвархон Маҳмудовнинг айтишича, Убайдуллохонни синаш учун хон қирқ товоққа ош дамлаб, мушукни гўшт қилиб босган ва уни ошга таклиф қилган. Убайдулло хожа ошга қўл узата туриб: “Халқни ҳалқумини булғама, кишт жонивор”, дегач мушук тирилиб, юриб кетган (Жўрахон Авлиёхонга кўра, подшоҳ эътиқоди жонланиб, улуғ зотларга шубҳа билан қарамайдиган, улар ҳақида олди-қочди гаплар айтмайдиган бўлган экан). Шундан сўнг у хоннинг бу ножўя қилмишидан қаттиқ ранжиб: “Энди сен ўн кундан сўнг ўласан”, деб, ўзининг ҳам ўн кун ичида оламдан ўтишини башорат қилган эканлар.

Ул зоти шариф башорат қилган кунлари етиб келиб, Қалача қишлоғида фоний дунёдан кўз юмар чоғида: “Жасадимиз фарзандларимиз ичида талаш бўлмасликлари учун менинг жасадимни туяга ортинглар, туя қаерга бориб чўкса, шу ерга дафн этинглар”, деб васият қиладилар. Унинг вафотидан сўнг васиятига биноан жасадини туяга ортадилар. Қачонки

¹ Шайх Зайниддин Кўй Орифони Тошкандий / Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Озод Шомансур. – Т.: “Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти”, 2006. 10-б.

туя ҳозирги Қирғил (Киргил) мазор ўрнига келиб чўккач, шу ерга дафн этадилар.

Киргил ота мазори деб аталишига куйидагича мисоллар ҳам мавжуд: Кунлардан бир куни Ҳазрат Убайдулло Хожа Эшон масжидда ваъз айта турган маҳали унинг муридларидан бири келиб, “Ҳазратимнинг ваъзларини эшитишга кечикибман”, дея киришга журъат қилмай турган пайт унинг ҳолати Убайдулло хожага маълум бўлиб: “Киргил сўфи”, дея хитоб қилади. Масжиддагилар Ҳазрат бу сўзларни кимга айтди экан деб таажжубга тушганларида, эшик очилиб, бояги сўфи кириб келади. Шу тарзда Убайдулло Хожа Эшонни “Киргил ота” деб аташган экан.¹

Яна бир ривоятда келтирилишича, Фарғона водийси худудига қалмоқлар босқин қилиб, ҳозирги Қирғули худудига етиб келганларида, бундай даҳшатли балони даф қилишни халқ Ҳазрат Убайдулло хожадан илтимос қилади. “Авлиёлар Худомас, лекин Худодан жудомас”, деганларидек, Ҳазрат Убайдулло хожа эрта тонгда Худодан юртга келган балони тезроқ даф қилишни сўраб: “Худойим, бу душманни ўзинг қайтар! Илоё, битта қолмай қирилиб кетсин”, дея дуо қилгач, душман ўз-ўзидан қирилиб кетган экан. Шундан сўнг кейинчалик бу ном Қирғил ёхуд Қирғули деб юритилган.²

Айтиш керакки, азиз-авлиёларни синаш билан боғлиқ воқеалар тўғрисида кейинги йиллар чоп этилган китобларда қатор мисоллар келтирилмоқда. Масалан,

¹ Дала таджикотлари. 2005 йил Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, Киргил маҳалласи..

² Абдулахатов Н. «Қирғил ота». Фарғона. «Устоз» №5. 2003.

Сўфидеҳқон Вобкандий воқеасини олайлик. Бу ҳақда Садриддин Салим Бухорий шундай ёзади: *“Сўфидеҳқон соҳибкаромат авлиё бўлганлар. Нақл этилишича, подшоҳ арқони давлатдаги аллома, авлиё олимларнинг фаросати, илмини синамоқ бўлибти ва ҳаммаларини саройга йиғиб дебти: “Ўртадаги дастурхон ичида нима бор? Кимки топса, барча тилаги бажо келтирилади! Ҳар ким ўз тахминини айтибти, лекин уларнинг башорати ҳақиқатга тўғри келмаскан. Подшоҳ: “Наҳот Бухородай мамлакат битта бўлса-да фаросатли зот бўлмаса?”– деганда, доно вазир: “Олампаноҳ, узлатга чекинган деҳқончилик билан умргузаронлик этаётган бир улуг обид борлар. Исмлари Сўфидеҳқондур. Шу кишини ҳам саройга талиф қилсак!”– дебди. Сўфидеҳқон саройга келибдилар ва у кишига ҳам юқоридаги саволни берибдилар. Ҳазрат Сўфидеҳқон андак мушоҳада этгандан сўнг, дебдилар. “Эй олампаноҳ, атроф-жавонибни қидирдим, лекин дарёмиздаги бир балиқ “Во болам!” деб турганини кўрдим. Дастурхонда мана шу балиқнинг боласи бўлса ажабмас!”.*

Дастурхонни очиб кўрсалар, дарҳақиқат идиш ичида тирик балиқча турган экан. Подшоҳ Сўфидеҳқоннинг кароматларига тан бериб: “Тилагингиз не?” дебди. Ҳазрат Сўфидеҳқон: “Олампаноҳ, менга жой ажратсангиз, битта хонақоҳ қурсам савоби сизга ҳам, бизга ҳам қиёматгача тегарди!” дебдилар”¹.

Эътибор берган бўлсангиз, валий зотларга нисбатан ишончсизлик ва ҳурматсизлик туфайли амалга

¹ Садриддин Салим Бухорий. Икки юз етмиш етти пир. Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2006. 269-270-б.

оширилган таом билан боғлиқ воқеа бир зот учун атайлаб тўқиб чиқарилган эмас. Бинобарин, Суюндик Мустафо Нуротой айтганидек: *“Тарихий ҳақиқат – шахс, макон ва замон уйғунлигида англашилади. Бу ёзма манбаларга таяниш демакдир. Аммо афсоналар ҳам қайсидир маънода “мутлақо тўқима нарса” эмас. Улар замирида асрлар елкасига ўрнашган “нимадир” бор. Йўқса, эл азизлаб аждоддан авлодга кўчирмас эди”*¹.

¹ Суюндик Мустафо Нуротой. Хатирчилик табаррук сиймолар. – Т.: “Мухаррир”, 2010. 7-б.

САРМОЗОР ЗИЁРАТГОҲИ БУГУНГИ КУНДА

Айтишларича, Мир Абдурахимхожа эшоннинг дафн маросимларидан сўнг барча Қўрғонга қайтиб келган вақтда, меҳмонлардан бири Эшон ҳазратни фарзандларини йиғиб, Мир Абдурахимхожа эшон қабрининг ғарб томонида катта масжид қуришлари кераклигини айтар экан, бу табаррук жой келгусида “Марғилон шаҳридаги Сармозор жомъе масжиди бўлиб муҳрланади” дея таъкидлайдилар.

Ушбу ҳолат амалда мантиқан тўғри бўлгани кейинги воқеа билан ҳам ўз тасдиғини топади. Яъни, 1987 йилнинг октябр ойида Марғилон шаҳрига Саудия Арабистонидан келган тўрт нафар зиёратчилар ташриф буюрадилар. Улар ўзларини Макка ва Мадина шаҳарларидан эканликлари, ташрифлари давомида ҳазрат Мир Абдурахимхожа Эшон мазорларини ҳам зиёрат қилмоқчиликларини, зиёратгоҳ Сармозор масжидининг яқинида эканлигини билдириб, у ерга олиб боришларини сўрайдилар. Меҳмонларни кутиб олганлар уларни Марғилон марказидаги Хонақоҳ масжидига олиб боришади (ўша вақтдаги собиқ иттифоқ таъсирида кўп тарихий ёдгорликлар, улуғ зиёратгоҳлар эътиборсиз қолгани, аҳоли эса аксар ҳолларда зарур тарихий маълумотларга эга бўлмай қолгани сабабли шундай қилинган кўринади). Шунда меҳмонлар уларни Сармозор деб номланган мазор ва масжидга олиб боришни сўрашади, бунинг сабабини улар тарихий хариталарида Марғилонда Сармозор жоме масжиди белгилаб кўйилганини билдиришади. Шу орада Сармозор масжиди ва мазор атрофи ободонлаштирилиб, тозаланиб меҳмонларни Сармозорга зиёратга олиб келинади.

Юқорида айтилганидек, масжидни қуриб битказишга ваъда берган фарзандлар ва муридлар айтилган жойга, маълум вақтдан сўнг, масжид қуриб битказдилар. Бу ерлар қумлик бўлиб, масжид эса тош устига қурилгани туфайли, масжид тахминан юз йил турди. 1910-15 йилларда эшон бобо авлодлари ва Сармозор аҳли томонидан ҳашар йўли билан тарихий кўринишини сақлаган ҳолда жоме масжид янгитдан қайта қурилди ва ҳозирга қадар мавжуд.

1992 йилда ҳазрат Мир Абдураҳимхожа авлодлари ва маҳалла аҳли томонидан ҳашар йўли билан масжид ёни кенгайтирилиб, қўшимча бинолар қуриб битказилди. Кейинчалик ҳудуд аҳолисининг кўпайиши натижасида Сармозор масжидининг ёнида янги масжид биноси қад кўтарди.

Сармозор масжиди ва зиёратгоҳи ёнида Сармозор қабристони бўлиб, 1974 йилда Усмонжон Тожибоев ташкилотчилигида, қишлоқ оқсоқоли Абдулла Бобоевнинг бошчилигида атрофдаги усталар Миршоир Раҳмонов, Ҳошимжон Назаров, Омонулло Олимовлар томонидан деворлар билан ўралган. Сармозор қабристони атроф деворлари 2012 йилда маҳалла фаоллари Шамсиддин Акрамов, Муроджон Акрамов ва Эркин Охуновлар қишлоқ аҳли ҳашарчилари ёрдамида янгитдан қуриб битказилиб, обод кўринишга келтирилган.

САРМОЗОР ВА ЗИЁРАТ ОДОБИ ҲАҚИДА

Айтишларича, Мусулмонкул мингбоши Сармозор маҳалласидан отда ўтиб кетаётиб, тўсатдан отидан йиқилиб, ҳалок бўлишига бир баҳя қолади. Ҳаётида сира ҳам отдан йиқилмаган моҳир чавандоз Мусулмонкул бу ерда қандайдир сир борлигини англаб, бунинг сабабини шу ерлик кишилардан сўрайди. Улар бу ерда Сармозор эшон буванинг қабрлари борлиги ва ҳурматлари ҳаммага лозим эканини айтадилар.

Ушбу воқеадан сўнг Мусулмонкул қилган хатосини англаб, Ҳазрат қабрлари устига мақбара қурдиришга буйруқ беради.¹ Мақбарани эса, Мусулмонкулнинг яқинлари барпо этади. Қурилишдан олдин катта туя сўйдириб хайрия ташкил қилади. Ўша воқеадан сўнг Сармозор маҳалласидаги қабристон олдидан ўтаётган отликлар отларидан тушиб, пиёда ўтиб кетишга одатланган эканлар. Сармозор зиёратгоҳи олдидан ўтиш чоғида амалга оширилган мазкур одатлар тўғрисида сўз юритар эканмиз, халқимизнинг асрлар давомида зиёратгоҳлар билан боғлиқ ахлоқий қарашлари тўғрисида тўхталиб ўтсак.

Маълумки, зиёратгоҳлар мавзуси халқимизнинг севимли дostonларида ҳам кенг ўрин олган. Чунончи, халқ дostonларидаги мард баҳодирларнинг жасорати бевосита азиз-авлиёларнинг ёрдамида содир этилишини эътиборга олсак, аждодларимиз турмуш тарзидаги муқаддас жойлар билан боғлиқ қарашлар қадимги даврлардан буён шаклланиб келганига шоҳид бўламиз.

¹ Абдулаҳатов Н. Эшонбобоев Ў. Кўҳна Марғилон зиёратгоҳлари. – Ф.: “Фарғона”. 2007. 214-б.

Қадимдан Турон заминида муқаддас жойларни эъзозлаш, уларни авайлаб асраш аждодларимиз учун орномус ва шараф мезони ҳисобланган. Юнон тарихчиси Ҳеродот (милоддан. ав. VI аср) ўзининг “Тарих” номли асарида келтирган маълумотларга кўра, жанговар кўчманчи скифларни бўйсундириш учун уларнинг юртига юриш қилган Аҳамонийлар подшоҳи Дорога скифлар подшоҳи Иданфирис томонидан мактуб битилган эди. Ушбу мактуб: *“Агар жанг қилишни жуда истасангиз, оталаримизнинг қабрларини топиб, уларни оёқ-ости қилишга уруниб кўринглар, жанг қиламизми, йўқми, кейин биласизлар...”* деган сўзлар билан яқунланган эди¹. Скифларнинг бу тарзда Эрон шоҳига йўллаган жавобидан шу нарса маълум бўладики, аждодларимиз учун ота-боболарининг мазорлари муқаддас саналган ва уларни душман томонидан топталишига асло йўл қўймаганлар.

Туркий халқларнинг VIII асрга оид нодир ёзма ёдгорликларидан бири “Билга хоқон битиги”даги қуйидаги парчага диққат қилайлик: *“Ўғуз халқи душман бўлди, уни қўлдан чиқариб юборай деб, лашкар тортдим, уйини, зиёратгоҳини буздим”*². Бу сўзлардан маълум бўладики, қадимги туркий халқлар турмуш тарзида қайси бир душманини пароканда этмоқчи бўлса, дастлаб ўша халқнинг муқаддас жойларини забт қилишдан бошланган. Чунки, туркий халқлар эътиқодига кўра, зиёратгоҳларни қўлдан бериб қўйиш, урф-одатлардан ажралиб, ёвга таслим бўлинганидан далолат берган.

¹ Геродот. История в девяти книгах. – Л.: “Наука”, 1972. С. 219.

² Урхун битиглари // Қадимги ҳикматлар. –Т.: “Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти”, 1987. 32-б.

Айтиш жоизки, халқимизда азиз-авлиёлар мозорлари олдидан ўтиш чоғида ахлоқ-одобга қатъий риоя қилмасликнинг оқибати салбий ҳолатларга олиб келиши тўғрисида турли қарашлар сақланиб қолган. Мазкур қарашлар сабаб кишилар мозорларнинг олдидан “Қабрлари нурга тўлсин” деган дуолар билан фақат пиёда ўтганлар”¹. Мозорлар олдидан ўтиш ахлоқ-одоби тўғрисида “Алпомиш” достонида қуйидаги таъриф келтирилади: *“Вақт-бевақт киши бир мозорнинг қабатидан ўтса, чап оёғини узангидан чиқариб, мозордаги одамларнинг ҳақиқа дуо қилиб ўтса, бул ҳам сахий, агар ким мозордан ўтганда, чап оёғини узангидан чиқармай, мозоротнинг ҳақиқа дуо қилмай ўтса, бул ҳам бахил экан”*².

Маълумки, Марказий Осиё минтақасидаги маҳаллий аҳолининг диний амалиётларида зиёрат маросимлари катта ўрин тутган. Албатта, унда қўлланган баъзи-бир ҳаракатлар уламоларимиз томонидан танқидларга учраб, бу хусусда анчагина асарлар ҳам битилган. Аввало, бу борадаги фикҳий асарлар назарда тутилмоқда. Уларда зиёратгоҳлар ва зиёрат масалаларига нисбатан камроқ эътибор қаратилган бўлиб, асосий талаблар Қуръон ва ҳадислар асосида қараб чиқилсада, аммо маълум ҳукмлар чиқаришда маҳаллий урф ва одатларни ҳам назарда тутиш тавсия этилади. Ундан кейин, қатор “Зиёратнома” жанрида битилган асарларни тилга олиш мумкин. Уларда зиёратнинг аслида суннатга мувофиқ эканлиги, унинг қоидалари, жумладан таъқиқланган бидъатлар ҳам

¹ Рассудова Р.Я. Культурные объекты Ферганы как источник по истории орошаемого земледелия // СЭ. 1985, № 4. С. 97.

² Алпомиш. Биринчи китоб. – Т., 1992. 10-б.

таърифланади. Минтақамизда битилган шундай асарлардан энг машҳурлари Муъин ал-Фуқаронинг “Китоб-и Муллозода” (1405 йилдан аввал) ва Носируддин Ханафийнинг “Тухфат уз-зоирин”ларни эслатиш мумкин.

Зиёратгоҳ ва қадамжолар, ҳозирги кунда, нафақат Фарғона водийси, балки бутун ислом оламида минглаб сақланган бўлиб, уларда қурилган бинолар мажмуаси ноёб меъморчилик ёдгорлиги намуналари ҳисобланади. Уларда амалга оширилаётган зиёратлар эса маҳаллий аҳолининг диний маросимлари мажмуида ўта муҳим рол ўйнайди. Зиёрат маросимлари билан боғлиқ маданий анъаналар ўзининг маълум ривожланиш босқичларида жамият ҳаётига таъсир этмай қолмайди, албатта. Юқорида айтиб ўтганимиздек, муқаддас зиёратгоҳлар Марказий Осиё, жумладан, Фарғона водийси халқларининг турмуш тарзида муҳим аҳамият касб этган. Одатда, зиёратгоҳлар мазор номи билан атаб келинган. 1998-2008 йиллар мобайнида олиб борилган кузатувларимиз натижасида, биргина Фарғона водийсининг ўзида мингдан зиёд зиёратгоҳлар мавжудлиги аниқланди¹.

Маълумки, исломнинг илк даврларида мазор сўзини авлиёлар дафн этилган жойга нисбатан “машҳад” деб атаганлар. XI асрдан кейин Ажам ўлкаларида мазор ислом дини йўлида ўз ҳаётини бахшида этган зотлар қабрига нисбатан қўлланилган. Ўрта асрларга келиб эса, мазор сўзи кенг маънони ифодалай бошлади. Яъни, мазор сўзи остида фақат ҳалок бўлган инсонлар эмас,

¹ Абдулахатов Н.У. Место паломничества в жизни населения Ферганской долины (по материалам святых мест Ферганской вилоята). Автореферат. 2008.

балки ўз ўлими билан ҳаётдан кўз юмган, пайғамбар авлодлари бўлмиш саййидлар, хўжалар, эшонлар, уламолар, олимлар, шоирлар, саркардалар қабрлари, умуман ерли аҳолининг барча табақадаги марҳумлари қабристони ҳам тушунила бошланди.

Асрдан асрга ўтган сари мазорлар ҳақида тушунчалар халқимиз онгида муқаддас жой сифатида шаклланиб борди. Мамлакатда юз берган урушлар, қонли тўқнашувлар даврида ҳамда табиий офатлар содир бўлган пайтларда айрим муқаддас зиёратгоҳлар кишиларга бошпана вазифаси сифатида ҳам хизмат қилди. Ҳаттоки, Амир Темури тўғрисидаги ривоятларнинг бирида бўлғуси Соҳибқироннинг дунёга келишида, унинг ёвузлар чангалидан омон қолишида муқаддас мазор билан боғлиқ қуйидаги ривоят баён этилган. Унда нақл қилинишича, дунёнинг етти подшоҳлигидан Бухорога элчилар келиб, ҳукмдор Баёнқулихонга шу кечада туғилажак ўғил етти подшоҳликни забт этишини ва бунинг олдини олиш учун болани ўлдирмоқ лозимлигини айтадилар. Бундан хабар топган бўлғуси Соҳибқироннинг онаси Тегина бегим чақалоғини олиб, Бухоронинг фойзи осор мазорларидан бирига беркинади. Мазорга келган элчилар ҳарчанд уринмасинлар болани йўқ қилишдек қабих ниятларига эриша олмайдилар. Чунки мазор ичидан чиққан азиз-авлиёлар руҳи кўринмас қўлга айланиб, уларни зиёратгоҳга яқин келтирмаган экан.

Албатта, муқаддас жойлар ҳақидаги бундай афсонавий ҳикоялар бўрттирилиб нақл қилинса-да, ҳар доим кишиларнинг диққат-эътиборини ўзига тортиб келган. Шу ўринда мазорлар ва улардаги зиёрат

одоблари хусусида Аҳмад ибн Маҳмуднинг “Муъин ал-Фуқаро” (“Тарихи Муллозода”) асаридан айрим парчаларни келтириб ўтсак:

“Билгилки, Ер юзидаги уламои дин ва шайхларнинг, уларнинг барчасига Аллоҳ раҳмати бўлсин, пок руҳлари ва муқаддас машҳадлари (мозорлари)га яқинлашиши шакшубҳасиз баракотини зиёда қилишига сабаб бўлади ҳамда дин ва дунё саодатига етказувчи восита ҳисобланади. Ва бу моҳият муваффақияти мурод-мақсадларга эришиши ва даражотга етишишининг аломатидир...

“Шариат ул-ислом”да исломий суннатлар бобида мусулмонлар қабрларини зиёрат этиши хусусида айтилган бўлиб, бу ҳақда Наби алайҳи-с-салом шундай деган: “Мен сизларга қабрларни зиёрат қилишни манъ этдим, лекин сизлар уларни зиёрат қилинглари, бироқ [у ерда] ёмон ва фаҳи сўзларни айтмангиз ва у [Пайгамбар] алайҳи-с-алоту васаллам, мўминлардан бўлган ақраболари (қариндошлари) қабрларини зиёрат этарди.

Ал-Зоҳидийнинг “Шарҳ ал-Қудурий”сида ва Муҳаммаднинг, унга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин, осор ҳақидаги сўзлари келтирилган. [Унда] ўлганлар ҳақида дуо қилиши ва охиратни эслаш учун зиёратга боришида ажр йўқ дейилади. Буни Абу Ҳанифа ривоят қилади...

“Жомиъ ул-усул”да айтиладики, Усмон ибн Мазъун (Аллоҳ ундан рози бўлсин), вафот этганда, ва у Мадинада оламдан ўтган биринчи муҳожирлардан эди, уни кўмишгандан сўнг Расулуллоҳ, салаллоҳу алайҳи васаллам, ўрнидан туриб, енгларини шимариб, ёрдамга шошилди, тошни кўтариб олди ва уни келтириб [Усмон ибн Мазъун] қабрининг бош томонига қўйди ва кейин

айтди: “Мен бу тош билан биродарим қабрини белгиладим, унинг ёнида оилам аҳлидан вафот этганларни дафн этгум”.

Аз-Зоҳидийнинг “Шарҳ ал-Қудурий”сида ёзилганки, у қабрини бирор [аломат билан] белгилайди, [Пайгамбар] алайҳи-с-алоту васаллам, унинг ўглининг қабрига ва набий қабрига, саҳобаларига, Аллоҳ улардан рози бўлсин, ўхшаб текис ва тўртбурчак қилинмайди. Лекин салаллоҳу алайҳи васаллам деганки, қабрлар белгиланган, ердан кўтарилган ва устига ганч билан ёпилган бўлсин. Қабр устига қадам босиш, ўтириш, ухлаш, турли ҳожатни чиқариш, устида ва унга қараб намоз ўқиш манъ этилади.

Абу Хурайра, Аллоҳ ундан рози бўлсин, ривоят қиладики, “Кимдаким сизлар ораларингдан ёнаётган кўмир устига ўтирса ва унинг либоси куйиб олов танасигача етса, бу унинг қабр устига ўтиришидан афзалроқдир”.

Ислом шариати ва суннатида қабристонларни зиёрат этиш учун аввал таҳорат олиниб, икки ракаат намоз ўқилади. Намозда “ал-Фотиҳа”, ва “оят ал-Курсий” сураларини бир мартадан, “ал-Ихлос” сурасини уч мартаба ўқиб, савоби ўтганларга баҳшида этилади. Кейин зиёратчи қабр томон юриб, рўпарасида туриб, дейди: “Ва алайкум ас-салому аҳли-д-диёр мин ал-муслимийн ва-л-муъманийна, раҳиммаллоҳу ал-мутақаддимийн минкум ва-л-мутаахирийн минно антум, лано салафун ва наҳну лакум халафун ва табаъа ва инно иншоаллоҳ бикум лоҳиқуна” [Ассалому алайкум муслим ва муъминалардан бўлган аҳли диёр! Сизлардан олдин ва кейин келганларни Худо раҳмат қилсин. Сизлар

салафларимиз, биз эса сизларнинг орқадошларингизмиз, иншоаллоҳ, сизларга қўшилармиз]. Сўнг қабр олдида ўтириб, “Ёсин” сурасини ёки Қуръондан оятлар ўқийди. Кейин тасбиҳ айтиб, ўлганларга дуолар қилади.

“Ёсин” сурасини қабристонда ўқиш таҳсинга сазовордир, бу ҳадис ва суннатларда таъкидланади. Қабр устига оёқ кийимда қадам қўйиш тўғри эмас, салаллоҳу алайҳи васаллам ҳам бунни ёқтирмаганлар. Қабристонга пиёда ва яланг оёқ бориш, Аллоҳ таолога дуо ўқиб, ўлганлар учун мағфират тилаш маъқулдир. Расулуллоҳи салаллоҳу алайҳи васаллам, бир кишини оёқ кийими билан қабристонда кўриб, уни ялангоёқ бўлишига амр қилгани ҳадисда келади.

Дин уламолари ва аҳли яқин улуғлари, Аллоҳ таоло уларнинг барчасининг руҳларини муқаддас қилсин, қабрларнинг зиёрати суннатдир, деб айтганлар. Жумаъ кунининг охирида, шанба, душанба, пайшанба кунлари қуёш чиқмасдан олдин зиёратга борилса, шунингдек Ашуро кунини, Арафа кунини ва бошқа шу сингари муборак вақтларда борилса мустаҳаб бўлади. Ҳадисларда кимдаким ўтган-кетганларни, фаришталарни зиёрат қилса, вафотидан кейин ҳам уни зиёрат қилишлари ҳақида сўз боради.

Шу билан бир қаторда Расулуллоҳ салаллоҳу алайҳи васаллам, буюрди: “Ўтганларни зиёрат қилинглари, чунки улар зиёратчиларни дўст тутадилар”.

Бир одам Расулуллоҳ салаллоҳу алайҳи васалламга қалби қаттиқлигидан шикоят қилди. Расулуллоҳ салаллоҳу алайҳи васаллам буюрдики, уч амал билан юракни юмшатиш мумкин: Биринчиси етимлар бошини

силаш, иккинчиси хаста ва беморларни бориб кўриш, учинчиси ўтганлар қабрларини зиёрат қилиш.

Ҳадисда келтирилганки, кимки ота-онаси [мозорини] ҳар ҳафта зиёрат қилса ва бошқа ривоятга кўра, гоҳида зиёрат қилиб турса, гуноҳлари авф этилади ва ҳаж савобини топади, вафотидан кейин эса [унинг қабрини] фаришталар зиёрат қилади.

Шайх Абу-л-Ҳасан Растағфанийдан, Аллоҳ уни раҳмат қилсин, сўрабдилар. Ўтганларни зиёрат қилганда нима ният билан бориш лозим? Буюрди: Тўрт ният билан. Биринчиси: таъзим бажо келтириш нияти билан. Иккинчиси: У, агар ўлса, бошқа одам ҳам уни зиёрат қилиш нияти билан. Учунчиси: Ибрат олиш нияти билан, токи тоат-ибодатга юз қаратиб, номашруъ (гуноҳ) ишлардан воз кечсин. Тўртинчиси: Худои Таоло ризқ-рўзимни кенг этсин, ўзгаларга муҳтож этмасин, халқ билан муросаву мадора этишига мадад берсин, деган ният билан. Зиёрат пайшанба ёки одина (жумъа) кунини қилинса, авлодур. Хабарда ёзилишича, ўтиб кетганлар учун шу икки кунда садақа берилса ва улар учун дуо ўқилса, тезроқ мустажоб бўлар экан...

Ва одоб зиёратига биноан, гўристонда Пайгамбар турбати мавжуд бўлса, зиёратни ўша ердан бошлаш лозим. Агар Пайгамбар салаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак сочлари жойлашган бўлса, айнан ўшандан бошлаш шарт... Билиб қўй: Аллоҳ сенга рушд [тараққий, юксалиш] ва нажот йўлини бахшида этди, ҳаёт-у мамотингни тақвою зуҳд либоси билан кийинтирди, яъни маълум бўлсинким, халқнинг мушҳидлари ва кузатувчилари бўлган уламои киром ва машойихи ислом

ва авлиёи изомларнинг мартаба, даража ва куч-қудратларини уларнинг ҳаёт бўлганларида билмоқ қийин ва мушкулдир. Фарор оламидан қарор оламига риҳлат қилганларидан сўнг, уларни қандай билиш мумкин, хусусан, Ҳазрат-и Иззат ва Жалла (Аллоҳ таоло) хос валийлик даражасига мушарраф қилган кишиларни, уларни ботиний ва зоҳирийликда Аллоҳ Азза ва Жалла ўзининг зоти ва сифатларига оро бериш учун [махсус] танлаб, уларни иззат қаболари ва ҳайрат ҳижоблари [пардалари] остида ўзгалар назаридан яширади. Муқаддас ҳадис: “Менинг тахтим гумбази остидаги валийларимни мендан бошқа ҳеч ким билмайди” уларнинг ҳоллари васфида айтилган. Шу боис баъзиларнинг аҳвол ва мақомлари уларнинг тириклигида, на вафотларидан сўнг маълум бўлади. Баъзиларини Худованд Азза ва Жалла ўзининг юксак ҳикмати ва чексиз фазлу раҳмати билан халқ орасида уларни намоён қилдиким, токи уларнинг зоҳир ва ботинларидан халойиқ баҳраманд бўлсин. Бу тоифадагилар шундайки, тирикликларида халққа қандай ҳидоят қилган бўлсалар, қиёмат кунини ҳам уларга зоҳир бўлиб, ҳидоят қиладилар. Вафот этганларидан кейин ҳам уларнинг муқаддас руҳларига яқин бўлиш кўп фойдалар зиёда қилади...

“Кашф ва аён аҳлидан бўлган баъзи кишилар айтишича, агар [зиёрат қилувчи] кишилар бирор бир азиз ёки улуг турбатига етишса ва ўша бузург шу жойда дафн этилган деб ишонч ҳосил қилса ва у ҳақиқатда бундай бўлмаса-да, ўша бузургнинг файзи ва мадади унинг камол тариқига нуқсонсиз етказилади, чунки руҳлар оламида яқинлик ва узоқ бўлиш тушунчаси йўқдир. Ва олий ҳазрат, замоннинг қутби, иймон

аҳлининг паногоҳи, илм ва ирфон осмонининг қуёши, Аллоҳ Азза ва Жалланинг аҳлидан саналиб камолга етишганлар сафидан бўлган, покиза жаноб ва валийлик (соҳиби кароматлик) паногоҳи (валийпаноҳ), саййидино, мавлоно ва бизнинг Хожамиз, яъни Хожя Порсо Муҳаммад ибн муҳаммад ал-Ҳофизи ал-Бухорий. Аллоҳ унинг сирларини муқаддас ва қабрини нурга буркасин, биз учун унинг қадрдон қабри шаридир, [Хожя Порсо] юқорида айтилганларни маъқулладилар. Бас, қайси бир мазор бирор-бир улуг номи билан шуҳрат топган бўлиб, аслида бошқа шахс кўмилган бўлса [ҳам], зиёратчи уни муаззам ва мукаррам тутмоғи лозим, токи ул азиз руҳининг баракотидан баҳраманд бўлсин”¹.

Умуман олганда, қабрларни зиёрат қилишнинг нақадар савобли эканлиги “Тазкират ул-авлиё” асарида келтирилган мазкур ҳикоятдан ҳам кўриш мумкин:

“Нақлдурки, бир кун Башир Ҳофий гўристон орасидан ўтар эди, гўристондан гавго уни эшитди. Талашарлар ва баҳс қилар эдилар, бир нарса улашаётгандек. Башир деди: “Илоҳи, бу нима ҳолдир? Менга билдиргин!

Хотиждан овоз эшитдиким:” Бориб, ўзинг сўрагин!”

Башир бориб улардан сўради. Айтдилар, “Аллоҳнинг хосларидан бир киши бизларнинг яқинимиздан ўтар эди. Уч мартаба сураи “Қул ҳуваллоҳу аҳад” ўқиб, савобини бизларга бағишлади. Уч кундан бери аҳли гўристон унинг савобини бўлишмоқдамиз. Ҳар биримизга Қоф тоғидек савоблар тегди, ҳануз савоб тугагани йўқ”.

¹Аҳмад ибн Маҳмуд Бухорий “Муъин ал-фуқаро”. Тарихи муллозода (“Бухоро мазорлари зикри”). Сўзбоши, форс тилидан таржима, изоҳлар муаллифлари: Ш.Воҳидов, Б.Аминов. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2009. 18-32-б.

Кундалик ҳаётимизда “азизлар”, “валийлар”, “бузруклар”, “зоти баракотлар” сингари сўзларни кўп эшитсак-да, айрим ҳолларда унинг мазмун-моҳиятига эътибор бермаймиз ҳам. Аммо, ўтмишда бу каби сўзлар халқимизда ғоят эҳтиром билан тилга олиниб келинганлигини таъкидлаш лозим. Биз ҳам ана шундай мўътабар имлолардан бири “авлиё” сўзига изоҳ бериш учун китобларга мурожаат қиламиз:

“Авлиё (араб.валий сўзининг кўплиги, худога яқин одам)- тасаввуфда Аллоҳнинг зоти ва сифатларини яхши билган, унинг буюрганларини бажариб, гуноҳ ишлардан ўзини сақловчи, дунё лаззати ва шахвоний ишлардан юз ўгирувчи киши. Ислом анъанасида авлиёлар қайсидир бир иши, хизмати ёки хислати туфайли Аллоҳга яқин бўлиб қолган, дуолари мустажоб, солиҳ, қобил, камтар кишилардир. Авлиёлар пайғамбарлар даражасидан кейин туради.

Халқимизда муқаддас мазор бўлган жойларга уларни бузиб, ўрнига бошқа бинолар қурган кишиларга зиён-заҳмат етиши мумкин дея қаралган. Шу сабабдан бундай жойлар ўрнида ўзга мақсадларда бино қуриш, азиз-авлиёларга нисбатан ҳурматсизлик сифатида қабул қилинган.

Кишиларнинг хулқ маданиятини юксак мақомда бўлишида муқаддас зиёратгоҳлар ва уларни зиёрат қилиш тартиби, яъни ахлоқ-одоб меъёрлари дастуриламал бўлиб хизмат қилган. Бинобарин, “Оч қолсанг бозорга, тўқ бўлсанг мазорга бор”, деган халқимизнинг азалий мақоли кишиларни турмушнинг оғир-енгилига қандай тарзда муносабатда бўлишни маълум маънода англаган.

Мозорларни зиёрат қилиш вақтида ундан орқасини ўгириб чиқмаслик, мозор ичига кираётганда, ўнг оёқ билан салом бериб кириш ва ўтганлар ҳақиқага бағишлаб дуои-фотиҳа тортиш, муқаддас жойга таҳорат билан келиш, маст ҳолатда зиёратга келмаслик, бақирмаслик, бировнинг дилига озор бермаслик, муқаддас жойда югурмаслик, дарахт ва ўсимликларини синдирмаслик, ундаги жонивор ва ҳашоротларни ўлдирмаслик, булоқларини ифлос қилмаслик сингари ахлоқий одатлар туфайли аҳолини қадимдан муқаддас жойларни зиёрат қилишда маълум бир ахлоқ меъёрларга амал қилишлари ва бу билан боғлиқ қарашлар ўз навбатида зиёратгоҳларни зиёрат қилиш борасидаги ўзига хос ахлоқ меъёрларини ишлаб чиқишига замин яратди.

Шу ўринда, фикримизнинг исботи тариқасида, Соҳибқирон Амир Темурнинг қуйидаги сўзларини келтириб ўтсак:

“Азиз авлиёлар, саҳобалар мақбараларини, қутлуқ қадамжоларини зиёрат этмоқни ҳам фарз, ҳам қарз билур эдим. Қайда бўлмай, зиёратгоҳлар олдида отдан тушиб, таҳорат олгач, яланг оёқ билан бориб, зиёратни ўринлатдим.

Аркону давлат, барча мулозимларим ҳам зиёратгоҳларни ана шундай тавоф этмоқни одат билишди”¹.

Муқаддас жойларни зиёрат қилиш одамларни ёмонликдан узоқ юришга, инсофли-диёнатли бўлишга, ўзидан фақат яхшилик қолдириш сингари ҳайрли ишларга чорлаган. Уларда тарбия – одоб-ахлоқ, ўзаро яқин дўстона муносабатлар, қариндош, ота-она ва

¹ Ака, Исмоил. Буюк Темур давлати. – Т.: “Чўлпон”, 1996. 156-б.

фарзандларининг ҳақ-ҳуқуқлари, меҳр-оқибат, ҳалоллик, адолат сингари инсоний қадриятларни улуғлашга ундаб келинган¹.

“Зиёрат” араб тилида бирор ерга ёки шахс ҳузурига бориш маъносини англатган². Ўзбек халқи турмуш тарзида зиёрат сўзининг замирида умид қилиш, енгил тортиш, дарддан халос бўлиш, савоб ишга қўл уриш тушунчаси ётади³. Шундай экан ўзбек халқи турмуш тарзида сақланиб қолинган урф-одатлар, миллий қадриятларнинг ўзига хос кўринишлари зиёратгоҳларда ўз ифодасини топади. “Зиёратингиз қабул бўлсин” деган иборада эса кишиларнинг ҳаётдаги эзгу орзу-умидларини рўёбга чиқиши ҳамда яхши истаклари ифодаланган.

Ватанимиз ҳудудида жойлашган Самарқанд, Бухоро, Қарши, Хива, Термиз, Тошкент, Қўқон, Марғилон сингари кўҳна шаҳарлар тарихи хусусида сўз юритилганда, улардаги мавжуд муқаддас зиёратгоҳларга алоҳида эътибор берилади. Чунки, муқаддас зиёратгоҳлар ўлкада юз берган воқеалар силсиласида ўзига хос ўрин тутибгина қолмай, маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи ва қарашларида муҳим аҳамият касб этиб келган.

Фарғона водийсида муқаддас зиёратгоҳларни халқ тилида “Мозор бува”, “Мозор ота” номи билан аталиши бу ерга улуғ авлиё кўмилганлигини англатувчи иборага айланди. Гарчанд асрлар давомида муқаддас зиёратгоҳларни зиёрат қилиш орқали кишилар турли

¹ Абдулахатов Н.У. Место паломничества в жизни населения Ферганской долины...С. 4

² Ислам энциклопедияси...93-б.

³ Маҳмуд Саттор. Ўзбек удумлари. Т., 1993. 185-б.

урф-одатлар ва маросимларини бажариб келган бўлсалар-да, бу ҳолат олимлар томонидан юртимиз мустақилликка эришгунга қадар етарли даражада тадқиқ этилмаган. Жуда кўп халқ зиёратгоҳлари эскилик сарқити, диний маросимларни бажариш воситаси дея, бузиб юборилган. Умуман эса, зиёрат қилиш ман этилган ҳолатларга ҳам гувоҳ бўлинган. Миллий ўзликни англаш, тарихий хотирани тиклашда, ёшларда аجدодлардан қолган меросга бўлган муҳаббатни зиёда этишда, миллий қадриятларимиздан саналмиш кўп асрлик тарихга эга анъанавий маросим ва урф-одатларни ўзида мужассам этган зиёратгоҳларни илмий ўрганишни нақадар муҳим ва зарур эканлигини кўрсатмоқда¹.

Кишилар яхши ишлар ва амаллар қилиб дунёдан ўтган хосиятли кишилардан айрилиш фироқига чидай олмай, уларнинг қабрлари ёнига келиб, дуои фотиҳа қилишган, иссиқ-совуқ об-ҳаво, қор, ёмғир таъсиридан бузилиб кетган қабрлар ўрнини қайта таъмирлаб, топишга осон қилиб қўйишган. Бир одамнинг ўзига яқин марҳум қабрини зиёрат қилиб кетиши, бошқаларга ҳам одатга айланиб борган. Бора-бора зиёрат қилиш мавсумий ёки доимий урф-одатга айланган.

Юртимиз тарихига оид кўплаб нодир ёзма манбаларни кўздан кечирганимизда, албатта, азиз-авлиёлар ва улар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар тўғрисидаги маълумотларга дуч келамиз. Зотан, ҳар бир муаррих мамлакатда содир бўлган воқеалар тафсилоти ва шаҳарлар тарихини баён этар экан, диққат-эътиборини шак-шубҳасиз, азиз-авлиёлар ва уларнинг

¹ Қаранг: Эралиев Б., Остонақулов И., Абдулахатов Н. Ўзбекистон зиёратгоҳлари ва қадамжолари. Фарғона вилояти. Биринчи китоб. – Т: "Turon Zamin Ziyu" нашриёти, 2014.

номи билан боғлиқ муқаддас мазорларга ҳам қаратади. Чунки, ҳукмдор сулолалар ва уларга тобеъ халқлар ҳаётида азиз-авлиёлар зиёратгоҳларининг ўрни муҳим ўрин тутганлиги сир эмас. Масалан, “Темур тузуклари”даги “Эрон ва Турондаги шайхларнинг мазорлари ва қабрлари учун ҳар бирига алоҳида номма-ном назру вақфлар ажратсинлар”¹, дейилган сўзлар фикримизнинг яққол ифодасидир.

¹ Темур тузуклари. –Т.: “Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси”, 1991. 97-б.

ХУЛОСА

Донишмандлар етти пуштини билмайдиган, аждод-авлодини танимайдиган кимсаларни манқурт дейдилар. Дарҳақиқат, улуғ адиб Чингиз Айтматовнинг “Асрга татиғулик кун” асаридаги манқурт ривояти эсингиздами? Ўзининг кимлигини унутган, аждодлари тарихидан беҳабар йигит ўзини излаб келган онасини ўлдиради. Бу ривоят замирида “Ўз халқи ўтмишини унутган, юрагида аждодлар ёди ўчган одам маънавий таназзулга, маънавий ўлимга маҳкумдир”, деган буюк ҳикмат бор. Улуғ мутафаккирлардан бири “Ўтмишни тўлиқроқ англаб бугунни тушунамиз, ўтмиш маъносига чуқурроқ тушунсак, келажак маъносини очамиз, орқага қараб олдинга қадам ташлаймиз”, деган эди. Чиндан ҳам, кишининг ўтмишига бўлган муносабати унинг келгуси тақдирини белгилашда муҳим аҳамиятга эгадир. Афсуски, бу ҳақиқатни баъзан кеч англаб етамиз.

Мазкур китобни ёзиш ғояси ҳам гарчанд бундан бир неча ўн йиллар аввал туғилган бўлса-да, собиқ иттифокнинг мудҳиш сиёсати туфайли амалга ошмай қолиб кетди. Бу вақт ичида Сармозор зиёратгоҳи тарихини яхши билган ва ўтмиш тарихини шоҳиди бўлган қанчадан қанча улуғларимиз қалбларида яшириб келган сўзларини айта олмай, алалоқибат, дунёдан кўз юмдилар. Йиллар ўтди. Ва ниҳоят, истиқлол туфайли ҳаёт муаллими бўлмиш тарих ҳақиқат сарварақларини оча бошлади. Билганимизнинг қайси бири сохта ва қайси бири рост эканлиги кўз олдимизда бирин-кетин маълум бўла бошлади. Энг ёмони, ўз тарихимизни билган яқинларимизни қадрига етмай, улардан муҳим

маълумотларни сўраб олмаганлигимиз туфайли кўпинча пушаймонлар ичида қолиб кетдик. Ахир ҳар куни улар билан ҳамсухбат бўлсак-да, лоақал бирон марта бўлса ҳам аждодлар тарихидан сўраб суриштириб кўрмай, ўтмишдан бизга сўз очганларида эса, эшитишни лозим кўрмадик. Сармозор зиёратгоҳи тарихини ёзиш чоғида ҳам шундай ҳолатга дуч келдик. Бинобарин, айрим мавҳумликларга аниқлик киритмоқчи бўлиб мурожаат қилсак, зиёратгоҳ тарихини яхши билган, уни маълум маънода тўлиқроқ айтиб бергувчилар энди орамизда йўқ...

Шундай бўлса-да, Марказий давлат архивидан олинган қўлёзма ҳужжатлар ва дала тадқиқотлари чоғида тўпланган маълумотларнинг зиёратгоҳ тарихи билан боғлиқларини ушбу китобимизда биринчи марта ҳавола этишга муяссар бўлдик.

Хуллас, мавзуни қай даражада уддаллай олдик, буёғи китобхонларнинг холис ҳукмига ҳавола.

“Шараф ус-садат” номли кўҳна қўлёзма манбада қуйидаги Ҳадиси шариф келтирилади: “Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳиси васаллам айтдиларки: “Менинг авлодларимнинг яхшиларини Аллоҳ таоло учун ва ёмонларини мен учун ҳурмат қилинглар”.

Китобни тартибга келтиришда, аввало Қуръони каримдан, ҳадиси шариф каби муборак манбаалардан, саййидзодалар шажараси ва тасаввуф пешволари силсиласидан ва бошқа асарлардан олинган маълумотлардан фойдаланилди. Бу ишда бизга яқиндан кўмакдош бўлишган Аъзамхон Бурҳонов, Муродхон Акрамов, Шаҳобиддин Аброров, Абдусалом (Саидахмад) Маърупов, Ҳабибулло Раҳматов, Жавоҳир

(Бузрукхон) Аброров, ва бошқа биродарларга муаллифлар ўзларининг чуқур миннатдорлигини билдиришади.

Ушбу китобда Ҳақ субҳону ва таолонинг суюкли расули, пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак аҳли байтларидан ва бошқа қавмлардан бўлган кўплаб азиз-авлиёлар, жумладан Эшон–Мир Абдурахимхожа–Сармозор азизлар келтирилгани боис, мазкурни ўқиганлар уларнинг руҳига Қуръон тиловат қилиб, бахшида қиладилар деган умидимиз бор.

САРМОЗОРЛИКЛАР

Ҳозир Қўштепа тумани Сармозор қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 4172 хонадонда 18.625 нафар фуқаро истиқомат қилади. Қишлоқ ҳудудида 4 та маҳалла мавжуд бўлиб, жумладан Сармозор маҳалла фуқаролар йиғинидаги 881 хонадонда 4.502 нафар аҳоли яшаб келмоқда.

Қишлоқнинг кўрки, меҳмонлар учун албатта бориб зиёрат қилинадиган маънавий обидаси, бир сўз билан айтганда, ўзига хос ташриф қоғози бу Сармозор азизлар мажмуасидир. Мир Абдурахимхожа эшон мақбараси, Сармозор жоме масжиди, масжидга қўшимча зарур бинолар ва маиший хизмат кўрсатиш хоналари ушбу мажмуани ташкил қилади.

Китобимизнинг олдинги бобларида эшон бобо ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ қўплаб маълумотларга, қўшимча зарур шарҳларга гувоҳ бўлдингиз. Сармозор жоме масжиди хонақоси ҳақида сўз юритадиган бўлсак, у тахминан 1850-1860 йилларда барпо этилгани ҳақидаги манбаалар бор. Хонақога қўшимча бино 1911 йили Домла бува бошчилигида халқ ҳашари йўли билан қурилган.

2005 йилдан бошлаб ҳашар йўли билан Муроджон Акромов, Султонали Ҳошимов, мутавалли Абдусаттор Ҳафизов, имом ноиби биргаликда масжидга уста Ҳосил Мўсинжон ўғли ва уста Мўминжон ҳожи дадалар яна бир қўшимча бинони, маиший хизмат кўрсатиш хоналари билан биргаликда, тиклаш ҳаракатини амалга оширдилар.

2007 йил баҳоридан бошлаб Мир Абдурахимхожа эшон бобо мақбараларида олиб борилган янги бунёдкорлик ишларига ҳам тўхталган эдик.

Сармозор жоме масжиди фаолиятида Рўзимухаммад хожи Каримовнин ҳам муносиб ўринлари бор. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг бир неча йил масжидга имом Рўзимухаммад хожи хатиблик қилган (уларни яратган Эгам ўз раҳматига олган бўлсин).

2010 йилда жоме масжиди имом хатиби Акрамжон Ҳасанов, ноиб имом Ҳайрулло Каримов, мутавалли Абдусалом Маърупов, шунингдек, Ўктамжон Аминжонов, Собирхон Тошпўлатов, Абдусалим Тўхтасинов, Муродил Дадахонов, Мирсиддиқ Маърупов, Раҳматжон Азизов, Асил Акбаров, Шамсиддин Собиров ва бошқа жонкуярлар, ҚФЙ раиси Алишер Азизов, МФЙ раиси Абдулазиз Усмоновлар мутасаддилигида, жоме хайъати ва умумий йиғилиши қарорига асосан, масжидга қўшимча таҳоратхона ва маиший хизмат учун хоналарни ҳашар йўли билан барпо этишди. Қурилиш ва ободончилик ишлар давом этмоқда.

Маҳаллада яшаган ва яшаётган Мир Абдурахимхожа авлодлари ҳамда уларнинг ҳамюртлари сафидан кўплаб фидойи инсонлар, жамоат ва давлат арбоблари, олимлар шунингдек эл-юртга хизмати сингган бошқа таниқли мутахассислар етишиб чиқди. Қуйида уларнинг айримлари ҳақида мухтасар маълумотларни бериб ўтарканмиз, уларни ёшларининг улуғлигига қараб тартиб билан жойлаштирганимизни таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Умаржон Турғунов (1903—1978) катта боболари каби деҳқончиликнинг пири, жонкуяр ташкилотчиси эди. У меҳнат фаолияти мобайнида бош ҳосилот, жамоа хўжалиги раиси, паррандачилик фабрикаси директори ва бошқа лавозимларда самарали иш олиб борган.

Мир Саййид Сиддик қори Мир Саййид Аъзам хожи ўғли эса (1905—1943) Мадрасадаги таълимдан сўнг мусулмон дунёси алломалари қолдирган илмий меросни чуқур ўргана бошлаб, ўз хулоса ва мулоҳазаларини қўлёзма тарзида қайд этиб, ёзиб борганлар.

Иккинчи жаҳон уруши бошланиши биланоқ Мир Саййид Сиддик қорини фронтнинг олдинги сафига жўнатишди. У оғир ва даҳшатли жангу-жадалларда иштирок этиб, 1943 йилда Курск шаҳри учун кечган шиддатли жангда ҳалок бўлади.

Сармозорга, маҳаллага қўлидан келганича меҳнати ва маблағини аямаган инсонлар ҳақида гап кетар экан, **Ҳошим Шамшиев (1909—1990)** каби оддий фидойи инсонларни эсламасликнинг иложи йўқ. У шунчаки тракторчи бўлган, нари борса, бригадирлик ҳам қилган, аммо ўзидан ёрқин хотира қолдириб кетганлиги шак-шубҳасиз.

Мирсаййиджалолхон Аброров (1912—1980) эса оддий ҳунарманд, яъни косиб эди. Кейинчалик замонавий касблардан механизаторликни ўрганиб, қалдирғоч механик ҳайдовчилардан бўлди. Умрининг сўнггида ўн йилдан ортиқ Сармозор жоме масжидини ободонлаштириш ишларига муносиб хисса қўшди. У киши билан тенгдош **Абдукарим Тўхтасинов (1912—1991)** отасидан қолган боғ билан бирга битта от-аравани қўшиб, жамоа хўжалигига аъзо бўлган. Ўша маҳалдаги собиқ шўролар тузуми сиёсати шунақа эди. Уйланганига ҳеч қанча бўлмай иккинчи жаҳон уруши фронтга сафарбар қилинди. Бир қанча жанговор орден-медаллар билан тақдирланган. 1942 йили оғир ярадор бўлиб, фронтдан она юртига ёруғ юз билан қайтди.

Усмонжон Тожибоев (1920—2002) Қўштепа тумани, жумладан Сармозор қишлоғидаги катта

ободончилик ишларида бош-қош бўлган. 37 йил турли жамоа хўжаликларида раис бўлиб ишлаганлиги, 10 нафар фарзандни олий маълумотли қилиб, турли жабҳаларда муваффақиятли фаолият юритишлари, кўплаб орден ва медаллар билан тақдирланиши бу инсоннинг ўзидан муносиб из қолдириб кетганлигидан далолатдир.

Миркомил Олимов (1925—1983) ҳам катта боболари сингари деҳқончилик ишларига бош-қош бўлишган. Жамоа хўжалигида бригада бошлиғи, ҳосилот ва раис бўлиб ишлаган. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси.

Саидкамол Аброров (1926—1989) Абдурахимхожа эшон домланинг авлодидан Аброр эшоннинг энг кенжа ўғли бўлади. Болалиги замоннинг қийинчилик йилларига тўғри келиб 17 ёшидан табелчилик қилган. Унинг “техниканинг пири” бўлганлигини, жумладан қишлоқда радиоузел ташкил қилганлигини кўпчилик эслаб юради.

Анвархон Маърупов (1932—1997) ўз касбини чин дилдан севган моҳир ва меҳрибон педагоглардан эди. Ёзёвон, Олтиариқ, ҳозирги Қўштепа туманларидаги Низомий номли 50-мактабда умрини охиригача ўқувчиларга физика, математика ва астрономия фанларидан сабоқ берган.

Набижон эшон Мулла Сайдалихон эшон ўғли (1933 йилда туғилган) маҳалланинг фаол аҳлларида бўлиб, нафақага чиққунга қадар асосан ҳисобчилик касби билан шуғулланган.

Олимхон Алихонов (1933—1992) каби моҳир ташкилотчини вилоятимизда танимаган одамнинг ўзи йўқ десак, муболаға бўлмас. Республикада хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими. У киши Қува, Ёзёвон, Бешариқ, кейинчалик ҳозирги Қўштепа

туманларида биринчи раҳбар лавозимида ишлаган, вилоятда ҳам ўн йилдан ортиқроқ юқори раҳбарлардан бири бўлган, бир неча бора мамлакат Олий Мажлиси ва Республика парламентиغا сайланган. Бундан ташқари Сармозор қишлоғига оталар чойхонаси қуриш, тиббиёт амбулаторияси барпо этиш, қишлоқни табиий газ билан таъминланишида жуда катта ҳисса қўшишган.

Турсунбой Йўлдошев (1940 йилда туғилган) 30 йилга яқин мактаб раҳбарлиги лавозимида ишлаган, Республика халқ таълими аълочиси.

Маҳалла фаолларидан яна бири **Муҳаммадjon Раҳимов (1945 йилда туғилган)** тиббиёт соҳасини танлади. Врач эпидемиолог сифатида яқин чорак аср туман санитария-эпидемиология станциясида бош ҳаким бўлиб ишлаганининг ўзи, қолаверса нафақага чиққанига ўн йилдан ортсада, яхши мутахассис сифатида қўйиб юборишмасдан врач эпидемиолог бўлиб ишлаётгани унинг қандай тиббиёт ходими эканлигини кўрсатиб турибди. Тиббиёт ходимларидан яна бири **Ғуломjon Солиевни (1941—2008)** алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Асли фельдшер мутахассиси бўлган ҳолда шаҳар шифохонаси, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида турли масъул вазифаларни бажарди. Нафақага чиққач эса Сармозор масжидида ҳужжатларни юритишда яқиндан кўмак берди.

Сармозор қишлоғидан бир қанча таниқли олимлар, фан ва таълим фидойилари етишиб чиққан. **Муҳаммад Ҳакимовнинг** фан чўққиларини эгаллаш борасидаги орзулари мамлакатимиз истиқлолга эришгач, рўёбга чиқди. У 1994 йили фан номзодлиги, 2001 йили фан докторлиги илмий даражаларини ёқлади. Бугунги кунда унинг 60дан ортиқ илмий асарлари ва мақолалари чоп этилган. Ҳозирда олим вилоятимиздаги энг нуфузли

олийгоҳлардан бири Фарғона давлат университети профессори лавозимида ишлаб келмоқда.

Ҳабибуллоҳон Сидиқов эса яқин чорак аср Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг физика кафедрасида катта ўқитувчи бўлиб ишлади. Ўн йилдан зиёд муддат мобайнида Қўштепа туманидаги 3-ва 37-умумий ўрта таълим мактабларида директорлик қилди.

Саидакрам Абдусамий ўғли қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, 20дан зиёд илмий мақолалар муаллифидир. У Фарғона давлат университети проректори, вилоят “Экосан” халқаро жамғармасининг раҳбар ўринбосари, Қўштепа туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиқ ўринбосари, кейин бошқарма бошлиғи, туман ҳокимининг биринчи ўринбосари, вилоят “Вўза уруғчилиги” бирлашмаси раиси, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи каби масъул лавозимларда ишлади. Ҳозирда Республика пахтачилиқ илмий тадқиқот институтида катта илмий ходим вазифасида ишлаб келмоқда.

Шунингдек, 14 ёшидан нафақага чиққунга қадар жамоа хўжалигида уста сувчи вазифасида меҳнат қилган **Одилхон Маърупов (1929-2006)** ҳамда **Аспар Рустамовдек (1910—1995)** тракторчи бўлиб ишлаган сиймоларни ҳам мазкур китобга киритмоқни лозим топдик. Айтиш керакки, Сармозорнинг Қўрғонча маҳалласида 1923 йилда таваллуд топган иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси **Раҳмонжон Ибрагимов** умргузаронлик қилиб келмоқда. Раҳмонжон ота ярим асрдан зиёд вақт мобайнида маориф тизимида фаолият меҳнат қилди. Бундан ташқари ўн беш йил давомида маҳалла оқсоқоли сифатида самарли меҳнат қилди.

Қодирхўжа Хўжахонов (1928-1991) ҳам салкам ярим асрлик умрини Марғилон шаҳри ва Фарғона

туманларидаги мактабларда ўқувчиларга таълим беришга бағишлади.

Шунингдек, бу қишлоқдан **Одилжон Раҳимов, Тўйчи Умаров, Азимжон Йўлдошев, Жаҳонгир Аброров** сингари эл-юрт тинчлиги йўлида кеча-кундуз камарбаста бўлган фидойи инсонларнинг номларини алоҳида тилга олиш керак. Бу инсонлар ўсиб келаётган ёш авлоднинг тарбиясида ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан намуна ва ибрат бўлишлари шубҳасиздир.

Аслида ёзишга, ибрат олишга, эъзозлашга лойиқ инсонлар Эшон бобо авлодлари ичида ҳам, Сармозор қишлоғи халқи ичида ҳам кўплаб топилади. Агар улардан кимларнидир келтира олмаган бўлсак, олдиндан узр сўраймиз. Ҳарқалай Сармозор тарихини ёзиш жараёнида бундай инсонларни беҳисоб учратганимизни эътироф этмоқчимиз.

МУНДАРИЖА

М у қ а д д и м а.....	3
Сармозор зиёратгоҳлари.....	8
Файзлар кони – Сармозор.....	19
Сармозор азизлари ҳақида ибратли ҳикоятлар.....	41
Сармозор ва Марғилон тарихи.....	52
Сармозор вақфлари.....	59
Сармозор азизлари ва сув келтирган валийлар.....	70
Сармозор ва Мирпўстин ота.....	88
Сармозор азизларининг шажараси ва силсиласи масаласи.....	91
Сармозорнинг ноёб ёдгорликлари.....	110
Сармозор азизларининг авлодлари.....	122
Сармозор ва Киргил азизлари.....	155
Сармозор зиёратгоҳи бугунги кунда.....	163
Сармозор ва зиёрат одоби ҳақида.....	165
Хулоса.....	181
Илова.....	184

Сармозор зиёратгоҳи / Н. Абдулаҳатов, С. Аброров, А.Тошқулов. –
Тошкент: БАҲОЗ, 2014. 192 б.

ISBN 978-9943-4357-6-6

УЎК: 008 (09) (575.121)
КБК 63.3(5Ў)

САРМОЗОР ЗИЁРАТГОҲИ

Муҳаррир	Б. Ботиров
Техник муҳаррир	Умид Раҳимов
Дизайнер	Баҳодир Тўхлиев
Саҳифаловчи	Бекзод Раҳматов

Нашриёт лицензияси: АІ №234, 11.02.2013.

Босишга рухсат этилди: 10.09.2014.

Офсет қоғози. Қоғоз бичими: 60x84 1/16.

Times гарнитураси. Офсет босма.

Ҳисоб нашриёти: 8. Шартли б.т: 12.

Адади 500 нусха. Буюртма № 33.

“БАҲОЗ” нашриётида нашрга тайёрланди
bayoz2010@yandex.ru

“БАҲОЗ” МЧЖ матбаа корхонасида чоп этилди.
100100, Тошкент. Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй.